


Ирода Абдулғазиз

АРЖУМАНД



Ушбу китоб
Отам Абдулмалик Мирза
Отам Фарида Нишотбой қўлидан

АРЖУМАНДА

Ирода Абдулғазиз

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2012

УДК: 7.07
ББК 85(5Ў)
А 15

А 15 **Абдуъазиз, Ирода**
Аржуманд / И.Абдуъазиз. – Т.: «Sharq», 2012. – 272 б.
ISBN 978-9943-00-803-8

УДК: 7.07
ББК 85(5Ў)

ISBN 978-9943-00-803-8

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош тахририяти, 2012
© Ирода Абдуъазиз, 2012

Отам Абдулғазиз Мирзомуҳаммад ўғли ва
Онам Фарида Нишонбой қизига
армуғон

140	Гуя узорлар қам	50
143	ҚОНАҚБАР ХАМДИ: «Сўйиқлима ҳоқати»	50
156	УЛМАС РАДУЛОВ: Қўлга элланон йўқонди-лу нийосах	51
164	АБДУЛҒАЗИЗ ПОМИЛОВ: Диллардан атрақлиқ	52
172	БАҒДАД ҚАТИБОВА: Устада	52
181	АБДУЛҒАЗИЗ АБДУРАҒИМОВ: «Қўлдан тиланган»	53
189	САИРА НАЗУҚОВА: Бахт қанда қилди	53
194	ЗАМРАТ ҚУБОНОВ: Қирқ ба қўлдан	54
201	СМИБЕК МАТҚОВ: «Қўлдан»	55
208	Қўлдан	55
212	ОТАНАЗИЗ ҚУБОНОВ: «Қўлдан»	56
228	Қўлдан	56
229	АБДУЛ ҚУБОНОВ: «Қўлдан»	56
236	УТҚУР ҚУБОНОВ: «Қўлдан»	57
242	СВЕТЛАНА ОҚТОНОВА: «Қўлдан»	57
250	«Қўлдан»	58
259	ҚОНАҚБАР ХАМДИ: «Қўлдан»	58
265	УЛМАС РАДУЛОВ: «Қўлдан»	59
273	ҚОНАҚБАР ХАМДИ: «Қўлдан»	59

МУНДАРИЖА

Муқаддима

ПАНЖГОҲ

- 12 Хазойин ул-мусиқий
- 23 Исми Усмон, элга машхур..
- 32 Мураббий
- 52 Дутор навоси
- 60 Умр йўли

НИГОРХОНА

- 68 Тоқтошнинг тоқ олами
- 74 ЖАВЛОН УМАРБЕКОВ. Бўёқсиз гаплар
- 84 ШАҲНОЗА МЎМИНОВА. Чиннининг чин оҳанги
- 87 ФАСИҲИДДИН ДАДАМУҲАМЕДОВ: «Зар қадрига заргар етади»
- 94 ЖАМОЛ УСМОНОВ. Мунаввар қалб мушоҳадаси
- 100 ИЛҲОМ ОСМОН. Бахт ёки рассом орзуси

ИЗДИҲОМ


- 108 ТАВАККАЛ ҚОДИРОВ. «Ҳар дилда мазорим қолур...»
- 119 Доирадан чиқмаган Қахрамон
- 126 НУРИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ. Яшаш санъати
- 133 МАТЛУБА ДАДАБОЕВА. Аёл(лик) хунари

УДК: 7.01
ББК: 65(59)

- 140 Гул узорлар қани
148 ҲОЖИАКБАР ҲАМИДОВ: «Сунъийликка тоқатим йўқ»
156 ЎЛМАС РАСУЛОВ. Кўзга айлансин кўнгил
164 АБДУҲОШИМ ИСМОИЛОВ. Дўпписи ерга тушмаган санъаткор
172 САНОБАР КАРИМОВА. Устазода
181 АБДУЛАҲАД АБДУРАШИДОВ: «Найнинг тилини биламан»
189 САЙЁРА НАЗИРОВА. Бахт ҳақида фалсафа
194 ЗАФАР ҚУРБОНБОЕВ. Қирқ ёш қабариклари
201 ОЧИЛБЕК МАТЧОНОВ: «Сувора – сўз эшитмак»



ОВОЗА

- 212 ОТАНАЗАР МАТЁҚУБОВ. Олимнинг аъмоли
222 НАСИБА ҚАМБАРОВА: «Тақдир экан, бу дунёдан ўтдим ёлғиз...»
229 АФЗАЛ РАФИҚОВ. Монолог
236 ЎТКИР СИДДИҚОВ. Конферансье
242 СВЕТЛАНА ОРТИҚОВА. Ўзбек қизи овози
250 «БУЛБУЛЧА»: Парвоз истаги
260 ЖЕНГИСБЕК ПИЯЗОВ. Басга «бис!»
265 УЛУФБЕК ҚОДИРОВ: «Ҳаётда актёрлик қилолмайман»



МУҚАДДИМА


Илк китоб. Ғалати бўларкан. Кун келиб, илмий тадқиқотларимни
китоб қиламан, деган бўлсам бордир. Лекин бу *opus*лар бор-йўғи
«булҳаваслиқ» эди – ўзим учун, кўнглим учун...
Илми музиқийнинг аспирантураю докторантураси ҳам бир бўлди,
газет-журнал, радио-ТВ деганларининг ғавғоси ҳам.
У томонда – таҳсили улум, бу томонда – лаҳву лаб.
*Dr. Iroda Dadadjanov*аси ким бўлди-ю, Ирода Абдульазизи
нимаси! Ақл бир ён-у, Кўнгили бирён.
Турфа бу ишим туфайли турфа кишига йўлиқдим.
Олиму ориф, ҳофизу ҳозиқ – хулласи, қай бир фазли билан
назарга тушган ёшу қари, эру аёл. Оламу Одамни тузатмоқ учун
нимадир қилган, қилаётган хослар.
Зотини билгим келди, атворидан маъни изладим уларнинг.
Яшаш учун равиш истадим, чамаси...
Ахийри, аржумандлар арзи ихлосига таслим бўлдим: хос
ҳангомлар «*Oriat-Dono*»да мазкур, «*Jannat Makon*»да мастур
бўлди. Аввал айтқучи, кейин ёзғучилик ҳавоси
(ёзуғимдан ўтинг!). Хомаи тақдир битган экан, ўша мажлислар
сарасидан китоб туздим: хоҳи муншаот денг, хоҳи қуллиёт.
Бир қур фикратим, ҳайрату ҳароратим ифодаси, ҳарна-да.
Бу издиҳомдан билганлар борича айш топарлар,
билмаганлар – ҳасби ҳолича.
Алқисса, аржумандим бўлинг!..





Наркотики менен үстүндө турган адамдын сүрөтү. Адамдын башы жана кайра кайтканын көрсөтүүчү сүрөттөр. Адамдын башы жана кайра кайтканын көрсөтүүчү сүрөттөр.

ПАНЖГОХ



ПАНЖГОХ

Мекеним ба-дым айтасын
Күмүш, алтын, бу-
Калам каттоо дей негизинин халкымыздын. Жүдө
Көңүлүмдү, бу-
Ошол мени аңгаз жакы маңырады, халкы
ПАНЖГОХ
Күмүш, алтын, бу-
Калам каттоо дей негизинин халкымыздын. Жүдө
Көңүлүмдү, бу-
Ошол мени аңгаз жакы маңырады, халкы
ПАНЖГОХ
Күмүш, алтын, бу-
Калам каттоо дей негизинин халкымыздын. Жүдө
Көңүлүмдү, бу-
Ошол мени аңгаз жакы маңырады, халкы



Хазойин ул-муסיқий

Буюкларнинг йўли ҳамиша
машаққатли бўлган.
Зеро, улар кўзлаган
олийшон мақсадлар
турғун муҳит, кемшик
тафаккур, сийқа
ақидаларни маҳв этган.
Академик Юнус Ражабий
миллат шаъни тариқида
яшаган шундоқ
улуғлардан эди.

Навосозу навобахш, мураббию раҳнамой. Пуркору чорахоҳ. Ганжи санойиъсини зиёну заволдан асраган хазинабон, ғамгусор аллома. Зайн ул-миллат сулоланинг пояси. Исми зоти – Юнус Ражабий.

Мазамматчилар унга «консерватор», «ўтмишпараст», «қотиб қолган дид ва майллар бандаси» дея айб тақади; улар наздида, Европанинг *полифоник* (кўп овозли) мусикаси олдида Шарқнинг *монодик* (якка овозли) мусикаси ғоят ғариб ва ноқис эди (*монодия* Шарқ бадиий тафаккурининг хос жиҳати эканини фаҳмласа эди улар!). Аммо «маъюб» чекинмади, иккиланмади: алам-ситамларни ичига ютиб, жонини аямай меҳнат қилаверди. Охир-оқибат, санъатимиз тақдирига тақдирини қўшди, умрини тикди. Санъатда ватан, ватанда санъат топди.

Юнус Ражабий фан ва маданият йўлида озмунча тер тўкди дейсизми? Халқ меросини ўзиники деб билди, уни севди, севдирди, ўрганди, ўргатди, тиклади, ривожлантирди, бойитди. Асрлар бўйи устоздан шоғирдга оғзаки равишда ўтиб келаётган тенгсиз давлатни сақлаб қолиш учун қад ростлади, бел боғлади. Тошкентда Мулла Тўйчию Шораҳим ҳофиздан, Самарқандда Ҳожи Абдулазиздан, Бухорода Ота Жалолу Ота Ғиёсу Домла Ҳалимдан, Фарғонада Содирхон ҳофизу Ҳамроқулқорию Эркақоридан, боринги, хоразмлик Сафо муганнию Шерозийдан мусикий дурдоналарни бир-бир йиғиб, қоғозга туширди, оҳорлади, нашр этди. Навоийнинг ижод хазинасидан бахра олди, бахраманд этди, шоирнинг буюк дostonлари асосида яратилган сахна асарларига куйлар басталади, ғазалиётини халқ оҳангларига солди, мақомларда пардалади.

«Минг саккиз юзу тўқсон еттинчи йили Тошкентда боғбон оиласида дунёга келдим. Новза даҳасида анча таноб еримиз, мол-ҳолимиз бўларди – отамнинг Ражаб қассоб дея ном чиқариши ҳам шундан. Жуда одамохун, меҳмондўст, қовушимли эди, Бешёғоч даҳасида уни танимайдиган киши топилмасди... Отам мени аввал эски мактабда, кейин мадрасада ўқитди. Ёшлигимдан классик адабиётга меҳр қўйдим».

Эртаю кеч чорбоғу чорваси билан овора Ражаб отадан меҳнатсеварлик, бағрикенглик, гўзаллик яратиш майли, Қуръон оятларию ибратли дostonларни хуш овозда ёд ўқийдиган Ойшабибидан қувваи ҳофиза, меҳр-мурувват Юнусвойга ирс ўтди.

Уларнинг боғи Тўйчи ҳофизниқига туташ, бу ерда эса Шораҳим, Шоқосим ва Шожалил ҳофизлар, Домла Ҳалим, Ҳожи Абдулазиз каби санъатсозлар меҳмон бўлиб туришарди. Кўшни боғдаги латиф мажлислар дастёр Юнусвойни шайдойи қилиб қўйди; бола от ёлини тахтага тортиб, «анув» санъаткорларга тақлидан «соз» чертишга ўз холича уннаб кетди... Ҳосилан, навраста кўнгилда нафосат чечаклари бўй таратиб қолди.

«Муסיқага болалигимдан жуда ҳавасманд эдим. Олти-етти ёшларда бўлсам керак, маҳалламизга андижонлик Мирза Қосим ҳофиз деган киши кўчиб келди. Шу устага муқаллид бўлиб, кўп нарса ўргандим. Иштиёқим астойдил эканини пайқаган акам бозордан бир дутор келтириб берди. Мирза Қосим ҳофиздан эшитган куйларимни шу дуторда машқ қила бошладим».

Мирза Қосим ҳофиз Юнусвойни ўзи билан тўй-хашамга, гаштли давраларга олиб юрадиган бўлди. Аста-секин ёш машшокнинг малакаси ошиб, «Чаманда гул», «Яллама ёрим», «Омон ёр», «Ажам»у «Эшвой»ларга қўли келишиб қолди. Шу тахлит болалик ҳаваси болиғлик мақсадига айланди.

«Ўша пайтларда акам Ризқи Ражабий яхишигина танбур чертар эди, дуторим билан ёнида жўрнавозлик қила бошладим. 1916 йилдан машҳур ҳофиз ва созанда Шораҳим Шоумаровга шогирд тушдим. Орада устоз Абдуқодир найчи Фарғонадан менга гаров най келтириб бердилар – у кишидан най илмини ўргандим. Кейин эса Мулла Тўйчи ҳофизга ҳамнафас бўлдим».

...XX аср бошларига келиб, Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг ривожланиши туфайли миллий мумтоз муסיқа – мақомларга муносабат янги босқичга кўтарилди. (Мулла Бекжон ва Матюсуф Харратовнинг «Хоразм муסיқий тарихчаси», Виктор Успенскийнинг «Шашмаком» нота тўплами ва «Ўзбекларнинг классик муסיқаси» маколasi, Абдурауф Фитратнинг «Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи» рисоласи айна шу даврда яратилган.) Чунончи, замонасининг атокли олими, йирик давлат ва жамоат арбоби Фитратнинг 20-йиллари Бухоро Халқ Социалистик Республикасининг маориф нозири вазифасидаги фаолияти муסיқий-маданий жараёнлар учун алоҳида аҳамиятли бўлди. Хусусан, давлат таълим тизимида шарқона йўналишдаги муסיқа ўқув муассасасининг ташкил этилиши ва бунга устоз санъаткорларнинг муаллим сифатида жалб қилиниши анъана йўлидаги созандаларни тарбиялаш борасида жиддий қадам эди.

Мирза Қосим, Мулла Тўйчию Шораҳим ҳофиз ҳамда Абдуқодир найчи қўлида муסיқий саводи равон бўлган Юнусвой 1919 йили Тошкентда очилган Туркистон халқ консерваториясига ўқишга кирди. Миллий чолғулар бўлимида дутор ва най созини камолга етказгач, 1923 йили Самарқанд педагогика билим юртида муסיқа ўқитувчиси сифатида иш фаолиятини бошлади. (Ўзбекистоннинг дастлабки пойтахти Самарқанд бўлгани боис санъат соҳасидаги биринчи ўқув муассасаси ҳам шу ерда очилган эди.) Орадан икки йил ўтиб, Халқ комиссарлиги топшириғи билан Самарқандда очилган биринчи Ўзбек муסיқали драма театрига муסיқий раҳбар этиб тайинланди. Бу

шаҳарда «Ҳожи Абдулазиз мактаби»ни яратган забардаст санъаткор билан танишуви, унинг ҳовлисида йиллаб бирга истиқомат қилиши Юнус Ражабий ҳаёту ижодида алоҳида нуфуз касб этди. Зеро, Ҳожи Абдулазиз (1852–1936) оммавий ашулалардан тортиб мақом йўлларини хонақойи айтимларгача пухта ўзлаштирган нуқтадон ҳофиз эди. Навжувон пайтлари (1880-йиллар) Шаҳрисабзга қатнаб, мақом устаси Ота Жалолдан сабоқ олган, хайру дуосига етишган эди (Бухоро амири Музаффархоннинг ёзги қароргоҳи Шаҳрисабзда бўлиб, Ота Жалол сарой созандаларининг бошлиғи бўлган).

«Концерт ёки бирор маросимдан қайтганимиздан кейин ҳаммамиз: Ҳожи бобо (Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов – муал.), акам (моҳир танбурчи ва бастакор Ризқи Ражабий – муал.) ва мен бир уйда тунардик. Ҳожи бобо ижро этган ашулалардан шунчалик таъсирланардимки, алламаҳалгача кўзимга уйқу келмас эди. Шундай кезлари хотирага сингитиш учун эшитганларимни хиргойи қилиб такрорлардим».

Кўхна ва бой мусиқий ганжина Юнус Ражабийнинг фикру зикрини камради, тинчини олди. Мақомпараст санъаткор энди Бухорога – Ота Жалол, Усто Шоди, Домла Ҳалим, Қори Камол, Қори Нажим, Абдусамад Беғижон каби донгдор мақомчилар маконига отланди. Шариф шаҳарда кунни тунга, тунни тонга улаб, санъатпешалардан билмаганларини ўрганди, билганларини тўлдирди.

1927 йили Тошкентда дастлабки оммавий радиостанциянинг ишга туширилиши Ўзбекистон маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Ҳукумат Юнус Ражабийни Тошкентга юбориб, зиммасига Радиоэшиттириш уйи қошида «Профессионал созанда ва хонандаларнинг биринчи миллий ансамбли»ни тузиш вазифасини юклади. Ташкилотчилик ва ташаббускорлик салоҳияти зўр санъаткор бу шарафли вазифа адосига жон-дили билан киришди. Шораҳим Шоумаров, Ризқи Ражабий, Имомжон Икромов, Мақсудхўжа Юсупов, Марям Алишаева каби ўзи яхши таниган-билган хонанда ва созандалардан иборат 12 кишилик даста тузди. Кейинроқ бадийий жамоага Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи Абдурахмон Умаров, Сафо Муганний сингари машҳур ҳофиз ва созандаларни жалб этди. Тез фурсатда турли жанрдаги ўзбек халқ куй-кўшиқлари, мақом йўллари радиоэфир орқали тингловчиларга тақдим этила бошлади.

Бақувват таркибнинг бадийий ҳамкорлигидан кўп ва хўп самара унди. Юнус Ражабий, бир томондан, республикадаги моҳир санъаткорларнинг профессионал даврасини яратган бўлса, иккинчи томондан, ақлию қалбида сақлаб юрган оҳанглари ансамбль таҳриридан ўтказиб сайқаллади, айни вақтда, нодир репертуарлар, ижро услубларини тадқиқ этиб, созу овоз маҳоратини такомиллаштирди. Мулла Тўйчи,

Эркакори, Домла Ҳалим, Абдулла тарок, Лутфихоним, Ҳалимахоним, Муҳиддин қори, Акбар қори, Беркинбой Файзиев, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқовнинг маҳорат «тегирмон»ида айланди.

Айни ўша йиллари мамлакатда сталинча миллий сиёсат авжига миниб, социалистик маданий қурилиш фаол босқичга ўтади. Мусиқа маданиятида «Дутордан – симфонияга», «кўшиқдан – операга» каби шиорлар остида янги – европача театр ва концерт ҳаётини жорий этиш ҳаракати бошланади. «Ўзбек мусиқа санъатини янада тиклаш» (1949) ҳамда «Ўзбекистон ССРда мусиқа санъатининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги (1951) қарорларда ўзбек мусиқаси «илғор» ва «қолоқ» йўналишларга тақсимланиб, мумтоз меросимизга «ўтмиш саркити» деган тамға босилади. Аммо янги мураккаб жараёнларнинг кўп асрлик мусиқий анъаналар аралашувисиз раванқ тополмаслиги аён эди. Бунинг устига, социалистик мусиқа маданияти қурилишида хизмат қилаётган санъаткорларнинг аксарияти ўтмишдаги «носоциалистик» муҳитда тарбия топган эди. Шу тариқа, мақом санъати расман қўллаб-қувватланмаса ҳам, концерт томошалари ва радиоэфирнинг бўлаликкина бўлагини ташкил этаберди. Юнус Ражабий раҳбарлигидаги ансамбль фаолияти шу жиҳатдан аҳамиятли бўлди.

1934 йили Тошкентда Олий мусиқа мактаби, икки йил ўтиб, консерватория фаолият бошлади. Мусиқанинг назарий азмойишини ҳам олай, деган ниятда Юнус Ражабий консерваторияга ўқишга кирди. Ижрочилигу мураббийликни бастакорлик билан боҳам юргизган санъаткор 1937 йили Москвада ўтказилган «Ўзбек адабиёти ва санъати ўнкунлиги»да симфоник оркестр учун халқ куйлари асосида яратилган уч қисмли «Сегоҳ ва Сегоҳ уфари» сюитаси билан қатнашди. Декада концертига созланилаётган паллада ансамбль аъзоларининг сони тўқсонга етган эди. Бу – жамоа ижрочилик маҳоратининг юксалишида муҳим босқич бўлди, айни вақтда, Ўзбекистон радиоси қошида Халқ чолғу оркестрининг тузилишига замин ҳозирлади.

Декададан кейин ансамблнинг Ўзбекистон бўйлаб гастроллари бошланиб кетди. Санъаткорлар дастаси 1939 йил ёзида 45 кун муддатда қуриб битказилган Катта Фарғона канали қурувчилари хузурида анча кунлар ижодий ҳашарда бўлди. Юнус Ражабий сермахсул меҳнатлари учун ўша йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» унвони билан тақдирланди.

Билармон санъаткор изланишдан тўхтамади. Ёшлигидан мусиқий бисотни синчиклаб ўрганиб, йиллар давомида Радиоқўмита қошидаги миллий ансамблни бошқариб келаётган арбоб, ажаб халқона таснифлар боғлаган оҳангсоз илмини зиёда этиш аزمи билан 1941 йилнинг

бошида Москвага отланди. Консерваториянинг малака ошириш махсус курсида Г. Литвинский, В. Виноградов, В. Беляев, В. Цуккерман каби фан даргаларидан таълим ола бошлади. Аммо тўсатдан бошланган уруш тахсилни барбод этиб, Ю. Ражабий Ўзбекистонга қайтди. Радио қошидаги ансамбль Ўзбек давлат филармонияси ихтиёрига ўтказилгани сабабли Янгийўл театрида мусиқа раҳбари сифатида ишга киришди. Ўша йиллари унинг серкирра фаолияти жуда баракали бўлди. Ўзбек мусикали драмасининг шаклланишига катта ҳисса қўшган бастакорнинг қатор сахна асарлари айни шу даврда яратилди. Илгари, Самарқанд театрида ишлаб юрган кезлари «Фарход ва Ширин» (Хуршид, 1922–25), «Лайли ва Мажнун» (Хуршид, 1926), «Рустам» (У. Исмоилов, 1933), «Аваз» (А. Хидоятлов, 1935), «Холисон» (Хамза, 1940) каби спектаклларга халқ ашулалари асосида куй басталаган ижодкор кейинчалик Б. Надеждин, Н. Миронов, Б. Зейдман, Д. Зокиров, Т. Содиков, С. Жалил каби профессионал композиторлар билан ҳамкорликда «Қасос» (А. Умарий, Уйғун, 1941), «Қўчқор Турдиев» (С. Абдулла, Чустий, 1942), «Муқанна» (Х. Олимжон, 1943), «Нодира» (С. Қосимов, Я. Маматхонов, 1942–43), «Ўғил уйлантириш» (Х. Фулом, 1964), «Навоий Астрободда» (И. Махсумов, 1968), «Зайнаб ва Омон» (Х. Олимжон ва Зулфия, 1958) сингари мусикали сахна асарлари дунёга келишида камарбаста бўлди.

Урушдан кейинги йилларда Юнус Ражабий Тошкент радиоси ҳузурида қайта ансамбль тузиб, фаол иш бошлади. Энди ансамблга мусиқа билим юрти ёхуд консерваторияни битирган профессионал ёшлар: Дони Зокиров, Набижон Ҳасанов, Комилжон Жабборов, Саиджон Калонов, Фанижон Тошматов, Фахриддин Содиков каби бастакорлар, истеъдодли созанда ва хонандалар кириб келади.

Таассуфки, 50-йилларнинг бошларига қадар ҳам «социалистик мусиқа маданияти» деганда, биринчи навбатда, полифоник асарлар тушунилар, халқ мумтоз мусикасининг бадиий қийматига нописандлик билан қараш тамойили таомилда эди. Иттифоқ компартия марказқўми ҳамда Ўзбекистон давлат бошқарувидагиларнинг кўрсатмаси билан мақомотга қарши уюштирилган «ҳужум»лар боис миллийлик ҳатто илмий изланишлар мавзуларига ҳам киритилмайдиган бўлди. Даҳшатлиси, мақомот (ва умуман, *унисон* асарлар) «қашшоқ мусиқа» дея таҳқирланиб, Ўзбекистон мусиқа ўқув юртлари таълим дастуридан буткул (!) олиб ташланди. Шу тариқа, Юнус Ражабий бошлиқ Халқ чолғу ансамбли 1952 йили «илғор санъат арбоблари» «ғамхўрлиги» сабаб тарқатиб юборилди. Эмишки, танбур, дутор, сато сингари кўҳна созларимиз замонавий талабларга жавоб бермайди, европача нота тизимида ёзилган асарларни ижро этишга ярамайди; улар янгратадиган

куйлар тор доирадаги феодал-хукмрон синфларнинг дидларига мос; бинобарин, анъанавий ўзбек чолғуларини зудлик билан реконструкция қилиб, европача йўналишдаги *полифоник* асарлар ижросига мослаштириш зарур...

Юнус Ражабий санъатимиз, маданиятимиз жонқуярлари сафида бу гумроҳликка барҳам бериш учун жон-жаҳди билан ишга киришди. Олдинда мусикий меросимизни илмий-амалий таҳлил қилиб, юзага чиқаришдек залворли вазифа турарди. Буни амалга ошириш учун *ихтисослашган* мусикашунослар билан бир қаторда *саводхон созандаю* хонанда, бастакорларни етиштириш лозим эди. Юнус Ражабий Виктор Успенский, Виктор Беляев каби ўзбек мусика маданиятига меҳр қўйган забардаст олимлар, Файзулла Кароматли, Исҳоқ Ражабов (Ризқи Ражабийнинг ўғли, ўзбек мусикий шарқшунослиғи фани асосчиларидан бири) сингари маслақдошлар билан ҳамкорликда миллий маданиятимизга нисбатан ёвқарашларнинг инкори учун амалан жавоб берди. Толибжон Содиков, Дони Зокиров, Дадаали Соаткулов, Фахриддин Содиков, Набижон Ҳасанов, Мухторжон Муртазоев, Ориф Қосимов, Рашид Ҳамроев, Комилжон Жабборов, Ғанижон Тошматов, Саиджон Калонов, Карим Мўминов, Турғун Каримов, Акбар Ҳайдаров, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Берта Давидова, Коммуна Исмоилова, Ориф Алимахсумов, Турғун Алиматов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Барно Исҳоқова, Назира Аҳмедова, Карим Зокиров, Саттор Ярашев, Орифхон Ҳотамов, Шоқосим Шожалилов, ака-ука Сўфихоновлар, Очилхон Отахонов, Шаҳодат Раҳимова, Фароғат Раҳматова, Толибжон Бадинов каби етук шогирдлар мумтоз меросдан, мақом йўлларида хабардор бўлиб етишди.

Ўзбекистонда мақом ижроларини тиклаш ва нотага олиш ишлари 50-йилларнинг охиридан Юнус Ражабий фаолияти билан боғлиқ равишда янгитдан авж олди (ўз вақтида Бухоро Шашмақомини нотага олишда профессор Абдурауф Фитрат ташаббус кўрсатиб, бу ишга йирик этнограф олим Виктор Успенскийни жалб қилган эди). Юнус Ражабийнинг зиммасида, бир тарафдан, мақомларнинг нота ёзувларини, иккинчи томондан эса, уларга мувофиқ овоз ёзувларини яратишдек зўр меҳнат турарди.

Юнус Ражабий халқ мусика бойликларини тўплаб, бошқатдан нотага ола бошлади. Бу хайрли ишнинг ҳосили ўлароқ, 1955–59-йиллар орасида «Ўзбек халқ мусикаси»нинг беш жилди (И. Акбаров таҳририда) босилиб чиқди. Унга мингга яқин турли жанрдаги ўзбек (шунингдек, бир қанча тожик, уйғур) куй ва ашулалари, Бухоро Шашмақоми, Фарғона-Тошкент мақом йўллари, катта ашулалар, Комилжон Жабборов, Набижон Ҳасанов, Саиджон Калонов,

Фахриддин Содиков, Тўхтасин Жалилов, Мухаммаджон Мирзаев каби бастакорларнинг асарлари киритилган эди. Алломанинг бу нашри В. Успенский ва, шунингдек, Б. Файзуллаев, Ш. Соҳибов, Ф. Шаҳобов тайёрлаган вариантлардан фарқ қиларди (Тожикистон радиоси қошида 1946 йили «Шашмақом» ансамблини ташкил этган Бобокул Файзуллаев Бухорода Фитрат асос солган Шарқ мусика мактабида таҳсил кўрган, кейинчалик Москва консерваториясининг махсус курсларида малака оширган Шоназар Соҳибов ва Фазлиддин Шаҳобовни Шашмақомни тиклаш учун Душанбега таклиф этганди). Мазкур уч устоз ўз хотирасидаги Шашмақомни нотага туширган эдилар (бу иш 1951–69-йиллари профессор В. Беляев таҳрири остида Москвада chop этилган). Юнус Ражабий қаламга олган туркумни эса Бухоро Шашмақомининг Фарғона–Тошкент ижрочилик услуби билан уйғунлашган варианты деб аташ мумкин. Бошқа муҳим жиҳати, янги Шашмақом асосан ўзбек классик шоирларининг шеърлари билан айтила бошлади. Сирасини айтганда, мақомларнинг анъанадаги матнларини бирданига алмаштириш ғоят қалтис иш эди. Аммо Юнус Ражабийнинг адабий-назмий диди, салоҳияти туфайли бу ислоҳот кушойиш топди.

Олдинда эса мушкулроқ марра турарди. Мақомни, биринчи навбатда, амалиётда – ижрода мухлисларга манзур қилиш керак эди. 1958 йили – мамлакатда маданий сиёсат андак юмшаган пайтга келиб, Юнус Ражабий Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш қўмитаси ҳузурида профессионал мақомчилар ансамблини тузди. Унинг олий мақсади Олти мақом туркумини тўлалигича радионинг Овоз фондига муҳрлаб қўйиш эди. Бу иш қоғозга туширилган нота ёзувларини амалда синаб кўриш учун ҳам айна муддао бўлди. Шу тариқа, яхлит илмий-амалий жараёнда нотага олинган мақом йўллари таҳрирдан ўтказилиб, олти китоб ҳолига келтирилди. Охир-оқибат, Мақом ансамбли билан бу китоб матнларига мос ижро ҳозирланиб, Шашмақомнинг 24 пластинкадан иборат тўлиқ аудиоёзуви яралди.

Ўзбекистон халқ артисти, Фанлар академиясининг ўзбек мусика маданияти тарихидаги *биринчи* ва *ягона* академиги, Хамза номидаги давлат мукофоти лауреати, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Юнус Ражабий истеъдоди, ғайрат ва матонати билан илму ижоднинг барча доволаридан чўчимай, иккиланмай, умид билан ўтди. Хокисор яшаган зот бир умр маънавий маҳзан йиғиб, ўзини, халқини давлатманд этди: санъатимиз кони ганжини очиб, авлодлар бойлигига айлантириб кетди. Тузган савту алҳони дилларга матлуб бўлди, жамоаси элларга марғуб бўлди.

Ражабийдан қолган ўн икки китобу ўн икки фарзанд аллома санъаткор номига боқийлик ва шараф бахш этмоқда. Таниқли мусиқий мухаррир ва телережиссёр Аҳмад Юнусов, Ўзбекистон халқ артисти Обид Юнусов, Ўзбекистон халқ хофизи Ҳасан Ражабий, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоҳир Ражабий сингари устозодалар санъат ва маданиятимиз йўлида содиқ. Эндиликда Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги Мақом ансамбли, Жиззах мусиқали драма ва комедия театри, Тошкентдаги мусиқа педагогика билим юрти ҳамда метро бекатларидан бири Юнус Ражабий номи билан юритилмоқда. Мақомдон аллома яшаб ижод этган хонадон (Тошкент шаҳри, Юнус Ражабий кўчаси, 20) 1997 йили Ўзбекистон Президенти Фармони билан Юнус Ражабий уй-музейига айлантирилди.

Замонлар ўтаверади, миллат ўсаверади. Закий намояндалар шахсияти, меҳнати билан халқ кўксини тоғ қилади. *Санъатимиз Отабеги (Ойбек), ўзбек мусиқа санъатининг Рустами достони (Уйғун), XX аср хонанда ва созандаларининг оқсоқоли, соз ва овоз мулкунинг байроқдори (В. Зоҳидов)* эътирофларига ҳаётлигидаёқ сазовор бўлган бу фидойи инсон ўзию ўзбеги, ўзбекона санъатига олтин ҳайкал тиклаб кетди.

...110 йил умр кўрган табаррук Ойшабиби ўғли Юнусвойни «Илоё, тугаб-битмас хазинага учрагин!» дея дуо қилар эди. Она дуоси ижобат бўлди.

2007

P.S.

Юнус Ражабий табиатан хушчақчак, хозиржавоб киши эди. У қатнашган даврада аския авжига чиқарди. Қуйида устоз санъаткор иштирокидаги завқли лавҳаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Сартарошхонада

Юнус Ражабий кундалик ишларини бир қоғозга рўйхат қилиб юрар, битган ишини қалам билан ўчириб қўядиган одати бор эди.

Бир куни уста юмушлар орасида сартарошхонага кириб келади. Паришонлик билан бўш курсига ўтиргач, сартарош ажабланиб сўрайди:

– Ҳа, Юнусвой ака, яна кепқолибсиз? Боя соч-соқолингизни олиб қўйган эдим-ку!

Ражабий дарров қўлидаги рўйхатга қарайди:

– Ие, шунақами?... Оббо, ўшанда «сартарошхона» деган жойини ўчириш эсдан чикибди-да!

Танбур

Юнус Ражабийнинг маҳалласида Хожимурод полвон деган бир аравакаш яшарди. У санъаткорни ўзига жуда яқин тутар, ҳадди сиғиб, ҳазил ҳам қилиб турарди. Бир куни устани қойил қолдираман деб танбур ясаб келди.

– Тўғриси айтгай, – деди Ражабий, – косаси чала ўйилган, шунинг учун оғир бўлиб қолган. Товушни ҳам тўлиқ бермайди... Катта тут дарахтидан бошқа коса ўйиш керак. Қопқоғи ҳам унча эмас, тутнинг майда тароқ тарашасидан янги қопқоқ ясаган маъқул. Дастаси милтиққа ўхшаб қолибди. Силлиқ ўрик шохидан даста уланиб, пардалари қалинроқ ичак ипидан бошқатдан боғланса, харраги билан қулоқлари ҳам бошқачароқ кертилиб, сарик сим тақилса борми, зўр танбур бўлади.

– Ие, тўхтанг-тўхтанг, Юнус ака, – деди Хожимурод полвон. – Ундан кўра, бунинг ҳеч нарсага ярамайди, деявермайсизми?

– Вой, нега ярамас экан? Бемалол данак чақса бўлади, – деди Ражабий қулиб.

Айри қидириб

Айни пишиқчилик пайти. Бундай кезлар Ражабийлар боғида юмуш қалашиб ётади – ҳаммаси Қумри опа зиммасида.

Уста эргалаб уйдан чиқаётиб, аёлига хил-хил иш буюриб кетарди: ўрик, олма, нок, шафтолининг пишганларини терасан, сабзи-пиёзни ўтоқ қиласан, шафтоли шохларига айри топиб қўясан...

Бир куни бокқа устанинг жияни Ҳалимахон меҳмон бўлиб келиб, ишга қўмилиб ётган келинойисига ачиниб кетади:

– Қумри келинойи, иш ўлгур ҳеч тамом бўлмайди, эзилиб кетдингиз-э! Юринг, биз ҳам одамларга ўхшаб, айланиб келамиз. Ўзим ҳам қачондан бери шаҳарга чиққаним йўқ. Паркларни томоша қиламиз, ҳайвонот боғига кирамиз, музқаймоқ еб, мазза қиламиз.

– Вой, Ҳалимахон, чиқолмайман. Бугун дадаси ўн хил иш буюриб кетганлар, ҳаммасига улгурмасам, балога қоламан. Айниқса, анави шафтоли шохларига айри топиб қўймасанг, меваларини қўтаролмай бугуноқ синиб тушади, деб қаттиқ тайинлаганлар-а!

– Қўрқманг, келинойи, сизга гап теккизмайман...

Хуллас, Қумри опа у деса, Ҳалимахон бу деб, охири кўндиради ва иккови шаҳар айлангани чиқади. Сайрдан чарчаб, музқаймоқ еб ўтиришаркан, Қумри опа:

– Хой, анави Радиокомитет биноси, шекилли! Ҳозир тоғангиз чиқиб қолсалар-а, – дейди юраги ўйнаб.

Зум ўтмай, хиёбондан уч-тўрт шериги билан масала талашиб Ражабий чиқиб қолса бўладими! Қумри опа, «Вой шўри-и-им!» дея дарахт панасига ўтиб олади. Халимахон, қўлида музқаймоқ, ўрнидан туриб, улар билан сўрашади. Юнус Ражабий саломга алик оларкан, шерикларидан ажралиб чиқиб, дейди:

– Худо кўтарсин сенларни! Боғда шунча иш турганда бу ерда нима бор?! Дарахтнинг орқасига ўтиб олган Қумримиди?

Халимахон ҳам унча-мунча одамга гап бермайдиганлардан эди, бўш келмади:

– Шафтолига айри кидириб юрибмиз, тоғажон!


«Чойпойлар»

Юнус Ражабий ховли тўридаги сўрида санъаткорлар даврасида соз чертиб, хониш қилаётган эди. Тўйда хизмат қилиб юрган йигитлардан бири келиб, қўли кўксига хол сўрайди:

– Уста, чой-пойлар борми?

– Ха... Хаммамиз чойпойлар қилиб ўтирибмиз, – дейди Ражабий, анчадан бери чой келтирилмаётганига ишора қилиб.





Исми Усмон, элга машхур...

Ирода Абдулвазиз. «Аржуманд»

Ўзбек миллий чолғуларини яшаш,
уларни такомиллаштириш ва
анъанавий йўлда безаш амалиётида
алоҳида услуб яратган ҳунарвар,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
санъат арбоби Уста Усмон Зуфаров
ва у асос солган сулоланинг ўзбек
халқ амалий санъатида ўз ўрни бор.

Сирасини айтганда,
Уста Усмоннинг ҳаёт ва ижод йўли
миллий мусиқа маданиятимиз
тарихининг нақшин бир
саҳифасидир.

*Ишлаган созларни кошнлар билан устоси шул,
Исми Усмон, элга машҳур, сурати зебоси шул.
Танбуру гижжак, дутор, чанг ҳам сато бунёд этур,
Кўп хунарманду сухандон, хушзеҳн доноси шул.*
Ёнфин Мирзо

Уста Усмон 1894 йили Тошкент шаҳрининг Кўкча даҳаси, Катта Ховуз маҳалласида Зуфар кўнчи оиласида дунёга келади. Аммо етти ёшга тўлар-тўлмас, отасидан етим қолади. Болалигидан зийрак ва қизиқувчан Усмон тенгқурлари билан ўйнаб юрар экан, шинавандалар даврасида завқ билан дутор чертаётган созандани кўриб, махлиё бўлиб қолади. Томорқадан ёғоч топиб, пичокда «дуторча» йўнишни бошлайди. Ўғлининг қизиқишини зимдан кузатиб юрган онаси Хошиябону уни Тошкентнинг Қашқар маҳалласидаги дурадгор ҳам созгар Уста Тошбой Султон ўғли хузурига олиб бориб, эти сизники, суяги бизники, деб шогирдликка топширади.

Ўша вақтларда шогирдларга икки босқичда таълим берилар эди. Биринчиси «машқи назарий» бўлиб, шогирд устанинг иш жараёни ва у қўллаётган асбоб-анжомларни ўрганиши лозим эди. Анъанага биноан, аксар усталар – шогирдларида қизиқиш уйғотиш ниятидами – қилаётган ишларини яширар ёки «бир учи»нигина кўрсатиб кўяр эди.

Ёш Усмон дастлаб устанинг хонадонида дастёрлик қилиб юрди: ховли супурди, мол-холга қаради, сув ташиди, бола бокди. У ёқ-бу ёққа ўтганида уста Тошбойнинг хунарига разм солар, ишлатилаётган асбобларни эслаб қолишга ҳаракат қиларди. Кўпинча устанинг ўзи, Усмон, чой дамлаб кел, дея устахонага чорлар ва боланинг кўз ўнгида ишга уннаб кетар, кези келганда, нима қилиб турибсан, бор, ишингни қил, деб ҳайдаб ҳам соларди. Усмон эса кўрганларини яхши эслаб қолар, устанинг хизматида бирор кунини беҳуда ўтказмас эди.

Иккинчи босқич «машқи амалий» бўлиб, шогирд устоз назорати остида асбоб-анжомлар билан ишлаб, жўнроқ амалларни мустақил бажарар ва бу ҳам узоқ йиллар давом этадиган таҳсил эди. Бироқ Усмонтой зехнли бўлгани учун бу поғонадан жадалгина ўтади. Устанинг қўлида кўрган асбоб-анжомларни секин-аста бисотга йиғиб, ўз кучи билан соз ясашга уннайди. Ниҳоят, ўзига маъқул келган бир иши – дуторини устасига тақдим этади. Бу вақтга келиб, Уста Тошбой кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолган эди. Тиришқок шогирди ясаган созни қўлига олган уста кўзи ёшланиб, барака топ, ўғлим,

энди дунёдан хотиржам кўз юмсам ҳам бўларкан, дейди ва ҳамма шогирдларини чорлаб, Усмонга оқ фотиҳа беради. Ўшанда Усмон ўн олтига тўлган эди.

Шу тарика ёш устанинг мустақил фаолияти бошланади. У ясаган чолғулар буюртмачиларга маъқул келиб, ўша вақтдаги номдор созандалар энди Уста Усмонга мурожаат қиладиган бўлади. Айниқса, чимкентлик машхур созанда Султонхон Хакимов ва унинг инилари билан танишувдан сўнг, дўстона мулоқотлар самараси ўлароқ, уста миллий созларга хос тембрларни пухта ўзлаштириб олади.

Уста Усмон аввалига Чорсу бозори ёнида, сўнгра Эски Жўвадаги Гулбозор маҳалласида созгарлик устахонасини очади. Мўъжазгина устахона жайдари бир маданий марказга айланади: бу ерда Тўйчи Хофиз, Юнус ва Ризки Ражабийлар, Усмон мошиначи, Хожи Абдулазиз каби замонасининг забардаст санъаткорлари, Мавлоно Камий, Хислат, Мискин каби атоқли шоирларнинг суҳбати кизигандан-қизийди.

1927 йилга қадар Уста Усмон якка хунармандчилик билан шуғулланади. Ўша йили Ўзбекистон радиоқўмитаси қошида Юнус Ражабий раҳбарлигида ташкил қилинган ансамбль учун катта гижжак, дутор ва танбурлар ясаб беради. Шундай қилиб, Ўзбекистон радиосининг илк фаолияти Уста Усмон ясаган созлар садоси билан бошланади.

Кейинчалик Уста Усмон турли артелларда фаолият юритади. 1934 йили у машхур мусикашунос Виктор Успенскийнинг таклифи билан Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтига келади. Реконструктор сифатида иш бошлаган Уста Усмон миллий созларнинг такомиллаштирилган ажойиб намуналарини яратади.

1936 йили Уста Усмон янги ташкил этилган Ўзбекистон давлат филармониясига ишга таклиф қилинади. Бош вазифа – 1937 йили Москвада ўтказилажак биринчи Ўзбек декадаси учун чолғулар ясаш эди.

1943 йили Уста Усмон «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» унвонига сазовор бўлади.

У 1956 йили нафақага чиқиб, умрининг охирига қадар ўз ховлисидаги кичик устахонасида хунари билан машғул бўлади. Бугунги кунда Уста яратган бежирим, жарангдор созлар дунёнинг турли чеккаларидаги музейларда сақланади.

Уста фаолияти давомида ўнлаб етук шогирдлар етиштирди. Хозирда ўша шогирдларнинг шогирдлари ҳам созгарлик билан машғул. Атоқли устанинг фарзандлари ва набиралари ҳам бу нафис санъатни қўлдан қўймай, Уста Усмон анъаналарини давом эттириб келмоқда.

...Шаҳримизнинг Уста Усмон номи билан юритилувчи кўчасидаги бурунги хонадонлардан бири. Йўлакдан кафтдеккина ховлига ўтишингиз билан эски аргимчоққа кўзингиз тушади. Бурчакда темир ўчоқ, бир чеккада текис тахланган саржинлар. Айвону тоқчалар, дераза рахлари ҳам хонаки гуллар билан тўла. Чор атрофдаги ўзбекона дўлварликдан яйраб турганингизда хонадон эгалари райҳон ҳиди тутган пастаккина супага таклиф қилади. Уста Усмон авлодлари билан манзиратлардан холи суҳбат кўр олади.

**Тўхтамурад Зуфаров,
ўғли, шарқшунос, филология фанлари номзоди:**

– Отамиз раҳматли ўрта бўй, қотмадан келган, тийрак кўзли, ширинсухан одам эдилар. У киши миллий урф-одатларимизни яхши билар, мусиқани чуқур ҳис қилар, соф ўзбек тилида, бағоят ёқимли талаффузда сўзлар эдилар. Шунинг учун бўлса керак, отамизнинг яқин дўстлари, мулла Усмон, дея мурожаат қилишарди. Одатда, отамиз бирор ишга кўл уришдан аввал уни пухта режалаштириб олар эдилар.

Мактабни битирганимдан сўнг отам менга, сен анча сабр-қаноатли, босиксан, ўқишга мойиллигинг бор, шунинг учун тахсилни давом эттирасан, токи Умаржон аканинг ўрни йўқолмасин (акам урушда ҳалок бўлган), уканг Муҳаммадсиддиқ анча барваста, ҳунар ўргансин, дедилар. Шундан сўнг Тошкент чет тиллар педагогика институтига ўқишга кирдим. Муҳаммадсиддиқ эса дурадгорлик ҳунарини мукамал эгаллади. Ҳозирги пайтда унинг олдида тушадиган уста йўқ: иши шу даражада тозаки, икки ёғочни рандалаб ёпиштирса, чокини топиб бўлмайди.

Мен эса ўқиш билан бирга отамнинг айрим юмушларига қарашардим. Баъзи пайтлари ўзлари ёнига чорлаб, ўғлим, мана бу ишни кўриб кўйсанг бўларди, дер эдилар. Отамдан олган билимларим созгарлик билан шуғулланишимда жуда фойда берди. Ҳозирда менинг ҳам баъзи ишларим музейлардан жой олган.

**Муҳаммадсиддиқ Зуфаров,
ўғли, созгар уста:**

– Мактабни битирганимдан кейин отамнинг тавсияси билан мебель артелида ишладим. Айти пайтда отамнинг ёнида созгарлик сирларини, иморат ишларини ҳам ўргандим.

Ўтган асрнинг эллагинчи йилларида Юнус Ражабий рахбарлигидаги мақом ансамбли тузилгач, шинавандалар орасида сато созига қизиқиш кучайиб кетди. Бунга отам 1936 йили ясаган ажойиб бир чолғу сабаб бўлди. Юнус Ражабий ансамбль таркибидаги созанда Турғун Алиматовга, Уста Усмон йигирма йилча бурун бир сато ясаган эдилар, шунини сўраб борсанг, сенга йўқ демайдилар, дейди. Хуллас, Турғун Алиматов отамдан созни олиб, радио ва телевидениеда чалиб чиққанларидан кейин унга талаб кучайиб кетди. Кейин мен ўша сатодан андоза олиб ишлай бошладим – санъаткорларга манзур бўлди.

Яна бир воқеа. Эллагинчи йилларда машҳур созанда Фахриддин Содиков бир чанг ясаб беришни отамиздан илтимос қиладилар. Отам бу ишга ниҳоятда жиддий ёндашиб, ажойиб чолғу ясайдилар ва у талабчан созандага жуда маъқул келади. Қарангки, ўша йилларда Тошкентда телемарказ қурилиб, ишга тушгач, рахбарлар Фахриддин Содиковдан бир чакирик бонги чалиб беришни сўрашади. Шу-шу, Ўзбекистон телевидениеси эфири Уста Усмон ясаган чанг ижросидаги «позивной» билан бошланадиган бўлди.

Етмишинчи йилларда Халқ хўжалиги институтига ўқишга кирдим. Маълум муддат савдо соҳасида ишлашимга тўғри келди, аммо бу тармок бегоналик қилиб, 1975 йили яна ота касбимга қайтдим. Саксонинчи йилларда «Усто» бирлашмаси очилди, шу ерга ишга кирдим. Бирлашма учун нақшинкор, музейбоп асбоблар ясаб берардим, комиссия кўриб, баҳолаб оларди. Аксарият харидорлар созандалар эмас, миллий санъатимизга ишқибоз кишилар эди – созларга коллекцион анжом сифатида қизиқиб, эксклюзив буюртмалар беришарди. Кейин-кейин бирлашма ривожланиб, ассоциацияга айланди. Шу ердан нафақага чиқдим. Ҳозирги кунда созгарлик билан шуғулланаётган ўғилларимга маслаҳатчиман.

Аброр Зуфаров,

набираси, мақомчи созанда ва хонанда:

– 1917 йилги инқилобдан кейин ўзбек мусиқаси, жумладан, миллий созларимиз қаттиқ танқидга учраган. Ўзбек мусиқасини катта сахналарда бу созлар билан мутлақо эшитиб бўлмайди, деган уйдирма гаплар тарқатилган. Бобом миллий маданиятимизга бундай беписанд қарашларни инкор қилганлар: катта ва айни пайтда жарангдор созлар ясаб, миллий чолғуларимиз исталган жойда чалинишга яроқли эканини исботлаганлар.

Кейинчалик Европа нота тизими асосида турли халқларнинг мусиқаларини чалиш учун ўзбек чолғуларини такомиллаштириш ва қайта яратиш керак, деган мантиқсиз бир ғоя ўртага ташланиб, буни амалга ошириш учун давлат миқёсида ҳаракат бошланган.

Ачинарлиси, ўзбек мусикасини йиллар давомида мукамал созлар билан таъминлаб келган Уста Усмон сингари захматкашлар бир чеккада қолиб, бу иш билан бошқа миллатга мансуб, мусикий анъаналаримиздан беҳабар кишилар шуғулланган. Оқибатда, ҳамма ёқ фабрикада конвейер йўли билан ишлаб чиқарилган сифатсиз чолғуларга тўлиб кетган.

**Анвар Зуфаров,
набираси, созгар уста:**

– Олий маълумотли иқтисодчиман, аммо фаолиятим ўз-ўзидан ота касбига йўналиб кетди. Хозирда бобомнинг хунарини отам, акаларим билан елкама-елка давом эттиряпмиз. Астойдил кизиқишимни қўриб, отам ишнинг асосий қисмини менга топшириб қўйганлар. Касбим тақозоси билан устоз санъаткорлар, уларнинг шогирдлари, қолаверса, эстрада хонандалари билан мулоқот қилиб тураман. Миллий мусикамизга қизиққан ёшларнинг сони ортиб бораётгани, уларнинг ғалати ғоялари, таклифлари мени кўп изланишларга ундайди. Замон талабига кўра, ҳамма нарса, шу қатори чолғулар ҳам ўзгариб бораверар экан. Дейлик, хозирда жонли концертлар кўпайиб қолгани туфайли чолғуларнинг акустикаси, ижро имкониятлари масаласи муҳим бўлиб қолди. Айни пайтда, ўрта ва олий мусика билим юртларида анъанавий мусика бўлимлари очилиб, миллий чолғуларимизга талаб ортапти.

Янгиликларга жуда қизиқаман. Бошқа халқларнинг чолғулари, замонавий созларни яшашга уриниб кўрдим: турк сози, араб уди, ноанъанавий шаклдаги ғижжак, катта хажмли дутор каби экспериментал чолғулар ишладим. Интернетда *кеманче* чолғусининг суратини кўриб қолиб, ҳеч қандай андозасиз ўхшатдим – харқалай, турк созандаси ишимни яхши баҳолади. Чолғуларим хали ўзим қадам босмаган юртларга ҳам етиб борди. Қўшни Тожикистон, Россия, Америка, Голландия, Франция мамлакатларида ўзбек созлари садо бериб турибди.

Олий маълумотли иқтисодчи сифатида айрим жараёнларни ўз номи билан аташга ҳақким бор, деб ўйлайман. Чорсудаги чолғулар сотиладиган расталар – комиссия дўкон. Воситачи дўкон бўлганидан кейин молни қабул қилиб олувчи ва сотувчиси мутахассис бўлиши керак. У ерда эса мутахассис йўқ. Нима олиб борсангиз, қабул қилишаверади, хоҳлаган нархда сотишади. Молнинг сифатига эса «уч» баҳони ҳам ўйлаб қўясиз. Чунки халқ орасида эътибор қозонган бирор устанинг ижод маҳсулини у ердан топа олмайсиз. Албатта, ўзимизнинг савдо дўкончамизни очиш нияти бор. Аммо савдо белгиси яратиб, уни давлат рўйхатидан ўтказиш анча ҳаракат ва ҳаражатни талаб қилади. Бу билан шуғулланадиган бўлсам, асосий ишим қолиб кетади.

Муҳаммадсиддик Зуфаров:

– Афсуски, халқимиз мусиқий асбобларни яхши фарқламайди. Чолғуларнинг тарихи у ёқда турсин, ҳатто номини ҳам билмайдиганлар кўп. Дуторниям, гижжакниям оти – «рубоб». Мен бир маҳаллар ГУМ, ЦУМнинг чолғулар сотиладиган бўлимларида ишлаганман. Болалар-ку майли, ота-оналари ҳам билишмасди қайси чолғу нималигини.

Соз ясаш дегани бир китоб ёзгандай ёки бир картина ишлагандай гап-да! Оддий бир ғўладан нафис чолғу пайдо бўлади. Ўзимнинг «асар»имдан ўзим мазза қилардим... Уйдагиларнинг эса юраги сиқилиб кетарди. Узоқ ишланарди-да! Бир йилда иккита чолғу битарди, холос. Ҳамма ишни – пармалаш, эговлаш, нақшлашни – қўлда бажарардим... Анвар ўғлим ҳозир кўп ишларни механикалаштириб, ишни тезлатиб юборди. Тозалайдиган, қирқадиган, арралайдиган асбоблари бор.

Ўриснинг пули вақтида битта дуторнинг баҳоси уч юз сўм эди. Ишлаган созимга бир қишлоқ харажат қилиб олардик. Бугун доллар билан ҳисобланыпти. Энг яхши дуторнинг баҳоси уч юз доллар, сато эса ундан қимматроқ. Ҳар ким ўзининг ҳамёнига қараб оляпти-да...

Тўхтамурод Зуфаров:

– Қайси миллатда чопиб ясаладиган асбоб бўлса, шу миллатнинг мусиқа маданияти қадимий ҳисобланар экан. Чунки чолғуларнинг энг қадимийси – бутун ёғочдан ўйиб ишлангани. Танбур, дутор, рубоб... Созларимизнинг деярли ҳаммаси ёғочдан чопиб ясалади. Биз кўп асрлик анъаналарни давом эттириб келяпмиз. Ишимиз бастакорнинг ишига ўхшайди. Бастакор бир куй яратмоқчи: мавзуни ўйлайди, қисм-қисм қилиб ёзади, ишлов беради. Биз ҳам аввал ёғоч танлаймиз, унга ишлов бериб, бўлакларни ясаймиз ва кейин уларни бирлаштириб бутун асар шаклига келтирамиз. Қизиғи шундаки, уста ҳам, бастакор ҳам асарининг қандай чиққанини сода синаб кўради. Бошқача қилиб айтганда, иккала санъаткорнинг ижод маҳсули ҳам дутор дастасида туташади. Мусиқа маданиятида чолғуларимизнинг иккита қаноти бор: зохирий ва ботиний. Бизнинг ишимиз – кўзга кўринадиган томони, зохири, чолғунинг ботинида эса «кўзга кўринмайдиган» мусиқа муҷассам.

**Муҳтабар Зуфарова,
келини, уй бекаси:**

– «Икки қанотли» таъбирини ўзимга ҳам тааллуқли деб биламан. Негаки, Зуфаровлар ва Алиматовлар хонадонлари аро икки санъатнинг туташувида бевосита иштироқим бор. Отам, атоқли созанда Турғун Алиматов шу хонадонга ёшлик пайтлариданоқ келиб-кетиб юрганлар.

Оила сохибларининг бағрикенг, халол, тўғрисўз экани, қолаверса, бўлажак умр йўлдошимнинг хунармандлиги отамга жуда маъкул бўлган. Усмон ота мени 14–15 ёшлик вақтимда кўриб қолиб, ўғлига, ўша қизни сенга олиб бераман, деб айтган эканлар. Ниятлари амалга ошиб, 1963 йили шу оиллага келин бўлиб тушдим.

Мана шу сўрининг ёнида бир туп олма бўлар эди. Тагидан ариқ оқиб ўтарди. Хар шохда олдинма-кетин хар хил олма битарди. Шунақа атиргул бор эдики, бир тупида уч хили гуллаб турарди. Хаммасини қайнотам раҳматли ўзлари пайванд қилгандилар. Бу ховли нақ жаннатнинг ўзи эди, умримда кўрмаган гулларни шу ерда кўрдим. Катта санъаткорлар тез-тез келиб туришарди. Кечагидай эсимда: Мукаррама опа Турғунбоева бир талай артисткалар билан кириб келганлар. Бир гул бор эди, бармоқ теккизилса, баргларини йиғиштириб, бутоғи билан ерга ётиб оларди. Хаммалари кизиқиб, бирма-бир бармоқ теккизиб кўришиб, бу қанақа гул деб сўрашганларида «Гули хаё» деб жавоб бергандилар қайнотам раҳматли.

У киши нафақат иморат устаси, соз устаси, қолаверса, қўлигул боғбон, гўзаллик шайдоси эдилар. Устахоналарининг ичида кичкина иссиқхоналари хам бўларди – хар хил хонаки гулларни экиб қўйган эдилар. Қишли-қировли кунларда ишдан чарчаган вақтлари гулхонада айланиб, завқланар эдилар.

Ён қўшнимиз бир воқеани айтиб бергани эсимда: «Янги йил кириб келаётган тун. Қор, совук, хамма уй-уйида, кўчада ҳеч ким йўқ. Бир маҳал деразам тақилляпти. Қарасам, Усмон амаким турибдилар. Парникларида чиройли гул очилибди-ю, ўшани тўнларининг орасига олиб, табриклагани кўтариб чиқибдилар – нақ Янги йил кирган вақтда!»

Қайнотам кўчамизни хам эринмасдан безатиб, йўлкаларнинг икки четига тошларни бўяб, териб қўядилар, орасида ранго-ранг гуллар очилиб турарди. Кўча эшигимизнинг ёнида бир туп ток ўсган эди. Шунини деразаларнинг атрофига гажак-гажак қилиб, айлантириб чиққан эдилар: ҳалигилардан бош-бош узумлар осилиб турарди. Тўйдан олдин «уй кўрар»га келган янгаларим бу зийнатларни кўриб, қойил қолишган. Онам раҳматли доим, доданглар доим шунақа ажойиб ишларни қиладилар, қандай қилиб вақт топаркинлар, дердилар. Уста Усмон бир эмас, бир неча инсоннинг умрини яшаганлар, деб айтаман. Мана, у киши қилиб кетган ишларнинг бир қисмини фарзандлар баҳоли қудрат давом эттиришяпти. Бўлиб берилган тақдирда хам, Уста Усмон битта ўзлари уддалаган ишларни хаммалари қила олишмайди. Чунки шунча нарсага бир одам ҳаётида улгуриши жуда қийин. Бунақа инсонлар камдан-кам дунёга келади.

Тўхтамурод Зуфаров:

– Булбул дарахтга эмас, пастак буталар орасига ин кўйиб, бола очади. Бир йили боғимиздаги гуллар орасига булбул тухум кўйибди. Полапонлар эндигина нина қанот бўлган маҳали кечаси мушук еб кетибди. Она булбулнинг чирқираётганини кўриб қолган отамиз аллақанча пайтгача эзилиб юрдилар. Ниҳоят, куш иккинчи марта бола очди. Бу гал отамиз булбул болалари учирма бўлгунича кечалари кўриқлаб чиқдилар...

Шундан кейин у киши танбур-даторларга гул ва булбул тасвирини ўйиб ишлайдиган бўлдилар. Чунки шарқона бадииятда *Гул* гўзаллик тимсоли бўлса, *Булбул* шу гўзалликни тараннум этувчидир. Уста Усмон датор-танбурларимизга ўйиб ишлаган нақшларнинг маъноси миллий чолғуларимиз ҳам инсон қалби гўзаллигининг куйчиси бўлсин, дегани эди.

Яна бир воқеа. Уста Усмон бозордан ўтиб бораётсалар, бир одам кўл учиди ясалган даторни баланд овозда мактаган кўйи харидор излаётган эмиш: «Кепқолинг, Уста Усмон ясаган даторни опқолинг!..» Отам хайрон бўлиб, узр, биродар, даторни ким ясаган дедингиз, деб сўрабдилар. Оббо, канақа бефахм одамсиз, буни Уста Усмон ўз кўли билан ясагани шундоқ кўриниб турибди-ку, деб дўк урибди. Отамиз устахонага келсалар, шоир Хислат билан Мавлоно Камий ўтиришган экан, бозордаги воқеани уларга сўзлаб берибдилар. Шунда улар, э-э, мулла Усмон, энди ясаган чолғуларингизга номингизни ёзиб қўймасангиз бўлмайди, дейишибди. Уста Усмон, мен халқ санъати анъаналарининг давомчисиман, холос, имзо қўйсам, халқнинг маънавий мулкини ўзимники қилиб олган бўламан-ку, дея норозилик билдирибдилар. Шоирлар ғазалнавислик ҳам неча асрлардан бери давом этиб келаётгани, шеърнинг мактабида муаллиф номи ёки тахаллусини айтиш анъанаси борлигини мисол қилишиб, устани «асар»ларига имзо қўйишга кўндиришган экан...

Созгарлик санъати нақадар камол топса, мусиқа маданиятимиз ҳам шу қадар юксалади. Инчунин, аслу насаб удумига содиқ авлодлар, меҳнатзада ҳунарварлар бор экан, кўҳна санъатимиз яна кўп замонлар кўнгилларда мунаққаш яшайверади.

2006




Мураббий



Фанийжон Тошматов мавзусини «ичкари»дан ёритиш истагида сўзни унинг муносиб ворислари – устазодаларга узатишни маъқул топдим. Бинобарин, атоқли санъаткор, доврўқли оилабошининг «ичу тоши», ҳаёту ижод тутуми ҳақида «Отангга раҳмат!» таҳсини билан сийланган зурриётлар лафзидан эшитинг.

Мухтасар

Ганижон Тошматов – мохир созанда ва бастакор, жонкуяр мураббий. Ўзбекистон халқ артисти. Созандаликни дастлаб отаси Тошмат Охун, акалари Мухаммадали, Каримшер ва Абдулладан, куй басталашни Тўхтасин Жалиловдан ўрганган. 1947–49 йиллар Тошкент консерваториясининг тайёрлов курсида ўқиган. Андижон (1932–34), Фарғона мусикали театрларида созанда ва мусика раҳбари (1934–39), Муқимий театри (1939–46), Ўзбекистон радиоқўмитаси халқ чолғу асбоблари оркестрида созанда-концертмейстер (1946–67) ва раҳбар (1949–53) бўлиб ишлаган. Ўзбекистон радиосида Уйғур ансамбли (1967–78), Ўзбек халқ этнографик ансамбли (1978–79), Дуторчи қизлар ансамблининг ташкилотчиси ва бадий раҳбари (1979–94), Мақом ансамбли (1987–88) бадий раҳбари бўлиб ишлаган, ўзбек мумтоз мусикаси ривожига катта ҳисса қўшган. Бастакорликни Фарғона театрида бошлаган. Унинг куйлари «Лайли ва Мажнун» (1935), «Фарход ва Ширин» (1936) каби спектаклларга киритилган. Кейинчалик композитор Борис Зейдман билан ҳамкорликда «Қари киз» (Туроб Тўла либреттоси) мусикали драмасини яратган. Ижодида ўзбек ва уйғур халқлари мусика мероси анъаналарини уйғунлаштириб, 400га яқин асар: ашула, қўшиқ, ялла ва чолғу куйларида ўзига хос қурама услуб яратишга муваффақ бўлган. «Истадим», «Эй, бегим», «Қаро зулфинг», «Кезарман» (Навоий), «Хай-хай, санам», «Ўлдиройин дермусан» (Машраб), «Менга номехрибон бўлди» (Хувайдо), «Дедимки» (Бедил) каби ашулалари халқ орасида машхур. Уйғур ансамбли учун куй ва қўшиқлар, уч қисмли вокал-ракс сюита яратган. Уйғур Ўн икки муқомини тиклашда фаол қатнашган. 1930-йиллардан Юсуфжон кизик, Жўраҳон Султонов қаторида аския жанрининг усталаридан бўлган. Ижролари Ўзбекистон телерадиокомпанияси мулкида муқим.



Мухтор Ганиев,
ўғли, таниқли тележурналист ва
публицист

Андоза

Танк взводларида командир аскарларга, худди мендек бажар, дея буйруқ беради. Отам ҳам фарзандлар тарбиясида ана шундай шахсий ибрат йўлини тутганди. У кишининг тарбия усулида ортиқча насиҳат, койишлар бўлмасди. Биз отага қараб, андоза олишимиз керак эди, холос. Ҳаммасини ўзимизга қўйиб берган, аммо онам орқали кўз-қулоқ бўлиб турар эди. Бирор қилиқ чиқарсак, онам дарров арз қиларди: «Ҳой, дадаси, мановингиз попирис чекапти!»

Якшанба эди... Томорқа чопаётувдик. Бир маҳал отам: «Кел, ўғлим, жиндай дам олайлик... Ҳалиги, сигаретингдан опчиқ, биттадан чекайлик», деб қолди. «Йў-ўқ, менда сигарет йў-ўқ, мен чекаймаман», дедим. «Ҳа, энди, опчиқовур... Беркитма, опчиқ, болам». Ноилож... опчиқдим. Чекилди. Кейин отам юмшоқ қилиб, шундай деди: «Ўғлим, жуда талаб бўлса, майли, чековур... Лекин ўзингга зарар».

Ўйлаб қарасам, мен бир ўсмир. Лекин отам нафсониятим билан ҳисоблашди. Шахсимни синдириб қўймасликка ҳаракат қилди. Биласизми, олти ўғилдан бирортасининг ҳам қадамини пойламасди, мактабига бориб, суриштириб-нетиб юрмасди. Бизга ишончи катта эди.

Уйимизда меҳмондорчилик кўп бўларди. Бир куни отам дўстларини кузатишга чиққан пайтдан фойдаланиб, ака-укалар бир «маишат» қилмоқчи бўлдик. Отам уйга қайтиб кирганида ичкиликдан мазамиз қочган эди. Шунда ҳам отам қаттиқ-қуруқ гапирмади: «Буёққа келинлар, болалар... Мана сервант, мана хоҳлаган ичкилик. Керак бўлса, ичинлар. Лекин уйда ичинлар. Кўчада маст-аласт бўлиб юрманлар...»

Бу масалаларда тазйиқ ёки тақиқни ҳис қилмаганимиз учунми, ҳеч биримизда алкогольга интилиш бўлмади. Ишонасизми, олти ўғилдан бирортамиз ҳатто пиво ҳам ичмаймиз.

Парда

Хар қанча эркинлик бўлса ҳам, оилада ота-бола муносабатлари «пардали» эди. Вояга етгунимизча отамиз билан тикка сўзлашиш, бирга ўтириш ва овқатланишга ҳаққимиз йўқ эди. (Уйимиздан одам оёғи узилмасди, лекин биз меҳмонлар даврасига яқинлашолмасдик.) Эслаб қарасам, отам ҳам опоғдадам келганида бирга ўтирарди-ю, кам гапирарди. Ўзимча тагига етдим: ота билан бола нима тўғрида ҳам гаплашсин? Отанинг савияси баланд, бола ғўр бўлса. Мен тўғрига ўтилман, ваколатларим бошқаларникидан ортиқроқ. Лекин шунда ҳам ўттиздан ўтибгина отам билан бемалолроқ гаплашадиган бўлдим. Ярим соатча фурсат ўртадаги «девор»ни йикитишга сарфланарди, кейин суҳбат кўр оларди. Тарихий, фалсафий, биографик мавзуларда анча мунозаралар қилардик. Отамнинг аксарият фикрлари тўғри бўлиб чиқарди. Хаётнинг иссиқ-совуғини кўп кўрган-да...

Ижод

Ўтган асрда Россияда Мусоргский, Балакирев, Бородин каби композиторларни бирлаштирган «Могучая Кучка» деган уюшма бўлган... Бу қудратли тўда рус халқ мусикасини кўкларга кўтарган. 60–70-йилларда мелодист бастакорлар Ўзбекистон радиосига уюшгани туфайли ўзбек халқ мусика санъатида ҳам юксалиш бўлди. Тасаввур қилинг: ўзбек халқ чолғулари оркестри. Дирижёрлик пультада Дони Зокиров – яхши фикжжакчи, композитор. Концертмейстер – Фанижон Тошматов, биринчи фикжжак. Жами 48 созанда, ичида забардаст бастакорлар: Комилжон Жабборов, Набижон Ҳасанов, Фахриддин Содиков, Саиджон Калонов, Орифхон Ҳотамов, Турғун Алиматов... Ҳаммаси дўст, бирга ишлайди, бирга овқатланади, тўйларга ҳам бирга юради. Ораларида соғлом ижодий мусобақа бор, бир-биридан ўтказиб, нимадир яратишга уринади. Кимдир Навоийнинг бирор шеърига куй басталаса, қолганлар ҳам ғазал қидириб қолади... Ўша пайтлари йикитиш эмас, юксалиш учун тортишилди. Натижада, юздан ортик дурдона асарлар яратилди, халқ мусика сармоёси ошди. Отамнинг «Истадим», «Кезарман», «Қаро зулфинг», «Гулжамол»ларини олинг... Булар санъатимиз, маданиятимизнинг мулки бўлиб қолди. Хали у киши басталаган куй-қўшиқларнинг ҳисобини ололганимизча йўқ...

Айтмоқчи, Ўзбекистон радиосида якканавоз куйни ҳам илк бор отам ижро этган. Бунгача радиода соло мусика бўлмаган. «Тонг отгунча» деб аталган бу куй эфирда 50 йил аввал фикжжакдан таралган эди.

Отам санъатга иштиёқи туфайли Озарбайжонда тўрт ойча туриб, армани фикжжакчидан сабоқ олган. Булбул Мамедов, Узеир Ҳожибеков, Шавкат Алиқперова, Рашид Бейбутов каби катта санъаткорлар билан кўришган, Озарбайжон радиоси оркестрида бирга куй ижро этишган, яқин маданий алмашувлар бўлган.

Фидойилик

Эсимда бор, отам Хоразмга экспедиция уюштирган. Кўчма студия – овоз ёзадиган махсус автобус «Топwagen» билан бориб, Маткарим хофиз, Шерозий, Хожихон Болтаев сингари буюк хофизлардан Хоразм мумтоз мусиқа меросини ёздириб келган. Бадий кенгаш пайтида Бухараева деган аёл сўз олиб, нега яна сарой мусикасини тарғиб қиляпсизлар, бизга феодал мусикаси эмас, илғор, замонавий мусиқа керак, деб гавғо кўтарган. Отам эса талашиб-тортишиб, охири, сўзини ўтказган. Бугун биз ана шундай фидойи кишилар заҳмати билан сақлаб қолинган кўпасрлик миллий меросимиздан бахрамандмиз.

Фанижон Тошматов ўн йил Уйғур ансамблини, кейинчалик Мақом ансамблини бошқарди, яхши хонандаю созандаларни жамлади. Сўнг дуторчи кизлар ансамблини ташкил этди. Жон койитиб меҳнат қилди. Қайси ижодий жамоада ишламасин, интизомни маҳкам ушлади. Валломати бўлса ҳам, интизомга риоя этмаса, бўшатворарди. Тўйга эпласанг бор, сени фалончи деб танитаётган, юзага чиқараётган шу ансамбль бўлади, жамоани хурмат қилиш керак, дерди.

Яхши овозлар бўлса, дарров изига тушарди, қўлидан тортиб олиб келиб, ансамблга жойларди. Очилхон Отахонов, Алижон Ҳасанов, Махмуджон Тожибоев, Бекназар Дўстмуродов, Замира Суюнова каби иқтидорли хонандаларни Тошкентга, пойтахтнинг профессионал мусикий ҳаётига жалб қилди. Дуторчи кизларнинг ўзидан қанчадан-қанча яхши кўшиқчилар чиқди...

Принцип

Отам жуда принципиал инсон эди. Ўз фикрида маҳкам турарди, ҳеч кимдан, ҳеч нимадан қўрқмасди. Тикка гапираверарди. Ўзбекистон радиосида бадий кенгаш бўляпти. Янги асар эшитиляпти, ҳамма билиб турибди – яхшимас, лекин ҳақиқатни гапирадиган мард йўқ. Шунақа кезлари Саиджон Калонов отамга қараб, Фанижон, ўзингиз бир нима деворинг, дейди. Биладики, отам чўрткесар. Асар тўмтоқ бўлса, йўқ, бу яхши чикмабди, олмаймиз, деб дангал айтаверади.

Авиация техникумида ўқирдим – Радиокомитетнинг ёнгинасида эди. Кўпинча ўқишдан чиқиб, отамнинг ишхонасига борардим, уйга бирга кетардик. Бир куни «худсовет»да бир хаваскор хонанда Фанижон Тошматовнинг «Кезарман»ини айтиб берди. Ижро ўхшамади, овоз йўқ. Комилжон Жабборов, энди... бу сизнинг нарсангиз, мулла Фанижон, ўзингиз бир ёқли қилинг, деди. Шунда отам:

– Хў-ў-ўп, ёмонмас, ёмонмас, ука... Сиз ҳаммомда ашула айтиб кўрганмисиз?

- Айтганман, айтганман, уста!
- Хўш, қалай чиққан?
- Жуда зўр, жаранглаб чиққан!
- Яхши... Ўша... хаммомга бориб айтовуринг, майлими, ука?..

Отам сўзга эҳтиёткор эди. Ашула матни бузилса, чидолмасди. Шоир ҳаёт бўлса, кенгашилар, классикларнинг сўзига «текканлар»га эса сичконнинг уйинг минг танга қилиб юборар эди. Ҳазални ўзгартирадиган бўлсанг, рухсатини марҳум муаллифнинг ўзидан сўраб келгин, дерди.

Радикализм

Айрим масалаларда отам жуда кескин эди. Саиджон Калонов, Ғанижон, даврни кўряпсиз, энди партияга кирмасангиз бўлмайди, партияга кириш, деганида, Калонпо (отам Саиджон Калоновни шундай деб чакирар эди), сизнинг партиангизга кирмайман, деб истехзо қиларди. Отамни коммунистик партияга киришга кўп даъват қилишган, лекин унамаган. Эрки бўғилишини хохламасди-да! Озод одам эди. «Лирик шеър эшитиб, лирик оҳанглар ижод этадиган, ижро этадиган одам – ижодкор. Ижодкор сиёсатдан холи бўлиши, кўнгилинг ишини қилиши керак. Артистдан қандай сиёсатчи чиқарди!» дерди. Умри давомида фақат ижод билан, ижод учун яшади. Кўнгили иши деб ҳаёт кечирди...

Совет даври. Мухташам саройда мамлакат аҳамиятига молик катта концерт ташкил қилинган. Бунда Дуторчи қизлар ансамбли «Дилхирож»ни айтади, «Баҳор»нинг қизлари рақсга тушади. «Генеральный прогон». Марказқўмдан бир аёл келган. Ашуланинг «Раҳм қил, давлатли султоним, мурувват чоғидур-ай, вой ёр-ай...» деган жойига келганда, ҳалиги аёл шартта туриб, «Бўлди, бўлди, тўхтатинглар, бунақаси кетмайди! Султонлар даври ўтиб кетган! Олиб ташланг бу кўшиқни», дейди. Шунда Ғанижон Тошматов сахнага кўтарилиб, артистларга «Қани, хамма, турсин, кетдик, бу ерда бизни тушунадиган одам йўқ экан. Санъатни тушунишмади», деб шахт билан чиқиб кета бошлайди. Аёл караса, дуторчилар ҳам, «Баҳор» ҳам чиқиб кетяпти. Аслида, Ғанижон Тошматов бу ҳаракати учун ишдан ҳайдалиши мумкин эди. Лекин уста пинагини ҳам бузмай кетаверди.

- Ғанижон ака, тўхтанг, тўхтанг!
- Ғанижон Тошматов аёлга қараб, каттиқ-каттиқ гапирди:
- Суюклисини султоним деяпти, ахир!
- Хўп, хўп, уста, сиз айтгандек бўлсин. Фақат артистларингизни кайтаринг.

Шу тариқа «Дилхирож» қатағондан сақлаб қолинган эди.

Мураббий

Ҳарф таний бошлаганимда отам менга Ҳераклинг жасоратлари ҳақидаги китобни совға қилган. Кейинроқ «Одиссея»ни келтириб берди. Нима учун мени юнон тарихига қизиқтирди, ҳалигача тушунмайман... «Дарсликларингга бадиий адабиётни ҳам қўшиб ўқигин. Миср тарихини ўқияпсанми, фиръавнлар ҳақида ҳам ўқи. Адабиётини билсанг, ички дунёсига кирасан, фикринг кенгаяди», дерди. Ўзи мумтоз адабиётни яхши биларди, Навоий, Бобур, Огаҳий, Муқимийни яхши кўрарди, шеърларини ёд ўқирди. Хайратланарди, таъсирланарди... Зехни ниҳоятда баланд эди.

Кўпчилик, Тошкентда туғилгансиз-у, шевангиз водийча, деб хайрон бўлади. Отамнинг отаси уйғур, онаси тожик эди. Қаранг, қандай конгломерат! Отам марғилонча, соф адабий тилда гапирарди, уйғурчаси ҳам чиройли эди. Ўғиллар рус мактабида ўқиганимиз учун ўртокларимиз, ўқитувчиларимиз билан рус тилида гаплашардик. Оилада эса фақат ота-онамиздан эшитган тилда сўзлашардик. Шунинг учун шевамиз соф сақланган.

Дам олиш кунлари отам, юринглар, йигитлар, бир дачани айланиб келамиз, дерди. Бу дегани кетмон, белкурак, ўроқ – кўчат экиш, ўт ўриш, теша чопиқ дегани эди... Мансурнинг аллергияси бор, бундай ишларга жуда тоқатсиз эди. «Дачага!» дейилса, ҳаммамиз безиллаб турардик. Энди билсам, отам шу тарика бошимизни қовуштириб, меҳнатда тоблаган экан.

Юлдуз

Отам жуда тараккийпарвар, янгиликка интилувчан эди. Автомобиль, магнитофон, радиоприёмник, телевизор – янги чиққан техника борки, маҳаллада биринчи бўлиб бизниқига кириб келган. Ўзбекистонлик сайёҳ сифатида Европага ҳам биринчилардан бўлиб чиққан. 1957 йили ТУ-104 самолёти билан Парижга, ундан Брюсселга борган, Жаҳон кўрғазмасини томоша қилган. Ханжар коллекция қиларди – кўрғазмадан «Reims» пичоқларини олиб келган. Уйда яктак-чопонда юрар, белбоғида доим дандон сопли пичоқ бўларди. Қорасувнинг пичоғини яхши кўрарди.

Кийимни яраштириб, дид билан киярди, гардеробида ҳар хил тусдаги ўн-ўн иккита костюми илиғлик турарди. Европача галстук, чарм плашч, дублёнка каби «янгича» энгил-бошни ҳам ҳамкасблари орасида биринчи бўлиб кийганди. Бирор жойга кириб борса, маданият намояндасидек қарши олинарди.

Яна бир кирраси – чиройли рақс тушарди. Водийнинг хофизлари, айниқса, Эргаш Йўлдошев «Тановар»ни айтса, илхоми жўшиб, ўртага чиқарди. Баланд бўйли, қомаги тик эмасми, қўлларини ёзиб, эркакча савлат тўкиб ўйнарди.

Овни ҳам яхши кўрарди, «Zimson» деган иккита ов милтиғи бор эди, хафсала билан ўқларди. Ов итларини олиб, оғайнилари билан қирғовул овига чикарди. Гўштни тилимлаб, тузлаб кўярди. Овқатни ҳам чиройли қиларди. Ярим кило гуруч кетадиган декчаси бўларди. Кўзоннинг чўнғара гуручию сур гўшдан солиб, ҳар куни соат 15.00га ош дамларди. Мухторвой, ош бўпқолди, деб менга сим қоқарди. Ишимдан ортган пайтларим етиб келардим, келолмай қолган пайтларим ҳам кўп бўларди. Энди армон қиламан...

Янги давр

Конфуцийнинг ёмон қарғиши бор: «Эврилишлар даврида яшагин!» Умримнинг етук палласи ўзгаришлар даврига тўғри келиб қолди. Бошқа муҳитда вояга етдик, бошқа идеаллар билан шаклландик. Хозир эса янгича давр, асл кадриятлар юз очяпти. Аммо ҳар қанча интилганим билан вақт бой берилган... Шунга доғдаман... Гоҳида алам қилади, нега мен мусиқачи бўлмадим, балки отамдан ўтармидим, деб ўйлаб қоламан. Аммо... Эҳ-хе-е! У кишининг даражасига етишга йўл бўлсин бизга! Умри давомида бажарган ишларини айтиб, адо қилиб бўлмайди. Яхши созанда, хонанда, бастакор, зукко сўз устаси, оқил раҳбар, ибратли оилабоши... Отамиз ҳар жихатдан баракали одам эди. Фанижон Тошматовнинг юздан бир сифатини юқтирган бўлсак ҳам катта гап...



Мухсин Ганиев,
ўғли, фалсафа фанлари номзоди

Тўлақонли умр

Ганижон Тошматов мохир созанда ва бастакор, «кураги ерга тегмаган» аскиячи, иқтидорли ташкилотчи ва раҳбар, одамохун инсон, садоқатли дўст эди. Отам тўлақонли умр кечирган, кўп вақтини меҳнатда ўтказган. Лекин ишдан ортган кезларини ҳам қизиқ яшай билган. Шунинг учун ҳам отамнинг ҳаёти саргузашт ва хангомаларга тўла, завқли бўлган.

Ганижон Тошматов ўзининг бой тажрибаси, кенг ва чуқур билимини ҳеч кимдан аямасди, ҳаммага улашарди. Буни қадрлаган ҳамкасбларию шогирдлари санъат устасининг билгисидан унумли фойдаланиб қолдилар. Отамни кўрган-билганлар у кишининг меҳнатсеварлигию донишмандлиги ҳақида кўп сўзлайдилар. Таниқли композитор, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Фарход Олимов фахр билан «Омадимни қарангки, мен Ганижон ака билан оркестрда битта пулт (нота қўйиладиган мослама) олдида ўтирганман... Устадан созандалик, хулқ-атвор, муомала, одамлар билан муносабат борасида ҳам кўп таълим олганман», дейди.

Хайрихоҳлик

Отам чехраси очик, истарали, дилкаш одам эди. Хушчақчақ ва хозиржавоблиги, гапни топиб-топиб гапиргани учун ҳам атрофидан одам аримасди. Бирор масалада ёрдам сўраб келган киши дадамнинг олдидан яхши кайфият билан, кўнгилдаги дардидан фориг бўлиб кетар эди.

Дўсту биродарлари узокдан кўра солиб, э-э, Ганижон ака, бормисиз, деб қучоқ очиб пешвоз чиқарди. Дадам ҳар кимнинг ўзига муносиб ханда топар, ўтган-кетган одамлар ҳам нозик сўз ўйинларига маҳлиё бўлиб, йўлида тўхтаб қоларди.

Отам ҳеч бир муурожаатни жавобсиз қолдирмасди. Қизиғи шундаки, мутлақо нотаниш одамлар ҳам ҳузурига келиб чаққаклашаверарди.

– Узр, сиз ўша таниқли созандаю бастакор, зўр аскиячи Фанижон Тошматов бўласиз-а? Мен сизни дарров танидим...

– Раҳмат, биродар... Хўп, менга нима хизматлари бор?

Қора тортиб келган одам илтимосини айтарди, дадам унинг оғирини енгиллатишга уннарди. Баъзилар эса шундай – мухлис сифатида келар, дадамни гапга солиб ҳузур қиларди. У киши суҳбатдоши ким бўлишидан қатъи назар, зинҳор кўнглини оғритмасди, ҳузуридан ҳеч кимни норизо жўнатмасди.

Оқибат

Тасаввуримда Тошкенти азимда ҳамма дадамни биладигандек эди. Аслида ҳам шундай, дадам жуда кўпчиликка яхшилик қилган. Қолаверса, телевидение ва радио, концерт заллари, тўй-хашамлар ва халқ сайилларида созанда ва аскиячи сифатида тез-тез қатнашиб турарди. Хушфеъллиги, аскияга ўткирлиги, хозиржавоблиги боис давраларнинг «гул»и эди – улфатлари дадамсиз йиғилмасди. Ошпазликда ҳам тенги йўқ эди. Ҳақиқатан ҳам, истеъдодли киши, хар соҳада мохир. Фанижон Тошматов хонадонидида бир марта меҳмон бўлган киши мезбоннинг ширин сўзи ва лаззатли таомларига бир умр орзуманд бўлиб қоларди...

Отамнинг оқибатли дўстлари кўп бўлган. Яхши-ёмон кунларида доим бир-бирига елкадош эдилар. Оғайнилар турли совға-салом билан бир-бирининг кўнглини овлашга ҳаракат қилишарди. Муносабатлар гаштли, жуда завқли бўларди. Масалан, дадамнинг дўстлари тўй баҳона ховлимизга қўй етаклаб келса, даврада дарров «қўй» пайрови бошланарди.

Таниқли созанда ва бастакор, Ўзбекистон халқ артисти Набижон Ҳасанов дадамнинг овга иштиёқини билиб, ов ити совға қилганди. Бироқ бу жонивор овга чиқиш ўрнига уйни қўриқларди. Итнинг дастидан бирорта мушук ё парранда ховлига киролмасди. Кейинчалик бу воқеа ҳам дадам ва дўстлари учун аския мавзусига айланиб кетган эди.

Енгилмас

Отамни аскияда «қураги ерга тегмаган» дедим. Ҳақиқатан ҳам, оғайнилари, ҳамкасблари Фанижон Тошматов панд еб қолганини сира кўрган эмас. Шунинг учун ҳам, қани, вазиятдан қандоқ чиқаркин, деб турли «қирдикор»лар ўйлаб топар эдилар. Отам эса хар гал қутилмаган зарба билан фитначиларни ер тишлатарди.

Бир куни илгариги Пушкин номидаги истирохат боғида Ўзбекистон халқ хофизи Маъмуржон Узоқов ва мохир созанда, Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммаджон Мирзаев пешонасидаги татуировкани қандай йўқотишни билмай хуноб бўлиб юрган одамни пайқаб, шумлик бошлашади. Ўша одам эшитадиган қилиб, Фанижон Тошматов ҳар қандай доғу қашқаларни йўқота олади, деб шивирлаб қўйишади. Буни эшитган ҳалиги киши қувониб кетиб, Маъмуржон акадан Фанижон Тошматовнинг уй манзилини суриштиради. Ҳазилкаш санъаткорларга айнан шу керак бўлгани учун дарҳол ховлимизни тушунтириб юборишади. Татуировкали киши ўша заҳоти йўлга тушади.

– Ассалому алайкум, Фанижон Тошматов сиз бўласизми?

– Ваалайкум ассалом. Ҳа, мен. Келсинлар, келсинлар. Хўш, нима хизмат?

– Маъмуржон ака, Муҳаммаджон акалардан пешонамдаги ёзувни йўқота оласиз, деб эшитдим. Ёрдам берсангиз...

– Ҳа, шундай. Йўқота оламан.

Отам дўстларининг фитнасини пайқаб, тандирнинг тагида ётган тешани сопидан чиқазиб, оловга ташлайди. Сўнг бориб дарвозага қулф солади. Ҳалиги киши саросимага тушиб, «Нима қилмоқчисиз, уста?» деса, дадам «Нима қилардим, теша обдон қизисин, кейин пешонангизга босамиз», дейди.

Пешонаси татуировкали кишининг жони халқумига келиб, девор оша қочади. Ҳисоб-китоб қилгани Маъмуржон Узоқов ва Муҳаммаджон Мирзаевни қидириб кетади. Воқеадан хабар топган санъаткорлар «Оббо, Фанижон ака-ей, шунга ҳам гап топиб берибди-я!» деб кула-кула, отамнинг топқирлигига тан берган экан...

Илтифот

Баъзида аскияга нўноқроқ одамлар ҳам ҳаддини билмай, дадамга «тош отиб» қоларди. Отам эса уларни аяб, енгилроқ жавоб қиларди. Гап ташлаган одам иззатини билса, хўп-хўп, билмаса, таъзирини ер эди.

Институтларнинг бирида Дуторчи қизлар ансамбли билан учрашув бўлади-ю, кўшиқ ва рақслар орасида аския бошланиб қолади. Институт раҳбари ўз кўнглида қизиқчилик қилмоқчи бўлиб, «Фанижон ака, қизларингиздан бирини бизга ташлаб кетинг», деб гап қистиради. Отам институт ичида бу одамнинг обрўсини тўкмаслик учун енгилроқ жавоб қайтаради. Иззатини билмаган киши эса ҳалиги гапини яна қайтаради. Отам яна уни аяб, енгил ҳазил билан кифояланади. Ректор учинчи марта, «Қизларингиздан биттасини бизга ташлаб кетинг», деб ўзига ўзи гап орттиради. Фанижон Тошматов «Қўймадингиз-қўймадингиз-да!

Ҳа, майли, кейинги маротаба институтингизга кўпчилик бўлиб, қизларнинг ота-оналарини ҳам олиб келамиз. Шунда бирининг онасини сизга ташлаб кетармиз», дейди. Залда гуррос кулги кўтарилади. Изза тортган ректор тилини тишлаганча қолади.

Оқибат

Дўстинг кимлигини айтсанг, сенинг кимлигингни айтаман, деганларидек, Фанижон Тошматовнинг дўстлари ҳам ажойиб инсонлар бўлган. Уларнинг орасида ярим асрдан кўпроқ улфат бўлиб келган кадрдонлари ҳам бор эди. Отам дўстларига жуда оқибатли эди. Уларнинг фарзандларини худди ўз фарзандидек кўрарди. Биз ҳам отамнинг дўстлари учун фарзанддек эдик.

Атоқли дирижёр Дони Зокиров раҳбарлигидаги оркестр таркибида йиғилган созандалар ўзаро жуда қалин эдилар. Кўп йиллар ёнма-ён ишлаганлари учун бир-бирининг феъл-атворини яхши билар, бир-бирини доим қўллаб-қувватлардилар. Масалан, Ўзбекистон халқ артисти Фахриддин Содиков Мақом ансамбли раҳбарлигидан кетиб, ишсиз қолган пайтлари дадам бу етук созандани ўша вақтлари ўзи раҳбарлик қилаётган этнографик ансамблга чақирганди...

Кишининг дўстларга меҳри қанча кучли бўлса, улар билан видолашиш ҳам шунча оғир бўларкан. Отам учун дўстларини йўқотиш жуда оғриқли кечган. Айниқса, Ўзбекистон халқ хофизи Жўраҳон Султонов, Ўзбекистон халқ артистлари Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Тўхтасин Жалилов, Комилжон Жабборов, Дони Зокировнинг вафотидан қаттиқ изтироб чеккан... Катталарнинг кичиги бўлгунча, кичикларнинг каттаси бўл экан, дерди. Ўзи ҳам вафотидан бир-икки кун аввал Чигатой мазорига бориб, дўстларининг қабрини зиёрат қилиб келган эди. Умри тугаёзганини сезганмиди, билмадим, лекин қабристонни айлана туриб, «Бизнинг жой ҳам тайёр бўлқопти», деганди...

Фанижон Тошматов дунёдан кўз юмганига анча йил бўлди. Лекин одамлар ҳали-ҳамон отамнинг хизмат ва муруввати, қолдириб кетган куй-қўшиқлари, қизиқ-қизиқ гапларини завқ билан эслашади. Ҳа, инсон оламдан ўтса ҳам, яқинлари қалбида, хотирасида яшайвераркан. Яхшидан яхши ном қолади, деб шунга айтилса керак-да...



Мансур Тошматов,
ўғли, Ўзбекистон халқ артисти,
халқаро танловлар лауреати,
бастакор

Отамерос генлар

Қазисан, қартасан – асл зотингга тортасан, деган мақол бор. Аждодларнинг генлари авлодлар қонида албатта «кезиб юради», лекин ўз ҳолича. Хар болада наслнинг турли жиҳати намоён бўлади, баъзан эса генлар «дам олиши» ҳам мумкин.

Фанижон Тошматовдек машҳур санъаткор оиласида туғилганим бир умрлик тақдиримни белгилади. Айтишларича, чақалоқлигимда жуда йиғлоқи бўлган эканман. Тўққиз ой чириллаб йиғлагансан, кўрсатмаган дўхтиримиз қолмаган, дерди онам. Уч-тўрт ёшлик пайтимда ҳам Маъмуржон Узоқовданми, Жўраҳон Султоновданми, ноласи баланд ашула янграб қолса, дарҳол йиғи бошларканман... Шунинг учунми, олти ўғил, бир қизнинг ичида отам айнан мени санъатга йўналтирди. Лекин, очиги, дадам менда мусиқага ихлос бу йўналишда униб чиқади, деб ўйламаган бўлса керак. Чунки хонанда сифатида дадам ижод этган йўлда эмас, эстрада йўлида шаклландим.

Шарқу Фарб чоррахаси

Назаримда, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Негаки, дадам анъанавий муҳитда яшаган, анъанавий йўлда ижод қилган бўлса ҳам, болаларига европача таълим берганди. Ўзи уйда чопону белбоғда юрсада, бизга европача маданиятни сингдиришга ҳаракат қиларди. Шу жиҳатга ҳали-хануз ҳайрон қоламан. Мақтанишга йўйилмасин-у, ёмон тарбия кўрганимиз йўқ. Бир неча тилларни билиш, жаҳон адабиёти, санъати билан яқин бўлиш – булар ҳаммаси инсон дунёқарашини кенгайтиради. Дадам, болаларим даврнинг илғор одами бўлсин, дерди. Бунинг учун бизга шароит ҳам яратиб берган эди. Айни вақтда, «европача» ўғилларининг соф ўзбекона удумлардан бегоналашиб кетишига ҳам йўл қўймасди. Уйда, албатта, ўзбек тилида гаплашардик.

Чет элларга гастролга борганимда, ота-онам учун «мозорбости» бирор егулик, масалан, икра келтирсам, дадам, кўй, болам, бизга тўғри келмайди, дерди. Ўзининг ҳаёт тарзи, принципларига содик эди-да. Дадам ҳам жуда кўп ижодий сафар қилиб, Франция, Бельгия, Германия, Ҳиндистон, Индонезия, Миср каби мамлакатларни кезган. Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил, деганларидек, кўрган-кечирганларининг қаймоғини бизнинг тарбиямизга татбиқ этган.

Мухит

Олти ака-ука рус мактабида таҳсил олдик. Менинг мақомчи эмас, эстрада хонандаси бўлиб етишишимда шунинг таъсири бор. Чунки русийзабон мухитда европача мусиқа жанрларига қизиқиш кучли эди. Санъатдаги йўлим айни шу мухит таъсирида шаклланди. Болалигимда мусиқий тақлидни яхши кўрардим – ўша пайтдаги машҳур хонандаларни пародия қилардим. Ўртоқларим билан кўчада «радио-радио» ўйнардик. Мен «радио» бўлардим, «кулоғ»имни бурашарди: гоҳ Робертино Лоретти бўлиб италянча куйлардим, гоҳ Рафаэль Арис бўлиб «концерт берардим». Албатта, бу иштиёқимни тезда пайқаб қолишди, дадам мени мусиқа мактабига ўқишга берди. Аввал скрипка ихтисослигида ўқидим – балки дадам ўзи нижжакчи бўлгани учун мени скрипкага бергандир. Кейин махсус танлов комиссияси мени Успенский номидаги республика махсус мусиқа мактабига олиб кетди. Хор дирижёрлиги бўлимида таҳсил ола бошладим. Пойтахт марказида жойлашган мактаб, профессионал мухит мени Европа мусиқасига яна ҳам яқинлаштирди.

Сабок

Авваламбор, оиламизда интизом қаттиқ эди. Дадамдан хайиқардик. Мен учинчи ўғилман, дадам билан мулоқотимиз «сиртки»рок бўлган. Тарбиям, асосан, акаларимнинг зиммасида эди. Кундалигимни Мухтор акам текширарди, дарсимни Мухсин акам назорат қиларди. Очиғи, бизни мухитнинг ўзи тарбияларди. Атрофдагиларнинг дадамга кўрсатаётган муносабатидан сабоқ олардик. Одамларнинг ҳурмат-эътиборини кўриб тушунардики, оддий оиланинг болалари эмасмиз. Хонадонимизга келаётган меҳмонларни кўриб, ўзимиз хулоса чиқариб олардик. Тамарахоним, Комил Яшин, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Ҳожихон Болтаев, Жўрахон Султонов... Шундай буюк санъаткорлар бизникида йиғилишарди, дастурхон атрофида чиройли давра қуришарди, мушоираю хонишлар, аскиялар қилишарди. Ажойиб ижодий «кухня»ларга гувоҳ бўлардик.

Муносабат

Отамнинг ижодимга муносабати... Табиийки, бошида эътирозлар бўлган. Уйдаги «шпион»лар бир кун дадамга «Ялла» билан кўшиқ айтаётганимни етказишибди. Шартта машинасига ўтириб, Галаба боғига хайдаган. Сахнада кўшиқ айтиб турсам, важоҳат билан чиқиб қолса денг! Хуллас, оёғимни ерга теккизмай, уйга олиб кетган... Лекин орадан бирмунча вақт ўтиб, эстрада менинг «диагноз»им эканини тушунган.

Кейинроқ дадамнинг бир-икки интервьюси қулоғимга чалинган. Мухбир «Ғанижон ака, мана, ўғлингиз Мансур Тошматов таниқли санъаткор бўлиб кетди. Бунга, албатта, сиз ёрдам берган бўлсангиз керак?» деганида, «Тирговуч билан кўтарилган девор барибир қулайди. Мансурнинг бақувват «пундамит»и бор, ўзи тиришяпти», деганди. «Олтин Орфей»дан лауреат бўлиб қайтганимда жуда хурсанд бўлганди. Орфейнинг русчадаги маъносини унчалик тушунмасдими, аския қиларди «арпа» деб. Телефонда мени кидириб, Мансуржон йўқми, дейишса, хайронман, ўзимизда қуриб қолгандек, Болгарияга жўнатворишибди арпа ўришга, дермиш...

Баъзи пайтда дадам жиддий айтиб қоларди, қани эди, шу овозинг билан мақом айтсанг, катта ашула айтсанг, деб. Лекин менинг иштиёқим бўлак эди, буни тушунарди. Бошқа томондан қараганда, эстрадани танлаганимнинг сабаби – ўша даврда мумтоз йўналишда айтадиган санъаткорлар кўп эди. Қолаверса, отам ва унинг сафдошлари ҳаёт, миллий қуй-қўшиқлар нақ қулоғимнинг тагида, «олдимдан оққан сув» бўлгани учунми... Эстрада йўналиши эса нисбатан янги, ўз-ўзидан янгиликка интилганмиз-да.

Яхши От

Оилада етти фарзанд бўлсак, ҳаммамизда мусиқий қобилият, мусиқий уқув, овоз бор. Мактабда ўқиб юрган кезларим, қани эди, бир оилавий вокал-чолғу ансамбли тузсак, деган орзум бўларди. Ўзим ниятимни амалга оширишга ёшлиқ қилардим, қолаверса, уйда қўллаб-қувватланишимга кўзим етмасди. Кейин яккахон кўшиқчиликка киришиб кетиб, ҳалиги орзум ҳақида ўйламай ҳам қўйдим.

Дадам билан мучалдошмиз. От йилида туғилганлар санъат соҳаси учун жуда муносиб – одамларни, катта давраларни яхши кўради, ниҳоятда меҳнаткаш бўлади. «От»лар, туёқлари тупроққа тегиб турса-да, оловдек елгиси келади. Аниқроқ айтсак, улар – ер билан осмоннинг оралиғида. Халқимизда яхши от кейин чопади, деган гап бор. Шу маънода, мен ҳам гоҳида «кейин чопаман». Бир зум тўхтаб, ортимга,

атрофимга бир қараб, қанчалик ўзиб кетдим ёки ортда қолдим, деб мулоҳаза қиламан... Санъатда қилаётган ишимни четдан баҳолагим келади. Ўзимга жуда танқидий ёндашаман.

Хар ким ўз ҳаётини ўзи қуради. Кўпчилик ҳамкасб тенгдошларим пенсияга чиқиб, ижодни йиғиштириб қўйган. Мен эса ҳалиям гастролма-гастроль юраман. Югуриб турган от бирдан тўхтаса, йиқилиб қолиши мумкин-да! Мўлжалдаги ишларим кўп. Мухтор акам югуриб-елишимни кўриб нуқул аския қилади, айтмоқчи, сен отсан-ку, отлар ухлаганда ҳам тик туради... Ҳақиқатан ҳам, кўпинча йўл-йўлакай, самолёт ёки поездда ухлаб кетаман.

Ибрат

Инсон учун, эркак киши учун, айниқса, санъаткор учун оила – жуда нозик масала. Оила қуриш, уни рисоладагидек «ушлаб туриш» осон эмас. Дадам шу жихатдан ҳам бизга ўрнак эди. Ўзи ҳам ижод, ҳам ижрода маҳорати тан олинган санъаткор, оқил раҳбар, етук шахс, кўча-кўйда ҳам бировга сўзини бермайдиган эркак, тағин, шундай катта оилани эплай билган. Бу – санъаткор учун катта гап.

Хар бир инсоннинг, хар бир ижодкорнинг ўз тушунчаси бор. Шу маънода, мени «эстрада юлдузи», «машҳур артист» деб таърифлашса, ўнғайсизланаман. Ҳозир ҳам сахнага чиқаётганимда ички бир титроқ, масъулиятни сезаман. «Для вас поёт золотой голос Узбекистана, народный артист...» деб эълон қилишаётганида, ичим шув-в этиб кетади. Наҳотки, шу гаплар мен ҳақимда айтиляпти, дейман. Хар гал мухлислар олдида имтихон топширадигандекман... Фонограмма билан чиқишни ўзимга эп кўрмайман, қандай давра бўлмасин, жонли овозда айтаман. Бу ҳам бўлса – отамнинг тўғри тарбия берганидан.

Ота йўли

Одамнинг ёши улғайган сари асл қадриятларга мойиллиги ортаверар экан. Мен ҳам миллий мусикий меросимиз, отам умрини бағишлаган анъанавий санъатимизга меҳрим жўшиб бораётганини ич-ичимдан ҳис қиламан. Гастролларда миллий гуруҳлар билан бирга бўлиб қоламиз. Фуломжон Ёқубов, Абдуҳошим Исмоиловга қўшилиб қолган бир ижодий сафарда мавриди келиб, анъанавий йўлда ашула айтдим. Йиғлаб юборганлар ҳам бўлди. Ие, сенда ҳам боракан-у, дейишди соҳа усталари. Борлигини ўзим ҳам биламан. Лекин... Яна ўша тарбия, отамдан сингган андиша изн бермайди. Халқ қўшиқларини ҳам, худога шукр, баралла қўйлай оламан. Лекин шу йўналишда улғайган, шунинг ичида юрган санъаткорлар олдида бир оз тортиниш бор. Европачасига бу «этикет» дейилади. Аммо... ким билади... Генлар тинчлик бермаса, бир кунмас-бир кун отамнинг йўлига тушсам ажабмас...



Мунис Тошматова,
қизи, таниқли тележурналист

Қизи бор уй

Мен – оилада яккаю ягона қиз, яна кенжатой, дадамнинг тиззасида катта бўлганман. Дадамнинг қўлларини ўйнаб ўтиришни яхши кўрардим: бармоқлари жуда юмшоқ эди. Созандалиги учун бўлса керак-да... Ўн ёшларга кирганимда дадам билан ўртамизда қандайдир парда пайдо бўлди. «Момоқизим» дея эркалатишлар ҳам қолди, муомаламиз жиддийлашди. Энди дадам «Қиз бола бор уйда...» дея гап бошлашга ўтди: «Қиз бола бор уйда чанг бўлмайди, ивирсик бўлмайди. Оёқ кийимлар чиройли қилиб тахлаб қўйилади». Эрталаб уйдан чиқиб кетаётганида онам пиёлада кўк чой тутиб турарди, мен эса туфлисини артардим. Уйимизга дадамни йўқлаб меҳмон келса, ҳеч қачон дастурхонни мен ёзмасдим, ичкарига акаларим қарашарди. Биз онам билан ошхонада қуймаланардик, меҳмонларнинг кўзига кўринмасдик.

Сен ўғилларни қўявер, қизингни эҳтиёт қил, дерди дадам онамга. Агар қизинг бизга гап теккизса, бунга фақат сен айбдор бўласан, эрга берсанг, уч кунда қайтиб келади бунинг, овқат қилишни билмайди, деб қойирди. Мен онамга айтардим, ая, нимага дадам мени ёмон кўради, нимага уришаверади... Онам тушунтирарди, даданг оила шаънини эҳтиёт қилади, исноддан қўрқади, сен қиз боласан...

Дадам ўғил болаларни яхши кўрарди. Онам эса, вой-ей, ўғил ўрда ёғи оберармиди, деб жавраб қўярди. Иккинчи фарзандим ҳам ўғил туғилганида, сендан шуни кутган эдим, баракалла, қизим, деб қувонганди дадам. Қизнинг кўп бўлмагани ҳам яхши, хаётинг етмайди буларни асраш учун, дерди... Ўйлаб қарасам, дадам мени бир гавҳардек асраган экан. Дадажоним то ўлгунча мени авайлаб, менга паноҳ бўлиб яшади...

Таълим

Дадам бир хазина эди. Кўп нарсани у кишидан ўрганганман. Халк мақоллари, теша тегмаган ибораларни ҳам дадамдан эшитганман. Дарс қилаётган пайтларим, айниқса, иншо ёзадиган бўлсам, дарров пинжига кирволардим. Адабиётни жуда яхши биларди, исталган ғазални ўқий бошласам, давом эттириб кетарди. Яхшиям, шундай дадам бор, деб ич-ичимдан хурсанд бўлардим. Китоб ўқишни ҳам дадамдан ўрганганман. Бир кун нимадир ўқийтсам, кимнинг асари экан, деб сўраб қолди. Қаердан билай, ўқияпман-да, дедим. Асар ўқишдан аввал муаллифини ўрганиш керак, деди дадам... Энг қизиғи, олтига акамни рус тилида ўқитган-у, мени ўзбек мактабига берган. Қиз боланинг йўриғи бошқа, ўршлашиб кетмасин, деган-да. Дадам учун фарзандларига таълим бериш, олий маълумотли қилиш биринчи галдаги вазифа эди.

Меҳр

Дадам бизни яхши кўрса-да, меҳрини очиқ кўрсатавермасди. Туғилган кунларимизда ҳам ошқора табрикламасди. Кечаси ухлаганимизда тепамизга келиб, секингина пешонамиздан ўпиб кўярди. Дадамнинг меҳрини турмушга чиқиб, фарзандли бўлганимдагина хис қилдим. Турмуш ўртоғим Москвада ўқирди, мен гўдақларим билан Тошкентда эдим. Дадам ёлғизлатмади, яна қаноти остига олди. Болаларимни онам билан биргалашиб, оёққа қўйиб беришди. У киши менинг оилам бутун бўлишини хоҳларди. Турмуш ўртоғим билан айтишиб қолган пайтларим ҳам ҳеч менга ён босмасди. Ён боссам, талтайиб кетади, эрини менсимай қўяди, деб каттиқ турарди. Турмушда бўлишим отам учун муҳим эди.

Дадам чиройли ашула айтаётган қизларни, масалан, Берга Давидова, Меҳри Абдуллаева, Матлуба Дадабоевани маҳлиё бўлиб эшитарди. Ўғилларим ҳам кўшиқчи қизларга уйланса эди, деган орзуси бўларди. Лекин қаллиқ танлашни акаларимнинг ўзига қўйиб берган.

Раҳматли жуда зийрак эди. Қош-қовоғимизга қараб туриб, ичимиздаги гапни билволарди. Босиқлик билан, манави ерга ўтир, дерди-да, елкангни эзиб турган зилдек юкни бир зумда олиб ташларди. Доно одам эди...

Тартиб

Дадам жуда нозиктаъб инсон эди. Овқатни алоҳида ерди, саралаб ерди. Дастурхонда ҳамма нарса чиройли туриши керак эди, таомни табиатли қилиб ейлик, дерди. Худо кўрсатмасин, нимадир нобопрок турган бўлсами... столни ағдариб юборарди! Лағмоннинг қайласи

совук хамир устига сузилган бўлса, коса-посаси билан улоқтирарди – илиқ таом емасди (иситма хўракни ҳам хуш кўрмасди). Ўзи ҳам яхши пазанда эди. Аммо овқат қиладиган бўлса, безиллаб турардик. Ая, ўзингиз қилсангиз-чи, дердим мен. Чунки дадам ҳаммамизни ишга соларди-да! Рўзғорда тартиб бор эди. Ҳамма бир вақтда ўтириб, овқат ейиши керак эди. Очиғи, дадамдан кўрқардик (мен эркалигим ҳисобига гап қайтаргим келарди, лекин ҳаддим сифмасди). Ҳовлида овқатланиб ўтирган бўлсак, онам даданг келди, десалар (кўчадан сигнал берардилар), етгита бола коса-косамизни кўтариб, тумтарақай бўлардик. Чунки у киши ишдан қанақа кайфиятда келаётганини билмас эдик-да. Ишдан келиб, бир оз мизғиб оларди. Ичкари уйда ётган бўлса-да, ҳовлида ҳам пичирлашиб гаплашардик. Мусиқа басталаётган пайтлари ҳам оёқ учида юрардик.

Бағрикенглик

Дадамнинг муомаласи чиройли эди. Ёш болалар ҳам яхши кўрарди. Кўшнилар билан сўраша туриб, «Сигир-бузоқлар, қозон-товоқлар омонми?» дерди. Энди билсам, бунинг тагида кўп гап бор экан. Рўзғорда бирор идиш синса ҳам хижил бўласиз (итим ўлганида қанча сиқилганман!), уйда ҳар жихатдан омонлик бўлса, шунда тинч экансиз... Билиб гапираркан-да.

Дадам жуда мурувватли, бағрикенг инсон эди. Зехнлини ўқишга киритарди, операцияга муҳтож хастага дўхтир топарди, ноҳақ қамалиб ётганни опчиқарди, армиядан ногирон қайтганга елка тутарди. Қариндош-уруғи тугул, етти ёт бегонадан ҳам хайр-эхсонини аямасди. Уйимизга Андижон, Фарғона, Ўш, Марғилон томонлардан меҳмон кўп келарди. Эртами-кечми, қишми-ёзми, фарқи йўқ – эшик қоқаверишади. Институтга кирадиганлар онаси, отаси, ака-укасию опа-сингиллари билан бир ойлаб ётиб кетишарди. Менинг эса ғашим келарди, нима, бу «Тошкент» меҳмонхонасими, дердим. Бир куни эшигимизга икки-уч киши келиб, ўзини қариндош тутди. Мен эса, сизларни танимайман, дадам йўқ, кетинглар, дедим. Бу гап дадамнинг қулоғига етиб борибди. Қани, манави ерга ўтир-чи, деб мажлис бошлаб қолди:

– Нега ҳайдадинг меҳмонларни?

– Дада, келасиз-кетасиз, сизга билинмайди. Онам бечора уззукун ошхонадан чиқмайди, уч маҳал қозон осадди, мен эса меҳмонларингизнинг кетидан уй тозалаб чарчайман. Бизга ҳам тинчлик керак...

– Ҳеч қачон эшигингни тақиллатиб келган одамнинг кўкрагидан итармагин, тузукми...

Адаб

Дадам фаросати баланд одам эди. Мулоҳазакорлик билан иш тутарди. Одоб юзасидан, онамни ўз исми билан чақирмасди. «Юлдуз», дерди. Гоҳида «Полвон» деб кўярди. Полвон, дўстлар кепқолишди, битта ош қилиб юборинг, дерди. Онамнинг жуссаси кичкинагина, лекин жуда чакқон, пазанда эди. Ярим кечаси туриб ҳам ош дамларди. Раҳматли, жуда чидамли аёл эди.

Ота ҳовлимга келиб қолган пайтларим она-бола «сухбатнинг гули – гийбат» қилиб пичирлашиб қолсак, дадам нарида туриб, томоқ қирарди. Гиди-биди гапларга тоқати йўқ эди. Гоҳида онам билан ораларида гап қочса, ўртада мен қолардим. Ая, дадамнинг кўнглига қаранг, у кишини аянг, дердим. Ҳар доим кўркардим дадамни йўқотишдан...

Дадам бизга, кўчада учратган кишингга салом бергин, дерди. Очик юз билан саломлашадиган одамларни яхши кўрарди. Мен уйда у ёққа ўтсам ҳам, бу ёққа ўтсам ҳам салом бераверардим... Қарангки, дадамнинг ўгити туфайли «Ассалом, Ўзбекистон!»да неча йиллар юртга салом бердим.

Қўмсаш

Ҳаётда ҳар кимнинг алоҳида эъозлаган, интилган кишиси – кумири бўлади. Менинг кумирим дадам эди. Биласизми, дадам билан қон гуруҳимиз ҳам, мизожимиз ҳам бир. Вафот этганига ўн беш йил бўлибди... Лекин дадам доим мен билан. Кўп туш кўраман. Келади, бағрига босади, нималарнидир гапирди ёки индамай қараб туради. Қайноқ бағрини хис қиламан. Ҳаётимда нимадир воқеа кутилаётган бўлса, дадам, албатта, тушимда огоҳлантиради.

Дадамдан сиз қайси кўшиқчини мазза қилиб эшитасиз, деб сўрашганида, э-э-э, мен эпитадиган ашулачилар ўлиб кетди... деганди. Сафдошларини йўқотган одам ўқиб қоларкан. Ҳаётининг охирги дамлари оиласига, фарзандларига суяниб қолганди. Опоғдадам 101 йил яшаб оламдан ўтган. Ўшанда дадам 63 ёшда эди – йиғлаганини биринчи марта кўрганман. Елкалари силкиниб-силкиниб, ўқиб йиғлапти... Тавба, қариб-қартайиб ўлган отасига шунча кўз ёш тўқяпти-я, деганман (мен ўзимнинг дадамга ачинганман-да). Дадасига тўйгандир, деб ўйлаган эканман... Энди билсам, отага ҳеч қачон тўймас экансан...

2009



Дутор навоси

...Дуторни созлаш учун реза куйлардангина олиб турган машшоқ Отабек кутмаган жойда «Наво»дан бошлаб юборган эди...

Дутор товши қандайдир ўзининг бир ҳасратини сўзлагандек, ҳикоя қилгандек бўлиб эшитилар эди. Йўқ, бу ҳасратни ул ўз тилидан сўзламас эди – Отабек тилидан сўзлар эди...

Отабекнинг кўз ўнгидан ўткан кунлари бирма-бир ўтиб бошладилар-да, ниҳоят «анув» хотиралари, «анув» ҳангомалари ҳам кўриниш бериб ўтдилар... Йўқ ўтмадилар...

Унинг кўз ўнгида келиб тўхтадилар-да, шу кўйи турабердилар...

Дутор бу фожиёга ўзи ҳам чидаб туrolмагандек йиғлий бошлади...

Дутор қуруққина йиғламас эди, балки бутун коинотни зирр этдириб ва хаста юракларни дирр силкитиб йиғлар эди...

Абдулма Қодирий,
«Ўткан кунлар»

Ўтган асрнинг 20-йиллари. Ғала-ғовур. Очлик. Носоз тузум. Яхшиямки, бу дунёда мусиқа деган юпанч бор. Турмуш машаққатларидан безиб кетган кезлари дуторини қўлга олиб куйга кўнгил боғларкан, тиззасига бош қўйиб ухлаб қолган ўғлини алақанча фурсат ўтгачина пайқарди. Алимат созини хонтахта устига авайлабгина қўяркан, боланинг бошини силаган кўйи унинг тақдири ҳақида ўй суриб кетарди. Қунишибгина ётган арзандасининг бир кун келиб атоқли ва ардоқли созанда бўлиб етишишини хаёлига ҳам келтирмас эди...

– *Отам раҳматли дуторни яхши чертардилар. Эски шаҳарда чойхонаси бўларди, битта дутори уйда турса, биттаси чойхонада эди. Шинавандалар, Алиматнинг чойхонасига бориб, би-и-ир дутор эшитиб келайлик, деб атай узоқ-яқиндан келишарди. У маҳаллар телевизор йўқ, радио йўқ, одамлар йиғилиб мулоқот қиладиган жой чойхона эди-да. Мен ёш боламан, ҳамма вақт отамнинг атрофида ўралашиб юрардим. У киши унга-бунга чалгиган пайти дуторини олиб, ўзимча тингиллатиб кўрардим. Отамга тақлидан машқ қилиб юриб, созга қўлим анча келишадиган бўлиб қолди.*

Аммо Турғуннинг эркалиги узокқа чўзилмади. Санъатсевар болакайнинг отасига аталган сон-саноксиз саволлари жавобсиз қолди. 1930-йилларнинг бошларида Алимат дом-дараксиз йўқолди, арзанда ўғил ота мехрига тўйиб-тўймай ундан жудо бўлди. Энди боланинг қисмати далада тентиб юрган дайди шамолдай бебош эди. Не ажабки, отасидан бугун умрга татигулик мулк – дутор мерос қолди.

...Етти йиллик мактабдан сўнг ўсмир педагогика билим юртига ўқишга жойлашади. Айни шу даврда ҳаётига Абдулла Қодирийнинг машҳур романлари кириб келади. Ҳатто расмий қатағонлар ҳам уни «Ўткан кунлар»дан айира олмайди. Турғун асарни хуфиёна асрар экан, қайта-қайта ўқир, севимли бобларини ётоқхонадаги болаларга ёддан айтиб берарди. Ҳикоя ҳар сафар «Наво куйи» билан якунланарди. Бўлғуси моҳир чолғучининг дастлабки «концерт»лари шу тариқа илк мухлисларга хавола этилган эди. Бу каби «мусикий чиқиш»лардан сўнг Турғун бадий ўқишларга жўрnavоз сифатида жалб қилина бошлади. Кейинчалик «Ўткан кунлар» таъсирида ўзининг «Дутор навоси»ни яратади. Эътиборли жиҳати, асар илгари амалиётда қўлланилмаган бошқача созда ижро этилади: дуторнинг торлари имкон қадар бўшроқ, боз устига, «қўштор» тарзида – бир хил пардага созланган бўлиши керак эди. Созанда бу куйни қарийб йигирма йил (!) ижро этиб юриб, «э-энди қиёмига етган»ига амин бўлгач, 1970-йиллар ўрталарида радио бисотига ёздириб қўйишга қарор қилади. Аммо таассуфки, Устанинг «Наво»сини бенаво қисматга маҳкум этадилар – радиоқўмита бадий кенгаши бу «ғалати» асарни тасдиқдан ўтказмайди...

– Техникумда ўқийдиган пайтларим... Етимман. Ётоқхонада тураман. Бу 1940 йилдаги гап. Ўша ерда мусиқа тўғараги ташкил қилинган эди. Клуб дердик, ҳамма асбоблар бўларди: дутор, танбур, скрипка, гижжак, чанг...

У маҳаллар дуторни бемалол чалардим, бўш қолдим дегунча ҳали у асбобни тингиллатиб кўраман, ҳали бунисини. Хуллас, нимаки чолгу бўлса, ҳаммасини ўрганиб олдим. Бир куни пешиндан кейин ётоқхонада «Дутор навоси»ни чертиб ўтирсам – орамизда мусофир болалар кўп эди – биттаси жимгина эшитиб ўтирди-да, куй яримлаганда ҳовлига тушиб, додлаб йиғлай бошлади. Кўчадан кириб келаётган болалар, ие, нима гап, ким хафа қилди фалончини, деб мени сўроқ-қистоққа туттиди. «Билмасам, дутор чалиб ўтирувдим, ўпкаси тўлиб кетди, шекилли, ҳовлига чиқиб йиғлаворди», дедим. «Э, кўйинг-э, шунақаям чаладим!» деб нари кеттиди...

Бу санъатга суюниб катта ҳаётга кириб келаётган ёш машшоқ иктидорига берилган илк баҳо эди. Кейинчалик «Дутор навоси»дан тортиб «Тановор», «Танбур навоси», «Чоргоҳ», «Муножот», «Нола», «Наво», «Наврўзи Ажам», «Эшвой», «Бузрук», «Эй сабо», «Куйгай» каби халқ куйлари, мақом ва машҳур ашулаларнинг чолгу йўлларини юксак маҳорат билан талқин этган атоқли созанданинг шаклланиш жараёни шу тарика кечарди.

– Билим юртини тугаллаб, мактабда ишлай бошладим. Аммо мусиқа қургур ҳеч тинчлик бермади-да. Охири мактабни қўйиб, Ёш томошабинлар театрига бордим. ТЮЗ илгари Пушкин паркиннинг ичида жойлашган эди. Таваккал қилиб кириб борсам, оркестр репетиция қилаётган экан. Мусиқага қизиқаман, дедим. Нима чаласан, сўради бошлиги. Скрипка, дутор ҳам чалавераман. Қўлидаги скрипкани олдим-да, ҳозиргина ўзлари ижро қилиб турган куйни қайтариб чалиб бердим. Бўлди, эртага эрталабдан ишга келавер, мен буйруқ чиқариб қўяман, скрипканг борми, деди. Бор, дедим. Шундоқ қилиб, 1940 йил ўтди, қирқ биринчи йили эса уруш бошланиб кетди... Бир йилдан кейин биз тенгиларни ҳам армияга чақирди. Ёшим этиб, 1942 йилнинг 22 июнида урушга кетдим.

Дутору танбур, скрипкада нафис куйлар ижро этадиган қўллар энди совуқ қурол тутишга маҳкум эди. Уруш забтига олган, кўз ўнгида сонсаноксиз одамлар кирилиб кетяпти... Турғун Смоленск остоналарида бўлаётган жангда оёғидан яраланиб, госпиталга тушади. Аскар-созанда бу ерда ҳам тинч ётмай, «концерт»лари билан ярадор мухлисларни санъатига асир этади. Скрипкада ўзбек оҳанглирию ўша вақтлари оммалашган фронт кўшиқларини ижро этиб, қуролдошлар дардига малҳам бўлади.

– Госпиталда икки ойча ётдим. Кўлтиқтаёқлаб юрадиган бўлганимда уйга жўнатиб юборишди. Чорсу томондаги маҳалламизга қараб чўлоқланиб юриб келяпман – бир оёғимни босолмайман. Азон маҳали уйга яқинлашиб қолганимда, сутми-қатиққами чиққан кўшни бола кўчада мени кўра солиб эшигимизга югурди. Ёлғиз ўғлимдан айрилдим, деб умид узган онам боёқиш кутилмаган хушxabардан довдираганча ялангбош, ялангоёқ югуриб чиқибдилар... Иккаламиз йиглаб, бир-биримизга отилган кўйи аллақанча пайт қучоқлашиб турдик. Юм-юм йиглашамиз-у, гапиролмаймиз...

Таътил вақтида хушнафас хонанда Асқар Убайдуллаев Турғунни Муқимий театрига етаклаб келади. Театр айна ободлашаётган пайт. Томошаларда мусиканинг ўрни катта. Томошабин спектаклларга байрамга боргандек борар эди. Атоқли созанда ва бастакор Тўхтасин Жалилов бу даргоҳда Аҳмадjon Умрзоков, Абдуқодир Исмоилов, Отавали Нуриддинов, Салоҳиддин Тўхтасинов, Дони Зокиров, Фазлиддин Шамсиддинов каби маҳоратли созандаларга бош эди. Бу жамоа таркибига кўшилиш ҳар қандай мусикачи учун шараф саналарди. Бундан ташқари, театр ходимларига армия хизматидан озод этувчи имтиёз бўлиб, бўш иш ўринлари учун танлов жуда катта эди. Турган гапки, хос мусикий қобилият билан сийланган Турғун Алиматов танловдан муваффақиятли ўтиб, созанда сифатида ишга қабул қилинади.

– Бир кун театрда қизиқ воқеа бўлди. «Офтобхон» пьесаси репетициялари кетаётган пайт. Етим ака спектаклнинг бир эпизодига шўх, замонавий ва, айна вақтда, миллий куй тополмай қийналяпти. Тажрибали созандалар бирин-сирин ижро этиб тавсия қилаётган куйлардан режиссёрнинг кўнгли тўлмаяпти. Гўё бу мусикаларга нимадир этишмаётгандек. Хуллас, ҳамма таклифлар обдон эшитиб бўлинган, мен ҳам секингина сўз сўрадим...

Етим Бобожоновнинг умид билан қараб турганидан илҳомланган ёш созанда ёнидаги танбурчи ҳамкасбидан чолгусини сўраб олиб, «Рохат»ни дутор йўлида ўйноқи охангда черта бошлайди. Турғуннинг «танбурчи»лигидан беҳабар ижодий жамоа ҳайратдан ёқа ушлаб қолади. Ва ниҳоят, режиссёр «ўша» куйни топган эди! Танбурда ноанъанавий тарзда – дутор услубида чертилган куй билан ўзига хос оригинал асар бунёд бўлганди. Бу эса спектаклнинг бадиий яхлитлигини таъминлайдиган омиллардан бирига айланади. Шу воқеадан кейин Турғун Алиматовнинг театрдаги макоми ўзгаради.

– Хосиятхон билан топишишимизга санъат сабаб бўлган. Муқимий театрига ишга борсам, бир ҳафта илгари у ҳам шу ерга ишга кирган экан. Қиз 18–19 ёшда, мен 21–22лардаман, у – хонанда, мен – созанда.

Уч ойча ишлаганимиздан кейин Қашқадарё вилоятига гастроль эълон қилинди. Ўша концерт бригадасига биз ҳам қўшилиб қолибмиз. Вилоятнинг ўн иккита туманини айланиб, икки ойча концерт бериб юрдик. Қайтадиган вақтимиз ўша ернинг катталари уч кишини: мени, Асқар Убайдуллаев деган найчимизни ва Хосиятни гуруҳимиз ичидан танлаб олиб, сизларни олиб қолсак, нима дейсизлар, ҳамма шароитни қилиб берамиз, дейишди. Маслаҳатлашиб, қоладиган бўлдик. Учаламиз Мулла Гўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қарши мусиқали драма театрида ишлай бошладик. Бир муддат катталарнинг хонадонида фарзандидек яшаб юрдик. Мен ҳам, Хосият ҳам чала етиммиз. Мен бўйдоқман, у ҳам бўйи етган қиз... Озроқ вақт ўтгандан кейин, икковинглар турмуш қуришинглар керак, ёшинглар ҳам, ҳунаринглар ҳам мос, бегона бўлмаглар, деган гаплар бўлди. Охир-оқибат, бизни кўндиришди-ю, ўша ерда турмуш қурдик. Эр-хотин бўлиб расмга тушиб, орқасига «Икки кўнгил бирлигини сизга туҳфа қилдик» деб ёзиб, биттасини Хосиятларнинг уйига, иккинчисини бизникига жўнатдик. Қарши театрида бир йилча ишладик, у роллар ўйнади, мен скрипка чалдим. Фарзанд кўриш арафасида Тошкентга қайтдик.

Урушдан кейинги йилларда мусикий эҳтиёжларни кондиритиш вазифаси театрдан радио зиммасига ўтади. Энди Ўзбекистон радиоқўмитаси қошида йирик мусикий марказ бунёд бўлади. Атоқли мақомдон Юнус Ражабий раҳбарлигида Ғанижон Тошматов, Комилжон Жабборов, Саиджон Калонов, Набижон Ҳасанов, Фахриддин Содиков, Ориф Қосимов каби маҳоратли созандалар каторида Турғун Алиматов ҳам фаолият юрита бошлайди. 1958 йили Радиоқўмита ҳузурида муайян таркибли Мақом ансамбли ташкил этилади.

– Радиодаги чиқишларимиз «жонли» эди. Астойдил меҳнат қилардик. Зиркиев домла дегани бўларди. Оддий мактабда 30 йил домлалик қилиб нафақага чиққан пайти Юнус акам олиб келгандилар, мақомни биларакан, деб. Аслида, бу одам хонанда ҳам, созанда ҳам эмасди; отасидан (мақомчи бўлган экан) эшитганларини эс-эс хиргойи қилиб берарди. Биз Юнус акам бошчилигида эшитиб, ўрганиб ўтирардик. У маҳаллар нота деган гаплар йўқ, мусиқа оғиздан-оғизга кўчиб сайқал топарди. Ҳозирги вақтда мақомни нота билан чаладиган бўлишган – пианинода чалгандек қилиб. Нота қуруқ ўзи чалинса, энг яхши мусиқани ҳам биров эшитмайди. Унга юракни қўшиб чалиш керак...

Уста биров яратган мусиқани биринчи нотасидан охиргисигача «оқизмай-томизмай» ижро этадиганлар тоифасидан эмас. Куйни албатта ўзидан ўтказиб, «юрак қўшиб» чалади. Кимнингдир дидига,

таъбига мослашиш, пул дардида ҳар мақомга йўрғалаш унга хос эмас. У юрак амри билан яшашга ўрганган. Агар шундай бўлмаганида, Турғун Алиматовдек етук санъаткор маҳорат ва доврукнинг авж нуктасида ижрочилик фаолиятини тўхтатиб, шаҳар чеккасига қўчиб кетмасди. Шон-шухрат тинимсиз таъқиб этиб юрган паллада пойтахтдаги шов-шувлар, беҳудагарчиликлардан кечиб, ўзига фарқ бўлишни, хилватни ихтиёр этди. Уста Қўктерак яқинидаги Чувалачи қишлоғида қариндошларига эш бўлиб, деҳқончилик билан шуғуллана бошлади... Бу самимий, тўпори одамлар орасидаги ҳаёти осуда ва завқли кечарди. Аммо ишқибозлар узлатгалаб санъаткорни барибир ҳоли жонига қўймадилар...

Шон-шараф, унвонлару мукофотларга парвойи фалак Турғун Алиматов «Ўзбекистон халқ артисти» дея расман эътироф этилганида етмишни уриб қўйган эди. Устанинг хорижга биринчи ижодий сафари ҳам 1991 йилдагина амалга ошди. Океан ортидаги илк концерти Турғун Алиматовни дунёга кашф этди. Гастроль гастролга уланиб кетди: АҚШ, Россия, Франция, Германия, Англия... Созанда Турғун Алиматов ўзбек халқининг миллий ифтихорига айланди.

– Лондонга концерт бергани борганимиз ўғлим билан. Қўлда дутортанбур, беқасамни кийволиб, репетицияга кетянимиз: кўчада ўтган-кетган ҳамма бизга қарайди. Бир маҳал кўчанинг нариги бетида башанг кийинган икки хушбичим киши бизга пешвоз келаётганига кўзим тушиди. Билсам, улар Ўзбекистоннинг Лондондаги ваколатхонаси ходимлари экан. Салом-алиқдан кейин: «Концерт гуруҳи билан келдингизми?» деб сўрашди. «Ҳа», дедим. «Ансамблингиз қани?». «Мана: биттаси ўзим, биттаси – бу», дедим Алишер ўғлимни кўрсатиб. «Йўғ-э, бутун бошли концертни икковингиз берасизми?» деб ажабланишди улар. «Шундоқ. Концертда фақат танбур билан дуторт чалинади, ашула ҳам, рақс ҳам йўқ», дедим. Яна ҳайрон бўлиб, бир-бирига қарашди. Хуллас, томоша қачон бошланишини билдиргач, хайрлашиб йўл-йўлимизга равона бўлдик.

Кечқурун концертимиз бошланди. Залнинг ўртасида ҳалиги иккита одам ҳам кўзлари ёниб ўтирибди. Тўқсон дақиқага мўлжалланган дастуримизни ижро қилиб ҳам бўлдикки, мухлисларнинг туриб кетадиган сиёғи йўқ. Қарсақлар авжида. Хулласи калом, «бис»лар билан концерт яна ярим соатга узайиб кетди. Шунда ҳам ҳеч ким кетай демайди. Асбобларни йиғиштириб, кўчага чиқсак, мухлислар йўлимизда шамалоқ бўлиб, кутиб турибди. Ўраб олиб саволга туттишди, чолғуларимиз билан қизиқишди. Оиласи билан келганлар ҳам бор экан, фарзандини рўпара қилиб, бир бағрингизга босиб, юзидан ўйиб қўйинг, дейди...

Прагматик европаликларнинг ўзбекистонлик бу файзли санъаткорга кизиқиши бежиз эмас эди. Зеро, Устанинг дилбар куйларга қўчган буюк қалби юз-қўзида шундоқкина акс этиб турарди. Билагон ғарбликлар ўзбек маэстросидан таралаётган ижобий рухий қувватни пайқаб, баҳраманд бўлишга шошилган...

Муסיқа илохий қувват эканига Устанинг ўзи кўп гувоҳ бўлган. Кези келганда, соз чертиб «манаман» деган қахри қаттиқ полвонни ҳам йиғлатган. Ҳатто бир вақтлар муסיқий терапия билан ҳам шуғулланган – Кўктерак туман касалхонасида «шифобахши»лик қилган. Натижа тажрибали шифокорларни ҳайратга солган: сеанслардан кейин беморларнинг қон босими пасайиб, томир уриши мўътадиллашган, асаблар жойига келган, уйқусизлик барҳам топган. Аммо бу шунчаки кизиқувчанлик ёхуд вақтичоғлик эмас, балки санъатнинг кучли рухий-психологик таъсир қувватини ичдан англаган донишманднинг жиддий фаолияти эди.

Ўзига эҳтиёж баландлигини янгидан ҳис қилган ижодкор жўшиб ижодга берилди. Ўз даврида муайян мураббийсиз, тургиниб-сургиниб мустақил улғайган созанда айни вақтда шогирдлар тайёрлаш заруратини англади. Турғун Алиматов Тошкент давлат консерваториясида устозлик фаолиятига иштиёқ билан киришди.

– *Консерваториянинг янги биноси очилишига бағишланган тантана олдидан масъуллардан бири келиб, бир ярим дақиқа гапирсангиз бўлади, деди. Бошқаси бир дақиқа етади, деб тайинлади. Ҳарқалай, катта тадбир, кўп гапириб юбормасинлар, деб хавотирланишяпти-да. Унисигаям, бунисигаям «хўп» деб турдим-да, менга сўз текканида йиғирма минут гапирдим. Ташилотчилар безовталана бошлади. «Одам қариган вақтида эзма бўлиб қоларкан, кўп гапирвордим, шекилли», деб турсам саҳнага Президентимиз чиқиб келдилар-да, елкамни силаб, «Қани энди биз ҳам сизнинг ёшингизга этиб, сиздай эзма бўлиб юрсак», дедилар. Залда гулдурас қарсак бўлиб кетди. Кейин қўлтигимдан тутиб йўл бошладилар. Жойимизга келиб ўтиргунимизча қарсак тинмади...*

Турғун Алиматовнинг кеча ва бугунга ўз муносабати, қарашлари бор. Кеча ва бугуннинг ҳам Устага ўз муносабати бор. Ижодининг айни гуллаган даврида бадий кенгаш у ижро этган куйлар тасмасини бирин-сирин ёндириб йўқ қилса ҳам, кўнгил тилаганидан қайтмади. Унинг меҳнатига юраги ачиган Юнус Ражабийнинг «Қайсарлик қилмай, шулар хоҳлагандек қилиб чалсанг-чи, харна, лентада қолади-ку!» дея куйинишларига қарамай, ўзига, санъатига хиёнат қилмади. Бир кун келиб юзага чиқишига ишонди. Юзага чиқди ҳам. Товушни устма-уст ёзиш техникаси пайдо бўлганида бир ўзи дутор-танбур, дутор-


сато, танбур-сато-даторда куйларни ўзига хос якканавоз «ансамбль» тарзида ижро этиб, ўндан ортик грампластинкалар чиқарди. Дуч келган хонанда билан эмас, арзирли ижодкорлар билан арзителиб ишлади. Бобохон ва Акмалхон Сўфихоновлар, ака-ука Шоқосим ва Шоолим Шожалиловлар, Ҳалима Носирова, Саодат Қобулова, Мехри Абдуллаева сингари атоқли санъаткорларга илҳомбахш бўлди. Ҳамиша санъатни кадрлайдиганлар даврасига интилни. Дабдаба, ҳашаматларга майл қилмади. Сипо ҳаёт тарзига одатланган эди у.

– *Бадий кенгаши, ҳакамлар ҳайъати ёки шунга ўхшашлар олдида ҳеч ҳаяжонланмаганман. Оддий шинаванда олдида чалганимда ҳаяжонланаман... Аслида, ёшлигимда муסיқачи бўлман, телевизор, радиога чиқиб шуҳрат қозонман, катта сахналарда чаламан, деб ҳавас қилмаганман. Муסיқа мен учун бир эҳтиёж эди. Ҳозир ҳам шундай.*

Тўхтасин Жалилов, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Юнус Ражабий каби санъат дарғаларидан сабоқ олган, ҳаётни ўрганган устоз бугун қатор шогирдларнинг раҳнамози, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, «Буюк хизматлари учун» ордени нишондори, қолаверса, баҳамжихат оиланинг пиру бадавлат дуоғўйи. Табаррук оилабоши мушфиқа умр йўлдошини чуқур меҳр билан хотирга олади:

– *Чиройли алла айтарди раҳматли. Илгари болаларга алла айтиши қондалари бўларди, ҳозир йўқ бўлиб кетган – на телевизорда, на радиода, на маҳалла-кўйда бор. Хосиятнинг айтган аллаларини эшитган одам йиғлайди. Иккинчи қизим Муяссарда лентага ёзиб олинган нусхаси бор. Бир вақтлар телевидениедаги режиссёрлар, алла бунақа бўлар экан-ку, эшитиб йиғладик, шундоқ овозлари билан уйда олиб ўтирибсизми, деб мени маломат қилган эди... Вафот этганига бир йил бўлди. Худо раҳмат қилсин, ошини ошаб, ёшини яшаб ўтди. Фарзандларнинг орзу-ҳавасини кўрди: уч ўғилни уйлантириб-жойлантириб, тўрт қизни ҳам ўзидан тиндириб, ҳаммасидан хотиржам кетди. Рози-ризолик тилаш вақтида «Худога беҳисоб шукр, кўп яхши кунларни бирга кўрдик. Агар шунда ҳам кўрмаганларим бўлса, сизга раво бўлсин, яна ҳам узоқ яшанг», деб дуо қилди... Мана, камтирим тилаганидек, болаларимнинг дуосини қилиб ўтирибман...*

Сухбатни тугатиб, кетишга изн сўрарканман, Турғун ота фотиҳага қўл очдилар. «Илойим, сизга ўхшаб ошимизни ошаб, ёшимизни яшаб юрайлик», дея ният қилдим. Ҳозиржавоб Устанинг «Биз ҳам сизларга ўхшаб ёшариб юраверайлик, омин!» деган завқли иловасидан яйрадим...



Умр йўли

Муаллиф учун одатда
икки ҳолат бирдек
қийинчилик туғдиради:
материалнинг
танглиги ё тантилиги.
Менинг вазиятим эса
«материалда» лигим ёки
«материалдан» лигимда
бўлди. Ҳар нечук,
Файзулла Кароматли
мусиқашунослик
мактабининг кенжа
вакили эканимдан
фахрланаман.

Файзулла Кароматли.

Инсон, Шахс, Олим, Мураббий. Касбдошлари бу инсонни ўзи ишлаётган даргоҳнинг «Номуси ва Виждони» дея эътироф этадилар. Дарҳақиқат, у бир ҳақиқат – Илми тан олади. Унинг ҳаётий мезонлари ҳам аввало Илм билан ўлчанади.

Файзулла Кароматли.

Бebaxo Шашмақомию кўхна обидалари билан дунёга донг таратган, Ибн Сино, Имом Бухорий каби буюк зотлар бешигини тебратган Бухорои шарифнинг ардоқли фарзанди. Санъатшунослик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, «Эл-юрт хурмати» ордени нишондори. Ўзбекистонда мусикашунослик илмининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган олим, халқаро миқёсда тан олинган мактабнинг асосчиси, тадқиқотчиларнинг бир неча авлодини етиштириш бахтига муяссар бўлган устоз. Мазкур фаннинг долзарб мавзуларидаги ўнлаб номзодлик ва докторлик диссертациялари унинг илмий раҳбарлиги остида ёзилган, ёқланган. Жаҳон илмий жамоатчилиги тан олган шогирдлари орасида ўзбекистонлик олимлар билан бир қаторда Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон, Озарбайжон, Германия, Польша, Чехословакия, Судан, Иордания, АҚШ каби мамлакатлар фуқаролари ҳам бор. Йирик илмий асарлари («Ўзбек чолғу мусикаси», «Ўзбек дўмбира мусикаси», «Ўзбек халқи мусика мероси XX асрда» ва б.), хусусан, чолғушуносликка оид тадқиқоти нафақат ўзбек мусика маданиятида, қолаверса, бутун Марказий Осиё миқёсида мусикашуносликнинг янги йўналишини белгилаб берган.

Файзулла Кароматли.

Ўзбекистонда Санъатшунослик институтини тубдан кенгайтирган, яъни ушбу илмий-тадқиқот марказида нафақат мусика санъати, балки халқ театри, фольклор, хореография, амалий санъатнинг долзарб муаммоларини ўрганувчи махсус бўлимларнинг кенг қулоч ёйиши, аспирантура ташкил этилишида бош-қош бўлган инсон. Мумтоз мусикамиз назарияси ва амалиётини олий ва ўрта махсус мусика ўқув юртлирида профессионал даражада ўқитиш масаласини биринчи бўлиб қўндаланг қўйган ва амалга оширган ҳам унинг ўзи. Тошкент (ҳозирги Ўзбекистон) давлат консерваториясида 1972 йили собиқ Иттифок миқёсида яққою ягона бўлган «Шарқ мусикаси» кафедрасининг очилиши ҳам тўғридан-тўғри унинг ғояси ва фаолияти билан боғлиқ. 1940–70-йиллар мобайнида ўзбек мумтоз мусикаси республика ўқув юртлири таълим тизимидан буткул олиб ташланиши оқибатида нодир мусиқий меросимиз тақдири кекса санъаткорлар умрига бевосита боғланиб қолгани фожиасини чуқур англаб, жон-жаҳди билан буни бартараф этишга уринган ва уддалаган шахс. «Шарқ мусикаси»

кафедрасининг анъанавий ижрочилик бўлимига Фахриддин Содиков, Ризки Ражабий, Махмуджон Муҳамедов, Тўйчи Иноғомов, Умиджон Жалолов каби атоқли созандалар, Исҳоқ Ражабийдек атоқли муסיқашуносларни жалб этган оқил раҳбар. Ўрта асрлар Шарқ муסיқа маданияти тарихи, назарияси ва амалиётини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қиладиган араб, форс ва туркийда битилган қадимий муסיқий рисоалар таржимасига шарқшунос-мутахассисларни жалб этишда ташаббус кўрсатган олим. Мазкур ёзма манбаларда ёритилган чуқур илмий-назарий муаммоларни бевосита ўзлаштиришга кодир Шарқ тилларидан бохабар, айни вақтда, замонавий муסיқашунос мақомидаги мутахассислар зарурлигини тушуниб, буни бошқаларга ҳам қуюниб уқтирган, шу йўлда амалий иш олиб борган мураббий.

Серкирра илмий фаолият соҳибининг нашр этилган ишлари – улар 200 дан зиёд – Марказий Осиё муסיқий фольклористикаси, кўшиқчилик ва композиторлик ижодиётининг мураккаб, ўрганилмаган масалаларини қамраб олади. Муаллифнинг илмий-назарий хулосалари Ўзбекистон санъатининг, Марказий Осиё халқлари муסיқий фольклорининг муайян материалларига асосланган. Зеро, олим қарийб ярим аср мобайнида Ўзбекистоннинг барча вилоятларига, шунингдек, қўшни республикаларнинг ўзбеклар яшайдиган туманларига кўплаб муסיқий-фольклор экспедициялари уюштирган. Натижада, нафақат муסיқа, балки халқ театри, рақси, амалий-безак санъати, бадиий хунармандчилигига дахлдор ажойиб манбалар тўпланди. Бу ишлар миллий бадиий анъаналарни ўрганиш ва кадр-қийматини англаш борасида катта аҳамият касб этади.

Файзулла Кароматли – дунё тан олган шахс. Бу зот нафақат йирик фольклорчи, чолғушунос олим сифатида машхур, балки Шарқу Фарб мамлакатларида ўтказилган кўп сонли нуфузли халқаро форумлар, конгресслар қатнашчиси, ташкилотчиси ҳамдир. Хуллас, табарруқ ёшни ёруғ юз билан қаршилаган нуруний бу зотнинг 60 йилдан зиёд илмий-педагогик фаолиятига доир воқеликларни ҳали «кўб ва хўб» эътироф этиш мумкин. Аммо фурсатни ғанимат билиб, зиёлилик тимсоли бўлган инсоннинг самимий сўхбатига ошиқамиз.

– XXI асрда ўзбек зиёлиларининг роли, улар зиммасидаги масъулиятни қандай талқин этасиз?

– Зиёли замону макондан қатъи назар, ҳар ерда, ҳамма вақт ўз элати маънавий ҳаётида етакчи бўлиши лозим. Лекин, назаримда, охириги ўнйилликларда зиёлиларимиз овози ҳар доим ҳам талаб даражасида эшитилмаётгандек... Аслида эса, замона мураккаботларини айнан зиёлилар кенг оммага ўта нозик самимият ва устозона маҳорат билан талқин этиб бориши керак.

– Мусикий меросимизнинг ўта бой кўрсаткичларидан бири сифатида чолғу турлари ва улар ижросидаги мусикий жанрларга алоҳида эътибор қаратгансиз. Илк тадқиқотларингизнинг кенг қамровлиларидан бири ҳам миллий чолғуларимиз ва улар ижросидаги мусиқага бағишланган. Қолаверса, бир неча ўнйилликлар, аниқроғи, 1955–1990-йиллар давомидаги устозона мусиқа, айниқса, мақомотнинг мусикий ўқув даргоҳларида амалан ўрганилишини, кўп тортишувлар эвазига бўлса-да, жорий этишга эришганингизни алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу мерос намуналарининг нота ёзувларини кўп жилдли тўпламларда нашр этиш ишларидаги бевосита иштирокингиз хусусида...

– Режалаштирилган етти жилдли «Ўзбек халқ мусиқа мероси» нота ёзувларининг нашрдан чиққан икки тўплами, «Ўзбек халқ чолғу мусикаси» алоҳида нашри, беш жилдли «Помир мусиқа санъати»нинг (Н. Нуржонов билан ҳаммуаллифликда) Москвада чоп этилган икки жилди ҳамда нашрга топширилган учинчи китоби... Қолаверса, Юнус Ражабий ёзувида берилган олти жилдли «Шашмақом»нинг бевосита муҳаррири сифатидаги иштироким ҳамда менинг ҳаммуаллифлигимда Берлинда нашр этилган «Musikgeschichte in Bildern» («Мусиқа тарихи тасвирларда») ва унинг Токиода чиқарилган японча таржимаси мутахассислар диққатини жалб этган намуналардир.

– Ярим асрдан ошдики, шу нафис соҳани тадқиқ этасиз. Сизнингча, санъатнинг вазифаси нима?

– Хар қандай маънавий нафосат намуналари сингари мусиқа ҳам муайян гоёсиз, яъни фақатгина «ёқимли ёки ўта ёқимсиз товушлар йиғиндиси» даражасида қолса, инсон маънавий эҳтиёжидан узоқлашиши тайин.

– Инсоният тафаккури, онгу шуурида, умуман, ахлоқ борасидаги тушунчаларида ҳам тараққиёт бўлиши керакми? Агар бўлса, бу қай ҳолатда намоён бўлади-ю, санъатда қай тариха ўз аксини топади?

– Инсон тафаккури, маънавий тушунчалари, албатта, **замона зайли билан** ўзгарадики, бу ҳолат санъатнинг турли соҳаларида ҳам намоён бўлади. Аниқроғи, санъатнинг бугун бизда мавжуд жанр-турларидаги асарлар мабодо замонанинг долзарб ҳаётий муаммолари қамровида бўлмаса, бадий кўрсаткичи ҳам миллий ўзига хослик билан сугорилмаган бўлса, ихлосмандларидан секин-аста ажралиб қолиши ҳеч гапмас. Шу билан бирга, айтайлик, замонавий тингловчи ўз миллий фольклор кўрсаткичлари, ибратомуз классик анъаналари билан чегараланиб қолмай, кенгроқ миқёсда турли халқлар анъанавий мероси, жумладан, мураккаб устозона мусиқа кўрсаткичларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслиги керак бўлади.

– Ён-атрофда кечаётган жараёнларнинг қай биридан мамнунсиз, қайсиси гашингизга тегади?

– Саволни замонавий мусиқа амалиётига қаратадиган бўлсак, ўта мураккаб ижодий йўлни босиб ўтган юксак профессионал даражадаги композиторларимизнинг асарлари учун «ижровий ҳаёт» йўллари бирмунча бўғилиб қолган. Шу боис улар ижодий қувватини, асосан, педагогик фаолият ёки турли ташкилий ишлар билан чегаралаб қолаётгани ачинарли. Айни вақтда, мусиқий ижод доирасида нўноқ, чаласавод, лекин кўр-кўрона таклидда «устаси фаранг» қалбаки «эстрада» вакилларининг нафақат концерт заллари, балки радио ва телевидениеда ҳам ўта устуворлиги, очиғини айтганда, қандайдир бир «мусиқий вабо» тусидаги бахтсизликдир. Ҳолбуки, бу дарднинг олдини олишда энг кучли воситалар радио ва телевидение бўлиши керак. Чунки эндиликда турли «ижодий уюшмалар», жумладан, мусиқий ижрочиликка бевосита алоқадор концерт ташкилотлари ҳам даромад шайдоси бўлиб қолганга ўхшашпти. Айни вақтда, бунинг акси бўлмиш юксак маънавий-манتيқий озуқа берадиган мусиқанинг асл сомеълари бисёр эканини мумтоз миллий мусиқий меросимиз ижрочиларининг «Айтишув»и тасдиқламоқда.

– Ўйлаган фикрларингиз, орзу-истакларингиз ижобатини топмаган дамлар ҳам бўлганми?

– Истакларимнинг илмий-тадқиқий доирадаги энг жиддий илк тўсиқларидан бири 1950-йилларда Москва консерваторияси раҳбариятининг мақомот ва, умуман, ўзбек мумтоз мусиқасига бағишланган номзодлик диссертациям мавзуси – «Мақомотнинг назарий асослари»ни ўзгартиришимни талаб этгани бўлди. Бунга Иттифоқ Марказқўми ҳамда Ўзбекистон давлат бошқарувидагиларнинг кўрсатмаси билан мақомотга қарши уюштирилган «ҳужум»лар – ушбу меросга нисбатан сохта умумлашма «ғоявий» йўналишдаги сиёсий бўҳтонлар асосида туғилган олди-қочди ҳаракатлар сабаб бўлганди.

– Лекин бундай «кўргазма ҳужумлар»га таслим бўлмаганингиз Файзулла Кароматлининг асосий ва деярли барча жабҳаларда кузатилувчи жиддий «айб»и эди...

– Мақомот ва, умуман, «унисон» намуналар жиддий тусда маънавий «қашшоқ мусиқа» ибораларида қораланиб, мазкур соҳанинг амалий ўзлаштирилиши эллигинчи йиллардан бошлаб Ўзбекистон мусиқа ўқув юртлари таълим дастурларидан буткул (!) олиб ташланган эди... Менинг айни ўша паллада бошлаган илмий тадқиқотларим худди шу «қашшоқ унисон» мусиқасига бағишланди. Қизиғи, ушбу вазиятда энг кучли тарафдорларим москвалик йирик мусиқашунос олимлар, етуқ композиторлар бўлганди...

– Ақлга сизмас муסיқий «прогрессив ғоялар»га қарши курашда илмий асосланган чиқишларингизнинг ижобий натижалари, амалда эса 1970 йилдан консерваторияда мумтоз муסיқий меросимиз, жумладан, мақомотни амалан ижро этиш услубларининг ўзлаштира бошланиши, илмий-назарий асослари таълимига эса муסיқашунос (шу қатори чет давлатлардан келган) талабалар диққатининг кенг миқёсда жалб этилиши, сизнинг таклифингиз ва раҳбарлигингиз остида «Шарк муסיқаси» кафедрасининг ташкил этилиши...

– Ўша йиллари, айниқса, кафедра очилганига бир йил тўлар-тўлмас, Тошкент консерваторияси илмий кенгашининг кенгайтирилган мажлисида ушбу йўналишга қарши уюштирилган том маънодаги хужум ақл бовар қилмайдиган тадбирлардан бўлганди... Эндиликда ушбу кафедра – муסיқий шаркшунослик ихтисосидаги назариётчи-тарихчилар ва амалий ижрочи созанда-хонандалар тайёрлаш фаолиятида бардавом. Бунда тарбия топган ёш мақомдон ижрочилар саъй-ҳаракатлари билан вилоят муסיқий билим юртларида ҳам мазкур «унисон мерос» кенг миқёсда амалан ўзлаштирилмоқда.

– **Касбингиз нуқтаи назаридан нимани ёмон кўрасиз-у, нимани қадрлайсиз?**

– Ўта хавфли «намояндалар» бўлмиш фан хаваскорлари, аниқроғи, улар орасидаги «осмондаги юлдузни олмасдан қўймайман» дейдиган, аслида эса, тадқиқотчи даражасига кўтарилишга ожиз, шу боис доим қийшиқ йўлақларни қидириб юрувчи кимсаларнинг ашаддий душманиман. Чунки улар ҳар хил нағма-усул билан олимлар қаторига суқилиб олади-да, ўзига ўхшаганларнинг пайдо бўлишига кўмакдош, ҳатто «устоз» даражасига «кўтарилади». Айни вақтда, тадқиқотчилик йўлидаги ўз ижобий имкониятларини поймол этувчиларнинг ҳам душманиман. Ёшлигимданок ўз билганлари билан каноатланмай, доимо янгиликка интилувчи, ҳар бир воқелик негизини аниқлаш истагида бўлганларни алоҳида қадрлайман.

– **Ҳаёт сиз учун нима дегани? Сиз кашф этган фалсафа?**

– Ҳаёт, албатта, соғ-омонликда узоқ умр кўриш билан чегараланмайди. Ҳар бир киши ўз умри давомида қандайдир ижобий юмушларни (фарзандлар, шогирдлар тарбиясида, умуман, турмушдаги соҳаларнинг қай бирида намоён бўлишидан қатъи назар) амалга ошириб, жамият ривожига кўмакдош бўла олиши ҳаёт мантиқининг муҳим кўрсаткичларидир.

– **Умрингиз мобайнида фақат ўзингиз учун яратиб олган, доимий амал қилиб келган устувор қонда?**

– Қўлимдан келадиган ҳар бир ишни – мумкин қадар ўзгага ҳам ўргатиш. Илм-фан соҳасида – ўз билим ва имкониятларим доирасида муסיқа тарихи ва назарияси, муסיқий фольклор, муסיқий шарқшунослик

ихтисосликлари бўйича замонавий талаб даражасидаги мутахассисларни етиштириш. Назарий (муסיқашунослар) ва амалиётчиларнинг (мақомдон хонанда ва созанда) етук намояндалари вояга етиши учун яратилган жиддий имкониятларнинг сўнишига имкон бермаслик...

Тезкор давримизда умр кечирарканмиз, уни имкон қадар мазмунли яшаб ўтиш учун идеаллар қидирамиз. Ибрат учун тарихий қахрамонлар ҳаётини ўрганамиз. Аммо ёнгинамизда замонамиз қахрамони бизга ҳамнафас эканини гоҳо пайқамаймиз.

Файзулла Музаффар ўғли Кароматли.

Илм йўлидаги жидду жаҳдида Музаффар, эзгу аъмоллари билан Файз ва Карам соҳибига айланган инсон.

2006

НИГОРХОНА





ТОҚТОШНИНГ ТОҚ ОЛАМИ

*Санъатнинг илмини, илмнинг санъатини ўрганинг.
Леонардо да Винчи*

Дарвешлар ҳаёти ҳақида бирор нима ўқисам, тасаввуримда доим бир инсон гавдаланаверади. Кийиниши, юриш-туриши қаландарваш бу «олам ичра олам»ни санъатшунослар, санъаткорлар даврасида кўп бор учратганман. Билсам, Ўзбекистон Бадиий академиясининг академиги, санъатшунослик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Рафоил Тоқтош «шахсан ўзлари» экан. Ажабтовур бу инсонга, сиз ҳақингизда журналга ёзмоқчимиз, деб мурожаат қилсам, мени нима қиласизлар, ундан кўра санъат ҳақида ёзинглар, дея тажанглашди. Ахийри, «санъат ҳақида амалиётчи санъатшунос билан суҳбатлашиш» баҳонасида унинг уйига бордим. Тўғриси, бу уйга ҳам ўхшамайди – хароботнамо бир гўшаи ижод. Суҳбат асносида зоҳиран камгап, камписанд Рафоил Тоқтошнинг ботиний жазбаси фош бўлди.

– Қозонда туғилганман. Ҳаётимда онам – Гулчехра Ҳафизовна катта роль ўйнаган, мени санъатга йўналтирган ҳам шу киши бўлади. Онам жуда кўҳлик аёл эди, санъатни, нафосатни ниҳоятда қадрлар, ўзи ҳам қўлигул чевар эди. Ундан буюк актриса чиқарди, лекин тақдир уни бошқа соҳага раво кўрди... Онам асли водийлик бўлиб, Москва университетида таҳсил олган, ҳуқуқшунос эди. Касбининг тақозоси билан маълум муддат Қозон, Урал, Қримда, кейинроқ Тожикистонда яшадик. Болалигимнинг беш йили Қримда ўтган. Бу ҳаётимда ўта муҳим давр бўлган. Чунки Қримнинг хушманзара табиати худди Италияниқига ўхшайди – ўша мафтункор сарвлар, мимоза гуллилар... У ерда аслзодаларнинг қасрлари санаторийларга айлантирилган эди. Соғлом улгайишим учун онам мени шундай сиҳаттоҳларга жўнатарди. Бу эртакнамо муҳитда ҳақиқий санъатни, нафосатни ҳис қилганман. Кечагидек эсимда: санаторийнинг иморати жуда серҳашам, кенг хонада катта эман стол, суянчиқлари баланд чарм курсилар бўларди. Бу – Уильям Шекспир давридан қолган ҳақиқий инглиз мебели эди. Биринчи қават деворларида атоқли мусаввирларнинг асарлари осиглик турарди. Ётоқхонамиз деворларида эса ипак парчаларидан ишланган пейзажлар бор эди. Яна француз қасри, серҳашам картиналар галереяси, Симферополь галереяси... Шу муҳит таъсириданми, ҳарқалай, ҳаётим санъатга йўғрилганини жуда эрта идрокладим. Бу ҳақда ҳатто шеърый машқларим ҳам бўларди:

Ҳадсиз санъат денгизини сузиб ўтсайдим,
Камолотга етишмоқ – орзум...

Болакай Рафоилнинг шоиртабиатлиги бежиз эмас эди. Ахир, у татар классик адабиётининг ёрқин намояндаси Ҳоди Тоқтошнинг фарзанди...

– Отамнинг онаси, Шамсинисо бувим ниҳоятда саводхон аёл бўлганлар. У киши шеърлар, маросим қўшиқлари, гўзал номалар битардилар. Бувимни жамоатчилик учун отам Ҳоди Тоқтош кашф этган – Қозон матбуотида у киши ҳақида мақола чоп этган.

Отам худо юқтирган ижодкор эди. У киши Бухорода яшаган. Илк шеърлари ҳам шу юртда ёзилган, шу юртда чоп этилган. Фафур Гулом, Ғайратий домла билан борди-келдилари бор эди. Усмон Носир, Султон Жўра сингари ўзбек шоирлари отамга бағишловлар ёзган. Хамид Олимжон Ҳоди Тоқтошнинг машҳур «Муҳаббат у бир эски нарса, аммо ҳар юрак қайта янгарто...» сатрларини дostonларидан бирига эпиграф қилиб олган. Ўзбек адибларини учратсам, ҳамма вақт шу сатрларни эслайдилар...

Шеърятга ихлоси баланд Рафоил болалигидан расм чизишга ҳам иштиёқманд эди. Қизикишининг зўри билан у саккиз йил мобайнида машхур рассом, Петербург Бадиий академияси академиги Микола Самокишни излайди. Ниҳоят, устани топиб унга ўз машқларини кўрсатади. Рассом ундан маслаҳатини аямайди. Рафоил дастлаб натюрмортлар, кейин эса жонли жараёнларни чиза бошлайди.

Боланинг қобилияти шеър у расм билан чекланмаган эди. У бадиий-артистик маҳорат билан ҳам сийланган – 11 ёшли «артист»ни Симферополдаги театр-студияга қабул қилишгани бежиз эмасди. Шу тарика, санъатсевар болакайнинг болалар санаторийсидаги ҳаёти ўта «ижодий» кечарди.

– *Бир куни ҳатто бўёқли тубикни сўрамасдан «ўзлаштириб олмоқчи» ҳам бўлдим, аммо тарбиячимиз буни сезиб қолди... 6-синфни «аёло»га битирганим учун мени 1939 йили «Артек»ка жўнатишган. У ерда ҳам Болалар ижод уйи бўлиб, биз мойбўёқда натюрморт ишлардик... Кейин эса онам билан Тожикистонга, сўнгра Ўзбекистонга кўчиб келдик. Фарғонада дўстим Ўринбой Охунов билан тасвирий санъат тўғарагига қатнаш эдик, этюдлар чизиш учун ҳам бирга сафар қилардик. Устозимиз Пётр Максимович Никифоров Петербургдаги Барон Штиглиц рассомлик билим юртини тугатган эди.*

Сўнг Рафоил ўша пайтда Самарқандга кўчирилган Ленинград Бадиий академияси қошидаги махсус рассомлик мактабида, ундан сўнг машхур Суриков институтининг тасвирий санъат бўлимида таҳсил олади. Назарий фанларни «аёло»га битирган ёш рассом энди ўқишни иккинчи факультетда – санъат назарияси ва тарихи бўйича давом эттиришга қарор қилади. Амалиётчи-назарийчи таҳсилни муваффақиятли тугатгач, Ўзбекистонга қайтади ва атоқли адиб Фафур Фулом кўмагида фаолиятини бошлайди. Фафур Фулом ва Ҳоди Тоқтош ўртасида самимий дўстона муносабатлар бор эди (1931 йили Ҳ. Тоқтош навқирон ёшда вафот этгач, орадан йил ўтар-ўтмас Фафур ака унинг шеърларини таржима қилиб, тўплам шаклида нашр этганди).

– *Бирор йил Тошкентда ишлагач, Шароф Рашидовнинг тавсияномаси билан Москвага, Бадиий академия қошидаги илмий-тадқиқот институт аспирантурасига йўл олдим. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, ўқишга қабул қилиндим. Диссертациямни ўз вақтида ёзиб тугатдим, ёқладим ҳам. Бир муддат ўша ерда ишладим, аммо Ўзбекистон соғинчи менга ҳеч тинчлик бермади. Бу юрт ҳарорати қонимда жўш ураётганини ҳар доим сезиб турардим. Москвада бирор ўзбекистонликни учратгудек бўлсам, унга эргашиб шу томонларга келгим келардирди. Охири чидалмадим – қайтишга қарор қилдим... Шунга ҳам 45 йил бўлибди. 1961 йилдан бери шу заминда, шу ўлкада яшайман...*

Санъатшунослик институтида илмий ходим сифатида фаолият юритаётган Рафоил Токтошни 1964 йили Театр ва рассомлик санъати институтининг санъатшунослик факультетига мударрис сифатида таклиф қилдилар. Устоз hozirga кадар шу даргоҳда – hozirgi Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида бўлажак санъатшуносларга маърузалар ўқийди. Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида эса қирқ икки йил самарали фаолият юритди. Бу орада «Ўзбекистон тасвирий санъатининг XIX аср иккинчи ярми – XX асрнинг 60-йилларидаги тараққиёт йўллари (рангтасвир, хайкалтарошлик, графика)» мавзусида докторлик диссертациясини Ленинградда ёқлади, ўн бешга яқин фундаментал ва монографик тадқиқотлар (хусусан, «Ўзбекистон тасвирий санъати», «Бадиий-танкидий этюдлар», «Ўзбекистон замонавий графикаси», «Ўрол Тансиқбоев», «Баҳром Хамдамий», «Жўлдосбек Қуттимуродов», «Усто Қодиржон Ҳайдаров» ва б.), тўрт юзга яқин мақолалар нашр қилди, турли нуфузли илмий анжуманларда иштирок этди.

– *Аммо ҳар доим рассомлигимча қолдим. Ўзимни санъат кишиси деб ҳисоблайман. Зеро, болалигимдан бошлаб ҳар лаҳза шу муҳит ичида бўлишни хоҳладим.*

Бугунги кунда рассом Рафоил Токтош асарлари Ўзбекистон Миллий галереяси, Санъат, Адабиёт, Есенин музейларида, Қўқон санъат музейида, Москвадаги Бахрушин театр музейида, Қозон музейлари, Қорақалпоғистон давлат музейларида, шунингдек, турли мамлакатларда хусусий коллекционерлар мулкида асралади.

– *Санъатнинг ҳеч бир тури мактабсиз мавжуд бўла олмайди. Айтадилар-ку, уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар, деб. Шу маънода ўзбек тасвирий санъати яхши асосга эга. Чунки бизнинг мактаб кўрган моҳир рассомларимиз бор. Миниатюра бўладими, бошқа жанрми, ижодкор учун энг самарали йўл – бу бевосита ҳаётни ўрганиш, унинг ажойиботлари, нафосатидан баҳра ола билиш, уни тасвирга кўчира олишдир. Чингиз Аҳмаров, Тельман Муҳамедов, Шомаҳмуд Муҳаммаджонов, Ниёзали Холматовлар ижоди бунинг ёрқин мисоли. Эски қолиплардан кўчириш эса – самарасиз. Бир шоирнинг гапи бор: «Такрорлаш – билимнинг онаси, аммо ижоднинг душманидир». Мен буюк мусаввир Камолиддин Бехзоднинг Швейцарияда, Англияда табиий ҳажмда нашр этилган миниатюраларини кўрганман. Маҳоратни қарангки, кичкинагина, атиги 4 см атрофидаги шаклларда образлар, типлар акс эттирилган. Булар – Шекспирона қиёфалар, уларда характер бор, индивидуаллик бор. Бехзод ҳаётни жуда тийрак кузатган, бировдан кўчирган эмас.*

Леонардо да Винчи шундай таъкидлаган: табиатни, натурани ўрганадиган рассом табиатнинг фарзандидир, бошқа мусаввирлар ижодига таянувчи рассом эса табиатнинг набираси, аслиятдан узоқроқдир. Бу билан у Юнон-Византия мусаввирларини такрорлаган италян рассомларини назарда тутган эди. Унинг ўзи эса доим аслиятга интилган, натурани ўрганган. Шу боис унинг асарлари ҳанузгача долзарб. Италия пул бирлиги лира императорлар ёки саркардаларнинг эмас, буюк ижодкорлар – Леонардо да Винчи, Микеланджело суратлари билан зарб этилиши шундан...

Амалиётни билмайдиган назариётчи бу – бир ёклама мутахассис демакдир. Рассомлар Рафоил Токтошни амалиётчи санъатшунос сифатида кадрлайдилар.

– Гап шундаки, ҳозир асл санъатга бевосита дахлсиз нарсаларни ҳам санъат деб баҳолашга уринишлар бўляпти. Бу борада айрим санъатшунослар билан баҳslashаман. Фарбдан кириб келган инсталляциялар аслида дизайннинг бир қисми, холос. Бунда тасвирий санъат воситаларидан фойдаланиляпти, бунинг ўзи эса тасвирий санъат бўлмайди. Муайян классик шакл ва жанрлар мавжудки, уларни аралаштириб юбориш тўғри эмас. Графика бор, ҳайкалтарошлик бор, булар қоришиб кетса, ахир, орадаги чегаралар сидирилиб кетади-ку!..

Ижодкор олимнинг ўзбек тасвирий санъати келажакдан кўнгли тўқ. У Ўзбекистон тасвирий санъатининг бугунги макоми билан ифтихор қилади.

– Ўзбек санъати бугунги кунда халқаро миқёсда тан олинган. Ҳатто у туркларникидан бир неча карра кучлироқ эканини эътироф этишим мумкин. Сергей Алибеков, Баҳодир Жалолов, Абдуҳаким Турдиев, Зайниддин Фахриддинов, Жавлон Умарбеков, Алишер Маҳкамов, Ғофир Қодиров, Акмал Нур, Жамол Усмонов каби йирик истеъдодларимиз бор. Ҳайкалтарошлик, графика йўналишида ҳам талантли ижодкорларимиз кўп – Илҳом Жабборов, Улугбек Мардиев, Равшан Миртожиев, Аҳмад Шоймуродов... Бизнинг мутахассисларимиз, масалан, Исфандиёр Ҳайдаров Туркия ўқув юртларида тасвирий санъат бўйича сабоқ берапти... Хуллас, соғлом, бақувват санъатимиз бор, у миллий менталитетга ҳамшиша таянган ҳолда жаҳон санъатининг афзал тамойилларини ўзлаштириб ривожланаверади.

Ўзбекистон Бадий академиясининг академиги, санъатшунослик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Рафоил Токтош шеърий, рангтасвир ва санъатшунослик йўналишида кўп йиллар қалам тебратди. Қайси йўналишда ижод

килмасин, унинг асарларида жаннатмонанд Ўзбекистонимиз табиати, нафосати, ҳарорати акс этиб туради.

– Ўзбекистон менинг ватаним бўлиб қолди. Зеро, волидам шу ерда тузилган, боболаримнинг мозори ҳам шунда. Ҳаётимда Ўзбекистон, ўзбекистонликлар катта роль ўйнадилар. Фафур Фулом, Ойбек, Зарифа Саидносирова, Шукрулло... Бу инсонлар мenden ҳеч қачон ёрдамини аямадилар. Шукур Бурҳонов билан қадрдон эдик. Унинг сувратини неча марта лаб чизганман. Тамарахоним, Аброр Ҳидоят, Сора Эшонтўраева билан ҳам Ўзбекистонда танишганман. Умримнинг асосий қисмини шу ерда яшаганим, шу муҳтда ижод қилганим учун тақдиримдан миннатдорман. Бу юрт тупроғи мен учун азиз...

Саксонни эсон-омон қаршилаб қўйган бўлса-да, «мўйсафид»лигини тан олишни кўпам хоҳламайдиган болаларча беғубор бу инсонга ич-ичимдан ҳавас қилдим...

2006

Хуллас, туртиниб-суртиниб ўқишга кирдик. Пешонам яркираб, яхши педагогнинг қўлига тушдим – Борис Иванович Токмин деган, институтнинг VI курсида ўқий туриб, билим юртида ҳам дарс берарди. Хаётда ўз йўлимни топиб кетишимда бу инсоннинг ўрни катта бўлди. Ишларимни диққат билан кузатиб, айтарди: «Джавлон, твои работы напоминают картины кинохудожника, ты мыслишь киношно. В Москве есть Институт кинематографии, ты должен учиться именно во ВГИКе».

Устозларнинг оқ фотиҳаси билан билим юртини битириб, тўрт-беш курсдош эш бўлиб Москвага йўл олдик. Биримиз Суриков институтига, биримиз ВГИКка, бошқамиз Полиграфия институтига ўқишга кирдик. Шундай қилиб, Бутуниттифок кинематография институтининг бадиий факультетида олти йил таҳсил олдим.

– **ВГИКда кечган йиллар ижодий шахсингиз шаклланишида аҳамиятли бўлди...**

– Шак-шубҳасиз. ВГИКда кўп қиррали таълим йўлга қўйилган эди; бутун дунё кино санъати тарихи – поезднинг биринчи ҳаракатини тасвирловчи кадрлардан то замонавий кинематографгача ўрганардик. Шу билан бирга, мусиқа, тасвирий санъат тарихи, рангтасвир технологияси дарслари ҳам ўтиларди. Қолаверса, Москванинг ўзи катта бир томошагоҳ: Третьяков галереяси, Пушкин музейи, бутун дунёдан келиб турадиган доимий кўرғазмалар; бу ёғи Ленинград – бир кадам, Эрмитажга саёҳатлар... Хуллас, талабалик ҳаёти фаол кечган. Таҳсил жараёнида рус тилини ҳам пухта ўрганиб олдим. Илгари ўзбекча ўйлаб, кейин русчага таржима қилиб гапирардим. Бора-бора, бевосита русча ўйлаб, русча гапирадиган бўлдим.

– **Аmmo бу... ижодий тафаккурга ҳам таъсир қилади-ку?**

– Албатта таъсир қилади... Лекин мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан, деган гап бор. Москвада ўқиб юрган кезларимиз Ўзбекистонни, ўзимизнинг тандир нонларни, ариқларимизни соғинардик. Ёз бўлди дегунча учиб келардик. Ана шундай кунларнинг бирида устоз Чингиз Аҳмаров билан танишганман. Ўша вақтда домланинг ижодий ҳаёти жуда унумли кечарди. Биласиз, Шарқшунослик институти ва Санъатшунослик институти деворий суратларини домла ишлаганлар. Мана шундай маҳобатли ишларга биз – ёш рассомларни ҳам жалб этардилар. Иш асносида насихат қилиб, йўлга солардилар.

«Кўча чангитиб юрмасдан, жиддий иш билан шуғулланинглар. Яқинда ҳазрат Алишер Навоийнинг 525 йиллик тўйи бўлади, шунга бирор картина чизинглар, кўрғазмада иштирок этинглар».

«Хўп, домлажон, лекин нима чизамиз?»

«Мана, масалан сен, Жавлон, Навоийнинг болалигини чиз».

«Навоийнинг болаликда қандай бўлганини қаердан биламан?»

«Болаликда Навоий, дейлик, ўртоғинг Баҳодир Жалоловга ўхшаган бўлиши мумкин, дўсти Хусайн Бойқаро эса сенга ўхшаш бўлгандир. Мана сенга мавзу».

Домланинг йўригидан илҳомланиб, картинани чиза бошладим. Ўзим ҳам билмайман, қандай қилиб бу усулга тушиб қолганимни. Қаранг, миниатюранинг қандайдир оҳанглари бор... Икки ўспирин ўтирибди: бири кизил заррин кабо кийган, биттаси оддийроқ, бошида кулоҳ, шоирона образда. Шунини чиздим-да, кўрка-писа Чингиз Аҳмаровнинг устахонасига олиб келдим. «Домла, айтган нарсангизни чизувдим, бир кўриб берасизми?» дедим секингина. Индамай бош ирғидилар. Ишни қўйдим. Узо-о-оқ тикилиб қолдилар. Менинг эса юрагим така-пука: «Ҳозир танкид остида чилпарчин бўламан». «Хў-ў-ўп, – дедилар домла, – картинани қолдириб кетавер, мен бафуржа ўйлаб кўрарман...»

Эртасига келиб хушхабар эшитдим: «Картиналикни эксперт комиссияси Навоийга бағишланган кўرғазмадан кейин Санъат музейига сотиб оладиган бўлди. Сен хотиржам ўқишингга кетавер, телеграмма орқали хабар бераман». Қувончим ичимга сиғмай, Москвага жўнадим... Бир ойдан кейин телеграмма олдим: «Жавлон, табриклайман, картинани Санъат музейига фалон пулга сотиб олинди». Наҳотки?! Талаба учун бу нақ фантастика! Биринчиёқ ишлаган ишинг Санъат музейида турса!

Ана шундан кейин ёзни интиқиб кутадиган бўлдим. Таътил бошланиши билан Ўзбекистонга келиб ҳар хил мавзуларда ёниб ишлардим. «Менинг дўстим», «Тут пишганда», «Куй» деган картиналар ўша давр маҳсули.

– **Институтни битираётган маҳалингиз бинойидек ижодий «сеп»ингиз бор эди: анча-мунча кўрғазмалар, Финляндия, Франция журналларидаги чиқишлар, мутахассислар эътирофи...**

– Билмадим, бошқа одам бўлганида, бу муваффақиятлардан хаволаниб кетган бўлармиди?.. Лекин яхши самаралар мени ижодга баттар ловулатди. ВГИКни битираётганимда имтиҳон ҳайъатидан таклиф бўлди: «Умарбеков, оставайся в институте, у нас есть режиссёрский факультет, выучишься еще два года и станешь прекрасным кинорежиссёром». «Ни в коем случае! – дедим. – Меня ждут в Ташкенте. Извините, но у меня другие планы».

– **Наҳотки, ВГИКда олти йил ўқиб, кино олишга хоҳиш туғилмаган бўлса? Ақалли кино расмони бўлиб ишлашга?**

– Йўқ. ВГИК кучли даргоҳ, лекин менда ҳеч қачон кинога иштиёқ бўлмаган.

– **Сиз қатори ўша йиллари Москвада таҳсил олган Баҳодир Жалолов, Алишер Мирзаев, Саъдулла Абдуллаев, Отахон Ҳамдамов каби ёш ўзбек рассомларининг авлоди санъатимиз ривожига қатта ҳисса қўшдилар.**

– Бор гап... Москвадан қайтганимда мени янги очилган Алишер Навоий музейига бош рассом қилиб ишга олишди. Хамид Сулаймон домла каттагина хонага бошлаб, «Ўғлим, мана шу хонада сен пиримизга хизмат қиласан, ажойиб картиналар чизасан. Вақти келиб, сени академик қиламан», дедилар...

Бирин-сирин Москваю Ленинградга кетган ёш ўзбек талантлари ўқишни битириб, Тошкентга қайта бошладилар. Шу тариқа Хамид Сулаймон ажратган хона рассомларнинг гавжум тўғарагига айланди. Домланинг ўзи ҳам даврага қўшилиб турар, чиройли мажлислар қурардик, ажойиб фикрлар туғиларди...

– Сиз ижодкор сифатида шакллана бошлаган даврда санъатда соцреализм ақидалари амалда эди. Ижодий эркинлик ёхуд ахлоқий эркинлик масаласи...

– Биласизми, мени Чингиз Ахмаровдек бақувват шахс суяб турарди. Устознинг асарларини кўрсангиз, замонавий реалистик услубда, лекин минг йиллик анъаналар йўлида яратилган. Шунинг учун бўлса керак, мен ҳам сиёсат ҳақида ўйламай, бамайлихотир ишлайвердим. Қандай хоҳлаган бўлсам, ўшандай чиздим. Рост, ҳеч ким бошимда таёқ ўйнатган эмас.

– Ҳеч бир асар ёки хатти-ҳаракатингиз учун гап эшитмаганмисиз?

– Йўқ. Ҳатто, эсингизда бўлса, «Инсон заковати» асаримда Ботичелли ва Леонардо да Винчига ўхшатма жойлари бор. Ўша картина ҳам Москвада катта кўرғазмада иштирок этган, санъатшунослар буни ўзбек тасвирий санъатида мисли кўрилмаган янгилик деб баҳолашган. Кейин Ўзбекистонда ҳам бу фикр қўллаб-қувватланган. Кўп журналларда чиққан, ҳозир Санъат музейи экспозициясида туради. Тўғриси, бу янги йўл эканлиги ҳақида ўзим ҳеч қачон ўйламаганман. Рассом ҳозир мана шу картина билан янги йўл очаман, деб ишламайди. Юрагида гупиллаб уриб турган ҳисни борича матога тушириш пайида бўлади.

– Шунақа пайтлар бўладими: аввал-бошда бир нима ўйлайсиз-у, оқибатда, бошқа нарса бўлиб чиқади?

– Бўлганда қандок! Ие, нима қилиб қўйдим, нима ўйлаган эдим ўзи, деб қоласиз... Ҳеч қачон картинанинг охирини кўрган эмасман. Бошланишини кўраман, мавзусини биламан, ишлаш техникасини ҳам чамалайман. Лекин натижасини тасаввур қилолмайман.

– Суврат «оби-тобига етган»ини қандай ҳис қиласиз? Кейинчалик устидан ишлаган асарларингиз борми?

– Оббо сиз-ей!.. Ҳа, шу ерида тугатсамми ё яна бўёқ урсамми, деб қоладиган пайтларим ҳам бўлади. Лекин битган картинани асло қайта ишлаган эмасман (аммо иштиёқ бўлган). Анча илгари чизган картиналаримни кўрсам, озроқ тузатиш киритгим келади. Лекин базўр ўзимни тўхтатиб қоламан – ўша даврнинг маҳсули бу, деб.

Буюк Репиннинг «Государственная Дума» деган катта асари бор. Тарихий образларни мўйқаламнинг бир ҳамласидаёқ чиқарган. Картина Третьяков галереясида сақланарди. Бир куни экспозицияни томоша қилиб юрган Репинга ўша асарининг бир жойи ноқисроқ туюлган. Кейин Третьяковга мурожаат қилган: «Дўстим, шу картина устида ишлаб олишим учун икки соатгина вақт берсанг». Масалани нозик англаган Третьяков, албатта, изн бермаган: «Миллион тўлаган тақдирингда ҳам, бунга йўл қўймайман». Айтмоқчиманки, санъатда, айниқса, мусиқа ва рангтасвирда қайта ишлов асар ҳиссиётининг бузилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун тахрирга иштиёқ бўлган пайтларда ҳам ҳеч бир ишимга тегинмаганман.

– **Ишлашга чоғингиз келмай қоладиган пайтларни қандай енгасиз?**

– Ох, бу ҳолатни сиз ҳам биларкансиз-да... Турмуш ташвишларга ўралашиб бир муддат устахонага келмай қолсам, яна «кириб олишим» қийин бўлади. Худди орага оғир парда тушиб қолгандек. Яқинда худди шундай ҳолат бўлди. Маиший масалаларга андармон бўлиб, бир ой устахонага келолмадим. Бир ой-а! Бу расом учун фожиа. Келиб эшикни очаман, кириб бирпас ўтираман, нима қилишимни билмайман. Бўлмасам, иш дегани уйилиб ётибди. Мен эса ётсираб қайтиб кетаман. Бирор кун ўтиб тагин келаман... Яна қўлим ишга бормайди.

– **Лекин ишлаш керак, вақт ўтяпти... Қандай созланасиз? Рухиятни раббатлантирувчи бирор услубингиз борми?**

– Кўрғазмаларни айланаман, тарихий суратларни томоша қиламан, китоб varaқлайман, мусиқа эшитаман. Моторни юрғизиш керак-ку! Кейин дастгоҳ олдига бориб иккита миҳ қоқаман, ёғоч арралаб, ром ясай бошлайман... Қарабсизки, ишга берилиб кетганимни ўзим ҳам билмай қоламан. Энди тўхтатиб кўринг-чи! Вақт етишмай қолади. Энг «қизиқ турган» пайтимда уйга кетадиган вақт бўлади... Зўрға узиламан ишдан. Эртасига яна ютоқиб келаман. Мана шу – ижодкор учун энг зўр давр. Гоҳида уйдагилар айтишади, намунча устахонангиз узоқ, шуни яқинроқдан қилса ҳам бўлади-ку... Менимча, устахона оиладан, яшаб турган манзилингдан нарида бўлиши керак. Ойнадан қараганингда бошқа манзара кўзга ташланиши лозим. Узоқлиги учун ҳамдир, устахонамни яхши кўраман, соғинаман. Бир ҳафта келолмасам, худди қафасга тушиб қолгандек бўламан...

– **Иш устида мусиқа тинглайсизми?**

– Албатта. Классикани кўп тинглайман. Ўзбек, рус, европа классик мусиқасининг муҳлисман. Яхшигина коллекциям бор: Турғун Алиматовдан тортиб Ванесса Мэйгача... Гоҳида эса жимжитлик

муסיкасини тинглагим келади. Айниқса, кош қорайганда... Чироқларни ўчириб, сукунатда ўй суришни яхши кўраман. Коронғуда мия дам олади, фикрлар дарров йиғилади, хис-туйғулар ўткирлашади.

– **Кечқурун локал ёриткич билан ишлайсизми?**

– Йўқ, тепадаги чироқ билан. Эски шахардаги ховлимизда пилта чироғимиз бўларди. Ўшанинг нурида «Кунтуғмиш», «Гўрўғли», «Алпомиш»ларни эшитганмиз. Шу ёшга кириб тушунапман, болаликда ўқилган китобларнинг эсда қолганига сабаб ҳам шам ёруғида ўқилганида. Пиликдан чиқаётган шуъланинг липиллашида ҳам сирли бир муסיка бор-да... Девор ва шифтдаги ўзингиздан тушаётган сояларга қараб «Кунтуғмиш»ни эшитишнинг ҳам гапги бўлакча экан. Айнан ўша мухит хис-туйғуларни чархлайди...

– **Асарларингиз орасида ўзингизга ёқмайдиганлари борми? Уларни нима қиласиз?**

– Бор. Чеккароққа яшириб қўяман. Хеч кўргим келмайдиган бир картина бор эди, ҳатто бузиб ташламоқчи ҳам бўлдим. Кейин шайтонга ҳай бериб, панароққа олиб қўйдим. Беш-олти йилдан сўнг олиб кўриб, э-э-э дедим, қандоқ зўр ишланган экан-а!..

– **Демак, асарни баҳолаш мезони кайфиятга ҳам боғлиқ...**

– Ҳа. Кишида фикр ҳам, ҳиссиёт ҳам тўмтоқлашиб қоладиган кезлар бўлади. Бу ёшга нима қилдим экан, деб такка тўхтайсиз. Ўшандай пайтларда бошқа машғулот билан чалғиш керак.

– **Ошиғич ишлайсизми? Сидрасига чизиб кетаверасизми?**

– Энг узоқ ишлаган асарим беш-олти ойга чўзилиши мумкин, лекин бир кунда битирган асарларим ҳам бор. Параллель ишлашни ёқтирмайман, битта ишни бир нафасда охирига етказсам дейман. Чунки хис-туйғу алмашинади-да. Битта ҳисни охиригача чертиб, нуқта қўйиб, кейин бошқа асарга ўтаман. Гоҳида бир мавзуни ишлаётганингизда иккинчиси эшик қоқиб туради. Бу – жуда зўр ҳолат.

– **Мойбўёқ, гуашь, темпера... Қай бирини афзал кўрасиз?**

– Асосан мойбўёқ, мато. Тайёр холстни ёқтирмайман, ўзим тайёрласам кўнгилдагидек чиқади. Кўмирда ишлашни жуда яхши кўраман, пастель қаламда картонга чизишни ҳам. Қайин ёғочини куйдирсангиз, чиройли қалам чиқади. Чизсангиз, тим қора из қолади. Техникавий жихатдан афзаллиги, мабодо чизма ёқмаса, ўчириш осон. Умуман, устахонам бир ўчоқбошидай гап. Пишириб-куйдириб, уриниш-тажрибалар қилиб, ўзимга ёққанини сизга кўрсатаман, ёқмаганини четга суриб қўяман. Хомроғи етилгунича тегмай тураман... Асар яратиш ҳам экзотик таом тайёрлашдай бир нарса...

– Картиналарингизда зумрад, зарғалдоқ, қирмизи ранглар уйқашиб келади.

– Ранг бу – оҳанг, ранг бу – туйғу. Зумрад, сарик, оқ... Кўнгил торларимга ҳамоҳанг ранглар. Майолика, охра рангларини (сополғиштин тус – *муал.*) яхши кўраман. Ўзимизнинг бекасаму атлас, адрас жилоларига, сўзаналаримиз зеболигига қаранг! Меъморий обидаларимиз таровати-чи... Неча асрлар синовидан ўтиб келяпти-я! Буларнинг ҳаммаси халқимизнинг нозик бадиий дидидан дарак беради. Ранглар нафосатини мен айнан анъанавий халқ санъатидан топдим.

Ҳаёт оқар сувдек бир зумда ўтиб кетар экан... У ёнгинангдан оқиб кетиши ҳам мумкин. Яшашга шошилиш керак, нимагадир улгуриб қолиш керак. Дунёни гўзаллик, муҳаббат қутқаради. Бир кимса ёки бир нарсага кўнгил қўйдингми, астойдил севиш лозим. Ярим-ёрти кўнгил билан гўзаллик яратиб бўлмайди. Бу илиқ чой ёки иситма овқатдек гап. Қайноқ бўлиши керак ҳаммаси. Шунинг учун ҳам асарларимда бурро, кескин ишлатаман рангларни, сийқа бўёқларга тоқатим йўқ.

– Ҳаётда ҳам кескин одамсиз?

– Бир маҳаллар Рассомлар Раислиги қилганимда шу феълим бошимга бало бўлган. Яхшини яхши деганман, ёмонни – ёмон. Талантлини олқишлаганман, талантсизни – йўқ. Кескин фикрларим учун бошимда анча-мунча ёнғоқ чақилган. Устмонроқ бўлганимда эди, бошқачароқ кўчарди ҳаммаси...

– Қадриятлар мезони айқаш-уйқаш бир замонда яшаямиз. Ҳатто санъатда ҳам ўртамиёналикни бўйнимизга олиб, кўникиб қолдик.

– Афсуски. Дабдабали уйлар қуриляпти, бу уйларни картиналар билан безатиш урф бўляпти – хонадон эгалари буни тушунсатушунмаса. Кўпинча, картиналаримни кўргани келган одамлар айтади: «Я не совсем это понимаю, но мне это очень нравится. Вот эта картина подходит к дивану, а вот эту можно повесить на кухне». Картина ҳақида бундай ҳукм юргизиб бўлмайди, ахир. Бир пайтлар Маркснинг жилд-жилд асарларини кўрк учун жавонга тахлаб қўйгандек гап бу. Санъатни қадрлайдиганлар бор, лекин... Юксак санъатнинг ўхшатмалари кўпайиб кетди. Адабиётда ҳам, муסיқада ҳам, тасвирий санъатда ҳам савиясизлик... Бир мисол. Илгари Ўзбекистон музейлари учун эксперт комиссиялари саралаб асар сотиб оларди. Ҳар даврга оид ижод намуналари турарди музейларда. Мустақил бўлганимизга 17 йил тўлибди, орада қанчадан-қанча асарлар яратилди, лекин музейларимизда яккам-дуккам... Адолат нуқтаи назаридан айтганда, бу Янги давр учун кўрсаткич бўлолмайди. Айтмоқчиманки, бақувват ижодкорлар бор. Лекин уларга талаб-этибор сустроқ...

– Бу давр ҳам бани башарнинг насибаси, шекилли.

– Нимасини айтасиз...Талабаларимга уқтираман, ҳей бола, чизсангчи, ўқисангчи. Пастга тушволиб телефонда соатлаб гап сотади. Ўз-ўзини совориш-ку бу. Мен ҳам ёш бўлганман, лекин бекор юрган вақтимни эслолмайман. Бекорчидан худо безор, дейдилар-ку. Ҳаёт эса жуда тезкор: мана, бирпасда олтмишни ҳам уриб қўйибман. Кечагина «умидли ёш рассом Жавлон Умарбеков» эдим. Билсангиз, ўша сўз куни кеча айтилгандек, ҳалиям қулоғимда жаранглаб туради. Ўзимга-ўзим айтаман, э, тўхтаг, мулла Жавлон, у пайтлар аллақачон ўтиб кетди, энди умрнинг бошқа фаслида яшаяпсиз...

– **Ижодкор учун замон – макон тушунчалари шу қадар аҳамиятлими?**

– Биласизми, Ирода, ёш маҳалимда чегара билмасдим. Мен шу дунёнинг – катта маконнинг одами эдим. Хозир Жазоирдаман, кейин Нью-Йоркка, сўнг Токиога боришим мумкин, яъни шу ёруғ олам менинг ватаним эди. Ёшим улғайиб, анча «қуюлганимдан» кейин ўша катта оламда ўзимнинг юртим, Тошкентим борлигини англадим. Бу гапларни ҳеч бир бўёқсиз, лирикасиз айтяпман. Она шахримни жуда яхши кўраман. Ота маҳаллам – Эски шаҳарга тез-тез бориб тураман. Болалигим ўтган кўчаларни кезиб жиз-з этаман. Кейин ўз-ўзимга айтаман, барибир, шу ернинг, айнан шу маконнинг одами эканман... Аслим шунда экан.

Нью-Йоркда Илёс Маллаев ва Муҳаббат Шамаева хонадонида меҳмон бўлдик. «Тандир» номли ресторанлари бор экан, қаранг, ўзимиздан тандир олиб кетиб қурдирган эканлар. Ош дамлатдилар. Дастурхон устида Илёс ака торни олиб хониш бошлаб қолди. «Тошкентим» деган ашула эди. Беш-олти киши ошга ҳам қарамай тинглаб ўтирибмиз. Ҳофиз куйлаяпти-ю, дув-дув ёш тўкиляпти кўзларидан. Бу одамни илгаридан билардим, Тошкентда кўришиб турардик, лекин йиғлашини биринчи марта кўришим. Бундоқ қараганда, уларга нима етишмайди: бола-чақаси, уй-жойи, кўша-кўша машинаси, ресторанлари, қариндош-уруғи, дўсту биродари бор, ҳар қуни тўй-ҳашамда бўлса. Тошкентим, деб йиғлаяпти. Тошкентимни асранг, деб йиғлаяпти...

– **Ўз уйим – ўлан тўшагим...**

– Шунақа... Илёс ака қазо қилганини эшитганимда алланечук бўлиб кетдим... Ватан гадоси – кафан гадоси, дейишади-ку. Она юртдан узокроқда яшаб кўрган одам буни яхши ҳис қилади. Чет эл сафарларида кўп бўлганман. Туркия саёҳати жуда қўнғилли ўтди; Ота юртдан келибсиз деб иззат-икром кўрсатишди. Профессорлигимни эшитиб, бизда дарс берсангиз-чи, деб қолишди. Тасвирий санъат йўналишида катта университетимиз бор, яхши маош тўлаймиз, тил масаласида ҳам муаммо йўқ, ўзбекча ўтаверасиз, беш йилга контракт тузамиз дейишди.

Эх-хе, бир ойга чидолмайман-ку, беш йилга кўниб бўларканми, дедим. Ўйлаб қаралса, Туркия у қадар узоқ эмас, тилимиз, анъаналаримизда ўхшашликлар бор. Лекин... ич-ичимдан ҳис қилганим, Ўзбекистондан қадамим узилмаслиги керак. Шунда ҳаётим ҳаловатли, ижодим ҳам тўқис бўлади. Ўз юртим, ўзимнинг халқим, ўз санъатим...

2008



ШАҲНОЗА МЎМИНОВА

Чиннининг чин оҳанги

Унинг асарлари замонавий пластика усталарининг нодир ишлари қаторида юқори баҳоланади. Оқ чиннидан ишлаган митти дурдоналари дунёнинг йирик музейлари, шахсий коллекцияларга ўзбеккона лутф бахш этиб туради.

Шахноза Мўминова – Ўзбекистонда чинни билан ишлайдиган бирдан-бир санъаткор. Ўзбекистон Бадий академиясининг яккаю-ягона аёл академиги. Бу латофат сохибаси билан суҳбатга киришарканман, мўъжизалар оламига кириб қолгандек бўлдим. Нафосат, Ёруғлик, Муҳаббат... Гўё ҳаёт факат шулардан иборатдек. Теварак-атроф гуллаб, ёришиб бораётгандек. Кулогим суҳбатда-ю, қўлигул аёлни жажжи хайкалчаларидан кўз узолмайман. Нафис хайкалчалари унгами, у хайкалчаларигами ўхшайди. Уйғунликдан хайратга тушаман.

– Болалигимдан чиройли нарсаларнинг суратини чизишни ёқтирардим. Мактабда деворий газеталар менинг зиммамда эди. Рақс тушишни ҳам яхши кўрардим. Ким билсин, агар устозим Раҳим Аҳмедовнинг устахонасига келиб қолмаганимда, балки балерина бўлармидим...

Халқ рассоми Раҳим Аҳмедов сабаб бўлиб Шахноза Тошкент театр ва рассомлик санъати институти (ҳозирги Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти)нинг дастгоҳли рангтасвир бўлимига ўқишга киради. Илк талабалик ишлари биланоқ умидли ижодкор сифатида кўзга ташланиб қолади. Аммо икки йилдан кейин таҳсилни керамика (сополсозлик) бўлимида давом эттиришга қарор қилади.

– Бизнинг бўлимда асосан йигитлар таҳсил оларди. Дугоналарим эса қўшни бўлимда ўқишарди. Кизлар билан бирга юравериб, уларнинг машгулотларига қизиқиб қолдим. Бир куни уларга қўшилиб, лойдан лаган ясаб кўрдим. Ўхшаб чиқди. Лаганимни ўзим бўяб, ўзим пиширдим. Тайёр «асар»ни қўлга олган пайтдаги қувончимни кўрсангиз эди! Шу-шу, сополга ишқим тушиб қолди...

Институтни битириш арафасида Рассомлар уюшмаси Кўрғазмалар залида ёш рассом ва хайкалтарошларнинг асарлари намойиш этилади. Бунда Шахноза Мўминова ишларининг юкори баҳоланиши қизни юксак санъатга йўлловчи яна бир туртки бўлади. Ўша кўрғазмага қўйилган чинни гулдонини омад рамзи сифатида ҳамон бисотида асрайди. Қаерда кўрғазма қилмасин, бу асар, албатта, намойиш марказида бўлади.

Серкирра ижодкор кўнглидагини ифодалаш учун доим янги объектлар изларди. Бошлаб рангтасвирда ажойиб картиналар яратган, 1975 йилдан керамика билан қизиқиб қолган Шахноза кейинроқ маҳобатли декоратив санъат йўналишида ҳам фаолият олиб борди. Унинг паннолари бугунги кунда Тошкент, Бухоро, Москва, Ялта, Сочидаги қатта меҳмонхоналарнинг холл ва интерьерларини безаб туради. Изланувчан рассомнинг чинни билан ишлай бошлаганига ўн-ўн икки йил бўлди.

– Нима ҳам бўлди-ю, қўлимга чинни қоршмаси тушиб қолди. Аввалига исирга, тўгноғичлар, кейин кўзгу, упадон, шамдонлар ясаб кўрдим. Оловда пишириб қарасам, сополга нисбатан анча нафис... Кўнглимда бошқача меҳр тўйдим. Лекин чинни жуда «инжиқ», нуқсонли бўлса – яққол кўзга

ташланадиган материал. Алоҳида маҳорат, қунт ва сабр-тоқат талаб қилади. Нозик япроқлар, гунчаларни ясагунингизча лой бармоқларингизда қотиб қолади. Печдан пишиб чиққунича эса юрак ҳовучлаб ўтирасиз. Ишқилиб, «қиз»имнинг ингичка бармоқлари синиб қолмасин-да!.. Қайта ишлаб бўлмайди, ёпиштириш эса жуда қийин...

Бейхтиёр унинг қўлларига қарайман. Бу нозик бармоқлар оқ чиннидан ҳақиқий мўъжизалар яратади: маҳлиқо маҳбуба, сархуш ошиқ, ранго-ранг гуллар, барқ уриб турган дарахтлар, ёкимтой жониворлар... Борлиқнинг эркин ва образли талқинлари. Буларнинг ҳаммаси тирик персонаждек. Зеро, Шаҳноза характерлар, кифоалар, ҳолатлар, ифодаларни латиф бир аниқлик билан акс эттиради. Ранглардан фойдаланишда ҳам унинг нозик диди сезилиб туради.


– Тунда ишлашни хуш кўраман. Ҳеч ким безовта қилмайди. Телефон ҳам жим. Соқинлик. Фақат сени яратаётган асаринг. Ичингдаги бор гўзалликни унга «тўқасан». Тайёр бўлгач эса, у қалбинга янгидан нафосат бахи этади...

Ҳар бир композиция бамисоли бир қўшиқ, афсона. Гўё унга мўъжазгина тарих сингдирилган. Ҳайкалчаларга қараб, асл ўзбекона оҳанглар, ўзбекона кайфиятдан завкланасиз. Нафис чинни буюмлар ушқ ҳайкалтарошлик маҳоратини пухта эгаллаган соҳибасининг катта истеъдодини, мухаббатга тўла беҳаловат қалбини борича ошкор этади. Шаҳноза Мўминова ҳеч қачон асарларига муҳр ёки имзо қўймайди. Унинг дастхати шусиз ҳам маълум. Зеро, устанинг ҳар бир асари ноёб ва бетакрор, ягона нусхада ишланган.

– Чинни асарларим дунёнинг ярмини кезиб келган, десам муболага бўлмайди. Чиннисозлик ривожланган Хитой, Япония, Италия, Германия каби мамлакатларда кўпчилик менинг ҳайкалчаларимдан ҳайратга тушганини яширмайди. Аксарият ҳолларда менга чиннидан ясалган бундай буюмни биринчи марта кўриб турганликларини айтишади. Шундай пайтларда кўнглим кўтарилиб, асарларим «туғилгунича» чеккан машаққатларимни унутиб юбораман...

Дарҳақиқат, у биринчилардан бўлиб чиннига «санойиъ» бахш этди. Санъаткор бу ажиб масаллиқдан нафақат рўзгорбоп, балки бадиий кийматга эга асар яралиши мумкинлигини исбот қила олди. Биз билган оддий чинни Шаҳноза Мўминованинг қўлида график санъат асари, статускага айланади.

Ўзбек санъатининг янги йўналишига асос солган санъаткор соҳа ривожини учун астойдил ҳаракатда. Шаҳноза Мўминова «Мусаввир» халқ санъати илмий-ишлаб чиқариш марказида фаолият юритади, айни вақтда, республика Болалар ижодиёти марказида иқтидорли шогирдлар билан ишлайди. Демакки, эртаксимон бу санъатнинг истиқболи бор.



ФАСИҲИДДИН ДАДАМУҲАМЕДОВ: «Зар қадрига заргар етади»

Зулфитилла, тиллақош, тиллабаргак, хафабанд, зебигардон, бўйинтумор, жевак, шокила, гажак, жиға... Тезкор аср авлодлари учун бу сўзлар аллақачон архаикага айланиб қолган. Аммо қизиқки, одам боласи, қайси замону маконда яшамасин, қайси жинс ёки ёшга мансуб бўлмасин, ўзига зеб беришга мойил. Ҳатто ибтидоий даврда яшаган аجدодларимиз ҳам ҳайвонларнинг қозиқ тишларию рангли маъданлардан безаклар яшашган. Дастлаб тумор таомилида истифода этилган бу буюмлар замонлар ўтиши билан эстетик аҳамият касб эта бошлаган, яъни тақинчоқларнинг шаклию туси, тананинг қайси қисмида жойлашиши масалалари ҳам эътиборга кўчган. Одамлар олтин-кумушнинг қийматини обдон англаб етган пайтларга келиб эса «заргарлик» дея аталувчи санъат пайдо бўлган.

Ушбу кўҳна санъат аъёналарини ривожлантириб келаётган заргарлар орасида Ўзбекистон халқ устаси Фасиҳиддин Дадамуҳамедовнинг алоҳида ўрни бор.

– **Заргарлик касби сизга отамеросми?**

– Йўқ. Аждодимизда заргар ўтмаган: онамнинг оталари қори, отамнинг оталари эса бинокор уста бўлганлар. Себзорда ажойиб ховлимиз бор эди. Бобом Тошкентдаги кўпгина катта иморатларни қурган эканлар. Қонда бор, деган гап тўғри бўлса керак, 18 ёшимда ўзим икки хонали уй қўтарганман – ҳозир ҳам яшаймиз. Умуман, нимадир яратсам, ишимнинг маҳсулини кўриб, кўнглим тўлса дейман... Ўрта мактабни битириб, Театр ва рассомлик санъати институтига ўқишга кирдим. Санъатшунослик йўналишида таҳсил олдим.

– **Демак, аввал назарияни ўргангансиз...**

– Ҳа. Институтни битириб, бир муддат Санъат музейининг Фонд бўлимида, кейинроқ Амалий санъат музейида ишладим. Касбим тақозосига кўра заргарлик асарлари билан кунда тўкнашардим. 1980 йили академик мусаввир Ниёзали ака Холматов билан танишдим. Ўшанда 26 ёшда эдим. Ниёзали акадан заргарлик санъатини ўргана бошладим. Асли санъатшунослигим боис амалиётга киришиш у кадар қийин бўлмади.

– **Заргарлик санъатимиз тарихида Ислом маданияти билан боғлиқ жиҳатлар кўпми?**

– Албатта. Бўйинга тақиб юриладиган тумор ёки зебигардонларнинг шакли ва, ҳаттоки, тошларнинг қўлланилишида ҳам маънолар бор. Анъанага кўра, туморларнинг ичига эгасини ёмон кўзлардан асровчи оятлар, махсус дуолар ёзилган. Бундай зийнатни асосан эркаклар суюкли ёрига совға қилган. Қолаверса, араб ёзувининг оммалашуви туфайли нақшга эътибор кучайган.

– **Илгари юртимизда махсус «касбий» ҳудудлар – заргарлар, бешикчилар, эгарчилар... маҳаллари бўлган. Ҳозир-чи?**

– Бухорода, масалан, Тоқи заргарон машҳур бўлган. Тошкентда, Себзор яқинида Зарқайнар кўчаси бор, ҳозир ҳам бу ерда заргарларнинг авлодлари истиқомат қилади.

– **Тоқи заргарон нафақат ўрта асрлар меъморчилигининг ажойиб намунаси, балки заргарлик санъатининг кадр-қимматини намойиш этувчи ёдгорликдир. Билишимча, бу ерда гавжум савдохунармандчилик расталари жойлашган, умуман, Бухоро йирик заргарлик марказларидан бири бўлган...**

– Олдинлари заргарларда раис сайлаш анъанаси бўлган. Ҳунармандларни иш билан таъминлаш, буюртмани усталарнинг салоҳиятига кўра тақсимлаш раиснинг вазифаси саналган. Яъни, олтин-кумушни эритиб қолишга солишни бир уста, тош тешишни иккинчи уста, кўз ўрнатишни эса яна бошқаси бажарган. Раиснинг айтгани-айтган, дегани-деган бўлган...

– Заргарликни «пирли» иш дейишади. Бурунги усталар Ҳазрати Довудни ўзларига пир санашган, махсус рисоаларга риоя этишган экан. Сиз бундан бохабармисиз? Амалиётда шунақа қарашларга эътибор қиласизми?

– Албатта, бундан хабарим бор, қайсидир маънода эътибор ҳам бераман. Лекин берилиб кетган эмасман. Мен ўзим мукамал билмаган нарсаларга бир қадар эҳтиёткорлик билан қарайман. Қолаверса, анъаналарни ўрганиш ва уларни замон рухиятига уйғун равишда татбиқ қилиш ижодий изланишларим мақсадидир.

– Бугун заргарлик соҳасининг таълим тизими қай тарзда йўлга қўйилган? Устоз-шогирд анъаналари ҳали ҳам амалдами?

– Устоз-шогирдлик бор. Ҳукумат томонидан ҳам бу соҳага эътибор қаратилган. Яъни, заргарлик сирлари махсус коллежларда муайян таълим дастури асосида ўргатилади. Масалан, Сағбондаги коллежни олайлик. Бу ўқув юрти илгари заргарлик заводига мутахассислар тайёрлаб берар эди. 1997 йили эса Республика рассомлик коллежида заргарлик бўлими очилди. Мени ҳам ишга таклиф этишди. Ўша пайтда аниқ ўқув дастури йўқ эди, ўзим дастур тузиб, ўша асосида дарс бера бошладим. Ускуналар ҳам етишмас, уйдан олиб келардим. Бир-икки йилдан сўнг зарур асбобларни олиб беришди, ўқув дастури ҳам такомиллашди. Коллежимизнинг ютуғи шундаки, бизда тасвирий санъат фани бор – малакали рассомлар сабоқ беришади. Талабалар бу дарсда ўрганганларини заргарликда қўллашга ҳаракат қилишади.

– Илгари заргарликда шогирд устозининг ишидан нусха кўчириши, яъни устози ясаган буюмларни такрорлаши керак бўлган. Бирор янгилик киритишга интилиш ноҳўя саналган. Бунинг яхши томони, у ёки бу мактабнинг услуги яққол кўзга ташланган, анъаналар сақланиб қолган. Бугун-чи? Мактабга хослик қанчалик сезилади? Масалан, сиз шогирдларингизни йўналиш маъносида назорат қиласизми?

– Мен ўзбек миллий заргарлик санъати анъаналарини чуқур биламан деб айта олмайман, ҳали ҳам изланишдаман. Бироқ ўз шогирдларимга анъаналар тўғрисида маълумот берганимда, бунга жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш кераклигини уқтираман. Анъаналарни янгилаш учун жуда катта маҳорат керак. Буни англаганимдан сўнг анъанавий шакл ва композицион тузилишларни қайта-қайта кўчириш лозимлигига амин бўла бошладим. Чунки шу йўл билангина заргарнинг ўз маҳорати ва анъаналарга бўлган муносабати пухталашади. Қолаверса, маҳорат чўққисини эгаллаган уста анъаналарга ортикча ўзгартириш киритмай туриб ҳам, ўз дастхатини қолдириши мумкинлигига ишонч ҳосил қилдим.

— ...ва бунга муваффақ бўлдингиз.

— Бу жихатдан ўзимни бахтиёр хис қиламан... Аммо анъаналарни ривожлантириш, уларни замон руҳи ва фалсафий дунёқараш билан уйғунлантириш борасида ҳали кўп ишлар қилиш керак. Бунинг учун эса хоҳишнинг ўзи камлик қилади.

— **Ўзбек заргарлик санъати бадий услубларининг маҳаллий хусусиятлари асосан Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Сурхондарё мактабларида ўз аксини топган. Фасихиддин Дадамухамедовни эса Тошкент мактабининг атоқли намояндаси сифатида тилга оладилар...**

— Миллий заргарлик санъатимиз ўз ривожланиш йўли, шакл-тус жихатларига кўра бир нечта мактабга бўлинади. Мен асли Тошкентда туғилиб ўсган бўлсам ҳам, мавжуд барча мактабларнинг услубларига жуда қизиқаман. Хоразмнинг нозик шаклдор тақинчоқлари, Сурхондарё ва Қашқадарёнинг маҳобатли, яхлит шаклдаги сирғалари, Фарғона водийсининг ўзига хос майинлиги, Самарқанд ва Бухоронинг нозик симли шаклларга бой заргарлик буюмлари доимо диққат-эътиборимда. Бу услубларни чуқурроқ эгаллашга ҳаракат қилиб, бир қанча тўпламлар ишлаганман.

— **Хоразмлик заргарлар кўпроқ феруза ва маржонга, Бухоро усталари ёқут ва дурга мойил бўлишган... Тошкентда-чи?**

— Тошкентда ҳам кўпроқ Бухорога хос майлар сезилади. Кўп ҳолларда ишлатиладиган тошлар ва шакллар бир-бирига жуда яқин. Аммо баъзи тақинчоқларда, масалан, «ойна зирак» каби сирғаларда бухорча услубга нисбатан майинлик ва ранг-тус жихатдан монандлик кўзга ташланади.

— **Заргарлик эркакларнинг касбими ёки аёллар ҳам бу иш билан шуғулланишадими?**

— Ҳозирда аёл заргарлар ҳам бор, эски пайтда бўлганми-йўқми, аниқ айтолмайман. Бу касбнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор, уни аёл киши эплаши қийин. Металлни оловда катта куч билан қайириш, керакли шаклга келтириш осон эмас. Беш-олти йилча бўлди, ўзим билан ишлайдиган бир уста йигит симни қайириб тортаётганда кўзига қариб кетган... Қўряписизми, бу ишнинг захматини!

— **Замонавий аёллар тошларнинг хосиятига эътиборсиз эмас, айниқса, европаликлар зеб-зийнат танлашда алоҳида ёндашдилар. Бизда-чи? Табиий маъданларга эҳтиёж қай даражада? Хомашё муаммо эмасми?**

— Бизда асосан феруза, цирконий, фианит, ёқут каби четдан келтирилган таяёр тошлар ишлатилади. Уларни маъдан ҳолида ҳам топса бўлади-ю, лекин бизда тошга ишлов бера оладиган мутахассислар йўқ, ҳисоби. Қолаверса, табиий маъданларга талаб унчалик катта эмас.

– Халқимизнинг табиати қизиқ: киядиган кийими, қурадиган уйи, тақадиган тақинчоги ва ҳоказолар, албатта, «фалончиникига ўхшаган» бўлиши керак. Бадий дид билан тайёрланган санъат асарларидан кўра «заводской» маҳсулотларга майл кўпроқ...

– Афсуски, шундай... Одамлар якка тартибдаги заргарларнинг ишини қиммат дейишади, унинг эксклюзивлигини эса тушунмайдилар. Айниқса, аёллар таниш-билишларида кўрган тақинчоқларга хавас қиладилар, ўзларида ҳам «худди шунақаси» бўлишини истайдилар. Бу барча аёлларимизнинг диди бир хил дегани эмас. «Ҳеч кимда йўқ» тақинчоқларни хохловчилар ҳам учраб туради. Лекин, афсуски, камчиликни ташкил этади.

– **Демак, зар қадрига етадиганлар...**

– Камроғ-у, бор... Зар қадрига етадиганларнинг дунёқараши ҳам бошқачароқ; улар зарни зар сифатида, зардан тайёрланган буюмни эса санъат асари сифатида қадрлайди.

– **Нафсиларни айтганда, заргарлик бизда асосан ҳунар маъносида мавжуд экан-да?**

– Ҳа. Чунки заргарлик буюмлари эндиликда кундалик эҳтиёж молларига айланган. Харидор, табиийки, мол арзон бўлсин дейди, бунинг учун эса тақинчоқлар юқароқ ясалиб, вазни камайтирилиши керак. Масалан, Туркиядан келтирилган тилла буюмларни ўзимизнинг усталар ясаган худди ўша қолипдаги маҳсулот билан солиштирсангиз, бизники беш, баъзида ўн баравар оғирроқ чиқади. Туркларники эса ҳажми ўша-ўша-ю, енгиллиги эвазига арзон бўлади. Ишланиш технологиясида фарқ бор-да. Бундай ишларни хонаки шароитда ясаб бўлмайди, махсус саноатлашган амалиёт керак. Ниёзали ака Германиядаги атоқли рассом-заргарнинг устахонасида тажриба орттириб келди. Айтишича, уларнинг асбоб-ускуналари мукамалроқ экан: бизда 10 грамм хомашёдан чиқарса бўладиган зийнатларни улар 5 грамдан ҳам ясай олади. Маҳсулотни қолипининг ўзидаёқ тайёрлаш имкони бор экан... Албатта, баъзи ижодкор заргарларнинг санъат асарлари бундан мустасно.

– **Ўзбекистонда XX аср бошларидаёқ Россиядан келтирилган рус ва татар усталарининг «фабричный» тақинчоқлари оммалашган эди. Бугунги кунда эса бутун дунё халқлари анъаналари асосида яратилган ишларни Тошкентдан чиқмай туриб ҳам топиш мумкин. Айтмоқчиманки, бозорда рақобат кучли. Хўп, талаб асосида ишлаш анъаналарга путур етказмаяптими? Иш жараёнини тезлаштириш, сон жиҳатидан ютишга интилиш сифатга таъсир қилмаяптими?**

– Тўғри, бозорбоп ва кундалик эҳтиёжларни қондириш учун бир нусхадаги ишларни яна ҳам кўпайтиришга мажбурмиз. Бу – давр талаби. Бироқ, ҳар даврда бўлганидек, асл матоҳни тушунувчилар

бизнинг орамизда ҳам бор. «Дунёда биргина аёл бўлса ҳам, ўнта заргарга иш топилади» деган мақолга бир оз ўзгартириш киритсак ҳам бўлади: «Дунёда нафосатга эҳтиёжманд биргина инсон бўлса-да, ўнта ижодкор учун иш топилади». Миллий санъатимиз ана шундай том маънодаги бойлар савияси туфайли ривож топади. Буни ҳам қайсидир маънода ватанпарварлик десак тўғри бўлади.

– Нима деб ўйлайсиз, одамларда индивидуалликни шакллантириш, уларни бир хилликдан қочишга ўргатиш мумкинми?

– Қийин масала... Яхши телекўрсатув бор эди: бир санъат асари атрофида оддий одамлар ва мутахассисларнинг фикр-шарҳлари бериларди. Шу дастур тўхтаб қолди. Майли, шу лавҳани юздан бир томошабин кўрар, аммо бу унинг атрофидагиларга ҳам таъсир қилади-ку. Бирор-бир санъат асари ҳақида оддий инсоннинг фикри кенг омма орасида кўпроқ тушунарли бўлиши ва самарали мунозара қўзғаш мумкин. Бу эса омманинг санъатга муносабатини белгилаш билан бирга, жамиятнинг қизиқувчан қатламида санъатни чуқурроқ ўрганишга интилишни кучайтиради. Шу маънода, бундай тарғибот ишлари, айниқса, бугун жуда керак, деб ўйлайман...

– Фикрингизча, ҳозирги кунда одамлар зебу зийнатни нафосат учун харид қиладиларми ёки молпарастлик важҳиданми?

– Нафосат учун ёки молпарастлик учун деб айта олмайман. Менимча, бу – эҳтиёж. Кимдир қиз узатиши керак, кимдир келин тушириши керак... Баъзилар эса ўз ҳавасини қондириш учун...

– Ҳунарманд усталардан эшитганим бор: айрим буюртмачилар аввал бир нархга келишиб олиб, маҳсулот тайёр бўлгач, ундан айб топиб, иш ҳақини ярим нархга синдиришаркан...

– Бундайларни биз ҳам учратиб тураемиз. Баъзи уста танишларим келиб, мен фалончи бойнинг уйида ишладим, бироқ шартлашилган миқдордан кам пул тўлади, деб нолиб қолади. Мен эса айтаман: у одамни бой дема, у бир пулдор, холос. Бойлар саховатли бўлади...

– Мехр бериб ясаган маҳсулотингизни сотаётганингизда ачинмай-сизми?

– Ачинаман... Гоҳида пулга зориқиб қолган пайтлар бўлади, шунда буни ҳеч қачон сотмайман, деган севимли асарингизни ҳам савдога қўйишга мажбур бўласиз. Қиммат ишларни ўз баҳосидан пастроқ сотишга ҳам тўғри келган... Аммо ясаган тақинчоқларим нафосатни кадрловчилар қўлига тушганига амин бўлсам, ачинмайман.

– Тақинчоқ ясаётганингизда бирор-бир образни кўз олдингизга келтирасизми?

– Албатта, агар бу ишни кимгадир атаб ясаётган бўлсангиз, образни кўз олдингизга келтиришингиз шарт. Эркак киши онаси ёки аёли учун индивидуал бирор нарса ясатмоқчи бўлса, аввал шу зийнатни тақадиган кишини тасвирлаб беринг, дейман. Буни тушунадиганлар тушунади, баъзилар эса ғалати қараб қўяди...

– **Асосан қайси пайт ишлайсиз?**

– Ишлаган пайтларим эрталаб бўладими, ярим кеча бўладими, қарамасдим. Куни бўйи дарс бериб келардим-да, кечки овқатни еб, яна ишга шўнғиб кетардим. Кичкина устахонам бор эди; кечаси соат ўн-ўн бирларда ойим чакирардилар, болам, бир пиёла чой ичиб олгин, деб. Бир оз вақт ўтгач, хой, ётақол энди, кеч бўлди-ку, дердилар раҳматли... Кейин, тонг отди-ку, ҳалиям ишляпсанми-я, деб кириб келардилар. Ишга берилиб, вақтнинг ўтганини ҳам билмай қолардим. Қарасам, тонг отган, ишга бориш керак...

– **Ўзингиз азиз билган инсон учун бирор нима ясаганмисиз?**

– Онам учун ясагим келарди, лекин мельхиордан тақинчоқ тақисх ёшларига ярашмасди. Шундай бўлса ҳам, ясаган нарсаларимни доим тақиб кўрардилар...

– **Қиз фарзандингиз борми?**



– Йўқ. Тўртта ўғлим бор. Ясаган ишларимни, онам оламдан ўтиб кетганларидан сўнг умр йўлдошим тақиб кўрадиган бўлди... Рафикам – педагог.

– **Заргарлик – диққинафас иш, бунинг устига, даромади ҳам хаминқадар бўлса... Нега ўғилларингизни шу соҳага ундадингиз?**

– Буни ўзлари исташди. Қаршилиқ қилмадим. Соҳадаги ютуқлари чакки эмас, шаҳар ва республика миқёсидаги турли танловлар, дейлик, «Ташаббус», «Азия XXI», Фонд Форумнинг «Bazar-Art» каби тадбирларида қатнашиб ғолиб бўлишган. Миср, Германия каби мамлакатларда кўргазмалар намойиш этишган, «Ўзбекистон гўзали» учун тожни ҳам Муҳсин ўғлим ясаган. Кенжа ўғлимдан ким бўлмоқчисан, деб сўрасам, санъатшунос, дейди. Қон тортяпти, шекилли...

Ёшларимиз ўз келажагини ўзлари белгилай оладилар. Бунга ишончим комил. Фақат биз катталар уларни керакли томонга чиройли йўналтира олсак, бас...

2008



ЖАМОЛ УСМОНОВ

Мунаввар қалб мушоҳадаси

Маърифат кўнгилга нур бўлиб
қуйилади, дейди у. Санъат – гайбдан
келадиган неъмат, покиза қалбда
илҳомдан туғиладиган мўъжиза
эканига ишонади.

Ўз асарларида жами гўзалликлар,
мўъжизалар манбаи – мутлақ Илоҳ;
куч-қудрат, ғайрат ва ҳайрат ҳам
Ундан эканини мушоҳада этади.
Унинг қадрияти – Руҳ билан боғлиқ.
Руҳсизлик эса
беқадру камбаҳо, фонийдир.

Янги фалсафий-бадий тамойилларни акс эттирган бугунги серйўналиш, серуслуг ўзбек санъатида Жамол Усмоновнинг ижоди алоҳида мақомга эга. Унинг истеъдоди серқирралиги, жилвакорлиги билан мухлислару мунаққидлар, галереячилар эътиборини тортиб келади. Бу ижодкор сўфиёна асарлари билан замонавий ўзбек санъатининг муҳим бадий ғояларини жонлантирди. Унинг авангард талқиндаги холстларида юртнинг бой маънавий анъаналари-ю теран фалсафаси акс этди. Рассомнинг биринчилар қатори *contemporary art* муҳитига қўйган дадил қадами ўзбек санъатининг умумжаҳон тамаддуни сари бўйлашига туртки бўлди.

1999 йили Ўзбекистонда «Йил мусаввири» сифатида эътироф этилган Жамол Усмонов 2001 йили «Рух ва Хаёл» лойиҳаси учун «Офарин» Миллий мукофоти билан тақдирланди. Худди шу йили унинг ижод маҳсули бўлган «Сароб» инсталляцияси Биринчи Тошкент биенналесида гран-прига сазовор бўлди. Иккинчи ва Учинчи биеннале ҳам ижодкорга маҳсус мукофотларни армуғон этди. Мусаввирнинг асарлари қатор халқаро кўргазмаларда, хусусан, Дэвидсон галереяси (Сиэтл, АҚШ, 1990), «Заман» галереяси (Лондон, Англия, 1990), Миллий музей (Марокаш, 1990), «Замонавий санъат галереяси» (Дутенхейм, Голландия, 1997), «Янги Ўзбекистон санъати» (Дойчевелле, Бонн, 1998), Арт Салон, МРУ (Москва, Россия, 1999), «NN – галери» (Куала-Лумпур, Малайзия, 2000), «Рух ва Хаёл» лойиҳаси (Тошкент, 2001), Биринчи Тошкент биеннаlesi (2001), «Ориентализм» халқаро кўргазмаси (Боку, Озарбайжон, 2002), «Трансформа» халқаро кўргазмаси, Замонавий санъат маркази (Женева, Швейцария, 2002), «Миллатлар санъати» (Москва, Россия, 2002) кўргазмаларида намоён этилган. Жамол Усмоновнинг бетакрор ижод намуналари Ўзбекистон, АҚШ, Англия, Германия, Голландия, Франция, Швейцария каби мамлакатлар музейлари ва хусусий коллекционерлари мулкида ардоқлидир.

– Жамиятдаги ошкораликка нисбатан табиий ижодий муносабат пайдо бўлган 1990-йиллар бошида сиз мансуб авлод рассомларининг кўпчилиги янги маданий маконда ўзини йўқотиб қўйди. Бир томонда – жаҳон маданиятида ўсиб келаётган байналмилаллик хусусияти, бошқа томонда – миллий маданий кадриятлар ва ўзига хосликни эълон қилган жамият...

– Бизнинг авлод Европа реализм мактабида, реалистик услубда тарбия топган. Янги мухитга қадам қўйибок, бир муаммо туғилди: биз бу ерда туриб Европа услубларини шаклан давом эттиришимиз керакми ёки асл илдизимиз – миниатюра ва деворий суратлар анъаналариними? Бу аснода кўп рассомлар саросимага тушиб қолди.

Тасаввур қилинг, ҳар йили беш-олти талаба институтни битиради. Рақобат кучли. Кўرғазмага олиб чиқиладиган иш шаклан ва мазмунан талабга жавоб бериши керак. Илгариги рассомлар биринчи даражага маҳоратни қўйишган. Ҳозир музейларда сақланаётган қадимги юнон скульптуралари мрамрдан ишланган. Қандай қилиб мрамрдан шундай нафис асар яратиш мумкин-а! Ваҳоланки, усталар асарга хатто имзо ҳам қўйишмаган! Ҳозир эса замон ўзгариб, маҳорат даражаси пасайиб кетди. Хатто институтда дарс берадиган домлаларнинг ўзида ҳам кўп ҳолларда маҳорат етишмайди. Шогирд устозига ишониши, унга интилиши керак...

– **Санъат назариётчилари 1990-йиллар ўзбек санъатида «янги тўлқин» дея ном олган ҳаракат вужудга келганини эътироф этадилар. «Амалиётчи» ижодкорлар орасида эса мазкур иборанинг қўлланилиши юзасидан эътирозлар бор... Бу тўғрида сизнинг фикрингиз қандай?**

– Бу ҳақда кўп ҳам ўйламайман, чунки бундай ибора ёки атамаларни, одатда, назариётчи-санъатшунослар ўйлаб топишади...

– **Ўтмишдаги бадий ижодни баҳолаш мезонлари, бадий кадрятлар ҳозирда ўзгарганми?**

– Асар замоннинг эҳтиёжи ўлароқ юзага келади. Асарнинг керакли пайтда яратилиши ҳам муҳим омил. Масалан, Пикассонинг «Герника»си жуда вақтида яратилган. Агар у эллик йилдан кейин пайдо бўлганида, эҳтимол, бунчалик кадрланмас эди...

– **Демак, давр эҳтиёжи – буюклик омилларида бири...**

– Рассом – истаимизми-йўқми, давр фарзанди. У муҳитни, жараёнларни чуқурроқ, нозикроқ сезади. Импрессионистларнинг бир тўлқин бўлиб чиқиши ҳам давр эҳтиёжи эди. Европа янгиланиши керак эди, колипларни бузиш вақти келганди. Импрессионистлар шунга ёрдам берди, қуёш билан, табиат билан... Бу асарлар ҳозир дурдонага айланган. Ван Гог, Матис... Ўша даврда айнан ўша ишлар керак эди.

– **Ғарб санъатшунослигида рассомларнинг асарларини сюрреализм, сезаннизм, неоэкспрессионизм, неокубизм, трансавангард, символизм, анахроник, неопрIMITИВИЗМ... каби у ёки бу услубиятга мансублиги жиҳатидан таснифлаш анъана тусига кирган. Бадий ижод намуналарини таснифлашда чоғиштириш керакми ёки тарихийлик нуқтаи назаридан қабул қилиш тўғрими?**

– Бу тўғрисида фикрлар кўп. Мисол учун, илгариги рассомлар бирор йўналиш топишга ҳаракат қилмаганлар. Санъатни йўналишларга таснифлаш бундан 100–150 йил илгари бошланган. Яъни, француз импрессионистлари бир катта тўлқин бўлиб чиқиб, томошабинни санъатни бошқача идроклашга «мажбурлаган». Бунга қадар рассомлар мактабларга бўлинган: нидерланд мактаби ёки итальян мактаби...

Йўналишлар бўйича таснифотлар эса кейинрок, санъат илм сифатида ўрганила боргандан сўнг юзага келди. Энди санъатда фалсафа излана бошлади. Илгари рассом бир хунарманд сифатида баҳоланган бўлса, кейин воситачи сифатида, яъни, материалистлар ва идеалистлар ғояларини моддийлаштириб одамларга – томошабинга етказиб берувчи макомида кадр топди. Шу нуктаи назардан рассом доим бир янгилик киритишга интила бошлади...

– ...Охирги юз йил ичида эса бу тамойил кучайиб кетди ва таназзулга олиб келди. Яъни, санъатда йўналишларнинг кўпайиб кетиши унинг кадрсизланишига сабаб бўлди.

– Тўғри. Агар санъат тарихига назар солсак, аслида, у ибодатхоналарда пайдо бўлган. Санъат – Буюк Онгни англаш, ҳайрат маҳсули, деб биламан. Замонавий санъатда эса бу ҳолат ўзгарди. Кўпроқ одамзоднинг ички кечинмалари атрофидаги йўналишлар пайдо бўлди. Улар шунчалик майдалашиб кетдики, илохий нур йўқолиб қолгандек...

– **Ўзингизни бирор йўналишга мансуб деб ҳисоблайсизми?**

– Бу тўғрида умуман ўйламайман. Мен бирор фикр, ғояни тўлиқ ифодалай билиш учун – хоҳ замонавий санъатда бўлсин, хоҳ кино, видео, инсталляция ёки ҳайкалтарошликми – услуб кидираман.

– **Санъатшунос-назарийчиларнинг ижодингизга берган баҳоларини назарийлаштириш деб ҳисоблайсизми?**

– (қулади) Санъатшунослик бу – ақл. Санъат бу – қўнгил!

– **Санъатшуносларнинг орасида ҳам «назарийчи» ва «амалиётчи» лар бор-ку! Бадий жараёнда бевосита иштирок этадиганлар, назариясини амалиётга кўчира билганларни назарда тутяпман.**

– Тўғри. Уларнинг иши ниҳоятда нозик. Охирги пайтларда кўп нарсаларга, уларнинг дунёқарашига ҳам боғлиқ бўлиб қоляпти. Яъни санъатшунослар санъатнинг айрим сунъий функцияларини зиммаларига оляпти.

– **Айримлари ўзини ҳатто рассом сифатида намоён этипти. Кураторлик ишлари урф бўляпти...**

– Ўша кураторлар ўз ғояларини рассомлар воситасида ифодалашяпти. Масалан, бир машҳур япон куратори бор, фақат видео-арт билан шуғулланади. Истанбулда фаолият юритади. У ушбу йўналишда ишлайдиган рассомларни топиб, улар воситасида ўз ғояларини амалиётга татбиқ этади. Аммо бу тизимда бошқа муаммо пайдо бўляпти. Куратор – рассом – санъат...

– **...ва муҳлис.**

– Шу жиҳатдан бу – ўта нозик масала, ҳатто хавфли ҳам. Чунки улар ўз қарашлари билан катта аудиторияга таъсир қилаётibdилар.

– **Энг ёмони, рассом кураторнинг дунёқараши таъсирига, тўғрироғи, қолипга тушиб қолиши, индивидуаллигини йўқотиб қўйиши...**

– ...хеч гапмас!

– **Ривожланган мамлакатларда санъат шайдолари истеъдодли ижодкорларни излаб, ижодини кузатиб борадилар. Истиқболли рассомларнинг асарларини сотиб олиб, уларни моддий жихатдан қўллаб-қувватлайдилар...**

– Голландияда танишганим бир бургомистрдан, нима учун картиналар сотиб оласизлар, деб сўрадим. «Ўз даврида Ван Гог ва унингдек буюқлар мухтожликда яшаб ўтгани учун ўзимизни миллат сифатида кечира олмаймиз. Эҳтимол, бизнинг давримизда ҳам вақт ўтиб кашф қилинадиган вангоглар бордир, шу боис истеъдодли асарларни коллекциялар учун сотиб оламиз», деб жавоб қилди. Бу иш икки томонлама ҳам фойдали: рассомни моддий жихатдан, мухлисни эса маънавий жихатдан таъминлайди, бойитади. Қолаверса, нафосатга эҳтиёжманд мухлис яхши биладики, рангларнинг мутаносиблиги, композициянинг экспрессияси, асарнинг ички бир энергияси инсонга ижобий таъсир кўрсатади, рухий қувват беради.

– **Истеъдоднинг вужудга келиши ижтимоий омилларга боғлиқ экан-да?**

– Албатта. Истеъдод ўзлигини топиб олгунига қадар моддий ва маънавий кўмакка мухтож бўлади. Моддий жихатдан: у бўёқ, асбоблар сотиб олиши керак, оламини ўрганиши, сайру саёхат қилиб дунёқарашини кенгайтириши лозим. Маънавий томони – ишини, ижодини кимдир мунтазам баҳолаб бориши керак. Ҳозирги пайтда ижодкор ёшларимиз учун бу борада айрим муаммолар бор. Талаба рассомлар стипендияси уч тубик бўёққа етади, холос. Ўз-ўзидан аёнки, ёш ижодкор асар ҳақида эмас, бўёқни тежаб, узоқроққа етказиш ҳақида ўйлайди. Бу соҳа алоҳида моддий харажатни талаб этади. Шу маънода ёшлар ҳомийлар кўмагига мухтож.

– **Бу ҳолат санъатнинг мазкур йўналишида даврий инқирозга олиб келмасмикан?**

– Санъатшунослар «дод» дейишганича бор... Бизнинг авлоддан кейин катта танаффус бўлиши мумкин, деган тахдид ҳам йўқ эмас.

– **Ижод маҳсули, энг аввало, томошабоп объект бўлиши керакми?**

– Албатта. Бусиз мумкин эмас. Асар, энг аввало, гўзал бўлиши керак. Қандай фикрий зиддиятларни акс эттирмасин, уйғунлик лозим.

– **Ижодингизда илгариги ютуқларингизга таянасизми?**

– Ижодкор буни доим ички бир сезги билан билиб туради ва аввалги манбаларга қайтмасликка, бундан яхшироғи, ўзига хосроғини топишга ҳаракат қилади.

– **Файласуф Гадамернинг «Кимки замонавий санъат – санъат учун инкироз ҳисобланади, у ўтмишнинг буюк санъатини англаш даражасида эмас, деб ўйласа, бунга асло шубҳа қилмаслик лозим», деган фикрини маъқуллайсизми?**

– Қисман қўшиламан. Чунки замонавий санъатнинг ҳамма йўналишлари илдилари (фото, видео-артни ҳисобга олмасак) классикага бориб тақалади. Биз буни такомиллаштиряпмиз, замонга мослаштиряпмиз, холос.

– **Санъатда миллийлик тушунчаси...**


– ...абстракт тушунча. Биз шу заминда туғилдик, вояга етдик, шу миллий муҳитда яшаяпмиз, ишляпмиз, қандай қилиб ижодимиз миллий бўлмасин? Тилимиз, урф-одатларимиз томирларимизда оқиб турган бўлса, қандай қилиб буни инкор этамиз?

– **Жамият учун ўзингизни ким деб биласиз: файласуфми, воизми ёки тарбиячи?**

– Ижодкорда бир эҳтиёж бор – фикрларни рўёбга чиқариш эҳтиёжи. Бу бизга боғлиқ эмас, алланечук ғайришуурий ҳолат. Санъат – ғайбдан келадиган неъмат, покиза қалб илхомидан туғиладиган мўъжиза. Истеъдод билан сийланган инсон, аввало, ижод олдида, санъат олдида бурчлидир. Жамият олдида ҳам бурчли. Санъаткор қай бир маънода файласуф, балки воиз, тарбиячи ҳамдир... Рух тарбиячиси...

Унинг ижоди – илохий нурдан мунаввар қалб мушоҳадаси. Ғайб оламига тортилган сирли ришталар. Ҳақ ва Ҳақиқат, Олам ва Одам моҳияти, Мутлақ Илоҳга муҳаббат завқи.

2006



ИЛҲОМ ОСМОН

Бахт ёки рассом орзуси

Мусаввир Илҳом Осмон 1960 йили Андижонда таваллуд топган.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирда университети)нинг бадиий графика факультетини битирган.

Асарлари Россия, Хитой, Украина, Туркия, Болгария, Греция, Англия, Франция, АҚШ, Германия, Бельгия каби мамлакатлар бадиий бисотларида сақланади.

«Онам мактабда ўқитувчи, ҳам кутубхоначилик қиларди. Чиройли овози бор эди. Қишлоқма-қишлоқ кезиб истеъдодлар изланган кезлари танловдан ўтган экан. Энамиз раҳматли, артист бўлсанг, ўлигим устидан тепалаб ўтасан, деб саҳнага чиқишига унамаган. «Онам қаршилиқ қилмаганида, катта артист бўпкетардим», дея хануз армон қилади...

Эсимни таниганимда иккита орзум бор эди: ё киноактёр, ё рассом бўлиш. Мутолаа, мусаввирликка хавасим онамдан ўтган бўлса, кинопарастлигим – отамерос. Отам районга, колхозга кино опкелиб кўрсатарди. Клубдагиси етмаганидек, уйда ҳам деворга оқ чойшаб тутиб, кино томоша қилардим. Актёрларга хавасим келарди: мана, улар роль ўйнапти, ўзидан из қолдирапти, дердим.

Ният холис бўлса...

Ўнни битириб, Театр ва рассомлик санъати институтининг актёрлик бўлимига ўқишга кириш ниятида Тошкентга келдим. «Фалончи қоғозни опкелинг, писмадончи хужжат етишмаяпти»лар туфайли Тошкент – Андижон орасида кўп сарсон бўлдим. Энди ўйлаб қарасам, у пайтлари вилоятлардан санокли одам қабул қилинар, менга кўпам аҳтиёж йўқ экан-да. Қисқаси, имтиҳонгача хужжатимни бутлаёлмай, қайтиб кетдим. Келаси йили Низомий номидаги педагогика институтининг бадиий графика бўлимига кирдим. Кейин армияга кетиб қолдим...

Тақдирни қаранг-да! Россиянинг Калуга областида Таруса деган шаҳар бор – Ока дарёсининг яқинида жойлашган, рассомлар шаҳри дейишар экан. Омадим кулиб, шу ерга тушибман. Комбатимиз санъатни кадрлайдиган киши эди. Боз устига, туғишган укаси Пенза бадиий билим юртининг директори экан. Таътилни ҳам комбатнинг уйда ўтказдим. Укаси келиб-кечиб турарди. «Илҳом, қобилиятинг бор, сен билим юртимизга кел, имтиҳонсиз ўқишга қабул қиламиз», дерди.

Ўрмоннинг ўртасида ёғочдан қурилган тўрт қаватли ижодхона – рассомлар уйи бўларди. Взвод командиригимиз (у ҳам бадиий билим юртини битирган эди!) санъатни кадрлаганидан шанба-бозор кунлари менга рухсат бериб, ўша ўрмоннинг ичига обориб қўярди. Мазза қилиб этюд ишлардим... Қаранг, ният холис бўлса, ҳаёт ўзи етаклаб кетавераркан. Армияда қандай хизмат қилганимни ҳам билмай қолдим...

Тошкентга қайтиб, институтда сирдан ўқий бошладим. Негаки, соатлаб аудиторияда ўтиришга тоқатим етмасди – умрим ўтиб кетаётганга ўхшарди. Амалиёт керак эди менга, чизгим келаверарди. Хуллас, ўқишни тамомлаб, Сирдарё институтига кетдим домла бўлиб. Бир куни раҳматли Рўзи ака билан Исфандиёр ака (атоқли рассомлар Рўзи Чориев ва Исфандиёр Ҳайдаров – *муал.*) институтга келиб қолишди.

Сен нима қилиб ўтирибсан бу ерда, қўлингда шунча ҳунаринг билан?! Йиғиштир, эртагаёқ Тошкентга кетасан, деб Рўзи ака гафво кўтариб қолди-ку! Эртаси лаш-лушимни ортмоқлаб жўнадим...

Мактабдан сабоқ

Тошкентга келиб, устахонада ишлай бошладим. Орадан бирмунча вақт ўтди. Бир куни тасодифан телевизорда ишларимни намойиш қилишаётганини кўриб қолдим. «Ие, бир нимаси бор, шекилли, телевизорда кўрсатишяпти», дедим ўзимча. Билсам, ишларим чет элдаги кўргазмада сотиб олинибди. Ўзимга таклиф қоғози юборишибди. 1997 йил эди. Бордим, кўргазма қилдим, картиналарим ўз мухлисларини топди. Бир йилдан кейин Туркияда ўзбек рангасвир мактабини очишни таклиф этишди, менга маъқул бўлди. Биласизми, шу чоккача 30 нафар шогирд тайёрлаган бўлсам, шуларнинг 99 фоизи қариялар. Турли соҳа вакиллари: орасида нафақадаги юристлар, собиқ хокимлар, тиббиётчилар бор. Энг «катта» ўқувчим 87 ёш эди – доктор, профессор; хоними Олмониядан келган, у ҳам етмишлар атрофида. Чолу кампир эрталабдан шошилиб келишади дарсга. Иштиёқ билан сабоқ олишади. Назарий маълумотлардан кейин акварелда бирор нима ишлаб кўрсатаман. Мактабда болалар «Менга беринг, менга беринг», деб талашади-ку, шунга ўхшаб кап-катта одамлар ҳам ховлиқиб қолишади. Ишламани бу сафар бировига берсам, кейинги сафар бошқасига совға қиламан. Уларнинг завқини кўриб, илхомингиз жўшиб кетади. Қаранг, ёшим бир жойга борди, энди уйда ёнбошлаб дамимни олсам ҳам бўлади, деган гап йўқ. Имкон борида шуни ҳам ўрганай, ўрганиб қолай, дейди-я...

Назария керакми?

Албатта керак. Назарий билимсиз ижодкор профессионал нуқтага етиб бориши қийин. Чунки ижод йўлининг чалкаш кўчалари кўп. Адашиб қолмаслик учун ҳам билим зарур. Дейлик, битта миҳ қоқиш керак бўлса, ўшани қаерга ва қандай қоқишни билмасангиз, ё қўлингизни шикастлайсиз, ё деворни ўпириб юборасиз... Илми бор одамнинг олдида чироғи бор – доим ёритиб кетаверади. Тўхтаб қолмайсиз-да. Илмсиз одам эса – кўр, пайпаслаб юради. Эски рассомларни илми борлиги учун ҳам хозиргача ўрганиямиз-да! Буюк асарларни илмсиз ижодкор яратган бўлганида эди, хозир Алишер Навоий ёки Леонардо да Винчининг «таг»ига етиб қолардикми...

Илми бору иқтидори бўлмасами?.. Энди... санъат соҳасида ўқиган дипломдорнинг ҳаммаси ҳам рассом, мусиқачи ёки шоир бўлавермайди. Ахир, ўрта ва олий таълим соҳаси учун ҳам мутахассислар керак-ку! Талантли шоир бирор институтга бориб дарс бергани вақтини

қизғанганидек «бутун» рассом ҳам устахонасини ташлаб чиқиб кетгиси келмайди. Ана шу пайтда амалиётда «бундайроқ» бўлган яхши назариётчи – айни муддао.

Агар рассом бўлмаганимда...

Сайёх бўлармидим... Кезишни яхши кўраман. Имконим бўлса эди, бутун дунёни айланиб чиқардим. Бир жойда биқиниб ўтиришга тоқатим йўқ. Рассом устахонасидан чикмай чизаверса, ташки дунёдан узилиб қолади. Салқин уйда ўтириб, яхна чой ичиб расм чизиш, албатта, қулай. Лекин бу дегани бир мавзунини ўзига байроқ қилиб олиш керак дегани эмас-ку! Афсуски, кўп рассомларимиз битта нарсага ёпишиб олган, ўшандан бошқасини билмайди, билгиси келмайди.

Дейлик, рус ўрмонининг намлигини сезиш учун, албатта, у ерга бориш зарур. Италияни тасвирлашимиз учун унинг кўчаларида кезишимиз керак. Рассоммизми, демак, аввало кўриш, кейин кўрсата билишимиз лозим. Ўзимиздан кейинги авлодларга замон ва макон ҳақида бадиий хотираларни қолдирадиган биз-ку, ахир. Дейлик, эллик йил олдин сопол косада овқат ичардик. Ўша идишни кўрган, шундан фойдаланган одамгина уни ўхшатиб тасвирлай олади. Баъзи одамлар объектни кўрмасдан, кўр-кўрона чизади... Бир рассом бедана ушлаган чолнинг расмини ишлабди. Ёши бир жойга бориб қолган отахон расмини кўриб, «Болам, расмини яхши чизибсан-у, хато қилибсан-да», дебди. «Қандай хато экан?» деса, «Бедана у қўлдамас, бунисида туради. Ташқаридамас, енг ичида бўлади», дебди. Рассом «Мен буни кўрмаганман-да!» дебди. «Кўрмаган бўлсанг, чизиб нима қиласан!» дебди отахон... Тўғри-да, кўрмаган бўлсанг, кўрган одамлардан сўрагин эди, ўқигин эди. Ўзингиз ўйланг: денгиз ёки тоғ манзарасини у ерни кўрмай, хавосини хис қилмай туриб қандай чизиш мумкин?

Ижод лаззати

Ижод дегани зўрма-зўракиликни кўтармайди. Баъзан ҳафталаб, ойлаб ҳеч нарса қилолмаслигим мумкин. Мусиқа эшитиш, мутолаа ҳам ёрдам бермайди. Қаёқларгадир кетиб қолгим келади. Кираман-чиқаман, ўзимга сизмай кетаман. «Ўша» дақиқаларимни топгунимча қийналиб кетаман... Масалан, тезда фалончининг портретини чизиб беринг, дейишса, мен чиза олмайман. Чунки «дарров»да образнинг руҳий ҳолатини кўрсатиб бериш қийин. У қуруқ суратдан иборат бўлиб қолади.

Ҳеч қузатганмисиз, болакайлар бир замон завқи ичига сизмай ўмбалоқ ошиб ўйнаб қолади. Хой, деганингизга ҳам қарамайди, ҳеч ким билан иши йўқ, ўз холича... Менда ҳам худди шунга ўхшаган ҳолат бирдан келади. Ҳеч кимни эшитмай, кўрмай қоламан. Ўзим

билан овора бўлқоламан... Роҳатланиб ишлайман. Яна... тез ишлайман. Баъзан «ўша» илҳомбахш палла 5 дақиқагина давом этади. Улгуриб қолгим келади. Юрак «жиг-ғ» этгунча асар ишлаб қўяман. Очиғи, образ ёки мавзу қидириб қийналиб юрганимни эслолмайман. «Ўзи келади». Ишларимни номламайман ҳам. Чунки фалондақа нарса чизаман деб режалаштирмайман-да. Демокчиманки, ижод – кундалик иш эмас, ўзининг вақт-соати бор. Шоир, мен шоирман, деб кунда шеър ёзавермайди-ку. Бу, аслида, ўлчови йўқ нарса.

Бармоқлар ижроси

Ха, мени пианиночи дейишади. Акварелда ҳам, мойбўёқда ҳам мўйқаламдан фойдаланмайман, ҳисоби. Асосан чинчалоғим билан ишлайман. Эътибор берган бўлсангиз, бармоқларнинг асаб толалари жуда сезгир бўлади. Иссиқниям, совуқниям дарров сезади. Юрагингиз оғриганда бармоқларингизнинг учи ҳам санчийди-ку. Назаримда, қўлларим юракдан буйруқ олгандек ишлайди-да...

Акварелнинг техникаси қийин. Сувда ишлаганингиз учун ранг тез оқиб кетади. Шу боис рассомларимиз сувли бўёқ билан шуғулланмай қўйган. Боз устига, акварелда кичкина ҳажмда манзара яратиш осонмас, йўқолиб кетади. Ҳаммаси маҳоратга боғлиқ. Билсангиз, жажжи нарса доим «ширин» бўлади. Қаранг, нақ сувли бўёқдаги миниатюра-да бу!

Чет эл сафарларида бўлганимда европалик акварель усталари билан танишдик. Ишларимни кўриб, «Булар боскидан чиққанми?» дейишди. «Йўқ», дедим. «Боскидан чиқмаган бўлса, мўйқаламнинг ўрни бўлиши керак, озгина «чатоқ» жойи бўлиши керак, хаммаси қолип-қолипида турибди-ку, таркаб кетмаган», дейишди. «Бунинг йўли бор-да!» дедим. Рости гап, ўша «йўл»ни тошгунча кўп уриндим. Беш йиллик умримни сарфладим. «Пианиночилик» услубимни шу йўналишдаги янгилик, деб эътироф этишди...

Ранглар олами

Рангни ҳис қилмаган одам, кўз олдидаги гўзалликнинг жозибасини етказиб беролмайди. Ранг бу – муסיқий пардаларга ўхшаш ажойибот. Рангдан-рангга ўтиб сирли дунёга кириб бораверасиз... Чеки кўринмайди.

Кўп рассомларни кузатсангиз, ишлари бир-бирига ўхшайди. Сюжетлари, ранглари такрорланади. Бу эса мухлисни зериктириб қўяди. Аслида, бир расмни кўрганингизда бошқасини кўргингиз келиши керак... Ишларимнинг колорити ҳар хил. Гоҳида «совуқ» ранг билан «иссиқ» рангни қовуштириб юбораман. Орага «харир

парда» тортаман-у... Манави дарахтларга қаранг, аслида, япроқлари йўқ. Лекин бундаги доғлар – ранглар сизни куюқ шохлар орасига тортиб кетаверади. Қараган сарингиз ичкари тортилаверасиз...

Ҳар кимники – ўзига

Бировнинг баҳосига қараб ишламайман. Импрессионист дейишар, пост-импрессионист дейишар. Бундай таърифу таҳлиллар учун соҳа олимлари бор, рассом асар яратади. Фалон йўналиш, фалон мактабга хос, яхши ёки ёмон дейишадими, барибир ишлайверамиз... Мутлақо санъати йўқ, деб ёзишса ҳам майли. Мен учун бу муҳим эмас. Ишлаш керак.

Услубларнинг сунъий кўпайиб кетиши инфляцияга сабаб бўлмаяптими? Бундай десак, бошқа ижодкорларга оғир ботиши мумкин. Улар ҳам изланипти, улар ҳам ўзини ижодкор дейди. Мен шу йўлда ҳаракат қилдим, шуни топдим, дейди. Ҳар кимники – ўзига. Лекин минг новатор бўлган тақдиримизда ҳам, классикани, академизмни босиб ўтишимиз керак. Чунки классикани билмаган ижодкор, хоҳ у мусиқачи бўлсин, хоҳ шоир, хоҳ рассом, бир куни йиқилиб қолиши мумкин. Мактаб кўришда гап кўп.

Эсиз анъаналар ёхуд яшасин модернизм

Қишлоқдан Тошкентга келган одамга «Театрга кириш», десангиз, «Нима қиламан спектаклингни, ундан кўра бозорга бораман», дейди. Нима қилиш керак? Ўзимиз олиб боришимиз керак театрни қишлоққа. Музейга киришга имкон топмаса, ўзимиз ўша ёққа бориб кўргазмалар ташкил қилишимиз керак. Одамларнинг шеър ўқишга вақти бўлмаса, биз бориб ўқиб берайлик. Ахир, буни кимдир қилиши керак-ку! Чет элларда юрганимда кўрдим, бекатларга, симёғочларга шеър ёпиштириб кетишганини. Одамлар бекор тургунча шеър ўқисин, гўзалликдан баҳраманд бўлсин дейишяпти жонқуярлар...

Янгиликка интилувчанлик, модерн ҳаётга етишиш истаги яхши. Лекин бу анъаналарнинг унутилиши ҳисобига бўлиши... «Синч уй қурмоқчиман, эшиклари ўймакор, зулфли бўлса» десангиз, «Ҳазиллашяптими бу?» деб қарайдиган замонларга етиб келдик. Классикани тарқ этишти одамлар. Мана бу қумбонга камида 250 йил бўлгандир – ярми мис, ярми қумуш. Энам раҳматли 97 га кириб оламдан ўтди – энасида қолган экан. Бунда чой қайнатиб ичишган. Орадан асрлар ўтиб қурум босиб кетган экан, анча вақт сарфладим тозалашга. Қаранг, ишланмаган жойи йўқ, бошдан-оёқ нақшлаб чиқилган! Одамлар рўзғорда фойдаланиладиган оддий буюмга ҳам қанча гўзаллик бахш этишган. Мана қандай миллатмиз! Қандай қўхна санъатимиз бор!

Бахт ёки рассом орзуси

Одамлар бахт тушунчасини ҳар хил талқин қилишади. Кимдир кўп пул топсам, бахтли бўламан дейди, кимдир ўғлимга тўй қилсам, яна кимдир янги уст-бош кийсам... Шу хою хаваслар ортида овора бўлиб кетаверади. Ҳамма умр бўйи бахт излайди, ваҳоланки, бахт унинг ўзида, қалбида жо! Ўша бахтни топганимизни англаган пайтимиз ҳам шайтон, қўйсанг-чи уни, бу ёққа юр, деб чалғитади...

Рассомга дастак бўлиш учун ижодий галереялар ташкил этиш керак. Ривожланган мамлакатларда айнан галереялар катта кўرғазмаларга олиб чиқади рассомни. Ижодий ракобат эса сифатга рағбат беради. Шу маънода рассом учун асари яхши галереячининг қўлида тургани маъқул. Ҳар қалай, асарингизни қадрига етадиган одам сотиб олади. Балки айланиб-айланиб дунёнинг номдор музейига бориб қолар... Қаранг, Луврда Исфандиёр Хайдаровнинг иши турибди! Ўзбекистонга келганида Президентимиз совға қилган бу асарни Жак Ширак Лувр музейига тақдим этган. Билсангиз, бу музейга 100 йил деганда битта асар қўйилади! Фаолиятинг, ижод маҳсулинг асил мухлислар томонидан кадр топса қандай соз...

Шукр

Отам исимини Илҳом қўйган. Рафиқам – Зумрадхон. Фарзандларимизни Истеъдод, Зилола, Нафосат, Саид деб атадик. Каттамит бўлажак файласуф, эртаю кеч китобдан бошини кўтармайди, Зилола тиш дўхтири бўлмоқчи, кенжалар мактабда ўқишади. Ҳаммалари чизади. Ўғлим охириги пайтлари ғалати-ғалати графикалари билан ҳайрон қолдирапти. Мен бирор марта аралашганим йўқ, генларида бор экан-да. Кенжа қизимнинг расмларини кўрсангиз, бир ажойиб... Қўлини узмасдан чизади-да. Қувониб кетаман...

Ҳаёт... ва яна ижод!

Ҳаёт қизиқ нарсас. Тирикчилик – тиррикчилик, дегандек, баъзи вақтлари қийналасиз. Аммо шунда ҳам бошқа ишни ўзингизга эп кўрмайсиз... Гоҳида ичингиз торайиб қолади – вақт кетаяпти, сиз эса ишлолмаяпсиз. Шундай пайтлар юрагингизни кўрқув босади: бирдан ишлолмай қолсам-а! Ахир, умр кутиб турмайди-ку. Лекин бир муддат ўтиб, яна юпанасиз – ичингизни бир нима ёритиб, илтиб турганини сезасиз. Яна ижодга чўмиб яшай бошлайсиз...»

2008

ИЗДИХОМ





ТАВАККАЛ ҚОДИРОВ «Ҳар дилда мзорим қолур...»

*Гул ўпиб, гул ёпиниб,
ҳар дилда мзорим қолур...
Муҳаммад Юсуф*

У хониш бошлаганда не-не номдор санъаткорлар созини ғилофлаб даврандан чиқиб кетмади. Шинавандалар шавқидан ҳайиқиб, концерт залларига уни махсус уловда бекитиқча элтардилар.

Нағмасаройга одам сиғдиrolмай, стадионда (микрофонсиз!) қур айланиб куйлашни ҳам у чиқарган. Америкалик машҳур раққоса Лора Грей хоним неча «Тановар»лар ичида унинг ижросини тан олиб, ўзбекона хиром этган. Океан ортида «Тановар» рақс ансамблининг тузилиши ҳам Таваккал Қодиров ҳадя этган илҳом туфайли...

Устозларининг оқ фотиҳасидан «Ўзбекистон булбули» даражотида барака топган ҳофиз, худо берган овозию 30–40 ашулани сидрасига айта олиш қурби билан бутун Марказий Осиёда ардоққа етган лирик тенор, ўзбекчаю тожики, афғончаю хинди, арманчаю озари, уйғурчаю араби хонишлари боис Муҳаммад Зоҳиршоҳ, Муҳаммад Айюбхон, Лаъл Баҳодир Шастри, Индира Ганди, Алексей Косигин, Усмон Юсупов, Шароф Рашидов, Ғафур Ғулум, Юнус Ражабий, Комилжон Отаниёзовдек зотлардан таҳсин олган, юзлаб ашулаю яллаларни ўнлаб лаппаклару беадад шинавандалар кўнглида мерос қолдирган, ўзбек хонандачилигида ўзига хос ижрочилик мактаби яратган улкан санъаткор васфиди таваккал қилдик.

«Таваккалту...»

Қувалик Мулла Кодир билан Тўтиби саккиз нафар норасидасини тупрокка топширди. Тўккизинчисига оғироёқ Тўтибининг ой-куни етиб, дард тута бошлади. Фарзанд доғидан юрак олдириб қўйган аёл тўлғоқ азобида ховли этагига, бедазорга йўналди: момолар удумига кўра, фарзанди турмаган хотин ташқарида, ёлғиз кўзи ёриши керак экан. «Майли, шу боламни ерда туғаман... Таваккал, ё ерники бўлар, ё меники...»

Пешинни ўқиб, қўйларидан хабар олгани ховлига чиққан Турғун чеварнинг қулоғига аёл кишининг инграши эшитилди. Қўшни хотин овоз келаётган тарафга қараб югурди. Тўтиби ер бағрида зорланиб ётар, бедапояда эса хали киндиги узилмаган чақалоқ чирилларди.

– Вой, Тўтиби, нега чақирмадингиз, шунақаям бўладими!.. Қаранг, полвонгина ўғил туғибсиз-а! Овозининг кўнғироклигини-чи!

– Киндигини кесинг, дояси... Шу боламни сизга хадя қилдим, чилласи чиққанда сотиб оламан...

Чақалоқнинг қулоғига азон айтилиб, онасининг ахдига мувофиқ Таваккал деб исм берилди. Гўдакнинг чилласи чиққунча Турғун чевар қирқта серфарзанд хонадондан қийқим йиғиб, унга атаб қуроқ тўнча тикди. Қирқ биринчи куни ота-онаси чақалоқни тарози палласига ётқизиб, иккинчи палласига унинг оғирлиги баробарида пул, бугдой қўйиб, доя энагасидан «сотиб олдилар». Ирим-сирим эмига тушди. Тарозида тортиб олинган болакай ризқ-насибали бўлиб улғайди. Таваккалжоннинг пойқадами қутлуғ келиб, хонадонда бирин-кетин яна икки ўғил туғилди.

Иштиёқ

Мулла Кодир хонадонда узок киш тунлари сандал атрофига давра қуришиб, «Або Муслим», «Шох Машраб» киссаларини тинглашар эди. Ота тилаб-тилаб олган фарзандларининг ўқимишли, илмли кишилар бўлиб етишишини орзу қиларди. Шу боис Таваккалжоннинг хаваскорлик тўғарагига қатнаб юришига рўйхуш бермас, «Уруғимизда ногорачи бормиди, нима қилади чилдирма чалиб!» дея койиниб қўярди. Аммо бора-бора ўғлининг жарангдор овозию хамқишлоқларининг эътирофидан кўнгли эриб, Таваккалжоннинг майлига ризолик берди.

Тез орада Қуванинг Султонобод қишлоғига ҳам радио келди. Гузарнинг қоқ ўртасидаги қайрағочга радиокарнай ўрнатилди. Тагида ғуж шинавандалар нафас ютиб ашула эшитар, ўсмир Таваккалжон ҳам Тўйчи ҳофиз, Маматбува, Эркақори, Юнус Ражабий, Болта ҳофиз, Хожихон Болтаев, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Бобораҳим Мирзаевга қўшилиб, «Чоргоҳ», «Ушшоқ», «Айлагач», «Сегоҳ», «Сўлим», «Ишқ сели», «Эй кўнгил», «Абдураҳмонбеги», «Хануз», «Феруз», «Гул узорим», «Чапандози Гулёр»ни хиргойи қиларди.

Бир куни тўгарак раҳбари Ғофир Ҳошимов оғзи қулоғида, қўлида патефону қўшалок пластинка билан кириб келди. Бу арзанда патефонни Қувадаги кадрдонидан ҳафталикка тилаб олганини, Бобораҳим Мирзаевнинг «Келур» ва «Бормикин», Мулла Тўйчининг «Қаро кўзум»и ёзилган лаптакларни ўша ошнаси нақ битта қўйга алишганини айтиб берди. Тўгарак аъзолари учун бир ҳафта ҳақиқий байрам бўлди...

Таваккалнинг овози кенг қамровли бўлганидан Ғофир ака ашулаларнинг авжини унга айттирарди. Энди эса бола ўспиринлик палласига кириб, овози раста бўлаётибди. Зийрак устоз Таваккалга товушини андак авайлаб туриши лозимлигини уқтириб, уни созандаликка йўналтирди. Мулла Қодир ҳам ҳафсала қилиб, ўғлига скрипка олиб берди. Таваккалжон энди чолғуга чиппа ёпишди: ухлаганда ҳам ёнида олиб ётадиган скрипкасини онаси тун ярмида секингина олиб, деворга илиб қўярди...

Танлов

Машғум уруш бошланиб, эркаклар фронтга жўнади. Кутилмаган воқеалардан одамлар саросимада, куй-қўшиқ ҳам кўнгилга сиғмай қолди. Бу орада «Фарход» гидроэлектростанцияси қурилишига сафарбарлик эълон қилинди. Мулла Қодир етти кишига бош бўлиб, ГЭС қурилишига кетди. Ўн беш ёшли Таваккалжон эса касалманд онаси ва укаларига бош бўлиб қолди.

Вақт ўтиб, одамлар уруш даври ҳаётига ҳам кўндилар. Радиодан фронт ҳаётига оид муҳим ахборот билан бирга ғалабага чорловчи, аскарларнинг қаҳрамонликларини мадҳ этувчи қўшиқлар янграй бошлади. Бу айтимлар Таваккалжоннинг созию овозига ҳам кўчди. Оқшом даладан қайтган йигитча скрипкасини кўлига олар, кетмон дастасидан қотган бармоқлари пардаларга базўр эшилар эди... Бу орада чолғусини қуролга алмаштириб, жангга кетган қишлоқдошларнинг омон қолганлари бирин-бирин уйига қайтди. Маданий-мусикий ҳаёт аста-секин изига туша бошлади.

1944 йили Қувада қишлоқ ҳаваскорларининг кўрик-танлови эълон қилинди. Бу танловдан мақсад иқтидорлиларни саралаб олиб, колхоз-совхоз театри ташкил этиш эди. Таваккалжон театрга раҳбар этиб тайинланган Орифжон Қорабоев ва мусиқа раҳбари Асқарали Абдуллаев назарига тушди. Йигитча отасининг ризолигини олиб театрга ишга қатнай бошлади. Бу даргоҳда Давронбой хофиз, камончи Ғофирбойча, лапарчи Баҳмалхон кабилар қуршовида янги бир мактабни ўтади. Секин-аста ўзи ҳам куй басталаб, янги қўшиқлар яратди. Орифжон Қорабоевнинг ўғли Ғофиржон билан ҳамнафасликда куйлай бошлади (уларнинг ошнолиги умрбод давом этди). Орадан икки йил ўтиб

Таваккалжон бадийй жамоанинг рахбари этиб сайланди. Бу орада овози, яллалари билан Қува атрофларига ҳам танилиб улгурганди. Туманда «Таваккалжон деган ашулачи чиқибди, бир айтганда ўн беш-йигирматалаб айтармиш!» деган гаплар оёқлаб қолди.

Каромат

Марғилонда Мукаррамхон исмли сўзи ҳеч икки бўлмаган, илму савлатли, таъби мусиқийси баланд зот яшар эди. Таваккалжоннинг доврўғини эшитиб, тўра уни даргоҳига чорлайди (у киши ўша пайтлар Акбаробод даштидан ер очиб боғ қилаётган эди). Хофиз йигит беш-олти чақирим йўлни пиёда босиб, айтилган жойга етиб боради. Унча-мунчага лутф қилмайдиган Мукаррамхон тўра ўрнидан туриб, ёш меҳмонга пешвоз чиқади, қучоқ очиб кўришиб, ёнидан жой кўрсатади.

– Мана, кутган меҳмонимиз ҳам келди, ошни сузаверинглар!

Палов дам еганига бир соатдан ошган, Мукаррамхон: «Бир ризки улўф меҳмон келяпти, бир оз кутайлик», дея ошни буздирмай турган эди. Меҳмонлар таажжубда: бу бўз боланинг нима каромати бўлсин?

– Бу йигит икки елкасида фаришталари билан кириб келди. Худо ярлакаган, Хизр назар қилган кишилардан эканини сездим. Ҳали кўрасиз, Таваккалжон эл ўртасида катта обрў қозонади, – дейди Мукаррамхон тўра назаркардалик билан.

Ўша окшом гурунги тонгга уланади. Эрталаб Мукаррамхон тўра Таваккалжонни олиб Ўрда қишлоғига – бутун Фарғона музофотида нуфузи ёйилган Убайдуллахон тўра, Акрамхон тўра, Маъруфхон тўра хузурига от солади. Ёш хофиз хуш хулқию хуш овози билан саййидларнинг эътиборига тушади, дуосини олади. Шу-шу, Мукаррамхон тўра бир умр Таваккал Қодировнинг пири, маслаҳатгўйи бўлиб қолади.

Ҳай-хай, ўлан...

1947 йилнинг кузида Таваккал Қодиров эл қатори ҳарбий хизматга жўнади. Ашхободда ўн минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритган зилзиладан омон қолган аскар уч йил деганда уйига қайтди. Аммо... Таваккалжоннинг соғинчларда онаизорига атаб битган кўшиқлари сабил қолди. Нобуд бўлган норасидалар ҳасратию ҳаёт укубатларидан қадди барвақт букилган Тўтиби болагинасининг йўлига кўз тика-тика, 54 ёшида оламдан кўз юмган эди... Уч йил бағри кўмсалган муштипар тупроқ бағрида ётарди... Мушфиқа тингловчисини умрбод йўқотган ўксик ўланлар ўғилнинг бўғзида фарёдга айланди...

...Кунлар ўтиб, ҳаёт яна ўз маромида оқа бошлади. Таваккалжон маънавий устози Мукаррамхон тўранинг далдаси билан кўшиққа, ижодга қайтди. Тез орада уни туман маданият уйига бадий раҳбар этиб тайинлашди. Навоий, Фузулий, Машраб, Махтумқули, Муқимий, Фуркат, Увайсий, Нодира, Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий девонларини варақлаб, янги ашулалар басталай бошлади. Энди Шаҳрихон, Асака, Марҳамат депараларида ҳам Таваккал Қодировнинг овози таралиб қолди.

Шу орада Мукаррамхон тўра Таваккалжон учун Акбарободнинг бообрў хонадонидан сочлари тақимини ўпган Рисолатхон исмли сулув қаллиқ топганини билдирди. Отаси бу таклифни қувватлагач, Таваккалжон Акбарободга танда қўйди. Эшик пойлаб, Рисолатхоннинг жамолига ахийри етишди. Ироқи дўппи тагида кокиллари ўйнаган кизгина пақир кўтариб чиқиб қолди. Ариқдан сув олаётиб пистирмада турган йигитни туйқус пайқади-ю, ўзини эшикка урди. Таваккалжоннинг юраги хаприқиб кетди... Ўқтам йигит энди уйқусиз тунлар осмонга тикилиб, ҳилола кизга қўшиқлар атарди... Ҳосили калом, азизларининг ризоси билан Таваккалжон ва Рисолатхоннинг тақдири қўшилди.

Кўпнинг дуоси — кўл

1951 йил. Мукаррамхон тўра одам юбориб, Таваккалжонни олдириб келади. Икков йўрға отга миниб, Заркентнинг Яккатут қишлоғига, катта базмга йўл олишади. Даврада Юсуфжон кизик, Маматбува, Болта ҳофиз, Жўраҳону Маъмуржон ҳофизлар, Охунжон кизик, Сулаймон қори, Усмон қори... Тўрт забардаст ҳофиз ижросида «Ёввойи чоргоҳ»у азкиёлар бахси!

Базм авжига чиққанда Заркентнинг машҳур раиси Райимберди Тўхтабоев Мукаррамхон тўрага юзланиб: «Тақсир, ёш ҳофизингиз қани, бир эшитайлик», деб қолади. Таваккалжон адаби усулга риоя этиб, чиройли хониши билан даврада файз олади. Қистирилган пуллар, елкага ташланган тўнни чорсига тугиб, устозларнинг олдига кўяди, оқ фотиҳа сўрайди. Устозлару шинавандалар баравар қўл очадилар: Таваккал Қодировнинг санъат йўлидаги ёруғ келажаги кўпнинг дуоси билан кафолатланади...

Юсуфжон кизик Шакаржоновнинг ўғли, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зайнобиддин Юсупов хотираларидан:

«Заркентда базмга чиқишдан олдин дадам гуруҳдаги ҳофизларга: «Жўраҳон, Маъмуржон, қулоқ солинглар, Мукаррамхон тўрам Таваккал деган бир ёш ашулани олиб келибдилар. Айтадиган

қўшиқларингизни ўйлаб қўйинглар. Хозир халқни билиб бўлмайди, шинавандалар доим янги чиққан ҳофиз, янги қўшиқнинг тарафдори бўлишади», деб тайинлаганди. Таваккалжонни ўшанда биринчи марта кўрганман. Ҳақиқатан ҳам, ёш ҳофиз улоқни, дадам айтганидек, ёппа қилиб олиб кетган эди...

Дадамиз ўзининг таъзиясида қабристонга етгунча ашула айттиришни васият қилганди. Қиблагоҳимизнинг қазоси етганда васиятини секин Таваккалжонга эслатдим. Ҳофиз дардли марсия бошлади... Қабристонга йўналган халойиқ юм-юм йиғлаб, тўлқиндек тебраниб борарди. Дадамнинг армони қолмади – бутун умрини халққа, санъатга бахшида қилган инсоннинг сўнгги орзусини Таваккалжон амалга оширган эди...»

Вилоят театри артистлари ўша пайтлар спектакль ва концертлар билан Қувага тез-тез ташриф буюришарди. Шундай кезлари Таваккалжон ҳам концертларда иштирок этиб, таниқли санъаткорлардан дўстлар орттирди. Уларга қўшилиб, Фарғона шахрининг ижодий муҳитига аралаша бошлади. Теракмозор даҳасидаги чойхонада вилоятнинг турли чеккаларидан хонандаю созандалар, шинавандалар тўпланиб туришарди. Шундай издиҳомлардан бирида Таваккалжон кўконлик устоз созанда ва бастакор Мухторжон Муртазоев билан танишди. Охир-оқибат, моҳир бастакор совға қилган «Бизни ташлаб» (Мискин ғазали) қўшиғи Таваккал Қодировни элга машхур қилди.

«Доғман» доғи

1958 йил. Комилжон Отаниёзов янги тузилган ансамбли билан Фарғона водийси бўйлаб ижодий сафарда. Таркибида Коммуна Исмоилова, Рўзимат Жуманиёзов, Қувондиқ Искандаров, Нурмуҳаммад Болтаев, Шариф Султонов, Жуманазар Бекжонов, Ўринбой Отажонов сингари таниқли санъаткорлар жамулжам ижодий жамоа Қува туман меҳмонхонасига тўхтаган.

...Комилжон акани зиёрат қилиш учун меҳмонхонага шогирдлар каторида Таваккал ҳам кириб борди. Улуғ ҳофиз ҳамма билан бирмабир кўришди-ю, навбат Таваккалга келганда, хоразмча лахжада зарда билан сўради:

– Сан, харап, ким бўлдинг?

– Таваккалман... Шогирдингиз...

– Э, фарғоналик ҳофиз Таваккалмисан? Қўшиқларингни радиода кўп тинглаганман. Дуруст айтасан. Нафасинг ҳеч қайси ҳофиза ўхшамайди... Таваккалту, таваккулту, ё Оллоҳ деган эл на талқоннинг, на қалқоннинг ғамин ер. Исминг жисмингга монанд экан, ховва...

Окшом дастурхон ёзилди. Комилжон Отаниёзов жўшиб-тошиб куйлади. Таваккал Қодировнинг мавриди етганда эса Бобур газали билан айтиладиган «Кўрсатмагай»ни ўрта пардадан бошлади (тор дога созланган бўлиб, ўрта парда *соль* эди). Комилжон уста сергак тортиб хофизга бир қараб олди, чунки ашула ўрта пардадан бошланса, катта авжи *рега* боради. Нахот шогирдбачча шу пардани забт эта олса? Қаторда ўтирган хоразмлик санъаткорлар ҳам бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Таваккал ашулани «паккасига келтириб ташлаб», «Самарқанд ушшоғи»га улади:

Биё, ки зулфи кажу чашими сурмасо инжост,

Нигоҳи гарму адоҳои дилрабо инжост...

Ижро тугагач, мактовга зикна Комилжон Отаниёзов жамоага юзланиб:

– Бу хофизингиз шу кунгача менга ғойибона шогирд эди. Бугундан бошлаб сизларнинг гувоҳлигингизда уни ҳақиқий шогирдликка қабул қилдим, – дея оқ фотиҳа беради.

Катта устозларнинг Заркентдаги дуосига Комилжон аканинг фотиҳаси занжир бўлди...

Эртанги даврада Таваккал Қодиров Комилжон Отаниёзов репертуаридаги «Доғман» ашуласини (Ноқис газали) қиёмига етказиб айтади. Хонанданинг маҳоратидан кўп ҳаяжонланган улўф санъаткор:

– Ашулани дим харап этдинг... Уни бошқа айтмаяжакман, – дейди.

Вақт ўтиб, катта хофиз Таваккал Қодировни «Барча шогирдларим бир томон, бу – бир томон», дея эътироф этган эди...

Театр

Янги очилган Фарғона давлат мусика билим юртини битирган Таваккал Қодировни 1958 йили вилоят театрига ишга таклиф қилдилар. Унинг кейинги йигирма йиллик ижодий фаолияти шу қутлуғ даргоҳ билан чамбарчас ўтди. Ижодий камолот чўққисини ҳам шунда кўрди, меҳнатининг ҳосилини ҳам шу ерда ўрди. Ўзбекистон халқ артистлари Яхёхон Маматхонов, Солижон Аҳмедов, Зуннун Мадалиев, Муроджон Аҳмедов, Ҳафизахон Иброҳимова, Жалолиддин Охунов, Ёрқиной Ҳотамова, Дехқонбой Жалилов, Абдурайим Матқаримов, Матвали Алиев сингари сахна усталари билан ёнма-ён меҳнат қилди. Ёшларга устоз бўлди.

Дучава

1960-йиллар. Марғилонга одатдагидек йўловчи поезде кириб келади. Жадвалга кўра, бекатда беш дақиқа тўхтайдиган поезднинг жўнаб кетишига аллақачон рухсат берилган, аммо, қани энди, эшелон жойидан жилса? Орадан беш дақиқа ўтгач, станция бошлиғи паровоз ҳайдовчиси

ёнига югуриб бориб, поезд нега туриб қолганини сўрайди. Машинист эса: «Ўхшайди-ку»ни эшитиб олай дедим-да!» дейди. Таваккал Қодиров кўшиқлари шайдоси бўлган ўша машинист жазо олган бўлса бордир, ахир, темир йўлнинг интизоми ҳам темирдан...

У маҳаллари Республика радиоси жонқуярлари кўчма овоз ёзиш студияси билан музофотларга чиқиб, пойтахтдан узоқда ижод қилаётган истеъдодли хонандалар ижросини ёзиб олишарди. 1963 йили Фарғона шахрига Нажмулло Ҳабибуллаев бошчилигида кўчма студия боради. Галдаги ижрони ёзиб олгач, муҳаррир Таваккал Қодировдан:

- Янги кўшиқингиз борми? – деб сўрайди.
- Бор. «Ўхшайди-ку».
- Қанақа?
- «Ўхшайди-ку».

Хонанда Нихоний девонидаги «Ўхшайди-ку» радиодан қазални «Дучава» куйига солиб бир-икки айтиб кўрганди. Шунинг билан китобга қараб айтиб беради.

– Яхши кўшиқ экан, – дейди Нажмулло ака. – Фақат орасига битта авж кўшасиз.

Таваккал Қодиров ашулани иккинчи маротаба янги авж билан куйлаб беради.

- Бўлди, ёзамиз, – дейди муҳаррир.

Орадан бир ой ўтиб ашула Республика радиосида янграйди, пластинкалар серияси чиқади. Тасодифан тасмага тушган «Ўхшайди-ку» хонандани эл орасида жуда машҳур қилиб юборади. Концерту йиғинларда мухлислар «Ўхшайди-ку»ни талаб қила бошлайдилар. Таваккал Қодиров Нихоний девонини олиб, матнни ёдлашга мажбур бўлади. Энди тўй-ҳашамларда «Ўхшайди-ку» қайта-қайта ижро этилар, гоҳида эса издиҳом шу кўшиқ билан бошланиб, шу кўшиқ билан тугарди. 1964 йили Алишер Навоий номидаги театр саҳнасида ўтган катта тантанада «Ўхшайди-ку»га Мукаррама Турғунбоева рақс тушади. Ижродан яйраган томошабинлар «бис» талаб қилишиб, хонандаю раққосани такрор саҳнага чиқаришади... Ўша куни Таваккал Қодиров «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони билан тақдирланади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмад хотираларидан:

«Тожикистонда бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати ўнқунлигининг ақунловчи концерти сира эсимдан чиқмайди. Концерт чор атрофи баланд тоғлар билан ўралган Душанбе шахрининг олтамиш минг кишилик стадионида бўляпти. Бўш жой йўқ, кўпчилик тик туриб қолган.

Майдон ўртасидаги супада Таваккал қўшиқ бошлади. Гувиллаб турган стадион бирдан жимиб қолди. Унинг товуши аста қанот қоқиб кўкка интилган қушдек тебраниб-тебраниб баландлайверди. Овоз залворли тоғларга бориб урилаётгандек, акс-садо бўлиб қайтаётгандек эди. Стадион ҳамон жим...

Таваккал энди ўзининг энг севиб айтадиган «Ўхшайди-ку» қўшигини бошлади. Стадион унга қўшилди. Шунда қизиқ воқеа рўй берди. Қўшиқни баробар бошлаган олтмиш минг киши авжга келганда бирдан тўхтаб қолди (ҳеч ким авжга чиқолмади-ёв). Таваккал тиниқ шалоладек овози билан авжини олди. Қўшиқ охирида стадионда момақалдиरोқ гумбурлагандек олқишлар янграб кетди...»

Якка бу Фарғонада

Кунлардан бир куни Республика компартия раҳбарларидан бири унга Тошкент шаҳар партия кўмитаси биринчи котиби Қаюм Муртазоевни кўрсатиб: «Қабулига киргин, гап бор», дейди. Таваккал Қодиров Муртазоевга учрашади.

– Сизни Тошкентга кўчириб келтириш ҳақида юкоридан кўрсатма олдик. Секция берайликми ёки ховли-жой? – сўрайди у.

Таваккал Қодиров Фарғонани тарк этишга рағбати йўқлигини, бунинг устига, кекса отаси бетоблигини айтиб узр сўрайди. Муртазоев санъаткорнинг раъйини қайтаролмайди...

Таваккал Қодиров кўп йиллар Фарғона давлат филармониясига раҳбарлик қилди. Ўша пайтлари Нуриддин Ҳамроқулов, Ёркиной Ҳогамова, Қобилжон Юсупов, Нуриддин Ҳайдаров, Султонали Маннопов, Жўрахон Рахимов, Рустам Абдуллаев, Абдулхай Каримов, Охунжон Мадалиев, Илхом Иброхимов сингари истеъдодли хонандаларнинг бутун бир авлоди катта санъат даргоҳига кириб келди.

Футувват

Таваккал Қодиров кўпинча оддий одамларнинг тўйига борарди. «Бундайлар тўйга айтса, бетоб бўлсам ҳам бораман», дерди. Хонадонга кирганда тўй эгасининг туриш-турмушига зимдан эътибор берарди-да, «Кам-кўстингизга ишлатинг, ука», деб ўртадан тушган пулни мезбонга ташлаб кетарди...

Таваккал Қодировни бутун Марказий Осиё халқлари ўз фарзандидек, ўз хофизидек ардоқларди. Яхши кунларига шерик қилиш учун минтаканинг хар бурчагидан уни тилаб келардилар. Сафарлар билан оворалик туфайли Қувада камнамо хофиз бир куни ён қишлоғига тўйга боради. Фотихадан сўнг негадир ашула бошлагиси келмай эшикка чиқади. Шу қишлоқлик дўстларидан: «Кўнглим нотинч,

нима гап? Опа кўринмайдилар?» деб сўрайди. Кўп йиллар эл-юрт хизматида юриб, халқ меҳрини қозонган, тўйхонадан икки-уч эшик нарида яшовчи Саврихон Юнусованинг ёлғиз ўгли оламдан ўтганини айтадилар. Таваккал ака тўйхонага кириб, «Мени маъзур тутинглар, опанинг мусибатидан беҳабар эдим... У кишининг маҳалласида қўшиқ айтолмайман», деб чиқиб кетади.

Иккинчи нафас

1970 йили Таваккал Қодировнинг Республика телевидениесидаги концерти «репетицияга келмагани учун» деган баҳона билан тўхтатилди. Хонанда телевидение арбобларидан бирининг тўйига боролмагани – касрига қолди. Ўша муддаий аллақанча вақтгача Таваккал Қодировга ситам ўтказди. Хатто устидан чакув хати уюштириб, ҳовли-жойини мусодара эттиришгача борди...

Зуғумлардан кўп оғринган санъаткор дардчил бўлиб қолди. Сурункали қандли диабетга сариқ касали ҳам қўшилиб, уни буткул холдан тойдирди. Дўхтирлар бундан буён ўзини зўриқтирмаслик, айникса, қўшиқ айтмаслик шартини қўйдилар. Бу ҳукм дархол юртга овоза бўлди: «Таваккал Қодиров оғир эмиш! Энди қўшиқ айтолмасмиш...» Буни эшитиб зимдан севинганлар ҳам, Таваккалдан омад кетди, деб ҳофизни тарк этган «дўст»лар ҳам бўлди. Аммо у дарди бедавони метин иродасига таслим этди. Бир неча йиллик танаффусдан кейин ҳофизнинг «иккинчи нафас»и очилиб кетди. Телевидение ва радиода ашулалари яна янграй бошлади. «Ўзбекистоним», «Соғиниш», «Дарёларнинг ул юзида», «Дилбаргинам», «Сарвиноз» сингари ашулаларни магнит тасмасига ёздирди. Халқимизнинг кўнгил мулкидан жой олган «Чоргоҳ», «Насруллои», «Хоразм Насруллоиси», «Ироқ», «Фарғона тонг отгунча», «Ул кун жонон», «Тановар» сингари мумтоз ашулаларга янгидан сайқал бериб ижро этди.

1989 йили ўзбек қўшиқчилик санъатини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун эл ардоқлаган санъаткор Таваккал Қодировга «Ўзбекистон халқ артисти» унвони берилди.

Ўзбекистон халқ артисти, Фарғона давлат университети маданият кафедраси мудири, профессор Султонали Маннопов хотираларидан:
«Андижонда бир тўйнинг саҳарлик дастурхонида устоз қўлига тор олиб қўшиқ бошладилар:

*Эй тан, бас айла, гамли қиш ўтса, баҳор бўлур,
Сахро юзи бинафша билан лозор бўлур.
Булбул чаманда нола қилур, бесабаб эмас,
Гул очилгунча қанча тиконга дучор бўлур...*

Шу пайт устимизга соя ташлаб турган олма шохида булбул пайдо бўлди ва қўшиққа жўр бўлиб сайрай бошлади. Ашула авжига чиққанда булбул тор дастасининг учига келиб қўнди; қўшиқ тугагунча маҳлиё бўлиб турди-да, кейин олқишлагандек бир сайраб қўйиб, учиб кетди... Воқеани кўрган даврадошлар ҳайратдан ёқа ушлаб қолдилар».

Ўртаб юрагим-бағрим...

Ўзбекистон радиосида Алишер Навоий ғазали билан айтиладиган «Насруллои» тасмага муҳрляпти. Абдуҳошим Исмоилов бошчилигидаги Мақом ансамбли созандалари жўр бўлишяпти. Ашула авжига етганда Абдуҳошим Исмоилов хўнграб юборди: «Берахмсиз, устоз, юракни қон қилиб юбордингиз!..»

Ижрони бошқатдан ёзишга тўғри келди. Мажбурий танаффусдан сўнг овоз ёзиш мутасаддиси Анвар Тожиев созандаларга қатъий буюрди: «Хеч ким йиғи-сиғи қилмасин!» Ижрони тугатиб, қўшни хонага чиққанларида Анвар Тожиевнинг ўзи кўзёш тўкиб ўтирган эди...



У хофиз бўлиб юртга танилибдики, тиним нималигини билмади. Шахарма-қишлоқ элнинг хизматида кезди, йўл-йўлакай мизғиб кетишини оромга йўйиб юраверди. Базмлар наҳорги ошларга уланиб кетган пайтларда: «Озроқ вақт бор, бир-икки соат ухлаб олинг», десалар, «Овоз ётиб қолади», дея бедор тонг оттирди. Оллох ато этган неъмат — овозини мухлисларга бус-бутун етказишни бурчи деб билди, омонатга хиёнат қилмади. Қахратонда юпқа костюмда соатлаб куйлаб, ўпкасини олдирса ҳам, сидрасига ашула айтаверганидан қон тупурса ҳам, иситмаси қирққа чиққанида ҳам, ҳолсизликдан йиқилмаслик учун ёнидаги созандаларга суяниб куйлайверди.

У 1926 йилнинг баҳорида дунёга келган эди. 1996 йилнинг гуллаган фаслида дунёдан ўтди...

Хофиз кетди. Наволари қолди.



Доирадан чиқмаган ҚАҲРАМОН

Ўша пайтлари мамлакатнинг биринчи рақамли дойрачисига дунёга донғи кетган рақс ансамбллари кўп ва хўп харидор бўлдилар.

Уни ҳатто Игорь Моисеевнинг машҳур ансамблига ҳам таклиф қилишди. Аммо Қаҳрамон Дадаев «Баҳор»ини бошқасига алишмади.

«Баҳор»дан ҳеч нарсани – вақти, куч-қуввати, меҳрини аямади.

Истеъдоди ўз йўлига-ку, одамийлик фазилатлари туфайли ҳам Опанинг унга меҳри бўлакча эди. Зеро, Мукаррама Турғунбоева

ўз санъатини, миллатини севадиган, меҳнатсевар ва фидойи инсонларни қаноти остига тўплаган эди. Шу тариқа, икки

санъаткорнинг ҳамкорлиги самарасида «Катта ўйин», «Пилла», «Учрашув», «Ҳаваскор», «Қўшдойра», «Уч дойра» каби машҳур

рақслар дунёга келди ва олтин фонддан жой олди.

*«Баҳор»да бир йигит бормиш – жуда дилкаш,
Яширмасмиш ҳунарини: чилдирмакаш.
Аримасмиш дониш кўздан табассуми,
Сочин ёзиб, измидамиш қирқ париваши.*

*Беқасам тўн, ятак, белбоғ ярашади,
Ким тиккан, деб дўпписига қарашади.
Касби нодир, ўзи қобил, қўли ботир –
Баҳодирни чин Қаҳрамон санашади.*

*Халқа таққан шу ой чехра – қадрдонил!
Уста Олим чилдирмаси – армуғонил!
Кўз қораси ҳис этади дойрасини,
У – обрўси, ризқу рўзи, ширмой нонил!*

Ёнғин Мирзо

Қаҳрамон Дадаев «доирадан чиқмади». Уста Олим Комилов, Тўйчи Иноғомовдек дойрадаст санъаткорлар анъанасининг давомчиси бўлди. Ярим аср сахнадан тушмай, халқимизга хизмат қилди, ўзбекнинг дойрасини дунёнинг турли чеккаларида бор тантилиги-ю, чапанилиги билан янгради. Эл-юртнинг тўю тантаналарида, ҳафталаб, ойлаб давом этган гастролларда сон-саноксиз мухлисларнинг олқишу эъзозига муяссар бўлди. Маҳорати туфайли Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти совриндори, ўнлаб халқаро фестиваллар ғолиби бўлди. Дойрани шунчаки жўрсоз, кўмакчи сифатида билганлар унинг ижросидан кейин бу чолғуни мустақил соз сифатида тан олди. Шу кунгача эшитилмаган усулларни «охорли» услубда кашф этган ҳам, дойрани илк бор қўшалаб садолантирган ҳам Қаҳрамон Дадаев бўлди.

Адаби усул

Телефон рақамини тера туриб, ахли санъатнинг таъби нозик, Қаҳрамон Дадаев деганлари чакана одаммас, бу ёғи етмишни қоралаб қўйибдилар, хозир ахволлари қандай экан, таклифим хуш келармикан-йўқми, деган андишада эдим. Гўшакдан «Ассалому алайкум!» деган хокисор овоз эшитилди. Хаяжонимни базўр жиловлаб, ўзимни танитдим-у, муддаони билдирдим. Аксига, Уста ўша куни бетоброк, устига-устак, беулов эканлар. «Майли десангиз, уйингизга борай», дедим. «Йўқ-йўқ, овора бўлманг, жуда зарур бўлса, ўзим бораман, вақтини тайин қилиб, манзилни айтсангиз бўлди», дедилар. Икки соатдан кейин учрашишга келишдик.

Тахририят томон йўналар эканман, бино тагида у ёкдан-бу ёкка юриб, орада бир соатга қараб кўяётган Қахрамон Дадаевга кўзим тушди-ю, қадамимни тезлатдим.

— Ассалому алайкум! Иродахонсиз-а?.. Хаялламадимми, узр...

Кутилмаган бу такаллуфдан томоғимга бир нима тикилди: учрашув белгиланган вақтгача яна 15 дақиқа бор эди...

Бола — бошидан

Ерга урса кўкка сапчийдиган бу болакай Тошкентда, Эски шаҳарнинг Чакичмон маҳалласида дунёга келди. Отаси савдода ишларди. Бола исми билан Қахрамон, ачавотлик чапдаст дўли болаларга футболда ҳам, дойрачиликда ҳам бўш келмас, маҳаллий футбол командасининг олди хужумчи эди. Тақдирни қарангки, уларнинг маҳалласи хонанда-ю созандага бой: атоқли хофиз Жўраҳон Султонов, Ашурали ва Аҳмаджон сурнайчилар, дойрачи Темур ака, танбурчи Жўрабек Сайдалиев... Куй-қўшиқ эшитса, ўзига сиемай кетадиган Қахрамон эвини топиб, санъаткорлар даврасига дам-бадам бош сукаверарди. Жонли «концерт»лардан баҳраманд бўлиш илнжида Жўраҳону Маъмуржон хофизлар иштирокидаги йиғинларда чой ташиб дастёрлик қиларди.

Уруш йилларида Эски Жўвада бозорқўм бўлиб ишлаган Қосим ака ўғлига савдогарлик хунарини «юктиролмади». Зимдан кузатса, боласи тушмагурнинг санъатга мойиллиги астойдилга ўхшайди. Қани, юр-чи, деб ўғлини олдига солиб кадрдон дўстининг синглизиси — ўша пайтлари Глиэр номидаги республика мусика мактабининг директори Мухаббатхонга рўпара бўлади. Опа боланинг мусиқий укуви ва шижоатини пайкаб, Уста Олим Комиловнинг ардоқли шогирди Тўйчи Иноғомов тарбиясига топширишни маслаҳат беради. Шу тарика, 10 ёшли Қахрамон чорсига тугилган дойрани кучоклаб, шаҳар марказидаги Пионерлар саройига катнай бошлайди.

Дойра санъати — бутун жаҳон миллий-маданий мулки. Уста Олим Комилов шу турғун маданиятнинг асосчиси. Қахрамон Дадаев эса бу санъатни олий мақомга олиб чиққан, XX асрнинг иккинчи ярмида ўз номини мана шу санъат тури тарихига муҳрлаган ягона миллий намояндамиздир... Дойрачилар кўп, бирок Қахрамон — битта!

Қахрамондай дойрачилар, билмадим, юз йилда бир келармикин! Уста Олимдан кейинги дойра санъаткори шу Қахрамон-да! Унинг услуги нима-да? Уста Олим, Тўйчи Иноғомовлар анъанасини давом эттирганида. Доирадан чиқмагани — Қахрамоннинг услуги. Қахрамоннинг услуги бу — ўзбек дойра санъатининг миллий йўли.

**Тамарахоним,
СССР халқ артисти**

**Фафур Иноғомов,
устоз санъаткор**

«Баҳор»ий юриш

Қахрамон иктидори билан тез орада кўзга ташланиб қолади. Шогирдининг истикболини пайқаган устози уни Тошкентдаги хореография билим юртига, укаси Ғафур Иноғомовга «узатади». Бу даргоҳда йигитча буюк санъаткор Мукаррама Турғунбоева ва Розия Каримова синфларида жўрнавоз сифатида фаолият бошлайди.

Кўп ўтмай, Ўзбек давлат эстрадаси қошида ўн нафар раққосадан иборат кичик рақс гуруҳи ташкил этилади, Қахрамон гуруҳнинг арзанда созандасига айланади. Орадан бир йил ўтиб, ўзбекистонлик раққосалар гуруҳи илк бор V Жаҳон ёшлар фестивалида иштирок этади. Бернора Қориева, Тамара Юнусова, Қундуз Миркаримова, Рая Хожисаидова, Флора Кайдани 19 ёшлик навқирон дойрадаст жўрнавозлигида фестивалнинг олтин медалига сазовор бўлади.

Аста-секин кенгайиб борган ижодий гуруҳга 1957 йили «Баҳор» номи берилиб, филармония таркибида илк ўзбек халқ рақс ансамблига айлантирилади.

Бўлғуси улкан санъаткорнинг ҳаёт ва ижод йўли гўё «сценарий бўйича» кечаётгандек эди. Энди у умрининг гул фаслига дадил кириб бораётганди. Дарҳақиқат, «Баҳор»да ўтган қирқ йил Қахрамон Дадаев умрининг яшнаган даври бўлди...

«Бахтим шундаки, катта-катта санъаткорлар билан ишлаш менга насиб этди. «Баҳор»нинг тузилиши Ўзбек эстрадаси қошида бошланганди. Устоз, шоир Камтар Отабоев Эстраданинг директори эдилар. Бу даргоҳда Муҳиддин қори Ёқубов, Фулом Абдураҳмонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Жуманазар Бекжонов, Фанижон Тошматов, Ориф Алимахсумов, Саиджон Калонов, Фахриддин Содиқов, Фахриддин Умаров, Зокиржон Султонов каби санъат даргалари бирлашган эди. Атоқли устозларга жўр бўлиш бахти каминага буюрди. Катта сахналарда, тўй-ҳашамларда елкама-елка хизмат қилдик. Мен бу билан фахрланаман...»

Дунёни сиғдирган дойра

Устанинг шинавандалари тери қопланган гардиш Қахрамон Дадаев учун бутун дунёга «виза» бўлди дейишади. Илло, у пайтлари совет кишилари бундай сайру саёҳат ҳақида фақат орзу қилишлари мумкин эди.

«Санъатнинг даргоҳи кенг. Халқларни бир-бирига жипслаштириб юборади. Боқуда Тошкент кунлари бўлаётган пайт. Адиблар, шоирлар, санъат усталари, завод-фабрикаларнинг илгор ишчилари бир делегация бўлиб борган эдик. Концертларимиз шундай

ажойиб, жўшқин ўтяптики!.. Мухлисларнинг саногига етолмайсиз!
Хазар бўйида охирги концертимиз бўляпти. Учта дойра билан
сахнадаман...

Бу кун қоқ саҳарда Бокунни
Ўзбек қўшиғи уйғотди.
Хазарни тонг билан шу кунни
Таранг соз – дойра янгради.
Боқарди одамлар ҳангу манг
Бир созда минг оҳанг боридан!
Сосналар гўёки кўйлақчан,
Қарарди бўй чўзиб наридан.
Фонтанлар баландроқ урарди,
Кўрмоққа интилиб, шошилиб,
Сафбаста мажнунтол турарди,
Тан бериб, ергача эгилиб.
Денгиздан келарди гулдурос –
Гулдурос қарсақлар мисоли.
Тўлқинлар ёзишиб пойандоз,
Югурар бир айём висоли.
Кўкс бериб тингларди ҳур шаҳар,
Бир амфитеатр, ажабо!
Шаҳарни мисоли хушхабар
Лол этди бу соҳиб, бу садо!..

Жуда берилиб кетибман, шекилли, охирги зарбимдан дойра жонивор
ёрилиб, қўлим гардишининг бу томонига чиқиб кетди...

Ёрилди дойра, зарбидан,
Ёрилди...
Дойра бомини –
Илди зал, халойиқ, хиёбон.
Қамради бу олам томини –
Гулдурос, гулдурос осмон!
Саломга эгилмиш соҳибсоз,
Қаҳрамон дойра ёнида
Мисоли шогирд ва устоз
Сайр этар шон хиёбонида.
Қувончдан ёрилган қалб ўтин
Кўрмаган эдим ман зоҳиран,
Нақ ўзин кўрсатди шу бугун
Завқидан ёрилган дойра!

Ана қарсақ бўлди! Мухлислар «дод» деворишди!.. Улар орасида устоз шоиримиз Туроб Тўла ҳам бор эдилар. Тошкентга қайтганимиздан кейин бир куни Туроб ака: «Қаҳрамон, вақт топиб, бир ўтгин», деб қолдилар. Билсам, ўша воқеа устозни хўп илҳомлантирган экан. Бу шеър у кишидан эсдалик бўлиб қолди...»

1975 йил. Швеция. Қироллик театри. Бу улугвор сахнада концерт намойиш этиш шарафи хали СССРнинг ҳеч бир ижодий гуруҳига насиб этмаган эди. Сахнада «Баҳор» яшнапти. Гуллар... Олқишлар... Ўша концертда Қаҳрамон Дадаевнинг ҳам яккагон чиқиши бор эди. Созанда учта дойра билан ўз оригинал номерларини ижро эта бошлади. Аммо театр сахнаси одатдагидан бошқачароқ – залга томон нишаброқ қурилган экан.

«Одатдагидек, дойрани сахна бўйлаб айлантириб юбордим. Бир давра олиб ўзимга қайтиб келиши керак эди. Саҳна қоронғу, тикка менга қаратилган «пушка» – прожектордан кўзим қамашади. Дойрам эса кетганича кетди. Ўзини кўрмаганим майли-ку, товуши ҳам эшитилмайди, денг. Кўлимда иккинчи дойра, усул бериб турибман-у, хаёлим нариги дойрада. Саҳна текис эмас, нима бўларкин?.. Асаблар таранг... Бунни қарангки, дойра доирани жуда кенг олган экан (кулади). Саҳнанинг қиргоғи билан айланиб келиб қолди-ку! Бутун зал ўрнидан туриб гулдурос қарсақ чалиб юборди...»

Ўшанда ҳаяжонли хитоблар билан оёққа қалққан томошабин ўзбек созандасини қирқ дақиқача тинмай олқишлади. «Браво! Бис!»лар ҳам, дойра садолари ҳам анча маҳалгача тинмади. Қаҳрамон Дадаев Швед Қироллик театрининг қаҳрамонига айланди.

«1970-йиллар. Боливиядамиз. Лотин Америкасидаги бу мамлакат жуда тепаликда, тоғлар бағрида жойлашган. Зарур асбоб-анжомлар, либосларни зилдай қилиб кўтариб келдик. Шусиз ҳам нафас олиб бўлмайди, ҳаво рутубатли. Концерт денгиз сатҳидан бир неча минг

Қаҳрамон Дадаев – «Баҳор»нинг биринчи йигити. Биринчи созандаси. Биринчи бастакори. Ашула айтмаса ҳам қалбдан ҳофиз, ўйинга тушмаса ҳам дилдан раққос. «Баҳор»нинг кечаси, бугуни, эртасини Қаҳрамон Дадаевсиз тасаввур қилиб бўлмайди. «Баҳор»га раҳбар бўлган одам Қаҳрамоннинг мактабисиз узокка боролмайди...

**Қундуз Миркаримова,
Ўзбекистон халқ артисти**

Қаҳрамон ака худо берган одам. Санъаткор маданиятини ҳамма у кишидан ўрганиши керак. Ки-йиниши, соз тутиши, сахнада кўриниши, муомаласи – ҳеч ким бу жихатдан у кишига тенг келолмайди. Мен шундай ўйлайман: Қаҳрамон Дадаев ўзининг Қаҳрамон Дадаев эканини билмайди...

**Абдуҳошим Исмоилов,
Ўзбекистон халқ артисти**

метр баландликда бўляпти. Машиҳур озар ҳофизи, СССР халқ артисти Рашид Бейбутов битта қўшиқ айтиб, ютоқиб саҳна ортига ўтди. Дарров махсус ёстиқчада кислород тутишди. Навбат менга келди. Икки-уч дойра билан кетма-кет учта номер ижро қилдим. Ҳар номер орасида устимдаги ютқа чопонимни ечиб олиб, бошқасини кийгазишади. Бу тўн ҳам бир зумда «терга ботади», сиқсангиз, бир челақ сув чиқади... Кислород ютмаганимда борми, бадандаги сувсизликдан ҳушсизланиб, йиқилиб қолишим ҳеч гап эмасди... «Чўпон», «Хаваскор» рақсларининг моҳир ижрочиси, Давлат мукофоти лауреати Равшаной Шариповага ҳам номерини ўйнаб бўлган заҳоти парда ортида кислород тутишади...

Таъзимга чиққанда эса ҳаммамиз ҳеч нима бўлмагандек табассум қиламиз... Э, ҳа-а, санъаткорнинг иродаси ҳам бақувват бўлиши керак экан, дегандим ўшанда».

Оқибат

Уни тақдир нодир истеъдод билан сийлади. Санъатга муҳаббати ва садокати туфайли Тўйчи ва Ғафур Иноғомовлар, Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним, Роза Каримова, Галия Измайлова, Муҳиддин кори Ёкубов, Маъмуржон Узоқов каби буюк санъаткорлар меҳридан бахраманд бўлди. Санъат туфайли Ботир Зокиров, Муслим Магомаев, Рашид Бейбутов, Вахтанг Кикабидзе, Зайнаб Хонларова, Ольга Воронец, Аркадий Райкин, Борис Брунов сингари эл севган санъаткорлар билан танишди, ҳамкорлик қилди.

«Устозимиз Уста Олим отага дуо кетган бўлса керак – ўзидан кейин кўп шогирд қолдирдилар. Ҳар қайсиси замонасининг «манаман» деган дойрачиси бўлди, халқнинг ичида юрадиган одам ҳар жиҳатдан намуна бўлиши керак деб тиришди, ҳунарини севди, ўз устида кечаю кундуз ишлади. Беҳисоб шукрки, устозларнинг ишини давом эттириш бизга ҳам толе бўлди.

Бошқа созандаларнинг кўнглига келмасин-у, ҳар қалай, дойрачилар аҳил. Инсон кўп нарсага ўзи сабабчи бўлади. «Сиз» ҳам «сен» ҳам бир оғиздан чиқади. Ўзимнинг мисолимда гапирсам, ҳеч қачон устозлар кўзига тик боққан эмасман. Шогирдларимга ҳам қаттиқ гапирмаганман. Катта санъаткорлар билан қанча сафарларда бирга бўлганмиз, саҳналарга бирга чиққанмиз... Ўзаро борди-келди қилганмиз. Хозир, худога шукр, шогирдлар билан борди-келдимиз бор. Тошкентлик дойрачилар ойда бир йиғилиб турамиз. Жўрабоши ўзим. Тўй-ҳашам, бошқа йиғинларда шогирдларим доим бир-бирига елкадош. Бирортасида етишмовчилик бўлса, бир ёқадан бош чиқариб ҳашар қилиб юборишади. Ёшлардан кўнглим тўқ. Демак, бекорга яшамабмиз...»



НУРИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ Яшаш санъати

Санъаткор бўлиш осонмас. Узоқ йиллар назардан тушмай, мухлис меҳру эҳтиромини қозониб туриш – инчунин. Ижод ва ҳаётни эплаб яшаш эса ҳар кимга ҳам тан эмас. Шундай бахтга муносиб топилганлар қаторида унинг ҳам ўрни бор. Ардоқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳамроқуловнинг теран мушоҳадалари эътиборингизда.

Санъатнинг ҳамма тури санъатларнинг буюгига –
Ер юзида яшаш санъатига хизмат қилади.
Бертольд Брехт

«Андижонни Харабек, Зоврақ, Хортум, Бўтақора деган бири-биридан кўркам қишлоқлар ўраб туради. Мен туғилиб ўсган жой кўп хушманзара, сўлим эди: бир томони сойлар, бир томони қир-адирлар. Бу тароватдан кўнглининг таъсирланмаслиги, қўшиққа айланмаслиги мумкин эмас. Булбулки субҳидамдан наво чеккач, одам боласи қандай чидаб турсин?..

Аждодимизда санъаткор йўғ-у, лекин онам раҳматли дутор чертишга кўп ҳавасманд эди. Онам янги келинчак вақти отам раҳматли бир қоп буғдойни бозорга олиб бориб сотиб, пулига дутор олиб берган экан».

Нуриддиннинг болалиги урушдан кейинги қаҳатчилик йилларига тўғри келди. Оиласи жўжабирдай жон, рўзғор тебратиш осон эмасди. Болакайнинг мусикий иштиёқи билан кизиқишга ҳеч кимнинг вақти ҳам, рағбати ҳам йўқ. Оёкка турганидан бошлаб мол бокадиган қишлоқ болалари қатори у ҳам муштдек пайтидан ўз «хўжалиги»га масъул эди.

«Отамнинг отасини Ҳамроқулбой дейишарди – у вақтлари ери бор одамни бой деяверишган. Отам оддий деҳқон бўлса ҳам, ишнинг кўзини билгани учун ён-атрофдагиларга нисбатан дурустроқ кун кўрарди. Қаерда қолоқ бригада бўлса, у кишини бригадир қилиб тайинлаб қўйишарди – миришкор эди. Трактор олиб келиб ер ҳайдатарди. Кечга томон ош дамлатиб, далага чиқарарди – тракторчининг қорнини тўйгазиш керак. Ошнинг ичида гўшти борми-йўқми, биров эътиборга олмасди. Номи «ош»-да...

Уруш, йўқчилик, қийинчилик кўргани учунми, одамлар бир-бирига меҳр-оқибатли эди... Бир аммамиз бўларди. Қариб қолган, қўли ҳам қалтираброқ турарди. Бир куни шу кампир қўлида коса билан кириб қолди. Онам раҳматли уни кўрибоқ: «Вой шўрим, Тўқоч оповбувим ун сўраб келяпти, уйда уним йўқ эди-я, қандоқ қилиб қуруқ қайтараман», деб ўзини ҳовлининг этагига урди. Кампир секин келиб, кўрпача четига омонатгина ўтирди. Қўлидаги косанинг лаби учиб кетган, деярли ярми йўқ эди. «Нуриддин, болам, онанг қани?» деди. Нима дейишимни билолмай, тентираб «Ху ўша томонга кетди, шекилли», дедим. Кампир ҳовли этагига қараб жиндай ўтирди-да, «Ҳа, майли...» дея хўрсиниб чиқиб кетди. У аҳволни сезгандай эди. Орқасидан онам келди. «Олиб чиқиб берай десам, ун йўқ, уят бўлди... Аттанг... кимдан сўради экан боёқиш?» дея аламаҳалгача изтироб чекди».

Нуриддинларнинг кўчасидаги симёғочга катта радиокарнай ўрнатилган эди. Мол-хол, дастёрликдан ортган маҳали болакай ўша ерга – «сиртки ашула дарслари»га югурарди. Радиокарнайдан Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоков, Халима Носирова, Ортикхўжа Имомхўжаев, Зайнаб Полвонова, Фахриддин Умаров, Таваккал Кодиров, Ориф Алимахсумов, Саодат Қобулова каби санъат усталарининг хонишлари янграб турарди. Нуриддин концертлар қай вақт эфирга узатилишини ёд билгани учун юмушларини шунга тўғрилаб битирарди. Кейин симёғочнинг тагига келиб олиб, жон қулоғи билан ашула эшитарди, ўз билгича ўрганмоқчи бўларди... Сирасини айтганда, бу ер бўлғуси санъаткор учун илк «муסיка мактаби» вазифасини ўтади.

«Ўрта мактабни битирганимга икки-уч йил бўлган, маданият уйида Халқ театри концертларида қатнашиб юрган пайтларим эди. Область маданият бўлими (у пайтлари катта идора саналарди) бошлигининг буйруғига биноан 1967 йили Йўлдош Охунбобоев номидаги Андижон вилоят мусиқали драма ва комедия театрига ишга ўтдим. Бу даргоҳ тўнғич ўзбек профессионал театрларидан саналарди. Бузрук санъаткор Аббос Бакиров бадиий раҳбар эди. Йўналиши тақозосига кўра театримизда биринчи навбатда мусиқий спектаклларга эътибор бериларди. Ўттиз беш-қирқ кишилик яхшигина симфоник оркестримиз, Муқимжон Ҳабибов деган заҳматкаш дирижёримиз бўларди. Биринчи скрипка – атоқли созанда Фуломжон Ҳожиқулов. «Нурхон», «Равшан ва Зулхумор», «Ошиқ Фариб» «Фарҳод ва Ширин» каби асарлар ўйналарди. Театр мен учун катта мактаб бўлди. Концертлардан ташқари спектаклларда ҳам қатнаша бошладим, бош ролларни ўйнадим. Чунки овозсиз одамлар бош ролларни ўйнолмасди-да! Кўшиқларда образ яратишни менга театр ўргатди. Юз, кўз ифодалари, тана ҳаракатлари, талаффуз, «piano», «forte»... Театрда кўрган-кечирганларим кейинги фаолиятимда яхши самаралар берди».

Театрда ишлай бошлаганидан бир йилча ўтиб, Нуриддиннинг уйланиши масаласи оила «қун тартиби»га қўйилади. Қуда бўлмишлар – қўшни, Санобархон билан Нуриддин бир-бирининг кўз ўнгида улғайишган эди. Ота-бола ўртасида анъанавий («Шу қиз сенга маъқулми?» «Ҳали ёш-ку бунингиз...» «Ёш эмас, айни етилган вақти, бу йил 18 га тўларкан». «Сизларга маъқул бўлса, бўпти-да...») савол-жавоб бўлиб ўтгач, келинликка номзод бир овоздан маъқулланиб, тўйга ҳозирлик бошланади.

«1968 йилнинг 5 сентябрида тўйимиз бўлди... Санобархон билан икки қиз, икки ўғил тарбияладик, 9 нафар набира топдик. Дарвоқе, набиралар... Ҳозир кўпроқ уйда бўлганим учун уларнинг феъл-атворини кузатаман: бизнинг давримизда болалар бошқача бўларди. Ота-она нима деса, ўша гап қонун эди. Ҳозирги болалар мутлақо бошқача. Ота-оналарини ўз

рағйи билан ҳисоблашишига мажбур қилишяпти. Бизнинг хоҳиши-истагимиз катталар учун аҳамиятсиз эди. Нима учун? Турмуш тарзи шуни тақозо қиларди-да! Бир мисол. Уйда нон ётиларди, аслида, шу нондан бўлак ейдиган нарсанинг ўзи йўқ. Мен ҳали гўдак маҳалим одамлар кунжара еб қўйиб, кўчаларда қотиб қолар экан... У даврнинг болалари қийинчилик кўриб, меҳнат билан ўсгани учунми, «эсли» эди. Ҳозирги болаларнинг пешонаси ярқироқ – егани олдида, емагани кетида. Замон ҳар жиҳатдан такомиллашиб кетган. Ўқийман, одам бўламан деса, барча шароит муҳайё. Лекин... Қадриятлар мезони ўзгариб бораётгандек».

Нуриддин ёшлигидан қизиқувчанлиги, сермушоҳадалиги билан ажралиб турарди. Тенгқурлари қолиб, нуқул ўзидан каттарок, билимдонроқ, тажрибалироқ болалар билан ўртоқ бўлгиси келарди. Бу хусусият уни улғайғунича, улғайганидан кейин ҳам тарк этмади. Доим олимго фозиллар даврасига ошиқди, уларнинг суҳбати, ўғитларидан баҳраманд бўлди, тажриба орттирди...

«Дунёда турфа одамлар бор: яхши-ёмон, тўғри-эгри... Ҳаммасини ҳам Оллоҳ яратган, ҳаммасини ҳам она туққан, ҳаммаси ҳам яшашга ҳақли. Ўрни келганда, ёмон билан мулоқот қилиб, яхши хулосаларга келиш мумкин экан. Бу яхшининг яхшилигини билиш учун жуда осқотади. Чунки фақат оқни кўраверсангиз, қора билан ишингиз бўлмай қолади... Билдимки, оқу қорани ажрата билиш учун устозу китобларнинг ўзи кифоя эмас экан. Буни ҳаётдан уқиш керак.

Ҳаёт менга кўп нарсалардан сабоқ берди. Йўқчиликни ҳам, тўқчиликни ҳам кўрдик. Кўрган-кечирганимдан топган хулосам шу бўлдики, керагидан ортиқ бойлик – таъвиш экан. Ўша таъвишларни ҳам кўрдик... Уйга пул сизмай қолган пайтлар бўлган. Тўй-ҳашамга борсам, қўшиқларимдан шикибозларнинг кўнгли яшнаб кетиб чўнтагимга пул солади. Аслини олганда, бу ўғрилик пул эмас – ҳалол, одамлар рози бўлиб, кўнгилдан чиқариб берапти. Лекин ўша пуллар ҳам менга бахт келтирмаган... Жонимдан ўтиб кетган пайтлари, қанийди, мен ҳам манави қўшимга ўхшаб эрталаб тапкамни кўтариб чиқиб кетсам-у, кечқурун олтида ишни тугатиб уйга ҳайтсам, болаларим билан битта нонни бўлишиб еб ўтирсам, дердим. Икки кунда бир қора қозоним жизиллаб турса... оч қолмасдим-ку, ахир. Қўшиқлар бамайлихотир ташқарида, сўрига пашишахона тутиб роҳат қилиб ухляпти-ку, нега мен хавфсираб яшашим керак, дердим».

1980-йиллари замон айниб, рэкет, талончилик деган гаплар урф бўлганди. Нуриддин Ҳамроқулов ижоди барқ уриб яшнаган пайти эмасми, бир қадами Андижонда бўлса, бир қадами Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах томонларда. Фарзандлари ҳали ёш, юрак ховучлаб кун кечиришади. Вазият қалтислигидан уй атрофига соқчилар наряди тайинланишигача бориб етган...

«Фарзандларимга ҳам доим сингдириб келаман: эҳтиёждан ортиқ бойлик инсонга гам келтиради. Бу хулосани амалда кўриб, мустаҳкамлаб қўйганимга анча бўлган. Ҳаддан зиёд мол-давлат туфайли одамнинг ҳаловати йўқолади, ташвиши ортади, фарзандларининг тарбияси издан чиқади. Босар-тусарини билмай қолиш, менсимаслик, тўқликка шўхлик бошланади... Юрт ичида юриб кўп воқеаларга гувоҳ бўлганмиз. Ўша вақтда ҳам кўпчилик бойлик йиғишга муккасидан кетган эди. Уйидан бир хум олтин чиққан амалдорлар... Кўз ўнгимизда не-не одамлар юқорига кўтариламан деб оёғи ердан узилиб қолиб, чилтарчин бўлиб кетмади. Шуларни кўра-била туриб ҳам кўзи очилмайдиганларнинг борлиги одамни афсуслантиради. Ҳозир бизда кимўзар даражасига етган молпарастлик бир пайтлар Фарб бошидан кечирган «олтин талвасаси» даврини эслатади».

У кечаси хизматдан келганида эшигида турли вилоятларнинг машиналари қатор турган бўларди. Тўйга айтиб келганлар Нуриддин Ҳамрокуловни машина ичида мизғиб пойларди. Хонанда «пойлоқчи»ларни безовта қилмаслик учун орқа кўчадан айланиб келиб, машинасини қўшниникига қўярди-ю, орадаги дарчадан ўтиб уйига кирволарди...

Эрталаб уйғонган замони кўчадаги одамларни чакиртириб, дастурхон ёзиб муомала қиларди. Қозонда қайнаб турган шўрвадан ярим косадан ичишиб, тўй кунини келишардилар. Мухлисларнинг кўнглини олиб жўнатарди.

«Халқимизнинг табиати қизиқ: бир нимани ният қилдими, шуни амалга оширмагунча қўймайди. Боласи туғилган кундан бошлаб ё Шералини, ё Фуломни, ё Нуриддинни опкеламан деб кўнглига туғиб юради. Бу ният овоза бўлишга ҳам улгуради. Мухлис тўй қиламан деб неча йил фарзанд ўстириб, меҳнат қилиб, санъаткорни айтиш учун неча чақирим йўл босиб келади-ю, бормай бўладими? Мавсум пайти тўйини тўйга улаб, бир чиққанча ҳафта-ўн кун деганда уйга қайтиб келардик. Йигирма-ўттиз тўйга ваъда бериб қўйилган: елкамни тоғ босиб тургандай бўларди. Нечтаси ўтди, э худога шукр-ей, қанчаси қолди, уларга ҳам насиб қилиб бориб келайлик, юзимиз ёруғ бўлсин... Орага нозик идоралару амалдорлар тушиб, тўй эгаларининг олдида бебурд бўлиб қолмайлик-да, ишқилиб, дердим.

Андижонда бир қадрдоним, бообрў одам тўй қиладиган бўлди. Менинг вақтим билан ҳисоблашиб, кунини белгилади, ўсмоқчилаб ваъдамни олди. Тўйга уч кун қолганда Обкомга чақириб қолишиди. «Фалон кунни эрталаб соат 10.00да Маданият вазирлигида бўлишингиз шарт», деган буйруқ бўлди. Шув-в этиб кетдим... Ўша тўй бўладиган кун назарда тутилаётган эди. «Шунақа ишлар сал эртароқ айтилса бўлмайдим, ахир... Бизнинг ҳам дўсту биродаримиз бор», дедим. «Хоҳласак, бир

соат олдин айтамыз, бормай кўринг-чи», деган жавоб олдим».

Нуриддин Хамрокулов Обкомдан чиқибоқ тўй эгасини топиб, минг бир хижолат билан вазиятни тушунтиради.

«Нима қилай, ака, бирор ҳофизни айтиб берайми?..»

«Сиз бўлмасангиз... тўйни карнайчилар билан ҳам ўтказиб кўявераман. Кетаверинг...»

«Борма, десангиз, бормайман!»

«Бормасангиз, менинг тўйимни ҳам бузишади... Боринг».

Хонанда кўнгли вайрон бўлиб йўлга тушади. Айтилган вақтда юқори ташкилотга етиб бориб, катта раҳбарга тегишли тадбирда қуйлаш мажбуриятини олади. Тўртта ашула билан тўй ҳам ўтади. Хайр-хўшлашиб машинага ўтиргунича иродасини йиғиб турган хонанда довондан ўтгунча ҳам кўз ёшларини тиёлмай кетади...

Водийга етиб боргунича «Нуриддин Хамрокулов келармиш!» дея овозаси тарқалган тўй усиз ўтиб бўлган, тонг ёришиб қолган эди...

«У даврлар ўтди-кетди... Ўйлаб қарасам, завқ билан эслайдиганим, хотирада тошга ўйилган нақшдек муҳрланиб қолган даврим ёшлик экан. Овқат еб тўймайдиган, ишлаб чарчамайдиган, янги уст-бош кийиб яшнайдиган, чорпояда «жиз-биз» қилиб, дўсту ёрлар мажлисидан роҳатланадиган... Ажойиб давр экан. Болалигимни қўмсайман, ялангоёқ чопқиллаб юрган йўлларимни, кенг далаларни эслайман. Кўзимга уйқу келмайдиган пайтлар хаёлим фақат ўша томонга кетади. Кейинги даврлар, масалан, қирққа кирган пайтим деярли ёдимда йўқ. Иштирок этганим – дангиллама тўй-ҳашамлар ҳам унут бўлиб кетибди... Яқинда Сурхондарёда, бир мухлисимизникида бўлдим. Ўша хонадонга бир маҳаллар – отаси элликка тўлганида гизматга борган эканман, энди ўгли элликка кирибди. Шодиёна туғагач, уй эгалари билан холи қолдик. Ўша йигирма йил олдинги тўйнинг видеотасмасини мириқиб томоша қилдик – ажойиб тўй бўлган экан. Лекин шу ҳам хотирамдан ўчиб кетибди. Ўзимга хулоса қилдимки, безубор даврингдан бошқаси эсда қолмас экан...

6–7-синфларда ўқийдиган пайтимиз бўлса керак, физика ўқитувчимиз ГЭСни кўрсатиш учун экскурсияга олиб борди. Қишлоғимиз жуда кўзал, бешта сой 100–150 метр нари-бериси билан шарқираб оқади. Сой лабидан пиёда кетяпмиз. Мен сафнинг олдида «тут-ту-ту-тут! тут-ту-ту-тут!» қилиб горн чалиб боряпман. Ўша куни сув тўхтатилган эканми, туйқусдан сой тагида қимирлаган каттагина балиққа кўзим тушиб қолди. Абжир бола эдим, ҳеч қаёққа қарамай, уст-бошим билан ўзимни сувга отдим-да! Балиқни маҳкам ушлаб, кўйлагимни ечиб ўрадиму, белимга боглаб олдим. Манзилимизгача тахминан икки-уч чақирим йўл бор, яна сафга қўшилиб кетавердим.

Хуллас, экскурсиядан «қўйни-қўнжим тўлиб» уйга келдим. Ўғил боламан, «ов»имни уйдагиларга едириб, мақтов эшитгим келяпти. Балиқни виқор билан кўтариб кирсам, онам: «Ха, келдингми, қўлингдаги балиқми? Майли, анави ерга қўйиб қўя қол, эртага қовуриб берарман», деди-қўйди. Мен эса ичимда «Нега онам, э-э-э, қойил, сенгина балиқ тутиб келдингми-я, ҳ-о-озир кесиб-нетиб пишириб бераман, демади», деб ўпкалаяпман. Сал туриб отам келди-ю, «Намунча қовоғинг солиқ?» деб қолди. Сабабини онамдан билгач, «Ха, пишириб бер-да!» деди... Шу гаплар майда тафсилотларигача эсимда-ю, кеча еган овқатимни билмайман...»

Одам боласининг инсон, шахс, мутахассис сифатида шаклланиши зиддиятларда кечадиган мураккаб жараён. Оила жиловини қўйиб юбормаган ҳолда танлаган соҳасида муваффақият қозониш, одамлар орасида обрў-эътибор топиш ҳазил гап эмас. Бу йўлда кимдир шахсий ҳаётини бой беради, кимдир шахс сифатида синади.

«Йигирма беш ёшгача, унча-мунча айбу нуқсонлар «бебошлик»ка йўйшлавериши мумкин. Аммо у ёгига... Ҳаётнинг жиддий ва асосий даври бошланади. Рисоладагидек оила қуриш, фарзанд кўриб, ўзи тилаганидек тарбиялаш, уйли-жойли қилиш баробарида давлат ишини эплаш, маҳалла-кўйни ўрнига қўйиш, иззат-шқром топиш... Шу азоб-қубатлардан гард юқтирмай ўтиб, эсон-омон олтмишга кириб олсангиз, бу том маънода қаҳрамонлик экан. Негаки, умрнинг энг қийин даврини олтмишгача яшаб бўласиз: ундан кейин йўқотиладиган нарсанинг ўзи йўқ – соғлиқ ҳам, қувват ҳам сарфланиб бўлган. Бунгача фарзандларнинг ҳам бўлари бўлади: ё у ёқли, ё бу ёқли. Энди сиз бировнинг мушугини «пишит» деёлмайсиз, сизнинг мушугингиз билан ҳам ҳеч кимнинг иши йўқ... Бу ёгига етмиш, саксонга кириш қийин эмас.

Агар фарзандингиз солиҳ бўлса, олтмишдан кейинги умр ҳам роҳат-фароғатда ўтади, аксинча бўлса, ҳаммаси – бир пул. Ота-она ўтиб кетган, ака-ука ҳам қўлтиқтаёқ бўлолмайди. Қариганингизни билдирмай, ими-жимида суяйдиган, жонингизга ора кирадиган фарзанд экан. Фарзандларини шу даражага етказгунича заҳматлар чекиб, бетиним меҳнат қилган инсон улар туфайли озгина ҳузур топса, бутун умр роҳат-фароғатда яшагандек бўлади. Олтмишгача хоҳлаганидек яшаб, мартаба, давлат топса-ю, қуввати кетган пайти хор бўлиб қолса, бу дунёга келиб нима кўрдим, дейди...

Айтинг-айтинг, умрдан рози кетиш саодати ҳаммага насиб этсин...»



МАТЛУБА ДАДАБОЕВА

Аёл(лик) ҳунари

«Ё эр бўл, ё эринг хизматида бўл».
 Мақолни эшитиб бир қалқиб тушасиз.
 Шунча ҳам кескин айтиладими!
 Кейин эса беихтиёр бош ирғаб,
 жўнгина ўғит замиридаги туб ҳаётини
 фалсафани тан оласиз...
 Қаҳрамонимиз аёлликни бўйнига
 олган, айти пайтда, ўзини,
 истеъдодини бой бермаган.
 Хаёлий тасаввурларни ҳаётининг билан
 чоғиштира олган, асосийси,
 ўз қадр-қимматини англаган, турмуш
 ва санъат аро мувозанат тополган
 расо аёл, халқ эъзозидоги санъаткор.
 Алқисса, тик овозли ҳофиза
 Матлуба Дадабоеванинг тикка
 суҳбати эътиборингизда.

– **Матлуба опа, зотингизда санъаткор бўлганми?**

– Зотимизда бўлмаган-у, лекин онам раҳматли, жажжи пайтингдаёк хиргойидан бўшамас эдинг, дердилар. Яна, эсимда бор, газеталарга мук тушиб, дикторларга тақлидан матн ўқирдим. Сухандон бўлолмаслигимни кейин сездимки, тожик мактабида ўқиганим боис талаффузимда акцент бор. Буни вақтида тушунганим учун, Оллоҳ мени хонандаликка йўллагани учун ҳам шукр қиламан. Онажоним-ей, санъатга жуда ҳавасманд эдилар, радио-телевизорда чиққан хонандаю раққосаларнинг ижросини «Буниси яхши, буниси бўмабди», дея баҳолаб ҳам қўярдилар. Менинг зўр иштиёқимни кўриб, ич-ичдан қувонардилар: «Матлубжон, сенга худо юқтирган, албатта санъаткор бўлишинг керак! Дадангни ўзим кўндираман». Санъатга интилишим дадам раҳматлига унчалик маъкул эмасди. У вақтлар санъаткор аёлларга муносабат ўгайроқ эди-да!

– **Шунга қарамай, Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати институтига ўқишга кирибсиз-да?**

– Мактабни битириш арафасида ўқитувчиларим, ким қаёққа боради, деб сўрашди-ю, санъаткор бўлиш ниятимни билдирсам, маъқуллашмади. Кечқурун онам билан дадамнинг гап талашаётгани қулоғимга чалиниб, хонага мўраладим. Дадам мени кўриб қолиб, олдига чакирдилар: «Қаёққа бормоқчисан ўқишга?» Мен: «Шунақа, шунақа, онам артист бўласан, деярди», дедим. «Йўқ, кизим, мен қаршиман, ўқитувчиларинг ҳам, директоринг ҳам норози. Қизингиз жуда ўқимишли, фаол, бошқа ўқишга беринг, артист қилманг, дейишяпти», дедилар.

Мактабда яхши ўқирдим, олимпиадалар, танловлар – ҳеч нимадан қолмасдим. Шунинг учунми, ўқитувчиларим мени яхши кўришарди. Уларнинг наздида санъаткорлик жиддий соҳа бўлмаса керак-да...

Шундай қилиб, дадам домангир бўлдилар, онам йиғладилар. Охири «Агар шу Матлуба бошқа касб эгаси бўлса, мен бу дунёдан рози кетмайман», деб туриб олдилар. Кейин билсам, бунинг тагида бошқа гап бор экан. Онамнинг дадалари асли касби қассоб-у, лақаби «Калон Ҳофиз» экан. Овози жуда кучли, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқовлар билан ҳамнафас ашула айтган пайтлари ҳам бўлган экан. Ўша хофизларнинг хонишини тинглаш учун эринмасдан Чустдан Фарғонага, Марғилонга бориб келарканлар. Бобомнинг санъатга рағбати қизига ҳам ўтган. Онам бўш қолсалар, дойра чертардилар (ҳалиям ўша дойра бор, онамнинг уйида миҳга осиб қўйиб туради), ашула айтиб, набираларига «концерт»лар қўйиб ўтирардилар. Халқ термаларига жуда бой эдилар, раҳматли...

– **Хуллас, талаба бўлиб пойтахтга келдингиз-у, катта саҳнага йўл очилди...**

– Худди шундай. Тошкентга келиб, катта хофизлардан сабоқ ола бошладим. Бизнинг давримизда «Мархабо, талантлар!», «Куйланг, ёш хонандалар!», «Зехн» каби конкурслар бўларди. «Қизлар давраси»да чикканимдан кейин телевидениега тез-тез чакирадиган бўлиб қолишди. Яширадиган ери йўқ, бизни мажбур қилиб телевизорга чиқаришар эди. Хозир эса бунинг тескариси...

– **Демак, талаба вақтингиздаёқ «Матлуба Дадабоева» сифатида танилиб бўлдингиз?**

– Ҳа. 9-синфда ўқиб юрган вақтимда «Баҳор» концерт залида «Куйланг, ёш хонандалар!» конкурси бўлди. Мени Чуст райони вакили сифатида олиб келишди. Ўша танловда лауреат бўлиб, оғизга тушганман. Институтга ҳужжат топширганимда ҳам мени жуда илиқ қабул қилишган. Ўқиш давомида институтнинг ҳам юзини оқлашга ҳаракат қилдим: конкурсларда қатнашиб, ҳаммавақт фахрли ўринларга сазовор бўлардим...

Шундай қилиб, телевизорда кўринадиган бўлиб қолдим, ўз мухлисларим пайдо бўлди. III курсда ўқир эдим, мени Ўзтелерадио қошидаги (кейинчалик Дони Зокиров номидаги) Халқ чолғулари оркестрига ишга таклиф қилишди. Ўша пайтлари Убайдулла Иброҳимов телерадиокўмитанинг раиси эдилар. Шу киши: «Матлуба Дадабоева деган қиз бор, қаердан бўлса ҳам топиб келиб, ишга жалб қилинглар», дебдилар. Ўзбекистон халқ артисти Дони Зокиров ёнида инспектори билан институтга мени кидириб боришган.

Кейин радиога келиб, Убайдулла акага учрадим. У киши мени Дони Зокировнинг қўлларига топшириб: «Бу қизга тезроқ янги қўшиқлар ёзинг, халққа танитиш керак талантларни», деб тайинлади. Шу тарика оркестрда яккахон бўлиб ишлай бошладим.

– **Бу вақтда уйда онангиз совчи кутиб чарчаган бўлсалар керак...**

– 1976 йил ишга кирганимдан кейин бу кишимдан совчи кела бошлади. Хусанжон билан курсдош эдик, мени кўз остига олиб, уч-тўрт йилдан бери синаб юрар эканлар. Бўлажак қайнонам институтга тез-тез келиб турардилар ўғлидан хабар олгани. Мени кўриб ёктириб қолганлар, ҳатто хўжайинимдан кўра кўпроқ у кишига ёққан эканман (*қулади*). Ўқишни битириб, тўй қилдик. Кетма-кет фарзандлар туғилди: Хуршидахон, Шохистахон, Хуснобод, Умидахон... Уларнинг бирортаси санъаткор бўлиб, мен улгуролмаган ишларни давом эттирармикан, деган илинжим бор эди. Аммо қизларим бошқа-бошқа соҳаларни танлашди, гарчи ҳаммаси муסיқага уқувли бўлса ҳам. Санъаткор онанинг болалари – бири тилмоч, бири шифокор, бири иқтисодчи (*жилмаяди*)...

– **Эҳтимол, санъаткор аёлнинг «нони шўр» бўлгани учун бу соҳани хоҳлашмагандир?**

— *(жиддий тортиб)* Ким билсин... Аслида, санъат соҳасини танлаган аёл жуда катта масъулиятни бўйнига олади. Аёлликни эплашнинг ўзи-ку катта хунар. Санъаткор аёл бўлиш эса — эҳ-хе!.. Шу жиҳатдан қизларим санъаткор эмаслигига хурсанд ҳам бўламан. Балки улар бу юкни кўтара олмасмиди...

— **«Турмуш — мушт» дейишади. Умр йўлдошингиз билан келиш-мовчиликлар, зиддиятлар суяк-суягингиздан ўтиб кетган пайтлар...**

— Ўтиб кетган! Яширмайман. Кўпчилик артистлар ҳаётини қоғозга ўраб, ҳаммасини силлиқлаб кўрсатишга ҳаракат қилади. Лекин мен тўғриси айтман: бугун мен билан ҳаётимнинг жуда яхши палласида, тўла-тўқис пайтимда суҳбатлашиб турибсиз. Балки бундан ҳам гаштлироқ пайтлар келар, иншаоллоҳ. Биласизми, ҳаётнинг ҳар қуни синов экан. Бир қунигиз байрам бўлса, эртаси шунинг бадалини тўлайсиз. Айниқса, аёл киши зукко, оқила, бардошли бўлиши керак экан. Кўп ҳолларда тилимизни тийишимиз керакми... Эр сал адашган пайтда хотин сабр-тоқат билан йўлга солмаса, тўзим билан ҳаёт кечириб кетолмаса, ўзи тугул фарзандлари ҳам бахтиқаро бўлиб қолади. Хўжайинимнинг феъл-атвори ҳақиқатан оғир. Ўша талабалик пайтимизда устозлар, Ҳусанжонга ҳар ким ҳам чидаш беролмайди, қийналасан, Матлуба, ўйлаб кўр, дейишган. Лекин ўртамизда муҳаббат пайдо бўлгач, қароримиздан ким ҳам қайтара оларди?

Қарангки, ҳаёт фақат севги-муҳаббатдан иборат эмас, турмушнинг муштлари борлиги рост экан. Жўжабирдай жонмиз, рўзғордан қийналган пайтларимиз бўлди, ижарада ҳам яшадик. Оилавий ҳаётнинг паст-баланди бўларкан, баъзида алам суяк-суягимдан ўтиб, ажрашиб кетаман деган пайтларим ҳам бўлган. Лекин атрофдагиларнинг ўғитлари, ота-онам, устозларим, жигарларимнинг насиҳатлари билан тишимни-тишимга қўйиб сабр қилганман *(чуқур тин олади)*. Ўзи санъат кишиси бўла туриб, «дадамиз» мени тушунмасди, тўғрироғи, тушунишни истамасди. Концертларга қўймасди, менга эса гап тегарди. Уялиб қолган пайтларим кўп бўлган. Бизнинг давримизда телевизорда бунақанги ёзиб олишлар бўлмасди, ҳаммасини жонли ижро этардик. Дастур кечаси соат ўндами — ўнда бориб чиқишимиз керак. Уйда эса хўжайин руҳсат бермай қон қилади... Матлуба деганлари икки ўт орасида қоврилади.

Лекин барибир санъатга содиқ қолдим. Қанақасига бўлмасин, умр йўлдошим билан мурося қилиб, ишимни ташламасликка ҳаракат қилдим *(кўзлари чақнаб)*. Мана, қийинчиликлар ортда қолди. Ҳаёт ўз измида давом этяпти...

— **Моддий жиҳатдан қийналганмиз, дедингиз. Шинавандаларингиз бисёр, тўй-ҳашам дегани кўп, ҳарқалай, у вақтлари хонандалар ҳозиргичалик мўл эмасди-ку?..**

— У пайтлари мен тўйга юрмасдим. Хўжайиним борарди. Балки бу гапим бировларга эриш туюлар: мен у кишининг тўйдан топиб келган пулларини ишлатмасдим. Шунақа тарбия олган эканмиз-да. «Отарчи» деб гапиришарди-да бизнинг давримизда, «Сиз – отарчисиз, отарчининг пулларини болаларимга едирмайман», деган кунларим бўлган. Ҳозир ўйлаб қарасам, озгина хато кетганимни сезаман. Соддаликм...

— ...ё гурурми... **«Катта санъат» да бўлганингиз учун ўзингизга эп билмагансиз.**

— Шундай. Санъатни муқаддас билганмиз. Устозларимиз, хусусан Орифхон ака раҳматли айтардилар: «Санъатга кириб келдингми, олқишга, пулга учмагин, пок бўлгин». Очиғини айтиш керак, ҳозир кимлардир пул билан ёки бошқа нопок йўллар билан унвонлар, мукофотлар олишга уринади. Ўйлашимча, ўшалар бекор қилади, чунки санъат бунақанги ўйинларни ёқтирмайди. Агар Оллоҳ сизга юқтирган бўлса, ўн йил, йигирма йил кейин бўлса ҳам, ўша поғонага барибир кўтариласиз. Эзгуликнинг эрта-кечи йўқ. Онам раҳматли: «Болам, қандай шароит бўлмасин, ҳамиша ҳалол бўлгин, ҳалолликда гап кўч», деб айтардилар. Ўша пайтлари бу гапни талқин қилолмасдим, мана, ҳозир ўзим элликка чиқиб, асл мағзини чақяпман.

Менга Ўзбекистон халқ артистлари Орифхон Хотамов, Ориф Алимахсумов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Берта Давидова, Малоҳат Дадабоева, Коммуна Исмоилова, Исҳоқ Катаев, Изро Малаков каби устозлар қаторида ишлаш насиб этди. Ўзимни шу даражада бахтли ҳис қиламанки, бу йўлда чеккан азиятларим ҳам арзимасдек туюлиб кетади.

— **«Матлуба Дадабоева» бўлганингизга ўттиз йилдан ошибди...**

— (беозор жилмайиб) Инсон нимагаки қийинчилик билан эришса, ширин бўлади, кадрига етади. Йигирма бир йил деганда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонини олдим, бу ҳам яхшиларнинг шарофати билан.

...Ҳеч қачон эсимдан чиқмайди: 1993 йилнинг 5 марти эди. Директоримиз кабинетга чақиртириб, фалон жойда хотин-қизлар байрамига аталган тадбир бор экан, шунга чиқиб берасиз, Ҳалима Худойбердиева илтимос қилди, деди. Ардоқли шоирамиз Республика хотин-қизлар кўмитасининг раиси эди. Байрамда қатнашиб бир жуфт ашула айтдим. Шунда ижродан таъсирланган Ҳалима опа ён-атрофдагилардан: «Матлубахонни билинлар-чи, қачонлардан бери санъатда юради, унвони бормикан», деб суриштирибдилар. Дилбар опа Ғуломова – Ҳалима опанинг муовини: «Матлубахонда, чамаси, унвон йўқ», дебдилар. Шунда Ҳалима опа зудлик билан ҳужжатларни тайёрлашни буюрибдилар.

Бир нарсани таъкидлаб ёзишингизни, ёшлар шуни яхшилаб укиб олишини истардим, Иродахон. Биз шон-шуҳрат, унвонларга қизикмаганмиз. Бизнинг ишимиз фақат ижод қилиш, яхши қўшиқ яратиш, мухлисларга етказиш бўлган, тамом-вассалом! Ўша пайтлари онажоним ТошМИда оғир ётувдилар, хушxabарни эшитиб: «Энди ўлсам армоним йўқ, болам», деб йиғлаганлари хали-хали кўз ўнгимда. Ота-онамдан, қайнота-қайнонамдан ҳам кўп дуо олганман. Дуо олган инсоннинг ишини Оллоҳ ўзи ўнглаб экан...

Элликка кирдим, пенсияга чиқаман, десам, Абдуҳошим Исмоилов: «Сиз шунақа десангиз ярашмайди, Матлубахон, ёшларга йўл кўрсатиб туринг», деб жавоб бермадилар. Ҳозирча мана шу кадрдон Мақом ансамблида фаолиятимни давом эттириб турибман. Маданият институтида ҳам дарс бераман, устозлардан ўрганганларимни ёшларга узатиб келяпман. Биласизми, ҳар бир санъаткор иккала йўлни тинчлик-тотувликда бақамти олиб боришини жудаям хоҳлардим. Шогирдларимга ҳам шуни тайинлайман: майли, санъатда порлоқ юлдуз бўлинг, лекин турмуш, қариндош-уруғ, ёру биродарларингизни унутиб қўйманг. Аёлдир, эркакдир, барибир оила керак, фарзанд керак... Эрта-индин умр ўтади, қолаверса, инсон доимо бирдек эъвозда бўлавермайди. Ўшандай пайтлар фарзандингиз елкангиздан кучса ёки азизларингизнинг шодлигини кўрсангиз, иш юзасидан кечирган асаббузарликлар бир чақа бўлиб қолади. Менинг позициям шунақа: санъатни ҳам, ҳаётни ҳам чидаганга чиқарган!

— Халқаро мусиқий анжуманлар, фестивалларда бўлганимда европалик ҳамкасблар ўзлари биладиган ўзбек хонандалари орасида сизнинг ҳам номингизни санайдилар.

— Ўзимча, чет элга чиқолмасам керак, деб ўйлардим. Чунки ортиқча маблағим йўқ эди. Тошганимни фарзандларимга сарфлардим: бу йил битта қизимни узатсам, кейинги йил иккинчисига ҳаракат... Ахир бу ҳам керакли, ҳаётий ташвишлар эди-да!.. Катта қизимни узатган кезларим эди. Тонгга яқин Франциядан телефон бўлди. Уч ой аввал UNESCOдан келиб ашулаларимни магнит тасмасига ёзиб кетишганди. «Биз бу аудиотасмаларни UNESCO бадиий кенгашига эшиттирамиз. Агар маъқул топишса, сизни чақиртирамиз. Лекин умидвор бўлманг, аввалдан ҳеч нима ваъда қилмаймиз», дейишганди. Демак, уларга маъқул келибман! Шу тариқа 1995 йилдан хорижий сафарлар бошланди.

Францияда чиқадиغان Шарқ мусиқасини тарғиб қилувчи бир журнал бор экан. Мухаррири Мина Рад деган хоним эди. Шу аёл сабаб бўлиб, 1996 йили Францияда биринчи, орадан икки-уч йил ўтиб, Бельгияда иккинчи диским чиқди.

Ҳозир юргимизда мумтоз мусиқага эътибор кучайган. Тарғибот ишлари ҳам анча жонланиб қолди. У пайтлари, Ўзбекистонда ўйлашиб концерт берамиз-у, Европада қанақа бўлар экан, концертимизга одамлар

кирармикан, ёктирармикан, деган хавотир бор эди. Бориш-келиш ўша концерт хисобидан бўлади, харажатларимизни қоплармикан? Худога шукр, европаликлар бизни жуда яхши қабул қилишди. Концертга ташриф буюрганларнинг катта фоизини муסיқашунослар, продюсерлар, кискаси, санъат соҳаси вакиллари ташкил этганди. Улар турли юртлардан келган санъаткорлар ичида манзурини танлаб, келгуси гастролларга таклиф қилишаркан...

– **Сафар сафарга йўл очган денг?**

– Шундай. Ўн тўрт йилдан бери Франция, Бельгия, Испания, Швеция, Швейцария каби мамлакатларда қаторасига концерт бериб келяпмиз. Умуман, Европа аудиториясининг савиясига хавас қилсак арзийди.

– **Бугунгача эришганларингиздан қаноатланасизми?**

– Худога шукр қиламан. Санъат йўлидан бораман деб турмуши бузилиб кетганлар оз дейсизми! Баъзилар, шундоқ овозингиз бўла туриб умрингизни рўзғорга банд этгансиз, бола-чақага ўралашгансиз, деб мени маломат қилади. Аммо мен ўзим танлаган йўлни тўғри деб биламан. Аёл киши, ким бўлишидан қатъи назар, рўзғорида тинч бўлиши керак экан. Турмушдаги қарийб ўттиз беш йиллик кичкинагина тажрибам асосида шу хулосага келдим. Фарзандларимнинг муваффақиятларидан севинаман, биринчи набирамни кўргандаги хурсандчилигим, хаяжонларимни ҳеч бир қитобга сиздира олмайман. Оллохдан ҳар доим тилайманки, умримнинг охиригача фарзандларимнинг доғини кўрмайин. Дўсту душманамга ҳам шуни тилайман. Набираларим бири-биридан ширин... Фарзандларим-ку майли, илойим, энди набираларимиздан бирортаси санъат йўлидан борсин...

– **Армонингиз борми?**

– Онажоним раҳматли ниятларига етдилар-ку, лекин менинг яшнаган шайтларимни кўролмадилар. Шу армон бўлиб қолди... Энди-энди бошимдан ўтяпти: оналарга қийин бўларкан. Ёшлиқда тушунмаганмиз, волидам мени кўп соғинар эканлар. Буни ўзим қиз узатиб билдим. Тақдир тақозоси билан битта қизимни Самарқандга берганман. Соғинаман... Кечалари уйқум қочади, кундузлари томоғимдан овқат ўтмайди. Хайриятки, телефон бор. Овозини эшитиб сал ховурдан тушаман. Кейин тўйиб-тўйиб йиғлаб оламан... Онаизорим менга шунчалик мунтазир бўлган эканлар, мен парвойи фалак юраверганман ишга берилиб (*кўзи ёшланади*). Қизларимга, мени кўп соғинтирманлар, деб айтаман. Ўғлим бўлмагани учун шуларга суянаман-да. Оллохдан эртаю ҳеч сўрайманки, фарзандларим қўшгани билан қўша қарисин, кўз ёшини ҳеч оқизмасин, эшигимга қайтиб келмасин. Хўжақўрсин учун айтаётганим йўқ, куёвлардан, қудалардан ёлчиганман. Умримизнинг охиригача меҳр-оқибатли бўлайлик, илойим...



Гул узорлар қани

Аксарият олимлар ҳануз мусиқани башарият тараққиётининг самараси дея баҳолайди. Яъниким, мусиқа ижтимоий-маиший кечмишнинг жузвий бир ҳодисаси эмиш. Ушбу нуқтаи назарни «одамзод – мутациялар ўйини маҳсули ёнки қад ростлаган маймунлардир» мазмунидаги дарвинча таълимотга татаббуъ десак бўлар. Ваҳоланки, мусиқа асли инсон мизожида, аниқроғи, фитратида илдиз отган, дейди асҳоби киромларимиз. Бу фаразни тан олиш тугул, унинг кўчасига кирмаганлар қанча...

Алқисса, устод Абдулазиз Мусаев ҳамда Ўзбекистон халқ ҳофизи Маҳмуджон Тожибоев – ҳамнишаст мусиқапарастларнинг бир қур суҳбатини қаламга олдим.

Абдулазиз Мусаев: – Мусиқа дегани бир сир-синоат олам экан-да, хофиз. Нега, қачон, қандай ишқибоз бўлиб қолдингиз – ўзингиз ҳам билмайсиз. Муштдек пайтингиздан тўнкарилган пақирга чўп уриб (*кулади*) ё мактабда парта чертиб томоқ йиртишлар нимаси...

Маҳмуджон Тожибоев: – (*хандон отиб*) Э, бор бўлсинлар! Ўзимиздан экансиз-у, Ҳожи ака! Биз ҳам партани жуда беармон чертганмиз. Унга довр – 4-5 ёшларимизда Солижон укам икковимиз дадам олиб берган чилдирмачани тапиллатиб, Таваккал Қодировнинг «Ўхшайди-ку»сини айтганимиз-айтган эди. Укамнинг товуши ашулага унча келишмас, мен эса уни тўғирламоқчи бўлиб, овозим борича чийиллайверардим (*кулади*).

– Давринг «хит» қўшиғи эди-да бу. Радиодан эшитиб ёдлаб олгансиз, биламан...

– (*бош силкиб*) Ҳа-а, шу радиодан-да! Қувада туғилиб ўсганман, биласиз. Маҳалламизнинг номи «Мозортаги» эди, бу манзилда Чомочбий ота деган авлиё одам ўтганлар (у зотни Мозорбува ҳам дейишади, бефарзандлар ихлос билан қабрини зиёрат қилишарди). Гузарда битта симёғоч бор эди, тепасига радиокарнай ўрнатилган; овози бутун маҳаллага эшитилиб турарди.

– У пайтлар одамлар радиога чиппа ёпишган, эфирдан узатиладиган концертларни жон қулоғи билан эшитар эди. Лекин ҳамманинг ҳам уйда радиоприёмник бўлавермас (айниқса, қишлоқ жойларда), патефони бор эса бой одам ҳисобланарди. Катта хофизларнинг ашулалари ёзилган лаптакни нақ битта қўйга алиштириб олган шинавандалар ҳақида аниқ фактларни биламиз. Қолаверса, водийда санъатга ишқибозлик бўлакча...

– Энди қаранг, Абдулазиз ака... Туманимизда ҳар йили ҳосил байрамига бағишлаб катта кўпқари ўтказиларди. Бир сафар совринга радиоприёмник қўйилди. Отам яхшигина чавандоз эди – улоқда голиб бўлдилар. Кечкурун уйимизда улфатлари билан зиёфатлашишгани эсимда: отларнинг туёқлари остида қолган улоқ гўшти жуда тотли бўларкан... Радиоприёмникни ҳам опкелишди, ёнида иккита катта яшик турибди – батареялари экан, йирик-йирик.

– Қувага ҳали чироқ етиб бормаган вақтлар-да бу...

– Шунақа, биз энди чеккароқда яшаймиз, чироқ қайда дейсиз... Керосин билан ёнадиган қирқинчи лампалар бўларди...

– ...уйнинг шифтидан занжир тушириб, осиб қўйиларди...

– ...мехмонга ёруғроғи ёқиларди, бошқа пайт хирароғи (хирароғи болаларнинг хонасида бўларди). Хуллас, уйимизга радио келди. Жоним ҳалак, қачон буни эшитарканмиз деб. Аксига, қурғурнинг батареяларини улашни биладиган одам йўқ. Ахийри Маҳкам ака

деган аммаваччам – монтерликдан хабари бор экан – жонимизга ора кирди. Биринчи ё иккинчи синфда ўқирдим, мактабдан келсам, ёғоч учига антенна улаб, томга ўрнатяпти. Биз махалладош тенгқурларим билан тўпланиб томоша қилиб турибмиз. Кейин Маҳкам акам томдан тушиб, яшик устига приёмникни қўйди, иннайкейин батареяларини маташтира бошлади. Вишиллаган товуш чикди, аммаваччам радионинг мурватини у ёқ-бу ёққа бураб созлай кетди. Бир маҳал: «Тошкентдан гапирамиз! Тошкент вақти билан соат ўн иккидан қанчадир ўтди... Дала меҳнаткашлари учун мусиқий эшиттиришимизни бошлаймиз!» деган овоз келди. Шунда Жўраҳон Султонов (*хиргойи қилиб*) «*Кўкарди чама-а-а-а-ан... гул узо-о-о-орим қани-и-и-и...*»ни бошлаб қолсаларми!..

– **...Зиҳи сарви-и-и-и... бўйлик ниго-о-о-о-орим қани-и-и-и...**

– *Воё-о-о-о-ой!.. Тутибдур бугу-у-ун васли гул андали-и-и-и-б... Дариго-о-о-о-о... менинг навбахорим қани-и-и-и-и...*

Энди... биринчи марта катта хофизни, катта ашулани якингинадан эшитиб турибман-да... Даҳшатга тушдимми, хаяжонгами... ғалати бир аҳвол, хозир ҳам тушунтириб беролмайман. Ёнимдаги ўртоқларимга қарасам, оддийгина эшитишяпти... Бир маҳал Маҳкам акам «Келинбуви?» деб онамни чақирди (шу баҳона сал ўзимни йиғиб олдим). Буни бундоқ қилса ёнади, бундоқ қилса ўчади, дея тушунтира кетди... Хуллас, радиоли тўқис бўлиб қолдик. Аммо қишлоқчилик, зигирдай боланинг гарданида ҳам бир уюм юмуш... Фалон-фалон ишларни қилиб бўлсанг, кейин радиодан концерт эшитамиз, дердилар онам...

– **Радиодан таралган асил хонишлар Сизни хофиз қилган-да! Кейинчалик Ўзбекистон телерадиоси қошидаги Мақом ансамблида ишлашингиз ҳам бежиз бўлмаса керак...**

– Рост. Радио жуда аҳамиятли бўлди менинг тақдиримда... «Мақом»да 17 йил фаолият юритдим.

– **Юнус Ражабий, Шораҳим Шоумаров, Имомжон Икромов, Мақсудхўжа Юсупов, Марям Алишаева, Мулла Тўйчи Тошмухамедов, Домла Ҳалим Ибодов... не-не усталар ўтмади бу даргоҳдан...**

– ...Турғун Каримов, Акбар Ҳайдаров, Ортикхўжа Имомхўжаев, Берта Давидова, Ориф Алимахсумов, Фаттоххон Мамадалиев, Барно Исҳоқова, Назира Аҳмедова, Орифхон Ҳотамов, Очилхон Отахонов... Э-э-э!.. Оллоҳ раҳмат қилсин!..

– **Усталарни эслаб, устазодалар билан боғлиқ бир нарса эсимга тушиб кетди. Уч-тўрт йилги гап-да энди бу. Ўша хос даврада мусиқанинг келиб чиқиши, мусиқий қобилият, мусиқий дид борасида катта тортишув бўлади. Устазодалар (Мухтор ва Мухсин Ғаниевлар, Ўзбекистон халқ артисти Ғанижон Тошматовнинг фарзандлари –**

муал.) мусикий салоҳият — таълим-тарбия маҳсули, уни муайян муҳит вужудга келтиради деса, Сиз ҳалиги мусиқашунос қиз билан бу қобилият инсон билан бирга туғилади, дея хўб талашасиз. Фикрингизни уқтира олмай, охири қўл силтаб...

— (қизишиб) Тўғрисиям-да, Абдулазиз ака! Аввало қобилият, кейин иштиёқ ва муҳитга боғлиқ ҳаммаси. Лекин... вақт ўтиб, барибир бизнинг фойдамизга ҳал бўлганди масала. Аслида, ўша кунни бир мусиқашунос синглимиз кўтарган эди бу мавзунни. Мусиқанинг генезиси юзасидан тадқиқот юритаётган экан, устазодалар, санъаткорлар даврасида илмий хулосаларини бир апробациядан ўтказиб олмоқчи бўлибди-да. Аммо аҳли мажлис кутилмаган бу фикрларни қабул қилишга тайёр эмас экан, қаранг... Санъат кишиси эмасми, кўнгли нозик, оғриниб даврандан чиқиб кетувди ўшанда. Эсиз-а, туғилмай туриб ўлди бу тадқиқот, деб роса ичим ачиганди. Лекин синглимиз иродали экан — орадан икки йилча вақт ўтиб, «катағон»га учраган ўша «мусикий-гносеологик назоралар экспромти»ни матбуотда эълон қилди. Равшан фикрли ўқувчиларга қаттиқ таъсир этди бу чиқиш. (қулиб) Мухтор акамлар ҳам шу мақоладан кейин биз томонга ўтди-қолди...

— «Гардуни Наво» эди мақоланинг номи, ўқиганман. Мусиқа маданият эмас, инстинкт деган ғалати қарашни ўртага ташлаганди муаллиф. Мусиқа цивилизация маҳсули эмас, балки одамзоднинг мизожиди, табиатида мавжуд деган фикрни исботлашга интилганди. Ўйлаб қаралса, рост: агар мусиқа тараққиёт ва таълим-тарбия маҳсули бўлганида эди, Ер юзидида бунчалик кенг ёйилмаган бўларди. Ваҳоланки, мусиқа жаҳондаги жамийки халқларнинг анъана ва удумларида иштирок этади. Қолаверса, ўша мақолада таъкидланганидек, дунёдаги барча оналар, худди биров ўргатиб қўйгандек, гўдақларига алла айтади, яна, айтим услуби ҳам бир хил...

— Модомики, инсон куйлаш эҳтиёжини ҳис қиларкан, демак, мусиқа — табиий зарурат, туғма эҳтиёж. Шунинг учун ҳам бу масала неча минг йиллардан бери фикр ва иктидор эгаларининг эътиборини тортиб келади.

— Мусикий қобилият билан сийланган кишиларни бошқалардан бир поғона баландроқ одамлар деб биламиз-да, Маҳмуджон. Абу Бакр ал-Бухорий ал-Калободий келтирган ривоят бор...

— Қани, эшитайлик.

— Бир қози одил ҳамроҳлари билан кетаётган чоғда *руд* товуши эшитилади. Шунда у ёнидагилардан сўрайди: «Бу *руд* овози ҳақида не дерсиз?» Ҳамма: «Яхши, хуш овоздир», дейди, фақат бир киши: «Яхши эмасдир», дейди. Орадан бирмунча вақт ўтиб, ўша киши

гувоҳлик бериш учун қозихонага боради. Лекин қози унинг гувоҳлигини рад этади ва бу қарорини изоҳлаб: «Агар ўша пайт *руд* овозидан лаззат топиб, лаззатланмадим деган бўлсанг, козибдирсан, ложарам козиблар гувоҳ бўла олмайдилар. Агар ҳақиқатан ҳам лаззат тополмаган бўлсанг, унда ҳиссиётинг ноқисдир, яъниким, ростни ёлгондан ажрата олмайсан. Шу боис сен ҳақиқатга гувоҳ бўлолмассан», дейди...

– Бале! Ҳар кимки хуш овоздан лаззат топа олмаса, дили мурда ва ботиний эшитиш ҳисси ботилдир, дейди машойихлар. Қадимги юнонлар ҳам таълим тизимига мусиқани мажбурий фан сифатида киритиши бекорга эмас-да! Илло, санъат эрмак эмас, инсон табиатини камолга етказиш воситасидир. Чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, тозариш, ибодат дегани бу.

– Европа классик мусиқасининг асослари черков ибодатига бориб тақалиши фикрингизга далилдир. Умуман олганда, Европами, Осиёми – қаердаки ривожланган иқтисодий-сиёсий марказ барпо этилган бўлса, ўша ерда мусиқа санъати ҳам раванқ топган. Яқин тарихимизни олинг: Бухоро амирлиги, хусусан, Амир Олимхон даврида ёки Хива хонлиги, хусусан, Муҳаммад Раҳимхони соний – Феруз даврида мусиқага қаратилган эътибор туфайли мақом ижрочилиги тараққий этган.

– Орифхон акам (Ўзбекистон халқ хофизи Орифхон Хотамов – муал.) айтиб бергандилар: Бухоро амирлигида XX аср бошларида ҳам мусиқий базмлар, мақом кечалари уюштириларкан. Амир буюраркан: Андижонда овозлисими ким, чақиринг, Тошкентда зўри ким, Мулла Тўйчими, топинг! Исфарада ким, Худойберди хофизими, олиб келинг, Самарқандда Хожи Абдулазизими, таклиф қилинг... Шундай анжуманлардан бирига тошкентлик Мулла Тўйчи хофиз билан исфаралик Худойберди хофиз ҳам борган эканлар...

– Мулла Тўйчи хофиз ўша ижодий беллашувда бош совринга сазовор бўлган эканлар. Худойберди хофизнинг-ку мақом йўлида алоҳида бир хизмати бор...

– Шундай... У киши мақомга ажойиб бир авж киритганлар – *Авжи Зебо пари* дейилади. Баъзилар буниси Зебо пари деган аёл айтганми деб ўйлайди... Хулласи калом, Худойберди хофиз хуснсизроқ бўлган экан. Бадшакл одамни кўриб, амирнинг кайфияти бузилмасин дея базм аввалида унинг юзига парда тутиб қўйибдилар. Хофиз мақомни *Зебо пари авжи* билан айтганда амир тўлқинланиб кетиб, юзини очинглар дея буюрибди. Мулозимлар бояги истихолани айтишса, амир бу кишини асло хунук демангиз, Зебо пари талъат денг бу гўзал ижро соҳибини, дебди. Шу билан Худойберди хофизнинг лақаби Зебо пари бўлиб кетган экан...

– Бу эътирофда жон бор: кишининг сийрати қанчалик гўзал бўлса, санъати ҳам шу қадар зебо бўлади. Махмуджон, мана, Худойберди хофизнинг ижодкорлик ва ижрочилик маҳорати туфайли мақомга *Авжи Зебо пари* қўшилди. Мулла Тўйчи, Ҳожи Абдулазиз, Домла Ҳалим – буюк устозларнинг ижодкорона ёндашуви туфайли мақом йўллари турланди, тусланди, бойиди. Шу маънода «анъана» тушунчасига изоҳ бериб ўтсак...

– Тушундим Сизни, Абдулазиз ака. Замонлар ўзгараркан, мусиқа ҳам бунинг таъсирида ўзгариб, ривожланиб бораверади. Лекин бизда анъанага нисбатан анъанавий бир қараш бор: фалончи хофиз бундай айтган, шундоқ айтиш керак, шу ҳолича бетонлаб қўйиш керак, вассалом! Бу ғирт догматизм! Мана, қаранг, худо раҳматли устоз Юнус Ражабий мақомларни китобга жамлаб, таҳрир қилиб, ўргатиб, ижросини пластинкаларга муҳрлаб кетдилар. Жуда катта меҳнат, аъло иш бўлди бу. Лекин бу дегани мақомлар **фақат шу қолипда** ижро этилиши керак дегани эмас асло! Мақом – жонли жараён, шароит тақозосига кўра бошқачароқ айтилиши мумкин, шу шарт биланки, йўли бузилмасин, ғализлашмасин. Масалан, агар пардаси мос келса, намудини алмаштириб айтиш мумкин. Мисол тарзида Домла Ҳалим Ибодовнинг ижроларини олиш мумкин. У киши *Муғулчаи Сегоҳ*нинг авжида *Навонинг ўрнига Сегоҳ*ни қўйиб (намудлар назарда тутиляпти – *муал.*) айтган жойлари бор.

Ярашган! Ёки бўлмаса, Юнус Ражабий *Насруллоининг* авжини ярим октавадан қайтариб кетганлар, мана бунақа (*қуйлай бошлайди*). Холбуки, Ҳожи Абдулазиз бир октава орттириб айтганлар. Баъзилар *Авжи турк* бир октавагача қўтарилади, ундан ортиғини қилиб бўлмайти, дейди. Нега энди? Бўлади! Бунинг учун хонандада билим ва тажриба, дид ва имконият бўлиши керак, вассалом!

– Шу ўринда нозик бир савол: ёшлар мақом айтсинми-йўқми? Негаки, мукамал мақом ижрочиси даражасига етишиш учун билим ва салоҳиятнинг ўзи етарли эмас, назаримда. Бунинг учун орада кечадиган йилларнинг, тўғрироғи, ўнйилликларнинг ҳам аҳамияти катта. Яъни, тахминан эллик ёшларга борганда хонанда мақом ижроси учун ҳар томонлама етилган бўлади, деб ўйлайман. Чунки «васат» ёшлилар «шабоб»лардан кўра бу залворли мусиқа замиридаги фалсафани тўқисроқ англайдилар... Масалан, ўзим. *Хоразм Сегоҳ*ини йигит ёшимдан биламан, лекин олтмишдан ўтиб, том маънисига етдим. Ўғлим – Сизнинг шогирдингиз ҳам бу ашулани биледи, лекин *Сегоҳ*ни англаб айтиш учун йигирма саккиз ёш кифоя эмас, деган фикрдаман...

– (жонланиб) Гапингизга юз фоиз қўшиламан: мукамал ижро даражасига етиш учун, албатта, табиий-жисмоний етуклик ҳам зарур. Ёшларга келсак, айтмасин эмас, айтсин. Лекин уларнинг замонавийлаштиришга муккасидан кетиб қолиши бор. Айниқса, устоз кўрмаганлари. Ўзича, янгилик киритиб, замонга ҳамнафас қилсам, одамларга ёқади деб... Қош қўяман деб кўз чиқазяпти баъзилари. Орифхон акамлар (Ўзбекистон халқ хофизи Орифхон Хотамов – муал.) консерваторияни битириб, Мақом ансамблида ишлай бошлаган кезларимиз Маҳмуджон Йўлдошев иккаламизга ашула ўргатардилар. Гоҳида биз ёшлик қилиб, кўчадан ўрганган қочиримларни ишлатиб қўйсак, йиғиштир бачкини дердилар. «Бачки» дегани баччаки, болаларга хос дегани. Ўзи, аслида, болаларнинг ижросида ё аёллар ижросида ишлатиладиган алоҳида қочиримлар бор. Бу унсурлар эркак овозига кўчса, жуда эриш туюлади-да. Эркакча ижрода виқор бўлади, салобат бўлади. Мулла Тўйчи Тошмухамедов, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Маъруфхўжа Баҳодировнинг овозида бор эди шу улуғворлик... Ҳозирги эркаклар ижрочилигида мардона, заифона, бачкона – ҳаммаси аралаш-куралаш бўлиб кетди.

– Шуни ўйласам, мени ҳам ваҳм босади. Қайсидир йўл билан назорат қилиш мумкинмикан? Бутун дунёни шоу-бизнес талвасаси тутган бир пайтда бу жуда эпсиз ишдек туюляпти менга... Яна тарихга қайтамиз-да: Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II сарой аъёнларига тааллуқли «шоир бўлмаганларни юз қамчидан урдириш» ҳақида буйруқ чиқарган экан. Маълум бўлишича, хон сўз илмию соз илмидан бохабар кишиларга ниҳоятда илтифотли, ҳозир сиз таърифини келтирган «ўйинбузуқи»ларга нисбатан эса бешафқат бўлган.

– Шу сўзингизга бир мисол. Сарой созандаларидан бири галдаги мажлисда, худо адаштирганми, бир куйни бузиб чалади. Ҳузур билан эшитиб турган оҳангининг риоядан чиқиши хоннинг фашига тегади. Ҳали базм тугамаёқ мулозимларидан бирини чақириб, тўрт сарбозни жўнатиб, фалончининг уйини тоmidан чиқаринглар, дея амр қилади. Мусиқий кеча поёнига етиб, хонандаю созандалар улуфа (тўртта нон, новвот, чой, тўн)ларини олиб, уй-уйига тарқалишади. Бояги созанда кўчасига бурилиб қараса, уйининг томини кўчиришаётган эмиш. Жон ҳолатда югуриб бориб суриштирса, мақомни бузиб ижро қилгани учун шундай жазо буюрилган экан...

– Маънавиятга муносабат-да бу... Албатта, давлат даражасидаги эътибор ўз йўлига. Лекин Сиз билан бизга ўхшаган одамлар ёшларнинг кўзига ёмон кўринсак ҳам, мақомни бузманглар, йўлдан чиқманглар, деб туришимиз керак. Мана, Сиз кўп йиллардан бери

Ўзбекистон давлат консерваториясида анъанавий хонандалик бўйича дарс берасиз, доим ёшларнинг орасидасиз. XXI аср авлодларининг XVII–XVIII асрларда шаклланган мақомларни ўрганиши қандай кечяпти?

– Яхши савол. Хар бир нарсанинг ўз меъёри бўлади, хусусан, таълимнинг ҳам. Ёшларимиз, айтганингиздек, янги давр фарзандлари. Булар эртадан кечгача мақом эшитиб ўтиришга ёки мақом айтишга эҳтиёжманд эмас. Қолаверса, боя таъкидлаганингиздек, мумтоз мусиқани айтишу тинглаш кўп жихатдан ёшга боғлиқ... Демокчиманки, бугунги ёшларимиз ўз даражотларида таълим оляпти. Юпанадиган жихатим, мақом ўрганишга талаб бор. Худога шукрки, талаб ўлмаган.


– Катта хофизларимиз кўнглига ёкиб қолган ашулани ўрганиш учун ойлаб-йиллаб машаққат чекишган экан. Жўраҳон Султоновдек одам машхур *Содирхон Ушшоғини* хўжандлик атоқли хофиз хонадониди бир йил хизмат қилиб, уй супуриб, сув ташиб, келган-кетган меҳмонларнинг ковушини ювиб ўрганган эканлар... Содирхон хофиздан фотиҳа олгачгина, ашулани ижро этишга ҳадди сикқан устанинг... Бугун эса набираларимизнинг қуловида *iPod, mp3-плеер* деган техникалар, алмойи-алжойи нағмаларнинг эса адоғи йўқ. Қайси бирини эшитиб, қай бирини ўрганишни ҳам билмай қоляпти бояқишлар. Зап исроф кетди мусиқа жонивор...

– Энди, Абдулазиз ака, бозорда ниманинг таги сероб бўлса, ўшанинг баҳоси арзон бўлади... Мен консерваторияга кирган йилим анъанавий йўналиш бўйича учтагина талаба қабул қилинган: Раҳматжон Қурбонов, Хуррият Исроилова ва мен. Ўрта Осиёдаги **энг катта, ягона** олий мусиқа ўқув юртига мақом ижрочилиги ихтисослиги бўйича бор-йўғи учта талаба олинган! Ваҳоланки, вокал, фортепиано, скрипка сингари академик йўналишларга йигирма-ўттизталаб жой ажратилган эди. Бугун эса Ўзбекистон давлат консерваториясида миллий ижрочилик йўналишларига қабул қилинадиган талабалар сони ҳаммасидан зиёда. Бу олатасирда соф санъатни кадрлайдиган ёшлар ҳам бор, худога шукр. Биз ўқиган даврга нисбатан буларнинг имконияти анча баланд. Изланаман, ўрганаман деса, ҳамма шароит бор: ўқув даргоҳлари ҳам, устозлар ҳам, манбалар ҳам...

– **Мавлоно Лутфий таъбирларича, кўкарди чаман, гул узорим қани...**

– *(завқланиб)* Киройи ўхшатиш бўлди! Ўзбек санъати – бамисли чаман. *Гул узорлар* бунда сарвдек бўйласа, оламоро бўлади – олам оройиш топади. Қани, қўлингизни очинг: ёш ва кўркам овозлар қадим ва навқирон оҳангларимизга зихи зийнат бўлсин, илохомин!

2012



ҲОЖИАКБАР ҲАМИДОВ: «Сунъийликка тоқатим йўқ»

Кимдир балиқ овига, бошқа биров қуш боқишга ишқибоз, кимдир мутолаанинг, бошқаси яна алланиманинг шинавандаси. Аммо шундай инсонлар борки, хоббиси ҳаётининг муҳим бир бўлагига айланиб кетган.

Сўхбатдошимиз – ардоқли лирик хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, айни вақтда, Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, тарих фанлари доктори Ҳожиакбар Ҳамидов.

– Ижод тугёнларингиз ўзбек лирик кўшиқчилигида ўзига хос тақинини топган. Санъатга иштиёқингиз омили?

– Ота-онам раҳматли кўп айтишарди, эсимни таниган маҳалимдан бошлаб кўлимга тушган нарса борки, соз қилиб чалаверар эканман. 7 ёшга тўлиб ҳамма қатори мактабга бордим. Биринчи чалган нарсам, албатта, синф партаси бўлди. Ўқитувчиларимдан нуқул дакки эшитардим. Айниқса, бошланғич таълим ўқитувчимиз ҳеч эсимдан чикмайдилар – Карима опа Раҳимбоева, Оллоҳ умрларини зиёда қилсин – саводимни чиқазганлар. Муштумдай болалар катталарнинг ашулаларини хиргойи қилардик. У вақтлари Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Комилжон Отаниёзов, Фахриддин Умаровнинг кўшиқлари хўп расм бўлган эди. Эски радиомиз бўларди, шундан эшитганларимизни чалакам-чатти айтган бўлсак керак-да! «Хофиз» шеригим бўларди Мирсоат Хошимов деган – уйимиз рўбарў, болаликдан бирга кўча чангитиб катта бўлганмиз – у ҳам санъатсевар эди. Ашула дарсида 45 дақиқа биримиз олиб, биримиз қўйиб «концерт» берардик. Карима опамиз ҳам орқа партага ўтириб олиб, «томошабин»лар қатори ижромизни диққат билан эшитардилар.

– Ота-онангиз...

– Отамнинг исмлари Абдуҳамид, оддий ишчи бўлганлар, онам – Муборақхон, уй бекаси эдилар. Оиламиз катта: олти ўғил, бир қиз. Амал-тақал қилиб яшардик. Бешинчи синфдалигимда отам раҳматли жуда қийинчилик билан пул топиб, менга рубоб олиб берганлари ҳеч эсимдан чикмайди. Бунгача тахтага сим тортиб бергандилар – ўшани тинғиллатиб юрардим. Кўлимга биринчи марта ҳақиқий рубоб ушлаган куним дунёда мендан бахтли одам йўқ эди.

Отамнинг ака-укалари, худо раҳмат қилсин, санъатни жуда кадрлашарди. Айниқса, Абдуқаюм ва Муҳаммаджон амакиларим хушнафас хофизлар эди. Халқ кўшиқлари, мумтоз ашулалар – «Муножот», «Тошкент ироғи», «Ушшоқ»ларни жуда қиёмига етказиб ижро этишарди. Уларнинг хонишларини бор вужудим билан эшитардим, ҳавас қилардим. Қариндош-уруғ, маҳалла-кўйдаги ҳеч бир тантана амакиларимнинг иштирокисиз ўтмасди. У пайтлари микрофон, овоз кучайтиргич деган гаплар йўқ, базмларда хофизлар даврани айланиб айтишарди, одамлар сел бўлиб эшитиб ўтиришарди.

– Нима учун таҳсилни санъат соҳасида давом эттирмадингиз?

– Нафақат санъатга, китобга, мутолаага ҳам меҳрим бўлакча эди. Бу иштиёқ кейинчалик илмий фаолият билан шуғулланишимга сабаб бўлди. Тақдир мени ўз даврининг етук олимлари – академиклар Эркин Юсупов, Аҳмадали Аскарров, Абдулахад Муҳаммадjonов,

тарих фанлари докторлари, профессорлар Абдухалил Маврулов, Назар Ҳақимов, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Тўхтасин Ғофурбековга рўбарў қилди, улар илмидан баҳраманд этди. Заҳматли изланишлар ижобий самарасини берди: санъат тарихига доир мавзуларда номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёқлашга муваффақ бўлдим...

Ёшликка қайтадиган бўлсак, 1966 йили ўрта мактабни битириб ҳозирги Санъат институтига ҳужжат топширдим. Имтихондан ўта олмадим – оддий бир ишчининг ўғлиман, ҳеч қандай таянчим йўқ эди. Кейинги йили тақдир тақозоси билан ҳозирги Миллий университетнинг тарих факультетига ўқишга кирдим, кечкисига. Қундузи ишладим, «райпищторг»га юк ташувчи бўлиб ишга кирдим. Иш билан ўқиш орасида рубоб чертиб, қўшиқ ўрганардим. Фахриддин аканинг концертларини ҳам ҳеч қолдирмасдим. Биринчи марта акам олиб борганлар, кейин ўзим борадиган бўлганман.

– **Хуллас, туртиниб-суртиниб шакллана бошладингиз...**

– Шунақа бўлди... Ўша пайтлари номи чиққан санъаткорларнинг «хит» қўшиқларини ёддан билардим. Икки марта тингласам, ёд бўлиб қоларди. Радиодан эшитардик, телевизоримиз йўқ эди. Ўзбекистон телевидениеси 1956 йилдан ишга тушган. Биз у вақтлар энди мактабга чиққан бола эдик. Маҳалламизда атиги битта одамнинг уйида телевизор бўларди. Унинг олдида ҳам бир шиша идишда сув қўйиб қўйиларди экрани кичкина бўлгани учун, «линза» дейиларди. Қўни-қўшинининг 30–40 нафар боласи шу телевизорнинг тагига ўтириб олиб, қўрсатувларни оппон-соппон қилибгина уй-уйимизга тарқалишардик.

– **Сизни устоз-шогирд анъаналарига ўта садоқатли дейишади...**

– Тарихдан ҳамма соҳалардаги тараққиёт устоз-шогирд муносабатларига боғлиқликда кечган. Буюк саркарда Искандар Зулқарнайн ҳарб илмидан ташқари дунё сир-синоатларига қаттиқ қизиққан. Ёш бўлишига қарамай, ўзининг ўн уч йиллик ҳарбий юришларида устози Арастудан олган сабоқлари туфайли муваффақият қозонган. Ислому дунёсининг ўртаосиёлик йирик вакиллари – Имом ал-Бухорий ва ат-Термизий орасида ҳам олий даражадаги устоз-шогирд муносабатлари бўлган. Шарқ адабиётининг йирик намояндалари – Абдураҳмон Жомий ҳамда Алишер Навоий ўртасидаги устоз-шогирдлик ришталари ҳам фикримизнинг далилидир. Бундай мисолларни истаганча давом эттириш мумкин...

– **Тошкентда «Ҳожиакбар деган бир бола чиқибди, овози худди Фахриддин Умаровникига ўхшаркан», деган гап тарқалган пайтлари ҳали талаба экансиз...**

— 1970 йил эди ўшанда. Ўзбек давлат филармониясида устоз Фахриддин Умаровнинг концерти бўлган. Концертдан кейин минг бир истихола билан ҳофизнинг ҳузурига кирдим. Унгача не ҳолатлар бошимдан ўтгани ўзимга аён: устоз мени қабул қиладиларми-йўқми, писанд этмасалар-чи... Хуллас, олдиларига бориб: «Исмим Ҳожиакбар, сизга шогирд тушиш ниятим бор эди», дедим. «Ие, Ҳожиакбар дейишаётгани сеннинг хали... Бир-икки қуловимга чалинди, ашулаларимни айтиб юрган эмишсан». Мени билишларидан баттар хаяжонландим. «Ҳа, энди... қўлимдан келганича ижро этаётувдим. Астойдил ўрганай деб ҳузурингизга келдим». «Ҳа, майли, эртага уйга ўта кол, бафуржа гаплашамиз».

Ўша кечаси ухламай чиқдим. Мен-ку ёш йигитман, унча-мунча катталар ҳам у кишига яқинлаша олмайдиган пайтлар. Одамлар ҳар қандай ишини йиғиштириб, Фахриддин Умаровнинг овозига махлиё бўлган даврлар-да. Уйга кел, гаплашамиз, дедилар-а! Менга-я! Бу мен учун мисли кўрилмаган илтифот эди. Шу десангиз, бир амаллаб тонг оттирдим-у, канот боғлаб устоз ҳузурига учдим. Фахриддин аканинг биринчи айтган гаплари шу бўлди: «Хў-ў-п, астойдил шуғуллансанг, келгин, билганларимни ўргатай. Шунчаки ҳавас қилаётган бўлсанг, ҳозирнинг ўзидаёқ йиғиштириб қўя қол». Ўша гап бугун ҳам қуловимда жаранглаб туради... Устоз ўғитларига амал қилиб кам бўлганим йўқ. Озми-кўпми эътибор топдим, санъатда ўз номимга эга бўлдим...

— **Тўнғич фарзандингизнинг исми Фахриддин экан...**

— Шундай. Фахриддин ака мени фарзандларидек кўриб тарбия қилдилар; янглишган кезларим танбех бериб йўлга солдилар, муваффақият қозонган кезларим елкамга қоқиб рағбатлантирдилар. Бу зотда мутлако сунъийлик йўқ, ҳаммаси самимий, чин кўнгилдан. Мана, ҳозир улуғ ёшларга бориб қолдилар, шу кунгача ёнларида бўлишга интиламан. Кўп дуо қиладилар. Ҳар ҳолда, бошқа шогирдларига нисбатан ортиқроқ меҳр қозонганимдан хурсанд бўлиб кетаман. Ихлос билан бирга ҳаракат ҳам бўлса, шунга яраша натижага эришар экан одам, деган хулосага келдим. Устоз-шогирдлик муносабатларимиз шу даражага етдики, бирор даврага Фахриддин аканинг ўзлари борсалар, Ҳожиакбар шогирдингиз келмадими, дейишадиган, мен ўзим бориб қолсам, устоз яхшимилар, деб сўрашадиган бўлди. «Устоз отадек улуғ» иборасини, айниқса, отам раҳматли 84 ёшларида минг ойнинг юзини кўриб вафот этганларида билдим. Отамдан кейин устознинг ғанимат суҳбатлари, ўғитлари, маслаҳатларидан баҳраманд бўлишга яна ҳам кўпроқ ҳаракат қиламан. У кишининг фазилатларини ўзлаштиришга интиламан: ваъдага вафо, ўз касбини севиш ва унга фидойи бўлиш. Устозимнинг адабиёт ва тарихга бўлган қизиқиши, бу соҳалардаги билимини ҳамма санъаткорда ҳам кўрмадим.

– «Мени ёд эт» китоби...

– Қўп йиллар устоз Фахриддин Умаровнинг ёнида юрарканман, у киши ҳақида келажак авлодларга албатта маълумот қолдириш керак, деган фикр тинчлик бермади. Охири шу ишни амалга ошириш учун бел боғладим. Ёзувчи Набижон Бокий билан бирга обдон материал тўпладик. Набижон архивларга кириб, урушдан аввалги даврлардаги қатағонлар, кулоқлаштириш сиёсатига доир (Фахриддин ака тўрт ёшлигида отасини Украинанинг чекка бир қишлоғига кулоқ қилиб юборишган) ҳужжатларни топишга муваффақ бўлди. Шу тарика, устознинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида яхлит бир тасаввур уйғотадиган «Мени ёд эт» китоби дунёга келди ва мухлисларнинг қўлига етиб борди.

– Устоз Фахриддин Умаров ижоди айни чаппар уриб гуллаган чоғи таънаю маломат тошларидан кўп эзилганларини биламиз. Шогирд сифатида сиз ҳам бундан бенасиб қолмаган бўлсангиз керак...

– Ўша пайтлари бир арбобга Фахриддин акани бадном қилиш зарур бўлиб қолган. Бу воқеанинг тафсилоти «Мени ёд эт» китобида бор. Баъзи одамлар тушунмайди ёки тушунишни истамайдики, Оллох назари тушган кимсани бандаси ҳеч қачон хор қилолмайди. Қизиги шундаки, устознинг шаънига доир тарқатилган ҳақиқатдан йироқ, куракда турмайдиган миш-мишлар у кишининг шухратини янада орттирган.

Уч-тўрт йилгача мени ҳам телевидение-радиога йўлатишмади. Эшитиб кўриб, Фахриддин аканинг овозларига таклидан айтяпсиз, бўлмайди, деб чиқариб юборишарди. Бу мен учун жуда катта зарба эди. Созанда йигитларим билан халқ хизматига борардим, шу билан овунардим. У вақтда микрофон-пикрофон деган гаплар йўқ, ашула бор овоз билан айтиларди, мухлисларга манзур бўларди. Кейинчалик техника ривожланди, биз ҳам микрофон ишлатадиган бўлдик, лекин ҳозиргидек ёлғондакам овоз билан эмас, устозлар йўлида, фақат жонли ижро этдик, этяпмиз. Ҳозир ўзини санъаткор ҳисоблаб, компьютерда овозини тўғрилаб, неча юз долларлар сарфлаб, клип олаётганларга, тўй ва концертларга фонограмма билан чиқаётганларга айтадиган гапим: буларнинг ҳаммаси сунъий! Устозлар йўлини тутаверинг, кам бўлмайсиз!.. Аслида, ҳаётда энг ёқтирмайдиган нарсам ҳам шу – сунъийлик. Баъзи одамларнинг ўзаро муносабатларини кўриб фијиниб кетаман. Бир-бирини кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ-ку, яна киши кўзи учун қучоклашиб кўришишади. Нафратланаман бундай кимсалардан! Шунинг учун айтишадики, ҳаётдаги артистлардан кўрқинг, сахнадагилардан эмас. Сахнадаги

артист ролини ўйнайди-ю, кейин турмуш ташвишлари билан яшашда давом этаверади. Лекин ҳаётда артистлик қилиб юрганлардан эҳтиёт бўлиш керак, чунки улар қутилмаганда сизга панд бериб қўйиши мумкин.

— **Халқ орасида оммалашишингизда «Баҳор қайтмайди» видеофильми алоҳида аҳамият касб этган. «Кетмоқдаман» кўшиғи ҳақида икки оғиз...**

— «Баҳор қайтмайди»ни 1969 йили «Шарқ юлдузи»да ўқиганман. Қарасам, ниҳоятда ажойиб. Ўтқир Хошимов акамнинг синфдоши, битта маҳаллада катта бўлганмиз. Уларнинг хонадони пионер лагерининг ичида жойлашган эди. Оромгоҳдаги болалар билан кечгача ўйнаб, кино томоша қилиб, кейин акаларим билан бирга қайтиб келар эдик. Ўтқир ака Қонқус деган анҳор ҳақида ёзганлар-у, шу сув бўйида ёлғиз, ўйчан кезганларини бола маҳалим кўп кўрганман. Энди билсам, ўша пайтлари табиатдан куч, илҳом олиб, хаёлларида бир нималарни пишитиб юрар эканлар-да!

Асар «Шарқ юлдузи»да парча-парча бўлиб босилди. Ҳаммасини топиб ўқиб чиқдим. Ичида бир ғазал учраб қолди «кетмоқдаман» радиофили. Билсам, Абдулла Орипов қаламига мансуб экан. Шеър менга маъқул келиб, кўшиқ қилдим. 1972 йили «Юбилейний» спорт саройида жуда катта концерт бўлди. Хоккей ўйналадиган пайтлари у ерга тўрт минг одам сифарди. Концерт маҳали эса яхмалакнинг устига ҳам жой қилишарди — олти-етти минг одам ўрнашарди. Свердлов номли концерт зали бор эди — ҳозирги шахар ҳокимияти биносининг рўпарасида, Қодир ака Содиков деган фидойи директори бўларди. Ўзбек миллий санъатини, санъаткорларни ниҳоятда қадрлайдиган одам эди, раҳматли. Ўзбекистоннинг қайси жойида зўр кўшиқчи, аскиячи бўлса, уларни таклиф қилиб, меҳмонхоналар тайинлаб, гонорарлар ажратиб, концерт уюштирарди. «Юбилейний»даги концертни ҳам шу киши ташкил қилганди. Ўзбекистон санъат усталаридан раҳматли Комилжон Отаниёзов, Таваккал Қодиров, Комилжон Баратов, Ҳабиба Охунова, Фахриддин Умаров қатнашган. Ёш ижрочилар қаторида мен ҳам бор эдим, бу мен учун биринчи катта сахна эди. «Кетмоқдаман» кўшиғимни илк бор шу ерда мухлисларга тақдим этганман. Яъни, видеофильм яралишидан аввал ҳам бу кўшиқ репертуаримда бор эди. Бир куни Ўзбекистон телевидениеси «Ёшлик» студиясининг ижоди барқ уриб турган режиссёри Мираббос ака Мирзааҳмедов: «Ҳожиакбаржон, «Баҳор қайтмайди»ни видеофильм қиялпмиз, овозингиздан фойдалансак, нима дейсиз?» деб қолдилар. Рози бўлдим. Видеофильм ойнаи жаҳонда ёзмайиш этилганидан кейин кўшиқнинг парвози яна баландлашди. Мен сизга айтсам, «Кетмоқдаман»ни ҳозиргача, хоҳ наҳорги ош бўлсин, тох кундузги, кечки тадбирлар бўлсин, мухлислар албатта сўрашади.

У бисотимдаги энг машхур кўшиқлардан бўлиб қолди. Лекин хонанда сифатида «Кечир мени, кечир, қоракўз», «Ёшлигим», «Бўстонларим бор» каби кўшиқлар билан элга танилдим, уларни 20 ёшимда ижро этганман. Кейин-кейин навбати билан бошқа кўшиқлар яралди, радиога ёзиш нияти пайдо бўлди. Бадий кенгашдан жуда катта қийинчиликлар билан ўтказардик кўшиқларимизни. Беш-олтита кўшиқ олиб борилса, биттаси аранг ўтарди. Чунки ҳаваскор деган номимиз бор, хаваскорона муносабат кўрсатилар эди-да.

– **Видеофильм намоиш этилганидан кейин мухлислар санъаткорлар орасидан Алимардон Тўраевни қидира бошлаши табиий ҳол эди...**

– Эсимда бор, телевизорда асар муаллифи билан ўтказилган учрашувда «Алимардон Тўраев образи орқали ҳаётда кимни назарда тутган эдингиз?» деган савол берилганди. Ўткир ака кулиб: «Асалари бир грамм бол йиғиш учун ўн беш мингта гулга қўнар экан. Биз ижодкорлар ҳам бир образни яратгунимизча минглаб одамларнинг туриш-турмуши, феъл-атвори, фаолиятини кузатамиз ва уларни жамлаб ўқувчига тақдим этамиз. Ҳар қандай бадий асар қахрамони бир одамни ифодаламайди», деб жавоб қилганди. Лекин Фахриддин аканинг мендан ўпкалаганларича бор. Видеофильмда устознинг мухлисларга яхши таниш «Лола» кўшиғини ҳам берухсат ижро этгандим. Бу кўшиқ ижроси, яна, овозлардаги ўхшашлик турли миш-мишларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган... Роса тавбамга таянганман ўшанда.

– **Санъаткор зоти борки, «миш-миш» ҳам бор...**

– Аслида, барча даврлару диёрларда ҳам санъатга, ижодкорларга эътибор кучли бўлган. Чунки санъат – ҳамма истаса-истамаса боғланадиган соҳа. Бошқа соҳаларга эса одам иши тушсагина мурожаат қилади. Масалан, эрталаб ишга отланаётганингизда радионинг қулоғини бураб қўясиз. Кечқурун ишдан келиб, биринчи навбатда, телевизорни ёқасиз – концерт кўрасиз ва ҳоказо. Яъни, санъаткор халқнинг қафтида; хоҳлаганича айлантириб томоша қилаверади. Муҳокама учун энг қулай мавзу у. Тўрт киши йиғилиб қолса, иқтисоддан кейин албатта «артислар» мавзуси кўтарилади. Мухлислар санъаткорнинг ижодидан маънавий озуқа олиш билан бирга, «миш-миш»лардан бохабар бўлишга ҳам улгуради. Санъаткорлар бунга кўникиб қолган...

– **Санъат кишилари орасида «миш-миш» йўқ дейсизми?**

– Улар ҳам одам (*кулади*). Лекин ўзим шуни кўп кузатганманки, санъат одамлари асосан соҳа пешқадамининг қойил жиҳатлари ҳақида гапиришади. Бир-биримизнинг туғилган кунларимизда, хонаки тантаналарда қатнашиб турамиз. Хос даврада «имтиҳон»дан «аъло»га ўтишга, маҳоратимизни, янги қирраларимизни намоён қилишга ҳаракат қиламиз. Ҳар ҳолда, санъаткорлар даврасида ёмон гаплар бўлмайди.

Хангомаларга йўғрилган гурунглardan яйрайсиз. Лекин халқ орасида санъаткор санъаткорни гийбат қилади деган фикр ҳам борки, бу табиий. Айтганимдай, санъаткорнинг «айб»и тезроқ кўринади. Вахоланки, бошқа соҳаларда ҳам ҳар тоифа одамлар бор, улар ҳам бу иллатдан холи эмас. Санъаткор қокилса, йикилди деб таъриф қилишади. Хўп кизик ҳолатлар-да бу...

– **Бугунги авлодни қандай тарбияласак, эртага шунга мувофик «ҳосил» беради. Ҳаёт ва санъат саҳнасидаги ёшларга муносабатингиз?**

– Мавлоно Фузулий шундай деганлар:

Ёшликда куч-қувват кўп-у, маҳорат етмас,

Маҳорат етганда куч-қувват бўлмас.

Фалак шундай маккорки, иккисин бир қўлда тутмас...

Бугунги ёшларда интилиш бор, лекин афсуски, кўпроқ пул топишга... Фарзандларимиз бир нарсани билиб олишларини жуда-жуда истардим. Инсон умри фаслларга тақсимланган. Ёшлик бу – ўрганиш фасли. Бозорни инкор этмайман, фақат тадбиркорликни илм йўли билан ўрганган маъкулроқ. Чет тилига қизикаётган болаларнинг эс-ҳуши, назаримда, чет элга бориш. «Юрган – дарё»ку-я, лекин истак миллат манфаати билан уйғун бўлса қандай соз!

Санъат саҳнасидаги ёшларимизга келсак, улардаги ожизлик аломатларини кўриб, ич-ичимдан зил кетаман. Техникага, фонограммага суяниб қолишяпти. Лўнда маслахатим: устозлардан санъат сирларини, одоб-ахлоқ масалаларини, ростакам, узоқ йилларгача «ўлмайдиган» кўшиқлар яратишни тузукроқ ўрганиб олишса...

– **«Ўз оиласида бахтиёр одамгина чинакам бахтлидир», деган эди буюк адиблардан бири...**

– Худога беҳисоб шукр, бахтиёр оилабоши, дуоғўй бобоман. Икки ўғил, бир қизимиз, қатор набираларимиз бор. Умр йўлдошим – Саломатхон педагог. Болаларимизнинг ҳаммаси олий маълумотли, оиласида ҳам, жамиятда ҳам ўз ўрнини топишга интилиб яшашяпти. Оддий бир инсон ўзини бахтли ҳис қилиши учун нима лозим бўлса – ҳаммаси бадастир...

2006



ЎЛМАС РАСУЛОВ

Кўзга айлансин кўнгил

Зимистон...

Қаърида вужуд ситилиб кетмасми!..

Бўғзида вақт қонга беланмасми!..

Аммо...

У қоронғуликни кўра олди...

Тийра сукунат парчаларида ёруғ хаёллари садоланди...

Кўнгил осмонида юдузлар чарақлади...

Алқисса, Ўзбекистон халқ артисти Ўлмас Расуловнинг
сийратини қоғозга кўчирдим.

«Мен жисмоний нуқсонларим учун Худога шукр қиламан,
улар менга ўзимни, ўз меҳнатим ва ўз Худомни топишга
ёрдам берди. Уч нарса учун Худога ҳар кун шукрона қиламан:
менга Ўзининг иродасини англашни марҳамат этгани учун,
зулматимда ишонч-этиқод шамчирогини ёққани учун, умид билан
олдинга қарайдиганим бошқа ҳаётни – қувончли, нурли, гуллар ва
осмоний қўшиққа тўла ҳаётни ато этгани учун ҳам
Унга ҳамд ўқийман.

Хелен Адамс Келлер,
«Хаётим қиссаси»

– *Homo musicus*нинг ёши *Homo sapiens*никидан улугроқ деган мазмундаги «муסיқий-гноселогик наззоралар экспромти»ми эълон қилганимда...

– Ўқиганман. «Гардуни Наво» эди номи.

– ...муסיқий давраларда қизгин баҳсларга сабаб бўлувди. Ўша концепцияга сизнинг муносабатингиз мен учун жуда қизиқ.

– Икки-уч қайталаб ўқиганман ўша мақолани. Муסיқа нима ўзи?.. Муқимий театрининг дирижёри бўларди – Наби Халилов, «Айланиб кетайлар, муסיқа бу – бамисоли ҳақдори, уни қачон, қаерда, қандай ва қанча истеъмол қилишни билиш керак», дерди. Бу ҳам бир жайдари фалсафа-да. Муסיқа – инсонни бешиқдан то кабргача тарк этмайдиган, турмушдаги кемтикларни тўлдириб берадиган неъмат. Етти йилча бўлди, Абулфайз танбур деган бир одамнинг суҳбатини олдим. Ниҳоятда илмли, этиқодли инсон эдилар, соз ҳам чертардилар. Тўксонларни коралаб, рўза ойи оламдан ўтдилар. Жон бераётган пайтида яқинлари отанинг оғзига сув томизмоқчи бўлсалар: «Оғиз очадиган пайт бўлдими-йўқми», дея имо қилибдилар... Шу киши ўша мақолангиздаги фикрлар тасдиғи сифатида бир гап айтганди: муסיқа – инсониятни, бутун оламни ўзгартириб юборишга қодир буюк куч. Наззорангизга қўшиламан, муסיқа инсондан аввалроқ яралган, инсонга ҳадя этилган. Ўйлашимча, биз яратган ёки бизни яратадиган, биз топган ёки бизни топадиган нарсалар аввалда мавжуд. Масалан *манзур* мени хаёлимда ҳам йўқ эди, лекин тушимда қўрдим, товушини эшитдим. Орадан уч-тўрт йил ўтиб ўша чолғу яралди, мен уни чалдим. Ижодкор сифатида фикрим шуки, биз яратдик, деб ўйлаган нарсалар биздан аввалроқ пайдо бўлади...

– **Ижод феномени ҳақида нима дейсиз?**

– Ижод дегани Ер билан Само ўртасидаги кўприкдек бир нарса. Кўзга кўринмас кучлар бор, Яратганнинг инояти билан ўшалар ижодкорга илҳом бахш этади. Бусиз биз ҳеч нарса қилолмаймиз. Умуман, дунёдаги ҳамма нарса бир-бирига муҳтож, хатто ерда ётган тош ҳам нимагадир, кимгадир муҳтож.

Абулфайз танбур ғалати гапларни айтгандилар... Нималарни назарда тутди экан, билолмадим, кекса одамга ҳадеб савол беришга ҳадим сифмади-да. Аммо бир жумласи хотирамда муҳрланиб қолди: «Қуръон, Ҳадис ва Мусиқа. Шу учликда гап қўп».

– **Мусиқа ҳам бир ибодат, демоқчи бўлганлар-да. «Бахнинг мусикасини эшитиб, мен худога ишонишга мажбур бўлаяпман», деганди инглиз рассоми ва санъатшуноси Рожер Фрай. Бундоқ ўйлаб кўрсангиз, мусиқа неча замонлардан бери муҳим маънавий-интеллектуал соҳа саналиб келади. Масалан, Қадимги Хитойда эрамиздан олдинги II асрдаёқ «Мусиқа палатаси» ташкил этилиб, ушбу санъатнинг инсон ҳис-туйғулари, онги ва хулқига таъсири масалалари ўрганилган, мусиқа воситасида одамларни бошқариш усуллари ишлаб чиқилган...**

– Биласизми, 1960–61-йилларда илк бор мақом эшитганимда менда кўркувга ўхшаш бир нима пайдо бўлган. Энди, бу канақа кўркув... Ҳозиргача ҳам тушунолмайман. Эҳтимол, бу бир огоҳликдир...

– **Балки ўша туйғу умрингизни мана шу йўналишга бағишлашингизга сабаб бўлгандир...**

– Балки... Қанчалик кўп эшитиб, кўп ўрганганим сари ҳеч нарсани билмайдиган одамдек ҳис қиляпман ўзимни. Магнит тасмаларда сақланиб қолган оҳангларнинг бир-бирини такрорлайдиган, бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирини инкор этадиган томонларини англаб ҳайратга тушасиз. Бутун умрингизни бағишласангиз ҳам, тамоман идрок этиб бўлмайдиган илм, тенгсиз санъат бу...

– **Бугунги кундаги мақом таълимига муносабатингиз?**

– Ёмон.

– **Нима учун?**

– Устоз деганнинг ўз мактаби, ўз йўли бўлмаса... консерваторияда ишлаб нима қилади! Шу боис бизда хаваскорона ижролар уриб кетди. Қизлар келади ёнимга, орасида овози мақом ижросига шаклланмаганлари ҳам бор, III курсда ўқийди ўшалар. Хом-хатала талабалардан дарров «юлдуз» ясаб юбориляпти. Ҳақиқий анъанавий устоз-шогирд деб Шавкат Мирзаев билан Муножот Йўлчиевани тан оламан, 32 йилдан бери бирга изланишяпти, ишлашяпти булар. Аслида, мана шунақа бўлиши керак таълим. Мақом таълими.

– Росмана мактаб кўрган, мактаб ярата оладиган янги авлод шаклланиши учун балки юз йил керак бўлар...

– Эҳтиёж пайдо бўлиши керак-да! Мажозий маънода айтаман бу гапни: дунё биздан пайдо бўлди, биз ундан эмас, бода биздан маст бўлди, биз ундан эмас...

– **Юз йилдан кейин мусиқанинг аҳволи нима бўларкин?**

– Бунга табиий қараш керак... Ўз аслига қайтади, замон талаби билан ўзгаради, яна қайтади... Шундай давом этаверади. Афсуски, мусиқанинг моҳиятини билмай туриб кимларгадир эргашамиз (мана бу Майкл Жексонга ўхшаганларга!), кимларнидир тергаймиз... Ҳаммасининг тагида жохиллик ётади. Садриддин Салим Бухорийдан «Оламнинг бу аҳволга тушишига сабаб нима?» дея сўраганимда, ҳеч иккиланмай «Мусиқа!» дегандилар.

– **Яқинда бир филолог танишим билан бир масалани йўлакай муҳокама қилдик. Исталган тилнинг лугат бойлиги ҳар 100–150 йилда бир ўзгараркан. Яъни вақт тилнинг устидан ҳукмини юргизади. Эътибор қилинг: сиз болагингизда бошқача сўзлашгансиз, фарзандларингизнинг тили бошқачароқ чиқди, набираларингизнинг лексикони эса икковидан ҳам ўтиб тушди... Бу тамойил мусиқа санъати учун ҳам тааллуқлими? Ижрочилик муттасил анъана йўлида қолиши керакми, нима дейсиз?**

– Абадий ижронинг ўзи йўқ. Бир гап бор: анъана қобифига ўралиб қолма, анъанадан ташқарига ҳам чикиб кетма. Назаримда, шу ҳолат тўғрироқ бўлади.

– **Демак, мусиқа бугуннинг «қулоғи» билан ҳам ҳисоблашиши керак?**

– Келинг, мақомларимизни бугун радио-телевизорда, сахналарда чиқаётган хонандаларнинг қулоғи билан эшитиб кўрайлик, қани, нимага эришамиз?! Йўқ, мақомни ҳам қўя туринг, халқ ашулаларини олинг. Оддий бир мисол: яқинда бир йигит «Сўлим»ни айтди... Ашула хор бўлди. Мана шу-да замоннинг «қулоғи»!

– **Йўқ, бу замоннинг «қулоғи» эмас, нўноқ бир ижро, тамом. Хўп, бошқа томондан олайлик: хонанда ёки созанданинг маҳорати зўр, аммо асар талқини (ижро йўли) эллик йил илгариги ижродан фарқ қилади... Мумкинми шу?**

– Ҳар бир даврнинг ўз шоири, ўз олими бўлганидек, ўз санъаткори ҳам бўлади. Лекин минг маҳоратли бўлсин, ўзидан олдинги ижроларга мурожаат қилмас экан, эришган муваффақияти узоққа бормади. Ҳаётда бунга гувоҳ бўлиб келямиз. Мана ҳозир консерваторияни битирияпти мақомчилар, орасида маҳоратлилари бор, лекин профессионализм жиҳатидан аввалги авлоддан анча фарқ қилади. Бунинг сабаби нимада?

Аксар холларда улар замонавий – яқин йигирма-ўттиз йиллар аввал айтилган ижролари ўрганиш билан чекланади. Ижро ҳам илм-да, ахир! Унда ҳам изланиш керак, заҳмат керак! Нима учун Муножот Йўлчиева (вахоланки, у ҳам бугуннинг ашулачиси!) шуҳрат топди, ўзига хос овоз сохибига айланди? Шавкат ака билан гаплашганимда айтдики: «Мен Муножотга харажат қиламан, бирламчи манбага интиламан. Масалан, «Тонг отгунча»ни ўнлаб хонандалар айтди. Мен Муножотга бу ашулани айттирмакчи эмасдим, ўзининг айтгиси келди. Шунда мерос титиб, Маъмуржон Узоқовнинг «Тонг отгунча»сини топиб, шу йўлни ўргатдим». Кўряпсизми, демак, анъанани даврга сингдиришда ҳам гап кўп экан.

– **Яъни, даврни анъанага бўйсундириш...**

– Ҳа, ўлма-анг... Устозларда ҳам гап кўп. Айтайлик, Шавкат Мирзаев бўлмаганида, Муножот Йўлчиева ҳам бу даражага етмасди, эҳтимол. Ёки Фахриддин Содиков бўлмаганида, мен бу даражага етмасдим... У кишининг созандалик, бастакорлик маҳоратини айтиб адо қилиб бўлмайди. Юнус Ражабийни олинг. Мақомларга нақадар ижодкорона ёндашув, ахир, бастакор бўлган-да! Оламшумул меҳнат бўлди бу – мақом ҳақидаги илк тадқиқотлар Юнус Ражабийнинг китоблари билан-да! Мен ҳалигача ҳайратланаман, қаранг, у киши ёзишдан ҳеч тўхтаган эмас: неча жилдли «Шашмақом» чиқиб бўлди ҳамки, Юнус Ражабий тинмайди. Хабарингиз бор, 1958–59 йилларда радиоқўмита қошида Мақом ансамбли тузилган, ўша ансамблга ўргатиш жараёнида ҳам нота ёзиб ўтирар экан устоз...

– **Бу ишнинг масъулияти ўта нозиклигини ҳис қилган-да...**

– Албатта! Ёзиб қўйган нарсалари эртага нима бўлишини билган, сиз билан биз эслашимиз муқаррарлигини сезган! Аммо шундоқ зот ҳам менинг «Мақом»га ишга киришимга майл билдирмаган.

– **Балки аягандирлар сизни...**

– Шундай... Қийналиб қолади, деганлар. Лекин бу ҳолат у кишига бўлган эътиқодимни заррача сўндирмаган. Умумий иллат-да энди бу... Бир нарсани айтишим керак: ўқишга киришимда ҳам, ишга қабул қилинишимда ҳам менга хайрихоҳ кишиларнинг жонбозлиги масалани ҳал қилган. Билим юртида ўқишим учун Ҳикмат Неъматов деган киши бир ой курашган. Имтихондан ўтганман, лекин иккиланишди: қанақа ўқийди, деб... Ахийри, домла: «Ҳеч бўлмаса, бир ой ўқисин, кейин ўзларинг биласизлар», деб қўндирган.

Консерваторияга ишга келишимга эса Отаназар Матёкубов сабаб бўлган. Йиғилишларда менинг масалам кўтарилганда, домла мажлис аҳлини Ўлмас Расулов ҳақидаги маълумот билан обдон тўйинтирган, қисқаси, нима қилиб бўлса ҳам, кенгашнинг розилигини олган.

1987 йилдан 1994 йилгача консерваторияда ишладим, Насиба Сатторова, Ўлмас Оллоберганов каби шоғирдларни ўқитдим. Бугун издошларим кафедра мудири, ўқитувчи бўлиб ишлаяпти, хорижда дарс бераётгани ҳам бор.

1994 йили Бухоро педагогика институтида ректорнинг ташаббуси билан «Шашмақом ва Бухоро мусиқаси» деган янги кафедра очдик. Беш йил мудирлик килдим, мақомшунослик важҳида қалам ҳам тебратдим... Кейин тақдир тақозоси билан яна Тошкентга келдим. Ботир Матёкубов барака топсин, мусиқа билим юрти раҳбари, мени иш билан таъминлади. Кейинроқ Жўра Шукуровнинг саъй-ҳаракати билан Маданият институтига ишга ўтдим, хозиргача шу ерданман. Ҳаётим давомида кўп қаршиликларга, англашилмовчиликларга учрадим... Доим ким мени ишга оларкин, олармикан, деган андиша билан безовта юрасиз...

– **Сабаб?**

– Сабаб – имконияти чекланган одамларга муносабатнинг чекланганида. Масалан, чет мамлакатларда кўзи ожизлар соғ одамлар билан бирга ўқитилади, алоҳида эмас. Бу эса одамларнинг одамларга муносабатини шакллантиришда ўта муҳим. Бизда ҳали бунақа система кучга кирмади, одамлар орасида ўзимизни ажратилгандек сезамиз...

Ўн-ўн икки ёшларда эдим, мусикий тўғаракка қатнашардим. Байрам концертида ансамбль бўлиб ижро этишимиз керак эди. Концерт бошланай деганда бир ўқитувчимиз мени ҳайдаб юборган... Кўнглим пора-пора бўлиб кетган...

– ...

– Бухорода интернатда ўқирдим, Сурхондарёга таътилга келдим. Дадам ишдан қайтди-ю, бағрига босиб, сенга бир нарса ўқиб берай, ўғлим, деди. Газетанинг номи эсимда ҳам йўқ, аммо мақола кўзи кўр, қулоғи қар бир аёл ҳақида эди. Скороходова эди исми, Ольга Скороходова. Саккиз ёшида менингит билан оғриб кўздан, қулоқдан, қисман тилдан ҳам қолади. Тиқ этган товушсиз, рангсиз оламга – зулмат ва сукунатга маҳкум бўлади. Аммо қиз бу мусибатларга таслим бўлмай, иродасини йиғиб ҳаёт учун курашади. Ўзиям, дадам бир саҳифа нарсани хижжалаб бир соат ўқиганди. Мана шу хикоя ҳаётимда бурилиш ясаган... Ожизу хотавон бир аёл машаққатларни енгиб, илмий ходим даражасига етади, номзодлик диссертациясини ҳам ёқлайди, қаранг... Короленконинг «Қўр мусиқачи» қиссасини ҳам неча қайта ўқиганман. Шу тахлит, адабиёт, жутулаа билан яна ҳаётга қизиқишим пайдо бўлган.

– **Ольга Ивановнанинг «Оламини қандай тасаввур қиламан» номли китоби дефектология ва психология соҳасида воқеа бўлганди. Сиз оламини қандай тасаввур қиласиз?**

– Тушимда қуёшни, ойни кўрганман... Нурини хис қиламан.

– **Яқинларингизнинг қиёфаларини биласизми?**

– Хаёлан тасаввур қиламан. Ўфилларимни туш кўрганман... Тушнинг ўзи ҳам алоҳида илм экан, катта илм. Жуда кўп нарсалар, масалан, мана шу даражага етишувим ҳам тушимда аён бўлган. Консерваторияда менгача кўзи ожиз талаба ўқимаган экан. Ижрода тенгдошларимдан қолишадиган жойим йўғ-у, кўзим ожиз...

– **Билишимча, тўрт-беш ёшлардан кўрмай қолган экансиз...**

– Шундай. Хасталик туфайли... 1951 йили Деновда, эл қатори бир оилада тувилганман.

– **Аслингиз Сурхондарёданми?**

– Йўқ, ота-онам фарғоналик.

– **Мен сизни бухоролик деб юрарканман.**

– Болалигим Бухорода ўтган, қаранг, яшаб турган жойингиз кўринишингизга ҳам таъсир қиларкан-да. Мен ўсган қишлоқ илгари тўқайзор бўлган. Ота-онам Фарғонадан келиб, ўша ерни обод қилишиб, қолиб кетишган. Қишлоғимизда аския қилмайдиган, ашула айтмайдиган киши йўқ эди. Тўю базмлар ҳам одамларнинг ўзидан ортмасди: бири ашула айтган, бири рақс тушган... Лаган ўйинини 5–6 ёшларимдаёқ билардим, мен учун бу оддий хол эди. Шу қадар мусиқий бир қишлоқ эди-да!

– **Бухорога қандай бориб қолдингиз?**

– У пайтлар кўзи ожиз болалар учун махсус мактаб-интернат фақат Тошкенту Бухорода бўларди. Бизга яқинроқ бўлгани учун Қодир ака Каримов деган кишининг ташаббуси билан мени Бухорога олиб боришган. Дадамни кўндириш жуда қийин бўлганди... Хуллас, 1958 йили мактаб-интернатга қабул қилиндим. Буни қарангки, у ерда ҳам ашула айтмайдиган тарбиячининг ўзи йўқ эди. Ҳикмат Неъматов мусиқа тўғарагимизга раҳбар бўлиб келган. У кишининг мен учун қилган жасорати шу бўлдики, кўзи ожизлар учун ҳам махсус нота ёзуви борлиги ҳеч кимнинг хаёлида йўқ, ўшани Москвадан топтириб келиб, мусиқий саводимни чиқазди. Бухоро санъат билим юртига ўқишга киришимга ҳам шу киши сабаб бўлган.

– **Билим юртини битирганингиздан кейин консерваторияга йўлланма беришдими?**

– Йўқ. Аммо йўлланма беришмаса ҳам, консерваторияга келдим. Ҳамид Рахимов (худо раҳмат қилсин) ректор эди ўшанда, яна, Қосимов деган ўқитувчи абитуриентларга консультация ўтарди. Менинг хабарим йўқ, создан машқ қилиб турганимда билдирмай ёнимга келиб, эшитиб кетар экан... Хуллас, яхшилар сабаб бўлиб, консерваторияга ҳам кириб кетдим.

– **Ўша сиз қатнашган биринчи мақом танловини кўпчилик ҳали-ҳануз эслайди...**

– Ў-ў-ў!.. Бу танловга оилам тўполон қилавериб жўнатган...

– **Айтмоқчи, оилангиз Мавлуда Самандарова-ку! Қандай топишгансизлар?**

– Бунга ҳам санъат сабаб бўлган. 1976 йили консерваторияни ботириб, Бухорога келганман. Мавлуда мактабгача таълим йўналишида ўқирди, мен ўша ерда ишлардим. Кўрик-танловга тайёрланиш муносабати билан овозларни танлашга тўғри келди, ўшанда танишганмиз... Тақдиримиз қўшилган экан, турмуш қурдик. Ҳам чиройли, ҳам қийин сўқмоқларни бирга босиб ўтдик.

– **...босиб ўтаяпсиз.**

– Худога шукр. Умр мен учун бебаҳо неъмат, уни беҳуда ўтказиш увол. Аммо менда ҳам гоҳи беҳуда яшалган пайтлар – чойхона бўлди, бошқа бўлди...

– **Нега беҳуда, ахир, бу ҳам керак...**

– Эҳтимол, керакдир, лекин сиз билан суҳбатлашаётган мавзулардан нарида-да бу... Умр – яхши оила, яхши фарзандлар, яхши рафиқа, худога шукр, агар кўнглимдагидек бўлмаганида Тошкентларда юриб, бугун сиз билан гаплашиб ўтирмаган бўлардик.

– **Деновдан узилиб кетганмисизлар?**

– Йўк, укаларим ҳаммаси ўша ёқда, фақат мен дарбадарроқ – гоҳ у ёқда, гоҳ бу ёқда... Шу-да энди умр мен учун... Ҳар ҳолда, ўзимга ва ўзгаларга фойдаси тегадиган ишларни қилишга уриндим-да шу олтмиш йил мобайнида. 1993 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига муносиб кўрилдим, Истиқлолимизнинг 14 йиллиги арафасида эса «Ўзбекистон халқ артисти» унвони билан тақдирландим. Мендек одам учун бу муҳим, ўта муҳим...

– **Ҳаётдан яна нима кутасиз?**

– Эзгулик кутаман. Аммо акси бўлиши ҳам мумкин... Бунисига ҳам тайёрман. Ахир, бу – ҳаёт...

2011



АБДУҲОШИМ ИСМОИЛОВ

Дўпписи ерга тушмаган санъаткор

Уни хорижликлар «ўзбекларнинг Жими Хендрикси» дея алқайди (машҳур «Тайм» журнали шу йили Хендриксни «Барча замонларнинг буюк созандаси» дея эътироф этди). Етти иқлимдан йиғилган 67 нафар виртуоз созанда (улар қаторида Ванесса Мэй, Владимир Спиваков ҳам бор) орасида зўрлар зўри дея тан олингани ҳам ўша. У ўзининг ўзбекилиги билан ифтихор қилади, ўзбеклари ҳам эрка соҳибкамони билан ғурурланади. Алқисса, саҳнада – хос ижро маҳорати билан шуҳрат топган санъаткор, Юнус Ражабий номидаги Мақом ансамблининг бадиий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов.

Хеч нима мени қуйидаги аксиомадан оғдира олмайди: ҳар қандай ижод ўз ижодкоридан гувоҳлик беради.

Франсуа-Мари Аруэ Вольтер

– Абдуҳошим ака, айтишларича, «сархушлик»нинг беш манбаи мавжуд: хусну навқиронлик, мол-давлат, бўйсундириш қудрати, илму маҳорат, мусиқа. Мусиқадан етадиган сархушлик қаршисида қолганлари ожизу бемадор эмиш...

– Уч ибора бор: санойиё нафиса, физои рух, илми мусиқа – ҳаммасининг мусиқага тегишли жойи бор. Рухни тарбият этиши бу – физои рух, ҳеч бир дафтар-китобсиз, фақат истеъдод орқали дунёни забт этиши – илм, санъатлар орасида нозиклардан нозиги экани – санойиё нафиса. Шунақа куч бу, мусиқа. Хоҳласа ўйлатади, хоҳласа йиғлатади, хоҳласа куддиради, хоҳласа рақсга туширади... Мўъжиза-да!

– Аксарият забардаст бастакорларнинг асли камончи бўлганини қандай изоҳлайсиз?

– Гижжакчиларнинг чап кўли юракка яқин бўлади. Гижжак дастаси шу ерда туради-да! Шунинг учун юрак билан гижжак битта бўлиб кетади. Нима учун бастакорларнинг кўпи гижжакчилардан чиққан, десангиз... Биринчидан, бу чолғунинг пардаси йўқ – хоҳлаган нотани ўзингиз топиб олаверасиз. Кейин, гижжак шунақа созки, сиз билан бирга «айтади». Агар уни яхши эгалласангиз, ўзи сизга устозлик қилади. Тилаганингиздан ҳам аъло овоз чиқариб беради. Чиройли товушдан илҳомланганингиздан кейин янги оҳанглар қуйилиб келаверади-да...

– Сиз басталаган кўшиқлар «ўша ижрочиники» бўлиб яралган. Фуломжон Ёқубов ёки Замира Суюнова, Марям Сатторова ёки Салоҳиддин Азизбоев, Гулбаҳор Эрқулова ёки Зулайҳо Бойхонова... бир-бирига ўхшамайди, ҳар қайси хонанданинг ўз йўли бор.

– Кўшиқнинг ҳам эгаси бор-да... Биласизми, шу кунгача 400–500га яқин мусиқа ёзган бўлсам, бирор марта фалончи кўшиғимни менинг номимдан ижро қилсин, мени танитсин, деган эмасман. Зўр айтсин-да, одамлар маза килиб эшитсин-да, дейман. Эҳтимол, қай бир санъаткорнинг муваффақиятига мен ҳам сабабчи бўлгандирман. Лекин, Фуломжонни Фуломжон Ёқубов қилган ёки Зулайҳони Зулайҳо Бойхонова қилган менман деган гапдан қўрқаман... Биласизми, ариққа чўп, хас йиғилиб қолса сув юрмай қолади. Кимдир йўлини очиб юборса, равон оқиб кетади. Аммо йўлни қандай очишни ҳам билиш керак. Кетмон билан шарт-шурт қилиб эмас, чиройли қилиб, у ер-бу ерини суваб, текислаб...

Битта мақтаниб қўяй: мен қўшиқ ўргатган қайсики қўшиқчи бор, ҳаммаси: «Ака, шу қўшиқни ўзингиз айтсангиз ҳам бўларкан», деган. Лекин мен фикрлашганим (бастакорликка ҳам ортиқча даъвом йўқ). «Мен ўргатай, сиз айтинг», дейман. Фикрлашганимга яқинроқ...

– **Хар кимнинг ўз қараши, қаричи бор. Санъатда эса инчунин. Боз устига, ҳамма индивидуалист...**

– Энди... Биласизми, хар бир инсонда ўзига яраша тажанглик бўлади. Лекин овози, қобилияти ёки қолгандан кейин, тажанглиги ҳам кўзингизга кўринмайди. Бошқача айтганда, юзидаги тиртиқ ҳам сизга чиройли холдек кўринади. Шунинг учун феъл-атворини бир чеккага суриб қўйиб, санъатидан бахра олсам дейсиз.

– **Сиз лирикмисиз ёки классик?**

– Лирик. Лирикнинг ҳам шўхроғи...

– **Ўзингизни ўзингиз қандай баҳолайсиз?**

– Ўзимни баҳолаб кўрмаганман.

– **Дунё кезган, сахна кўрган санъаткорсиз. Ўзбек мусиқасини ўзга юртлар қандай қабул қиляпти?**

– Э-э-э!.. Бизнинг мусиқамиздан бир марта бахраманд бўлган хорижликлар бутун умр санъатимизга мухлис бўлиб қолади. Бу гапни юз эллик фоиз ишонч билан айтяпман. Бир мисол келтирай. «Чўли Ирок» жуда оғир куй, буни ўз миллатдошимиз ҳам бир мартадан ортиқ эшитолмайди. Лекин, ишонсангиз, шу куйни чет элликлар олқишлар билан менга кетма-кет уч марта чалдиришган. Францияга тўққиз марта борган бўлсам, хар сафар мендан «Чўли Ирок»ни сўрашади. Японлар ҳам буни эшитмагунча қўйишмайди. Қайси мамлакатда бўлмайин, ҳамма ерда мумтоз мусиқа ижро этаман. Мусикий меросимизнинг мақоми жуда баланд эканига қайта-қайта гувоҳ бўлганман...

– **Кейинги пайтлар Фонд Форумнинг нуфузли маданий тадбирларида ҳам камонбастасиз...**

– Фонд Форум тўғрисида мен ич-ичимдан ёшардим, санъатга мухаббатим ҳам ёшарди, янгилади. Эътибор қилсангиз, мен билан сахнада ижро қилаётганларнинг ҳаммаси болам тенгилар. Бу навқирон мухитда ўзимни янгидан кашф этдим, рухий кўтаринкилик, хайратни хис қилдим. Шу билан бирга, қандайдир бошқача масъулиятни ҳам сездим. Лондон, Париж, Вена, Милан, Москва... Ўзбекистонни дунёга танитиш, ипак либослару нафис зийнатлар, яна миллий оҳанглари... Мутахассислар ҳам, мухлислар ҳам маҳлиё бўлиб қоляпти. Миланда нуфузли сахнада Хулио Иглесиас билан бирга чиқдик. Оғзи очилиб қолди маэстронинг. Нақ сенсация бўлди-да ўзиям! Италияча қўшиққа ўзбекча чолғулар жўр бўляпти. «Браво!»ларга қўмилиб кетдик. Ўшанда ичим қизиб, Иглесиасга бир гап айтгим келди-ю, иймандим.

– Нима гап?

– Бундай-да: «Мен сизга чалмайман», дердим. «Нега чалмайсиз?» дерди у. «Сиз менинг ғижжагимга ашула айтасиз», дердим (кулади).

– Дунёга машхур санъаткорлар билан кўп рўбарў бўлгансиз. Уларнинг қай бири сизга кўпроқ манзур?

– Савай Сан, Ванесса Мэй, Владимир Спиваков...

– Спиваков Навоий театрида концерт берганида бормидингиз?

– Ҳа. Концертдан кейин чиқиб табриқладим. «Вы же тоже скрипач?» деди. «Ҳа, фақат мен елкага қўйиб эмас, тиззага қўйиб чаламан скрипкани», дедим. Тушунмади. «То есть... как это?» деди. Мана бундай, деб кўрсатдим.

– Давно?

– Почти сорок лет.

– А сколько Вам?

– Пятьдесят пять.

Хуллас, мени кечкурунги зиёфатга таклиф этди. Бордим. Спиваковнинг қаршисида ўтирибман. Скрипкани олдим. Ўзининг нарасини чалиб туриб, секин ўзбекчага ўтиб кетдим. Вилка билан пичокни аста қўйиб, қўлига салфетка олди. «Ҳа-а-а, тутилдингми!» дедим ичимда. Ижрони тамом қилгунича иягини кафтига тираб, қилт этмай эшитди. Кейин ўрнидан туриб келиб, мени қаттиқ кучоқлади. Ўша даврада қатнашаётган бир арбобни чақирди-да, сиздан битта илтимос, шу йиғитга менинг фондимдан оркестр очиб беринг, деди...

– Япониялик продюсер беш-олти йилча кетингизда юрди-ёв...

– Савай Сан бир йили дунёнинг турли мамлакатларидан олтмиш етти нафар камонли чолғуларда ижро этадиган виртуозларни йиғди. Улар орасида россиялик Владимир Спиваков, англиялик Ванесса Мэй ҳам бор эди. «Зўр»лар даврасига мен ҳам қўшилдим. Токиога йиғилдик. «Хар бирингиз маҳоратда бетакрор мусиқачисиз, импровизацияни қойил қиласиз. Бизга денгизнинг мусиқадаги таъриф-тавсифи керак. Уч қисмдан иборат асар яратиб, унда денгизнинг эрта саҳардаги, куннинг қоқ ўртасидаги ва кечки ҳолатларини мусиқий тарзда ифодалаб беришингиз лозим». Шундай дея олтмиш етти созандага барча шароит муҳайё қилинди-ю, тайёргарлик учун уч кеча-кундуз вақт берилди.

Мен денгизнинг тонготар палласини таърифлаш учун «Муножот»ни импровизация тарзида ижро қилдим. Композициям ҳакамлар ҳайъатига манзур бўлди. Энди Токиога йиғилган камончи-машшоқларнинг таълимасига шу мусиқани ижро этиш вазифаси топширилди. «Муножот»имизни бирпасда ноталаштириб, қоғозга чиқариб беришди-ю, терма жамоа – оркестримиз шуни чалишга тутиндик. Бунда олтмиш олти созанда усул бериб туради, яқка созанда импровизация қилади.

Бир соату йигирма дақиқага мўлжалланган концерт уч соату қирк дақиқага чўзилиб кетди. Забардаст созандалар йиғилган эмасми, бир-биримизнинг нола-қочиримларимизга маст бўлиб чалаверибмиз...

– **Мусиқамизнинг чеки-чегараси йўғ-а...**

– О-о-о!.. Уни муқаммал ҳолда эшитиш ва эшиттира билиш керак. Турк, эрон, афғон, ҳинд мусиқасига хос унсурлар билан «бежаш» шарт эмас. Табиий ҳолатида ҳам куйни бемалол замонавийлаштириш мумкин. Масалан мен «Чўли Ирок»нинг усул-пардасига сайқал бериб, «замонавий» ҳолатга келтирдим. Бунда 17 ёшдан 70 ёшгача бўлган аудиторияни мўлжалладим ва кексани ҳам, ёшни ҳам шу куйни ёқтириб эшитишга «мажбур қилдим». 70 ёшли тингловчи бу мусиқани шундоқ ҳам эшитади, 17 ёшлиси эса ритмига мафтун бўлади. Фикримча, мусиқа бир жойда қотиб қолиши керак эмас. «Ота-боболаримиз шундай яратган, биз шундоқ чалишимиз керак», деган гапга қўшилмайман. Қошига ўсмасини, кўзига сурмасини қўйиб, янги либос кийдириб, замонга қараб ёшартириш керак буни. Ахир жонсиз бир минорани ҳам 100 йилдан кейин таъмирлайдилар-ку! Мусиқа эса жонли нарса. Чиройли ижро қилсанг, дунё санъатингга тан беради.

– **Хос доираларда «дўпписи ерга тушмайдиган» сифатингиз ҳақида эшитганим бор...**

– *(кулади)* 1996 йили созандалар гуруҳимиз билан Ўзбекистон делегацияси таркибида Қозоғистонда бўлдик. Катта сахнада намойиш этилган концертдан сўнг «сифат»им яна биттага ортди. Миллий либосда сахнада қуй ижро этяпмиз. Завқнинг зўридан дўппим бошимда сирғалиб, кийшайиб қопти. Залда ўтирган раҳбарларимиз безовта бўлармиш, ўзбекнинг дўпписи ерга тушиб кетса-я... Мен шу-у чалиб ётибман! Ёнимдаги дойрачига қараб муқом қиламан десам, у бошимга олазарак қараб турибди: дўппи илиниб турганмиш-да! Тушиб кетса борми, ҳамманинг диққати бўлинади... Ижро тугатиб шундоқ ўрнимдан турсам, дўппим қулоғим устида мана бундай *(қўли билан кўрсатади)* турибди-да! Дарров тўғрилаб қўйдим. Бутун зал ўрнидан туриб қарсақ чалиб юборди...

– **Мусиқада кризис масаласига қандай қарайсиз? Қадриятлар, мезонлар қанчалик ўзгарди?**

– Олтиннинг қиймати ҳеч қачон тушмайди. Санъат ҳам олтинга ўхшайди. Тўғри, эстрадада кўпчилик енгил-елпи нарсалар билан ҳам «юлдузланиб» кетяпти. Лекин профессионалнинг, профессионализмнинг баҳоси барибир баланд.

– **Шоу-бизнес талабига қараб маҳсулот чиқазяпти-да ўша «юлдуз»лар ҳам...**

– Шу ногўғри-да. Мана, Зулайхо Бойхоновани қабул қияпти-ку ҳамма. Қўшиқлари эстрада йўналишида, лекин миллий...

– **Мухлисларингиз сизга садоқатлими?**

– Мухлисларга ультиматум қўёлмаймиз. Ижромизни эшитиб роҳат қилган пайти улар учун биздан яхши, биздан чиройли одам йўқ. Ўша маҳал юракдаги гаплар айтиб олинади. Ўша беш-олти дақиқада мухлис буткул бизники. Кейин эса яна ўзининг ҳаётига шўнғиб кетади. Хоҳласак-хоҳламасак, мухлис санъаткордан устун туради.

– **Ҳаётингизда энг қийини нима бўлган?**

– Мен асли қуваликман. 1968 йилдан бери Тошкентда яшайман. Мени туққан волидам 101 ёшга кириб оламдан ўтдилар, худо раҳмат қилсин. Масалан, сиз айтасиз, Абдуҳошим ака, эртага соат роппа-роса иккида келиб кетинг, деб, мен айтилган вақтга етиб бораман. Лекин онам Қувадан туриб, болам, вақтингни топиб бирров келиб кетгин-а, деса, боролмайман. Мени қийнайдиган нарса шу. Борганман, дуосини олганман, лекин онам кутган, тилаган вақтдан ўтказиб борганман... Армоним шу.

– **Фарғона водийси гўё бизнинг Византиямиз. Эътибор берсангиз, Уста Олим Комилов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Таваккал Қодиров сингари забардаст санъаткорларимиз водийдан етишиб чиққан. Сабабини ўйлаб кўрганмисиз?**

– Санъат Бухорода яралади, Фарғонада сайқал топади, Тошкентда ижро этилади, деган гап бор. Водийнинг суви ширин-да (*кулади*).

– **Адабий тилимизга ҳам Фарғона-Тошкент шеваси асос бўлган, мақомларнинг ҳам Фарғона-Тошкент йўли жуда оммалашган.**

– Сиз билан суҳбатлашиш осонмас (*кулади*).

– **Ёшлар, ёшариш ҳақида яшнаб гапирдингиз. Мақом ансамблида ҳам «кадрлар революцияси» содир бўлди, шекилли. Ҳар нечук, «Шарқ тароналари»нинг очилишида қатнашган таркиб жуда навқирон эди?**

– Шундай. Асосан консерватория талабалари қатнашди. Икки-уч ойлик амалиёт давомида профессионалларга айланди бу йигит-қизлар. Росмана мактаб ўташди. Фестивалдан кейин эса «Мақом»да ишлаймиз, тажриба орттирамиз, деб қўйишмади. Шу баҳона ансамблимиз ҳам ёшарди-колди.

– **Ижодкор зоти илҳомга қарам. Мусиқачи учун эса бу сув ва ҳаводек гап. Беилҳом пайтларни қандай енгасиз?**

– Артистизмни ишга соламан. Лекин... Олти-етти ойлаб ижоддан тўхтаб қолган пайтларим бўлган... «Шарқ тароналари» фестивалида менга бир вомер топширилди. «Чўли Ироқ»ни чаламан, тайёрланишим керак, деган

ўйда ўзимни имкон қадар пок тутишга, агрофдагилар билан камрок мулоқот қилишга ҳаракат қилдим. Лекин илҳом қурғур ҳар доим ҳам сизни йўқлавермайди-да! Саҳнага чиқиш олдидан ўзимга-ўзим: «Ҳозир чиксам-да, гижжакни тизсамга қўйиб бир-икки дақиқа ўтирсам-у, битта ҳам нота чалмай, таъзим қилиб чиқиб кетсам», дейман. Саҳнага олти, беш, тўрт... икки қадам қоляпти. Хуллас, ўзимни мажбурлаб чалдим...

– **Махсус ўтириб машқ қилмасангиз керак?**

– Йўқ. Бир ойлаб ҳам чалмай юравераман.

– **Энг узоқ тинглаган мусиқангиз?**

– «Насруллои».

– **Устозларингиз ҳаёт бўлганида нималарни сўраган бўлардингиз?**

– Ў-ў-ў!.. Қанийди... Хиргойисини эшитган бўлардим. Тўймаган эканманда... Костюм-шим олиб бериш, санаторийга ётқизиш ё дўшпидек ош дамлаб едириш эмас... Санъатини ғанимат билардим. Яна бир нима чалиб беринг ё айтиб беринг, яна ўрганай, янаям тўлсин қалбим, деган бўлардим.

Илк устозларим... Онам, бувам. Бувам, худо раҳмат қилсин, 103 ёшга кириб рихлат қилганлар. Санъатни яхши тушунган, мақомларни ёддан билганлар. Гижжак, чанг, най, дойрада ҳам чалганлар. Бувам созандаликдан дарс бераётган пайтлари кизи – онам ҳовлини супуриб юриб қулоқларига чалинган куйни ёдлаб олаверар эканлар. Мен бола маҳалим гижжақда машқ қилаётганимда онам эшитиб туриб: «Чалаётганингда ўнг қўлинг тинмаяпти, ашула айтаётганингда бир нафас олволасан-ку, гижжак чалганда ҳам уни нафас олдиргинда!» деб қўяр эдилар. Онам табиатан мусиқачи эди, хис қиларди мусиқани...

Фарғонада мусиқа билим юртида ўқиб юрган кезларим Мухаммадисо Дадажонов ва Мусожон Каримовдан таълим олганман. Кейинчалик созандалик борасида хаммани ўзига ром қилган санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Фуломжон Ҳожикўловдан ўрганганман. Консерваторияда менга Фахриддин Содиқов билан Маҳмуджон Мухамедов устозлик қилишган. Маҳмуджон ака ўз даврида биттагина найи билан Ҳиндистонда етмиш минг мухлисни «Ма-ах-му-уд! Ма-ах-му-уд!» дея олқишлашга мажбур қилган... Талабалик кезларим мохир созанда ва бастакор Қаҳрамон Комиловнинг ижросидан таъсирланиб кетиб, саҳнага чиқиб «Сиз менга устоз бўлдингиз» деб, камонимни бериб чиқиб кетганман... Радиогоа ишга келганимдан сўнг мақомдон аллома Юнус Ражабийдан сабоқ олдим. Билимнинг чегараси йўқ, умримнинг охиригача ўргансам керак... Бўлди, мен шу чолғунинг эгасиман, ҳозир саҳнага чиқаман-у, бошлаб чалиб ташлайман, деган куни санъаткор ўлади.

– **Дунёни қандай тушунасиз?**

– Дунё, ундаги барча неъматлар Ҳазрати Инсон учун яратилган. Ҳамма ҳам буюк бўлиб кетавермайди, лекин ажиб бир хикмат билан яралган инсон бу ёруғ оламдан «...ва бошқалар» қабилида аҳамиятсизгина ўтиб кетиши жуда ачинарли. Одам ҳеч-йўғи ўз оиласи учун аҳамиятли бўлиши керак. Эракда ҳам, аёлда ҳам жуда бир нозик аъзо бор – лаб. Сал шилинса ёки учуқ чикса ҳам оғрийди. Лабларимиз бир кунда гапириш асносида уч ярим миллион марта бир-бирига тегаркан. Лекин қаранг, «АЁЛ» сўзи айтилганида умуман тегмас экан. Лаблар ҳам шу сўзни авайлаб айтаркан. Мен рафиқамга «сен» деб мурожаат қилолмайман. Умуман, оилам, болаларим бирор ташвиш билан яшашини истамайман. Фарзандларимда ўзим ёмон кўрган жиҳатлар бўлмаслигини хоҳлайман. Ҳамиша энг яхши, энг чиройли нарсаларни раво кўраман. Майли, бир хонали уйда яшай, лекин хузур қилиб яшай. Дастурхоним эски бўлсин, лекин ювилган, крахмалланган бўлсин...

Ниятим, аввало, яхши қарийлик. Ёшим бир жойга етганда инжиқ бўлиб қолмай-да, дейман. Бировларнинг гапи малол келмайдиган, феъли кенг чол бўлиб қарий, илойим...

2009



САНОБАР КАРИМОВА

Устазода

«Умр – оқар дарё, десалар ҳайрон бўлардик.

Кечагина Жўрахон дадам, Тамарахоним,
Лутфихонимларнинг тиззасида ўтирган эрка
қизалоқ эдим! Йиллар зумда оқиб ўтиб кетибди.

Йўқотишлардан куюниб, топганларимиздан
суюниб шунча яшаб қўйибмиз...

Катта саҳнага чиққанамга ҳам қирқ йил тўлиб
қолибди. Қирқ йил-а! Неча давраларни кўрдик,
неча шодиёналарга гувоҳ бўлдик... Бугун
издиҳомларда «устазода» деб алқашса, сизни
тарбият этган зотларга минг раҳмат, дейишса,
ичимдан қалқиб кетаман... Яратганга шукрона
келтириб, Санобар Каримовани эл ичра азиз
қилган мураббийларим ҳаққига дуо атайман...»

Санобар Каримова – хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Устазода, Ўзбекистон халқ хофизи Жўраҳон Султоновнинг набираси.

1958 йили Марғилонда туғилган.

14 ёшида «Мархабо, талантлар!» республика кўрик-танловининг голиби бўлган.

Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини тугатгач, қарийб ўттиз йил Ўзбекистон телерадиокўмитаси қошидаги Дуторчи қизлар ансамблида яққохон бўлиб ишлаган.

«Артис»лик иззати ёхуд «Тановар»ни айтинг!

«Эшигимга чол-кампир келишди: қариганда ўғил кўрганмиз (саккиз киздан кейин), жуда исломга эгилган, намозхон қизни оламан деяпти, тўйимизга сизни айтамыз деб ният қилувдик, Санобархон, дейишди. Энди бу ху ўша исломий тўйлар «мода» бўлаётган пайтлар-да. Хўп, отахон, хўп, онахон, жоним билан, мени йўқлаб эшигимга келасизлар-у, йўқ дейманми, худо хоҳласа, тўйингизда камарбастамиз, деб жўнатдим.

Айтилган куни тўйхонага эртарок бориб ускуналарни ўрнатдик, кейин созанда йигитларим аёллардан пардалаб қўйилди. Тўрдаги сўрида отинойи мавъиза бошладилар: оилада эркакнинг вазифаси, аёлнинг вазифаси... яна аллақанча мавзуларда узо-о-оқ гапирдилар. Тўйга келган хотин-халаж зериккандай, бир-бири билан чақ-чақлашишга тушди. Отинойи гапиравердилар, гапиравердилар, охири гап қолмагач, «артистар» мавзусига ўтдилар. «Артистар фалон, артистар тугун, артистар дўзахи...» Тўйхонанинг кайфияти хижиллашди. Хонадон эгалари халак: Санобархон, мавъиза жуда чўзилиб кетди, одамлар тоқатсизланипти, тўй тарқаб кетмасин, ашулангизни бошлаб юбораверинг, дейди. Мен эса отинойининг ёшлари улуғ, юзларига оёқ қўёлмайман, сабр қилсак, тугатарлар, кейин бошлармиз, деяпман. Бу ёқда бўлса, мавъизачимиз «артистар»ларнинг томорқасини чаканаям шудгор кивормаяптилар-да! Мени ахволимни-ку қўяверинг! Ўнғайсизланганимдан юрагим кинидан чиққудек, нафасим бўғзимда тикилиб қоляпти. Хуллас, тўй эгалари «Санъаткорлар ҳам бо-о-ор», дегандек ишора қилгач, отинойим истар-истамас бизга навбат бердилар. Микрофонни олиб, онажон, ассалому алайкум, авваламбор, мавъизаларингиздан Оллоҳ рози бўлсин, дедим. Ижозат берсангиз, сизга бир саволим бор эди, дедим. Қўлингизда, мана шу банда отинойи экан, беш вақт намозини ўқиб, амри маъруф, наҳийи мункар қилган экан, тўйларда шунақа мавъизалар айтган экан, тўғри жаннатга кирсин, деган «йўлланма»нгиз борми, онажон, дедим. Вой, астафтуруллоҳ, нимага унақа деяпсиз, дедилар. Шунинг учунки, дедим, сиз ҳам, биз ҳам худонинг бандасимиз, бандасининг охирати нима бўлишини фақат Оллоҳ ҳал қилади, дедим. Ким қанча яшайди, қандай ризқланади, тақдири ким билан боғланади, охири нафаси қаерда чиқади,

иймонли кетадими, иймонсизми – фақат Яратганга аён, дедим. Санъаткор тушадими дўзахга, саргарошми, отинойими, бунинг фатвосини беришга ҳақли эмасмиз, онажон, дедим. Ноумид – шайтон, бизнинг ҳам худойимдан умидимиз катта, дедим. Оллоҳ насибаимизни қўшиб қўймаса, сиз юз йил Тошкентда яшанг, мен юз йил яшай, шу бугун худди шу ерда юзлашармидик, дедим. Сизни ҳам, мени ҳам тўй эгалари чақирган. Сиз санъатга, санъаткорларга нафрат уйғотгунча, одамларнинг қўнглида исломга муҳаббат уйғотмайсизми, онажон, дедим. Кейин Одам Атонинг танасига мусиқа билан жон киритилгани ҳақидаги ривоятни айтиб бердим. Бутун тўйхона нафасини ичига ютиб ўтирибди... Отинойи гапларимдан таъсирландилар, мард эканлар, янглиш кетганларини тан олдилар. Мени кечиринг, қизим, дедилар, шунча илм ўргансам ҳам, нодонлик қилиб қўйибман, кўзим очилди... Кейин, қани, бир «Тановор»ни айтинг, дедилар-у, икки қўлларини ёзиб ўртага тушдилар...

Арзандалик арзи

Хамза театрини ё филармониянинг ансамбллари гастроль қиладими, водийга келган артист зоти албатта бизникида меҳмон бўларди. Лутфихоним, Тамарахоним, Гавҳархоним, Мукаррамахонимларни кўриб катта бўлганмиз...

1969 йил эди. Тамарахоним Марғилон боғида концерт қўйганлар. Корейсча рақс ижро этганларида аям ҳовлидан ясаб берган гулдастани Тамарахоним қанақа таъзим қилсалар, худди ўшнақа қилиб берсам, қотиб қолдилар. Бўйим кичкина, 9 яшар боламан. Ҳолатдан завқланган томошабин қарсақ чалиб, бошқатдан қайтаришни талаб қилиб ётибди. Тамарахонимнинг ҳаракатларини «копия» қилиб, ёнма-ён корейсча ўйнабман-да. Концертдан кейин ҳовлимизга киришганда, Тамарахоним зўр бериб, бу қизалоқни Москвага, хореография билим юртига олиб кетамиз, деяверсалар, роса йиғлабман кетмайман, деб. Кейин аям, энди ҳали ёш, сал каттароқ бўлсин, бир ҳаракат қилармиз, деб юмшоққина қайтарганлар. Бир қадам қўшниникига жилдиришмайди-ю, Москва нимаси!..

Маҳалламизда Пошшо эна, Момохон ая, Ҳошияхон ая деган кайвони кампирлар бўлишарди. Момохон ая – қўшнимиз, бутун маҳаллага доялик қилган, ўзининг фарзандлари ёшлигида нобуд бўлиб кетган, ёлғиз турардилар. Бизникига чиқиб, Гўзалим бугун меникида ётсин, деяверардилар. Аям эса мени қизганиб, Момохон ая, ана, қўшнимизда саккизта бола, бу бир донагина қиз-ку, ўзимга ҳам керак, дердилар. Баъзида менга, чиқавер деб қистасам ҳам, ўзинг чиқмайман дегин, аянинг биздан қўнгли қолмасин, деб шипшитиб қўярдилар. Кампирнинг пули кўп (Момохон ая одам кўрардилар; тепкини қайтарар, бепушт аёлларга муолажа қилар ва хоказо), ёлғиз яшайди, муштдеккина жони бор; худо кўрсатмасин, кечаси биров кириб... деб ваҳима қилардилар

аям. Хуллас, мени еру кўкка ишонишмасди. Ўзлари машинанинг оркасига гиламларни солиб, шоҳона ноз-неъматларни муҳайё қилиб, сўлим жойларга олиб боришса ҳам, менга татимасди. Энди ўйланганда, у ёқда синфдошларим бир автобус бўлиб кий-чув қилишиб, Арслонбобларга боришса! Лола сайли, гербарий йиғиш... Мен эса бу ёқда ота-онам қўлида тутқунман... Алам қилади-да!

Опоғдадам

Бугун устозлардан эшитиб қоламиз-да, Жўраҳон Султонов бўлмаганида Маъмуржон Узоков бўлмасди, Орифхон Ҳотамов бўлмасди, Фанижон Тошматов бўлмасди... Очилхон Отахонов, Зокиржон Эргашев, Саодат Қобулова ҳам бўлмасди, деган гапларни. Тамарахоним ҳам ўзлари ҳақидаги китобга «*Семье моего устода Журахана Султанова на память*», деб ёзиб берганлар. Марғилоннинг одамлари қандайдир кенгфеъл, олижаноб. Билмайман, Шохимардоннинг суви Марғилондан оқиб ўтгани учунми... Катта ҳофизлар, етук санъаткорлар, тадбиркорлар чиккан-да бу ердан! Юсуфжон қизик, Охунжон қизик, Маматбува Сатторов, Жўраҳон Султонов, Тамарахоним, Мухиддин Қориёқубов, Маъмуржон Узоков, Лутфихоним, Саодатхоним...

Опоғдадам вафот этганларида етти ёшда эдим. Ишлари Тошкентда бўлгани учун уч-тўрт ой оралаб Марғилонга келиб-кетиб турардилар. Мени кўп қучоқлар эдилар, эрка набиралари эдим-да. Маҳалла-қўйда, хей, фалончи, Жўраҳон Султонов келганмиш, бор, югур, қизингга тиккан кўрпачангни опчиқиб сол, табаррук қилиб олсанг-чи, дейишаркан...

Вафотларидан аввал одамлар эшигимизда неча кун турнақатор тизилиб, опоғдадамни зиёрат қилганди. Москвада Ленин мавзолейига навбатга туришади-ку, худди ўشناка бўлувди. Мен ёш боламан-да, нима бўляпти, ўзи, деб хайрон қолганман. Таъзиядан тўрт-беш кун ўтиб мактабга борсам, ўқитувчим бутун синфни оёққа қўйиб, Марғилон буюк бир инсондан жудо бўлди, Санобарнинг бобоси, Ўзбекистон халқ хофизи Жўраҳон Султонов оламдан ўтдилар, деб йиғляптилар. Биз – биринчи синф болалари, нималигини тушуниб-тушунмай бир-биримизга мўлтирашганча йиғламсигандик...

Ҳожархон бувим

Бизнинг пайтимизда Марғилонда қизлар саккизни битирса, иложи борича ўқишга жўнатмай, уйда дўши тикиш, чорси тикиш, чеварликка ўргатишарди. Маҳалламизда, айниқса, дўшидўзлар кўп эди. Мен ўғил боладан баттар шўх бўлсам ҳам (кўчамиздаги болалар билан тўп талашиб футбол ўйнардим. Қизлар холақучакам ўйнаса, негадир ғашим келарди), синийидек қиз болаларга ўхшаб куёвлар қиядиган сатин дўши тикардим.

Бувим (онамнинг оналари, Жўраҳон дадамнинг завжалари – исмлари Бувиҳожар эди), Санобархон, дарсингни қилиб бўлдингми, бекорчидан худо безор, кел, энди бичиш-тикишни ўрган, деб холи-жонимга қўймасдилар. Ўзлари ҳам бомдодга турганлари бўйи тинмасдилар: ховлидаги гулларга сув қуйиб, ўтини юлардилар. Ўсмани ҳам гул солиб эккандилар, ўзгача бир дидли хотин эдилар-да. Ўчоқда овқат қилиб, тандирда нон ёпсалар ҳам, оқ крепдешин қўйлақларига ҳеч доғ тушмасди. Хайрон қолардим. Кумушбибиникидек қилиб дурра ўрардилар, кимирламай турарди. Буви, нимага сизнинг рўмолингиз кимирламайди, менинг бошимда эса рўмол турмайди, десам, бош бўлиши керак-да, деб кулиб қўярдилар. Сўзга ўткир эдилар. Мутойиба қилиб маҳалла-қўйдаги хотин-халажнинг ичагини узсалар ҳам, ўзлари кулмасдилар. Қаттиқ кулиб юборсак, елкамизга бир туртиб қўярдилар, Пулсиротдан ўтганиндан кейин хаҳолаб куласан, дердилар. Етимнинг бошини силаб, ғарибнинг кўнглини сўраб яшаган бувижоним дарвозадан тиланиб келган лўлининг ҳам қорнини тўқлаб, устини бутлаб чиқарар эдилар. Оллоҳ раҳмат қилсин!

Марҳабо, талантлар!

Оллоёр ака деган ашула ўқитувчимиз ҳар сафар дарсга кирганда оповодадамни эслаб кўзларига ёш олардилар (у киши Жўраҳон дадамнинг ёнларида дойра чертиб юрганлар). Устамнинг набираси, устазодам, тузукмисан, уйдагилар яхшими, аям яхшимилар, деб ҳол сўрардилар. Бир куни, Санобар, Марғилонда «Марҳабо, талантлар!» деган кўрик-танлов бўляпти, сени ўша ерга олиб боришим керак, деб қолдилар. Хуллас, ўқитувчимнинг етовида конкурсда қатнашдим, ютдим, вилоят босқичидан ҳам ўтдим. 1972 йилнинг 20 майида Тошкентнинг «Баҳор» концерт залида танловнинг республика босқичи бўлди. Катта сахнада ҳам ғолиб бўлдим. Ўшанда 14 ёш эдим. Энди билсам, санъатда янги кадрлар тақчил пайтлар экан-да. Шундан кейин филармониядан менинг номимга мамлакат миқёсидаги байрам концертларида қатнашиш учун таклиф телеграммалари кела бошлади... Хуллас, санъат йўлидан кетишим тайин бўлиб қолди. 1975 йили Театр ва рассомлик санъати институтига ўқишга кирдим. Талабалик пайтимда ҳам «Куйланг, ёш хонандалар!», «Ёшлар қуйлаганда», «Назм ва наво» сингари телевизион концертларда фаол қатнашардим...

Ойбек метробекати яқинида телерадиокомпания ходимлари учун қурилган кўп қаватли уй бор, 1975 йилдан 1977 йилгача (узатилгунимча) шу ерда, 8-уй 28-хонадонда яшаганмиз, аям, дадамлар билан. Бундоқ ўйлаб қарасам, ота-онамга ҳам осон бўлмаган экан. Мени деб Тошкентга кўчиб келиб, ишларини ҳам Тошкентга ўтказиб... Дадам ҳар кун борардилар ўқишимга. Биласиз, «театральный»да сессия пайти «прогон»лар бўлади. Дадам келиб машинада кутиб ўтирардилар. Бир куни қоровулдан сўрабдилар,

II курслар ростдан шу ердами, деб. Қоровул ҳам, ха, 4-аудиторияда дарс ўтишяпти, дебди. Нимага ҳамма институтларда соат учда, тўртда, узоғи билан бешда ўқиш тугайди, сизларникида эса ярим кечагача ҳам давом этади, дебдилар. Амаки, сиз нима соҳадасиз – сўрабди қоровул. Ха, дўхтирмисиз, дўхтир бўлсангиз, булар – санъаткор, артистликнинг мана шунақа машаққатлари бор, дебдилар. Дадам қоровулни тергаб ҳам кўнгиллари жойига тушмай, тўғри аудиторияга кириб борганлар. Э, қизим-а, бу ўқишга бекор кирибсан, «ненормальный» ўқиш экан бу, дердилар қайта-қайта. Йўқ, дада, яхши ўқиш, ўзимга ёқади, худо хоҳласа, хали кўрасиз... дердим. Мана, театрда роль ўйнаб актрисаликка кетмадик, опоғдаларимизнинг изидан бориб хофиз бўлдик, катта устозларга шогирд бўлиш бахтини топдик, сизни тарбият этганларга минг раҳмат, деган таҳсинларни эшитдик, худога беҳисоб шукр.

Дуторчи қизлар – 2

1958 йили суратга олинган «Қалдирғочлар қанот қокмоқда» фильм-концерти бор, кўргансиз-а? Ўша фильмда бир гуруҳ ўзбек санъаткорлари Москвага, декадага кетишаётган бўлади. Аслида, ўшанда ҳам дуторчи қизлар ансамбли тузилган, Лутфихоним, Гавхархоним, Коммуна опалар аъзо бўлишган. Аммо «қизлар»нинг ҳаммаси рўзгорли, ўрта ёш ёки ёши ўтинқираб қолган аёллар бўлгани учун ансамбль узоқ яшамаган. Ғанижон Тошматов узоқни кўзлайдиган, ақлли одам эдилар. «Дуторчи қизлар»ни 17–18, нари борса, 20 ёшгача бўлган қизлардан тузаман, 30 ёшга тўлгунча маҳорати етилади, деб бизнинг гуруҳни ташкил қилганлар.

Мен бахтли санъаткорман десам, ҳаққим бор. Негаки, аввало, шундай забардаст хофизнинг зурриётиман. Ғанижон домла, худо раҳмат қилсин, айтардилар: «Санобар, сенинг олдинда икки хисса масъулиятлироқман. Биринчидан – шогирдимсан, иккинчидан – устозимнинг набирасисан. Шунинг учун сенга талабни қаттиқроқ қўяман. Ху, ана, юқорида сахна, опоғдаданг ҳам, мен ҳам, ҳеч қим сенга тиргак бўлиб турулмайди, чиқолсанг, ўзинг чиқасан», дердилар... Талабни қаттиқ қўйиб тўғри қилган эканлар. Водийча хаё-андиша билан балким бу даражага етолмасмидик... Санъатда сал сурбетроқ бўлган ҳам тузук, шекилли. Мен кўп нарса йўқотдим, демайман, лекин баъзи пайтларда бундоқ орқага қараганимда, э-э, мана бу ишни бундоқ қилсам бўларкан, мана бу ерда бировни эмас, ўзимни ҳам ўйласам бўларкан, бу дунёда ҳамма иши битгунча дўст экан, деб қолсан. Масалан, ансамблимизнинг яккахон қизлари телевидениеда навбатма-навбат концерт қўядиган вақтимиз менинг галим келганда, бу сафар фалончига зарурроқ эди-да, сиз кейинроқ чикарсиз, дейишса, ха, майли, деб қолганларимга ҳозир афсус қиламан.

Йўқ, менинг навбатимми – мен чиқаман, демаган эканман-да ўша пайт. Ҳаёт курашдан иборат экан-у, ахир! Оптимистроқ бўлганим учунми, бунақанги ўйинларни кўрмаганликка олиб кетаверганман. Аммо... ансамблдаги бакувват кизларнинг кўплари даврдан эрта чиқиб кетишди. Ҳақсиз чиқиб кетишди...

Фанижон домла

Салкам ўттиз йил «Дуторчи кизлар»да хизмат қилдим. Фанижон домла бир хазина эдилар, худо раҳмат қилсин. Бирор фикр айтсалар, дарров ашула дафтаримнинг бир четига қоралаб қўярдим. Шунга ҳам эътибор бериб ўтирарканлар. Мендан кейин кимдир бу гапларимдан тўплам тузиб, фан номзоди бўлади, кимдир қандоқ келган бўлса, шундоқ кетади, дердилар. Фанижон домланинг мактабидан талайгина тўқмағиз шогирдлар чиқди, қизларимизнинг ҳар қайсиси битта-битта боб энциклопедия бўлиб қолишди-да...

Фанижон домла Жўраҳон дадамлардан анча ёш бўлганлар. Фанижон, фалончини эслайсанми, десалар, йўқ, уста, у ким эди, дер эканлар, Жўраҳон дадам эса йиғлаб юборар эканлар. Ўтиб кетган ошна-оғайниларини кўрсарканлар-да! Худди ўша хол ўттиз-қирқ йил ўтиб яна такрорланди. Фанижон домланинг маҳалласига келин бўлганман, ишдан уйга бирга қайтган кезлар йўлда гаплашиб келамиз. Санобархон, фалончини эслайсанми? Йўқ, домла, десам, бошларини сарак-сарак қилиб, йиғлаб юборардилар. «Раҳматли Жўраҳон устам, ёлғизман, ёлғизман, десалар, нима, биз одаммасмизми, ёнингизда бўлсак, нукул ёлғизман дейсиз, дердик. Ўз тенгқурларини эслаб соғинаркан-да одам... Айтган одамларимнинг биттасиниям таниёлмаяпсан, сизлар энди бошқа авлод экансизлар, мана, устамни ўқситган кунлар ўзимнинг бошимга тушиб турибди», дердилар Фанижон домла...

Жуда хозиржавоб, аскияга ўткир эдилар. Бир куни ишга келиб, ассалому алайкум, домла, кизлар келишгани йўқми, десам, ҳа, келишгани – сиз-да, дейдилар! Бир ҳафта аразлаб юрибман, домла ғалатиноқ гап қилдилар-а менга, деб. Одам улфатижон бўлганидан кейин улфат қидираркан-да, кизлар билан нимани ҳам гаплашсин! Энди, устозимнинг набираси бу, аскияни тушунади, деб хонаси келиб қолганда гап ташлаганлар-да! Бир ҳафтадан кейин, қани, сиз бери келинг-чи, деб ёнларидан жой кўрсатдилар, чой қуйдилар. Хижолат бўлиб, қўйинг, домла, мен узатаман, десам, менинг яхши гапим қулоғийизда қолсин, ёмонини ўтказворўринг, дедилар анжанча оҳангда. Билиб турибман, домла менга «не то» гап қилди деб аразлаб юрибсиз, дедилар. Йўқ, домла, ундаймас, дедим ўзимни қўярга жой тополмай...

Домланинг бир одати бор эди, орада масофа пайдо бўлса, «сиз»лаб колардилар, бошқа пайт сенсираб гапирардилар. Ўша «сиз»лашларидан хушёр тортардик-да, нимадир ножўя иш қилиб қўйдикми, деб.

«Жўрахон устам айтардилар (Ғанижон домла опоғдадамни кунига камида беш марта эслардилар), – деб гап бошлардилар домла, – санъаткор ойнакка ўхшаган нарса, ойнакка сув сачраса ҳам доғ бўлади. Санъаткор ҳам шунақанги тиниқ бўлиши керак, хатосиз-доғсиз бўлиши керак, шунга ҳаракат қилинглар, кизларим...»

Олтинга қизиқмайдиган темир хотин

Қўшнига айтсанг қўшади, овулга айтсанг ошади, деган гап бор. Ҳаётнинг ўзи эсингизни киритиб қўймагунича, ёшликда алакни палак демасдан, хаммани дўст тутиб кетавераркансиз, тўхтови йўқ шамолдай... Йиллар ўтиб, турмушнинг паст-баландини кўргач, ўзингизни бир тўхтатиб оларкансиз.

Мана, ансамблда кизлар билан ишладик, ҳар хил вазиятлар бўлди. Тушқунликка тушиб қолган пайтларим индамай ичимга ютдим. Ҳокимият қўлимда, деб йўлимизни тўсишса ҳам, ноинсофлик қилишса ҳам, андишага бориб, йўқ, ундай эмас, бундай бўлиши керак, демаганман. Лекин вақт хаммасини жой-жойига қўйиб қўйди. Чиройли сабр қилсангиз, ҳисобни тўғрилайдиган пайт келаркан...

Баъзида «темир хотин» деб қўйишади мени... Ёнимда юрган созандаларим эса «шер опа» дейишади (*кулиб*). Аёл қалби гулдан ҳам нафис. Игнанинг учидек гап аёл кўнглини вайрон қилиб юбориши мумкин, айниқса, санъаткор аёлнинг. Шунга қарамай, ҳаёт тўқмоқларига дош бериб келаётганимиз учун ҳам «темир хотин» дейишса керак-да. Сен кимсан, фалончининг набирасисан, сал нотўғри юриб қўйсанг, сал нотўғри кулиб қўйсанг, дарров одамларнинг назарига тушади бу, дейишарди. Худога шукр, ёмон ном кўтармадик, биров қўли билан кўрсатмади, қаерга борсак юзимиз ёруғ. Бировдан камимиз йўқ, ошиб-тошиб кетган жойимиз ҳам йўқ... Ҳаёт ўзи тарбиялаб, ўзи рандалаб, керакли шаклни чиқариб оларкан инсондан. Мен пул, ё амал, ё шов-шув қидириб ўзимни ўтга-чўкка урган эмасман, чунки фақат тушроқ тўлдириши мумкин одамзоднинг кўзини... Олтин олма, дуо ол, дейишгани рост. Кичкиналигимдан яхшиларнинг ҳожатини чиқариш, дуо олиш пайида бўлганман. Бувижоним ёлғиз қўшнилardan хабар олгин, деб овқат сузиб берардилар, косани кўтариб қўшни ховлига чиқардим. Кекса одам бир нимага муҳтож – чанқаб ё тоби қочиб, тоқчага қўли етмай турган бўлса, ё бошқа бирор юмуши бўлса, дарров дастёрлик қилардим. Ёқиб-ёқмай эмас, жон-жаҳдим билан қилардим ўша хизматларни. Бувиҳожар бувимни турмушга бераётганларида


Турсин энам, болажоним, мана, келинликка узатиляпсиз, бекнинг кизиман деб керилманг, кибру хавога берилманг, борган жойингизда ёш-ялангга бош бўлгандан ёши улуғларга ёш бўлиб хизматини қилинг, дуосини олинг, деб насихат қилган эканлар. Ўша ўғитлар менинг ҳам қон-қонимга сингиб кетган... Ҳали-хануз бировнинг кўнглини олиб, оғирини енгил қилиб дуо эшитсам, доно бувижоним-эй, деб қўмсаб қоламан...

Ҳаёт дарси

Эллик учга чикдим. Ёши улуғлар бежиз айтишмас экан, умр – оқар дарё, бир зумда оқиб ўтиб кетади, деб. Мен ҳозирги ёшлар буни эртароқ тушунишини истайман... Яккаю ягона қизим бор, илойим, бахтимга соғ-омон, толеи баланд бўлсин. Ўртоқларим айтишади, кизларимиз сизга ўхшасин-да, Санобар, деб. Мен айтаман, илойим мендан ҳам бахтли бўлишсин. Шунақа пайтларда хурсанд бўлиб кетасан, ҳаётда кўриб келаётган кунларингга шукрона айтасан.

Мана, ҳозир Коммуна опа, Ҳадия опа – ёши улуғ устозларимиз таълим масканларида дарс беришади. Инсон ҳаётдан олиб-олиб тўлгандан кейингина бошқаларга бера олади-да. Шукрки, биз ҳам ана ўша даражага етибмиз, устозлар омонатини шогирдларга баҳоли қудрат узатаяпмиз. Шогирдларинг меҳрини сезиб турсанг, бир бошқача бўларкан-да... Дарсинг тугади, бўлди, бора қол, болам, бошқа дарсларингга ҳам улгургин, десам, йўқ, ҳамма дарсимга кириб чикдим, устоз, яна бир оз ўтирай, дейишса, жўшиб кетасан киши.

Тўғриси айтсам, мен ҳар куни китоб варақлаб ё олимлар билан учрашиб, ўз устида тинмай ишлайдиган одамлар тоифасидан эмасман. Устозлардан эшитганларим, ҳаётда кўрган-кузатганларимдан сабоқ олиб яшайвераман... Мана, қаранг, дарахт-а? Кузда барглари сарғайиб, қишда мунғайиб қолади. Шохдаги япроқ ҳам қалтир-қалтир қилиб туради-да, узилгач ҳам «тўп!» этиб ерга тушмайди. Учиб, хилпираб... кейин секингина заминга бош қўяди. Баҳор келганда ёғоч яна куртак очиб, гуллайди, барглари яшнаб, мева тугади. Инсонга қанақадир бир умид беради, яшаш, яшариш, интилишга чоғлайди. Шу битта тупроқ, битта қуёш, битта сувдан, шу-унча неъмат, а?.. Яна, олманинг мазаси бошқа, узумнинг мазаси бошқа, беҳиники бошқа. Ҳаммасининг етиладиган вақт-соати ҳам бор... Одамзод тафаккур қилиши учун, аслида, шу биттагина мисол етарли эмасми!»



АБДУЛАҲАД АБДУРАШИДОВ: «Найнинг тилини биламан»

Унинг навосига ҳатто фаришталар хиром қилади.
Оҳанги илонни ҳам тебратади. Чўпонга овунчоқ, сўфийга дарддош у. Тасаввуфда – комиллик, ҳиндуйиликда – абадият, даосизмда – даҳолик, юнон-рим аънааларида – эҳтирослар тимсоли. Ҳинду хитой, юнону япон, туркийлар учун ҳам бирдек мукаррам. Неча афсонаю ривоятларнинг «гул»и: Диониснинг ибодатлари ўшасиз ўтмайди, Мидаснинг қулоқларию Искандарнинг шохларига ҳам, Афинанинг аразию Марсий ва Аполлоннинг баҳсига-да у сабаб. Илҳом париси Эвтерпа, маъбуда Кибелаю нажоткор Кришнанинг зийнати ҳам у. Одиссейга қадду баст, Пенелопага малоҳат бахш этган ҳам ўша – Най. Осмону Замин, Ҳаёту Мамот қиёси, Жудолик ва Умид нафаси у. Шу боис замону маконда васфи баланд: Овидийнинг «Метаморфозалар»идан тортиб Форобий, Румий, Низомий, Навоий, Шекспир, Пушкин, Гюго, Лермонтов, Маяковский, Ахматова сатрларигача... Навосоз Моцарту мусаввир Рерихларнинг тинчини олган ҳам ўша – Най. Сирли, дардноку умидбахш... Алқисса, мутриби хушнавоз Абдулаҳад Абдурашидов билан найбаст суҳбатимизга ихтиёр беринг.

Моҳир созанда, Ўзбекистон халқ артисти Абдулаҳад Абдурашидов 1956 йили Марғилонда туғилган. Фарғона давлат мусиқа билим юрти (1975) ва Тошкент давлат консерваториясини (1981) тугатган. Марғилондаги «Дўстлик» болалар ансамблида бадиий раҳбар (1983–90), Ўзтелерадиокомпаниянинг Мақом ансамблида созанда (1990–2004), «Ўзбекнаво» қошидаги «Ўзбегим юлдузлари» ашула ва ракс ансамблида мусиқа раҳбари (2004–2007) сифатида фаолият юритган. Айни вақтда Ўзтелерадиокомпания қошидаги «Сайқал» чолғу ансамблида мусиқа раҳбари, шу билан бирга, Ўзбекистон давлат консерваториясида най синфи бўйича дарс беради.

Репертуаридан «Чўли Ирок», «Ёввойи Чоргоҳ», «Қаландар» каби мумтоз ва халқ чолғу куйлари, «Фигон», «Хануз», «Эй, сабо» каби ашула ва катта ашулаларнинг чолғу йўллари кенг ўрин олган. Бастакор сифатида «Най ноласи», «Нигоҳинг» каби куйлар, «Фарғона экан, дўстлар», «Марғилон атласлари», «Пайдо бўлибди» каби ашулалар муаллифи.

Франция, Англия, Германия, АҚШ, Туркия, Япония, Корея, Хитой, Миср, БАА, Сауд Арабистони каби мамлакатларда ижодий сафарларда бўлган.

*Бишнава аз най, чун ҳикоят мекунад,
Аз жудойиҳо шикоят мекунад.*

Жалолиддин Румий

– Ўйлашимча, эшитиш аъзоси инсон вужудидаги энг мўътабар муча саналади; ҳатто дийдалар ҳам қулоқлардан кейинги мақомда туради. Балки, шунинг учун Қуръони каримнинг оят ва ҳукмларида *самъ* (тинглаш аъзоси) ва *басар* (кўриш аъзоси) ёнма-ён келган асноларда *самъ* албатта олдинда бўлар? Эҳтимол, шу сабаб Оллоҳ таолонинг 99 исмидан *Самийъ* (Эшитгувчи) ва *Басийр* (Кўргувчи) сифатлари аксари ҳолларда кетма-кет тилга олинар? Эшитишнинг *беш сезги* (эшитиш, кўриш, татиш, ушлаб сезиш, ҳид билиш) таркибида аввал саналиши ҳам шунданмикан? Ҳар нечук, Имом Ғаззолий таъбирича, қалбга *даҳлизи гўш* (эшитиш даҳлизи)дан бўлак йўл йўқдир...

– Шунақа, шекилли... Мусиқа ҳам қулоқлардан ўтиб бориб юракка тегади-да...

– У ҳолда гиперглобал савол: мусиқа ўзи нима ва у нега керак?

– Мусиқанинг яралиши ҳақида бир ривоят бор, билсангиз ҳам айтмай: Оллоҳ лойдан Одам жисмини ясаб, руҳга унга киришни амр этади. Лекин руҳ қоронғу танага қамалишни истамайди. Шунда Оллоҳ фаришталарига

най чалишни буюради. Қарабсизки, мусиқа садоларидан маст рух Одамнинг танасига қандай кириб қолганини ўзи ҳам билмай қолади... Шунинг учун ҳам куй-қўшиқ эшитаётган одам ўз-ўзидан чайқалиб, ох-воҳ уради. Тушкунликка берилиб қолган пайти гўзал бир оҳанг эшитса, кўнгли ёришиб кетади. Мусиқа жон билан кирган-да! Биласизми... мусиқа инсонга керак. Одамзоднинг унга аҳтиёжи тугамайди.

– **Мусиқанинг кучли рухий-ҳиссий таъсир қувватига ҳаётда гувоҳ бўлганмисиз?**

– О-о-о... Бир шинавандамиз бор эди, раҳматли, Шавкат ака деган. Ёшлигида яхши дойрачи бўлган-у, кейинчалик бошқа соҳага ўтиб кетган. Шу одам яққа ўзим най чалсам ёки ансамбль билан ижро бошласак, нолаю қочирим авжига борган пайтлари жазавага тушиб, ўзини билмай қоларди. Мусиқа «жонидан ўтиб кетган» пайтлари: «Бўлди, бас қил, чиқ, кет!» деб қўлига тушган нарсани ирғитишдан ҳам тоймасди. Бирпасдан кейин яна ўзига келиб: «Нима аҳволга солиб қўйдиларинг мени!..» деб қоларди.

– **Консерваторияга энди кирган вақтим: у пайтлар ҳозиргидек *iPod, mp3* деган «исрофгарчилик»лар йўқ, пластинкаю кассеталар профессионал мухлислар орасида қўлма-қўл эди. Ютоқа-ютоқа, Турғун Алиматовнинг «запис»ларига етишдим-у, уйга елдим. Хонамга қамалиб олиб кассетани қўйдим. Танбур «Сегоҳ»ни чертяпти... Кейин «Сато ноласи» бошланди. Куй ўртасига келганда чидолмай хўнграб юбордим... Охири магнитофонни ўчириб қўйдим. Юрагим кўтаролмади-да бу нола-фарёдни! Ишонсангиз, анча вақтгача танбур-сатодан безиллаб юрдим...**

– Э-э-э...Уста кўпчиликни йиғлатган... Ўзимиз ҳам у кишининг «дастидан» кў-ў-ўп дард чекканмиз. Мусиқанинг, маҳоратнинг кучини айтаман-да. Билим юртида, консерваторияда ўқиб юрган пайтларим сизга ўхшаб, мусиқа қўйволиб йиғлайверардим. Оғайнилар «Ха, бунча энди!» дейишиб қолса, «Сенлар тушунмайсан», деб хилватга қочардим...

Мирза ва Тожибар Азизовларнинг Абдулазиз деган ўғли бор. Шу бола 5 яшарлигида «Чўли Ироқ»ни эшита туриб, «Ўчиринг, ая, мусиқани ўчиринг! Эшитолмайман!» деб йиғлаб юборибди... Қаранг, шу муштдек нарса мусиқанинг сеҳрини сезган... Ўзим ҳам гоҳи най чалиб туриб йиғлаб қоламан. Айниқса, мухлиснинг кўзида ёш милтилласа... чидолмай кетаман.

– **Най, биласиз, сўфийларнинг маросимларида ҳам иззат топган. *Мавлавийя* тариқатида бу қолғу алоҳида мақомга эга бўлгани маълум. Мавлоно Румий найни сўфийлик рамзи, комил инсон тимсоли деб билади. Қаранг: найнинг қомати тик, комил инсоннинг ҳам хулқи тўғри. Найнинг сари ичида, сўфийнинг камолоти ҳам ботиний...**

– Ўзи бир қамиш, сув бўйида мағрур ўсади. Кейин кимдир келиб поясидан кесади-ю, ватанидан жудо қилади. Яна, бағрини тешиб най қилади. Кейин пуфлаб, ичини дардга тўлдириб ташлайди. Инсон нидосига қамиш ҳам чидолмай ёрилиб кетади...

– **Тинглагил, най не ҳикоят айлағай,
Айрилиқлардан шикоят айлағай,** –

деб бошланади «Маснавийи маънавий». Румийнинг талқинича, най – аслидан айрилган ва муттасил аслига интиладиган рух. Яъни, кесилгунича гашту роҳатда яшаган қамиш томиридан узилгач, қақшади. Комил инсоннинг руҳи ҳам Олами улвийда беҳад маънавий ҳаловатда яшар эди, энди эса азиятлар тўла заминга тушди... Айтмоқчи, найни бамбук (хинд қамиши, Навоий уни *хайзарон* деб атайти), ёғоч, дандон, суяк, жез ва мисдан ҳам ясайдилар. Садоланишида фарқ бордир?

– Бор. Ҳозир най ясайдиган усталар ҳам камайиб кетган. Най учун қамишнинг Сухуми, Батумида ўсадиган алоҳида нави керак, у ҳам анқонинг уруғи бўлиб қолган. Ҳиндистондан келтирилган бамбук бизга унча тўғри келмайди: сал қаттиқроқ пуфласангиз, ёрилиб кетади. Қўлимдаги найни устоз найчи, раҳматли Наби Халилов ясаганлар (у киши Муқимий театрининг дирижёри бўлган, айни пайтда най ҳам ясаб турардилар). Уста жуда янгиликпарвар эдилар: пластмасса, темир, алюминийдан ҳам най қилдилар, ҳатто созлансин учун ўртасидан бўлинадиганини ҳам ясадилар. Лекин... қамиш най бахмалдек товуш беради-да! Бошқалариники бунчалик эмас.

Қамиш асли жуда қаттиқ материал, унча-мунчага синмайди ҳам. Шунинг учун уй қуришда ҳам ундан кўп фойдаланишади. Аммо одамнинг дарду нафасини қарангки, шу пишиқ нарсаниям синдирворяпти-да!

– **Нечта най синдиргансиз?**

– Синдирганимнинг сонини билмайман-у, кўп йўқотганман. Чунки бу ихчам соз, бир жойга қўясиз-у, кейин унутиб кетасиз-да. Наби акадан роса танбех эшитганман, «Созга эҳтиёт бўлмайдами созанда деган!» дердилар.

– **Сознинг сифати ижрочининг маҳоратига қанчалик таъсир кўрсатади?**

– Менимча, гап созда эмас, созандада. Унга худо юктирган бўлиши керак. Устозимиз, раҳматли Махмуд Муҳамедов най танламасди, дуч келган созда маҳоратини кўрсата оларди. Биласизми, чолғуни «ўзингизга ўргатиб» олиш учун вақт ва кўникма керак. Найнинг «тил»ини тушуниб олсангиз бас – хоҳлаганингиздек гапиртираверасиз...

– **Сиз қанча муддатда «гапиртиргансиз»?**

– Мен ўзи болаликда дойра чалиб юардим. Кейин дадам билим юртига етаклаб борганлар. Дойрадан «беш» олиб ўқишга кирганман. Сентябрда дарсга борсам, домлалар: «Дойрадан ўқитувчи йўқ, ука, энди найда ўқийсиз», деса борми! «Э, қўйсаларинг-чи!» деб кетворганман. Дадам уч ой деганда кўндириб, қайтариб опкелган. Шундай қилиб, бошқалардан уч-тўрт ой кечроқ най пуфлай бошладим. Бирпасда ўзлаштириб, концертларга ҳам чиқиб кетдим...

– **«Сандонда теккан»-да...**

– Шунакамикан, деб қоламан... Йигит кишига етмиш хунар оз дейишиб, бола вақтим мени темирчи тоғаваччаларимга шогирд беришган. Бир куни устахонадан қайтувдим, ачам чақириб қолдилар. «Ха», десам, «Болам, ишлаб бўлгандан кейин сандонни ўпиб қўйяпсизми?» дедилар. «Нега ўпарканман?» дедим. «Қоидаси шунақа, ишни тугатгандан кейин ҳаммаёқни супуриб-тозалаб, чанг-чунгини артиб, сандонни ўпиб қўйиш керак», дедилар. «Ие, бўпти-да бўлмасам», деб эртасигаёқ ичим қизиб сандонни ўпибман-да! Жонивор ҳали совимаган экан, лабимни жизиллатиб олдим-ку... Оғзи-бурнимни пуфак қилиб, қовоғимни уйганча тўғри ачамнинг олдиларига бордим. Роса кулдилар...

– **Най чалиш учун алоҳида жисмоний талаблар борми?**

– Албатта. Спорт билан шуғулланиш керак, айниқса, югуриш жуда фойдали. Чунки «иккинчи нафас йўли» очилади. Авжи баланд куйларда нафас олмай чалиб ўтиб кетиладиган жойлари бўлади; шинаванда ўшани кутиб туради. Шунда жисмоний тайёргарлигингиз кор қилади. Най чалаётганда асосан ўпка ишлайди. Нафас тўғри юргизилса, ўпка ҳам шунча ривожланиб боради. Кейин... юракни ҳам ишга соласиз-да. Юрак ишламаса, нола қилолмайсиз, шинавандадан «отанга раҳмат» ололмайсиз...

– **Мухлисларингиз сони ва сифати тўғрисида ўйлаганмисиз?**

– Санъаткор мухлисни деб яшайди. Биласизми, тингловчидан «Раҳмат-эй, маза қилдим!» деган гапни эшитиш катта бир унвон. Қаерда олқиш оларканман, мухлисининг кўзида бир ёш қалқитарканман деб яшайсиз-да! Юсуфжон қизиқ, Жўраҳон ака – катта устозлар кўп уқтиришган: сен ижро этадиган даврада ҳар хил одам бўлади: олиму ошпаз, деҳқону нонвой... Тингловчини танлаш сенинг ихтиёрингга эмас. Юзта одам ичида биттаси берилиб тинглаётган бўлса, ўша учун чалишинг керак... Шу ўғитга амал қиламан.

– **Мусиқанинг таъсири ўша тингловчининг табиати, савиясига ҳам боғлиқ-ку... Мусиқий диди баланд одамларни мен худо сийлаган кишилар деб биламан.**

– Тўғри, мусиқанинг ёкиш-ёқмаслиги одамнинг феъл-атвори, қобилиятига боғлиқ. Масалан, «Чўли Ироқ»нинг «маза»сини тушунолган тингловчи «дод» дейди. Куй ва ижронинг фарқига бормайдиган одам эса бир эснаб қўя қолади. Ичингиз тилиниб ўтади-ю... чидайсиз. Мусиқанинг асил шинавандаларини мен бахтли инсонлар деб ҳисоблайман.

– **Шинавандалик бобида марғилонликларга етадигани борми?**

– Ҳа, энди... Марғилон санъат, мусиқа бобида мактаб кўрган-да! Юсуфжон кизик, Жўрахон ака, Маъмуржон ака, Тамарахоним, Берта опа, Саодат опалардек буюк устозлар ўша ердан етишиб чиккан. Яқин-яқингача «манаман» деган санъаткор Марғилонга бориб битта тўйни ўтказишга орзуманд эди: марғилонликларнинг назарига тушармиканман, дуосини олармиканман, дерди, чунки шинавандаларнинг талаби баланд-да. Муомала маданияти ҳам юқори. Мабодо «айб» қилиб қўйсангиз, кўнглингизни оғритмайдиган қилиб, «Уэр, фалон жойида фалон сўз янглиш айтилди, ёки чалишда сал йўлдан чиқиб кетилди, кейинги сафар шу ерини мана бундай қилиб тўғрилаб кетсалар», деб қўйишади. Марғилонда туғилганимдан бахтиёрман.

– **Қачондан ўзингизни «артист» деб ҳис қила бошлагансиз?**

– 1980-йиллардан бўлса керак. Фуломжон Ёқубов билан сахнага чиқиб, сафдош бўлиб юрган пайтларим. «Мен ҳам энди шуларнинг сафига кирибман-да. Демак, буёғи энди фақат меҳнат, тинмай ишлашим керак» деган масъулиятни ўшанда сезганман.

– **Таваккал Қодиров, Фаттоххон Мамадалиев, Фуломжон Ёқубов, Шерали Жўраев, Жўрабек Набиев, Абдухошим Исмоилов каби атоқли санъаткорларга кўп йиллар жўрнавозлик қилгансиз. Санъат аҳлининг ховури баланд: муросасиз вазиятлар ҳам бўлгандир?**

– Бусиз мумкинмас. Санъат ҳам ҳаёт-да! Лекин бизда устоз-шогирд деган гаплар бор. Андиша, парда деган тушунчалар бор. Бизнинг авлод бу анъанани маҳкам ушлаган. Лекин ҳозирги ёшларнинг бети қаттиқроқми... Устозининг олдига «от солвориш»дан ҳам тоймаяпти-да. Бир-икки шогирдларимиз ҳам шундай қилишди. Ичимдан нима ўтса ўтди, лекин ўзига билдирмадим. Устозини норози қилган шогирднинг косаси оқармаслигини билмайди-да булар...

– **Қундалик фаолиятингиз меъдага урадиган пайтлар бўладими? Мусиқа ҳам, мусиқачилик ҳам аллақачон жонга теккан, лекин бу ҳақда оғиз очмайсиз – чунки бу – касбингиз...**

– Агар шундай ҳолатга тушиб қолинса, бунга савиясиз аудитория сабаб бўлади. Илҳом ҳам йўқ, шунчаки номига чалиняпти, холос. Шунда, қанийди, муҳлисларим етти ёшдан етмишгача бўлса-ю, ҳаммаси битта қуйни талаб қилса, ўзаро келишибмас, ўз-ўзидан тилаги бир хил чиқиб қолса, дейсан... Аммо, афсуски, ҳамманинг кўнглини бирдек олиб бўлмайди.

– **Ўзингизнинг мусиқангизни «харидоргир» деб биласизми?**

– Қаранг: масалан, савдогар молини ўтказиш учун қанча жон койитади? Санъаткор ҳам савдогардек бир гап, дангалини айтганда. Эски устозларимиз айтган, халқнинг, мухлисларнинг ихтиёридасан, нимани сўраса ўшани беришинг керак. Чунки пулини тўлаган киши мусикасиниям буюради-да. Сен мухлиснинг чўнтагига қараб турасан. Меҳнатинг баҳосини ўша «буюртмачи» белгилайди. Бунинг номи тирикчилик; нафақат санъаткорга, бошқа соҳа вакилларига ҳам, ҳаммага пул керак. Эътибор берсангиз, дунёда ҳар ким ўзининг харидори учун ишлайди.

– **«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида созандалар таркибида доим иштирок этасиз. Бу гал бир қизалоқни эргаштириб юргандек бўлдингиз?..**

– «Шарқ тароналари»дан ҳар сафар юзимиз ёруғ қайтамыз. Бу йил Матлуба Дадабоева билан бориб, биринчи ўринни олиб келдик. Фестивалга Меҳринигор қизимни ҳам олиб боргандим. Аяси Турсунойхон билан 1971 йили Фарғона мусиқа ўқув юртига бирга ўқишга кирганмиз. У – дуторчи. Педагогика институтини ҳам шу ихтисослик бўйича битириб, йигирма беш йил Марғилон педагогика билим юртида ишлади.

Кенжатайимиз ўн ёшга тўлди – жуда бир олов-да. Фестивалдан ташқари чиройли мусиқий давралар бўлади, биласиз, шунда бир араб созандаси табласини келтириб қўйди, Меҳринигор унинг устида эронча, арабча оҳангларга рақс тушди, десангиз. Чет элдан келган бир раққоса билан ҳам роса «шоҳ ташлашди». Ҳамма қойил қолди.

– **Энди... профессионал давраларнинг гашти бошқача-да...**

– «Чўли Ироқ»ни чалсам, хиндми, эронийми, арабми, қаршимда таъзим қилиб, қўлимни ўпиб кетади...

– **Санъатда ҳеч қачон қуламайдиган устунлар борми? Одамлар Навоий, Шекспир ёки Толстойни қандай ўқисалар, опера ёки мақомни ҳам шундай эшитадиларми? Аркони санъат...**

– ...бор. Юз йилда ҳам эскирмайдиган санъаткорлар бор. Юнус Ражабий, Комилжон Отаниёзов, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Орифхон Ҳотамов... Булар санъатимизнинг устунлари бўлиб тураверади.

– **Ҳаёт сиз учун нима дегани?**

– Ҳаёт бу мактаб экан. Биз – ўқувчи. Кимдир «беш», кимдир «тўрт», кимдир пастрок баҳо оларкан имтиҳонларда. Кутган нарсаларингизнинг ҳаммаси ҳам амалга ошавермас экан-у, қутилмаганда марҳамат кўрар экансиз. Ҳаёт бу – сабр. Ақлли инсон армонларини унутишга ҳаракат қилиб яшайверар экан...

– **Бахтлимисиз?**

– *(кўзлар ерга қадалган, жимлик)* 1990-йиллар. Радиокомитетда Наврўз байрами нишонланяпти. Шундоқ кирсам, Турғун Алиматов ўтирган эканлар. «Ассалому алайкум, уста», дедим. «Ха, лаббай», дедилар... Ёнма-ён еб-ичиб ўтириб, тилимиз ечилди. «Хар бир санъаткорнинг тан берган санъаткори бўлади. Менинг тан берган санъаткорим сизсиз... Билим юртида ҳам эшитиб йиғлайверардим, консерваторияда ҳам, ҳозир ҳам куйларингизни йиғлаб эшитаман, уста», дедим. Турғун ака секин бош силкиб киприк қоқиб кўйдилар. Бир махал сахнада менга навбат бериб қолишди. Устадан узр сўраб, сахнага юрдим. Сел бўлиб чалдим ўзиям... Ижрони тугатиб, секин жойимга қайтсам, устанинг кўзлари жикқа ёш. «Олдин биз сизни йиғлатувдикми... энди сиз бизни йиғлатдингиз...» десалар бўладими! «Дод» деворай дедим! Турғун ака бундай гапни ҳали ҳеч кимга айтмаган, нахот, шу эътирофга мен лойиқ топилган бўлсам-а?! Эй, худо, ўзингга шукр, дедим. Бахтли инсон эканман...

2009



САЙЁРА НАЗИРОВА

Бахт ҳақида фалсафа

*Жило берди куйларимга
Марғилоннинг ипаклари.
Чирой бўлди кўйлагимга
Шафтолизор чечаклари...*

Қулоғимизда элас-элас янграётган бу кўшиқ матнини шоир Пўлат Мўмин «Марғилонлик қизимга атаб ёзиб келдим», дея Сайёрага тақдим этганди.

Ўшанда 14 яшар қиз кўшиқни «Куйланг, ёш хонандалар» телевизион кўрик-танловининг якуний босқичида ижро этиб, ғолиб бўлганди.

Етти ёшида «Санъат байрами»да қатнашиб, шаҳар, вилоят, республика миқёсигача чиққан бу ёқимтой қизалоқ пойтахтдаги Свердлов номидаги концерт залида голиблар қаторида куйлади. Ҳайъат аъзолари орасида ўтирган телевидение жонкуярларининг назарига тушиб, бирин-бирин «Санъат гунчалари», «Юлдузча», «Бойчечак» телекўрсатувларининг қаҳрамонига айланди. Кейин уни «Қизлар давраси», «Гулшан аро гулчехралар», «Куйланг, ёш хонандалар», «Ўзбекистон куйлагай» каби қатор телевизион лойиҳаларга таклиф этишди.

Сайёра Назирова «Марҳабо, талантлар!»да чиққан пайти 7-синф ўқувчиси эди; ёши етмагани боис танловдан ташқари куйлади. Ўшанда бадий кенгаш аъзоси, атоқли санъаткор Саодат Қобулова унга тўғридан-тўғри, соз жўрлигисиз «Тановор»ни айтириб кўриб, оқ фотиҳа берганди...

«Кўриб турганингиздек, хушхон-хушчақчақ, ҳамма билан тил топишиб кетаверадиган Сайёраман. Давраларга тез киришаман, мухими, ўзимни хафа қилдириб қўймайман. Баъзиларга ўхшаб «кайфият кишиси» эмасман, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзимни идора қила оламан.

Онамнинг исми Турғуной, оилада ўн бешинчи қиз турган-да. Мени уйда туғиб қўйганлар. У пайтлари хонадонларда телефон йўқ, отам ишда, онамни эса бирдан дард тутиб қолган. Марғилон кичкина шаҳар, ҳамма бир-бирини танийди. Шунда ҳам то отамга хабар етиб, то у киши почтага югуриб, «Тез ёрдам»ни чақиргунича онамнинг кўзи ёриб бўлган. «Тез ёрдам» билан келган ўрис доя: «Ой, Тонечка (Турғуной), как звонко плачет твоя девочка, а!.. Вот увидешь, она станет певицей», деган экан...

Ёшлигимда Ҳабиба Охуновага кўп ҳавас қилганман, бу санъаткор каби ипакдай кўшиқлар куйлагим келган. Айтадилар-ку, орзунинг ўзиёқ ғалабанинг бошланиши деб... «Муножот», «Чўли Ироқ», «Адолат танавори»... Ё бўлмасам, онамдан кўп эшитганларим:

*Беқасам тўнлар кийиб, бунча мени куйдурасан,
Ҳар замонда бир келиб, воҳ, беажал ўлдурасан...*

ёки:

*Сумбулаю сумбула,
Ўраб олай гул билан.
Мани кўнглим сиз билан-о,
Сиз кетасиз ким билан...*

Қаранг оҳангини! Дардини қаранг... Биласизми, ҳаёт карвони ўтавераркан-у, одамларнинг дарду армонлари эскирмас экан. Мехр-муҳаббат, изтироблар... Инсоний туйғулар ўзгармас экан.

Мана, замон ўзгарди. Замонга яраша ҳамма нарса, инсонларнинг ҳаётга қараши ҳам ўзгарди. Аёл ҳам, унга муносабат ҳам ўзгарди. «Замонавий аёл» деган гапни бугун кўп эшитадиган бўлиб қолдик. Буни ҳар ким ўзича талқин қилади. Кимдир илми, зиёли аёлни замонавий деса, кимдир тадбиркор, удабурон аёлни тушунади. Менинг назаримда, замонавий аёлда илм ҳам, тадбиркорлик ҳам бўлиши керак.

Аёл – энг аввало она. Унинг меҳри, муҳаббати, маданияти, салоҳияти АВВАЛО ФАРЗАНДЛАРИ УЧУН керак. Тарихга назар солсак, буюкларнинг камолга етишида оналарнинг роли жуда катта бўлган. Қолаверса, меҳр кўрган инсонгина бошқаларга меҳр кўргиза олади. Афсуски, замонавий аёлларимиз иш билан кўпроқ банд бўлиб қолишяпти. Фарзандларга эса энага қараяпти. Бир куни кизик манзаранинг гувоҳи бўлдим. Шаҳримиз боғларидан бирида оиламиз билан хордик чиқаряпмиз. Нарироқда – она-болалар: кичиклар катталардан тушунмаган масалаларини сўраяпти. Болалар орасида биттаси ҳадеб инжиқлик қияпти, ёнидагиларга силтаняпти. Секи-ин кузатдим. Билсам, ўша бола сайр учун онаси билан эмас, энагаси билан чиққан экан. Кўрдингизми, биз нимадир топамиз деб, энг муҳим бойлигимиз – фарзандларимиз меҳрини йўқотяпмиз...

Умр йўлининг ҳар хил довлари, сўқмоқлари, боши берк кўчалари бўларкан. Шу йўлни босиб ўтишда ижодимда бир тўхташ бўлди, бунинг муайян сабаблари бор... Лекин барибир қайтдим. Санъатга, муҳлислар қуршовига қайтдим. Очиғини айтсам, ўтган ишга надомат чекиб ўтириш менга бегона. Бўлар иш бўлди, энди олдинга интилиш керак.

Бугунги кунда қўлингдан келса, қойил қилолсанг – ижрочи бўл, келмаса – тингловчи бўл. Нима дедингиз! Қолаверса, тингловчилик дидингизга қараб ички оламингизга баҳо бериш мумкин. Тинглай билиш ҳам катта истеъдод, сингилжоним.

Инсон ҳаётида мураккабликлар кўп. Гоҳида кўнгилга қулоқ тутуди, гоҳида эса вазиятга қараб иш тутуди. Ўзимни чеклаган пайтларим кўп бўлган, бунинг эвазига йўқотишлар ҳам қилдим... Лекин барибир... «қўлингга ишон-у, қалбинг билан яша» тамойилига амал қилиб умр кечираман.

Турмуш – мушт, дейишади. Умр йўлдошим билан орамизда ҳеч қилишмовчилик чикмаган десам, ёлғон гапирган бўламан. Рўзгорнинг дасту баланди бўлади-да! Аммо мен майда фиди-бидиларни фожиага айлантириб ўтирмайман. Ҳар кимга инсоф тилаб, мақсадларим сари кетавераман. Беайб – Парвардигор, эркакнинг ҳам, аёлнинг ҳам ўзига яраша феъли бор. Аммо бир-бировингиздан хархашалардан устунроқ фазилатларни топа олсангиз – олам гулистон.

Раҳматли отамнинг Тошкентга олиб келган пайтларини энтиқиб эслайман. Қўшиқ танловларидаги чиқишларим... Э-э-эх!.. Ўша лаҳзаларни ёдга олсам, яна яшагим келади. Отажонимнинг орзулари ҳаққи-хурмати учун ҳам куйлагим келади.

Тирикмисан – демак, ҳали ҳаммаси олдинда! Бу – менинг шиорим. Бугунгача эришганларимдан қониқмайман. Ижодкор ўзидан қониқдим, бу – унинг тўхтагани. Тўғри, ижод йўлимда бир муддат узилиш бўлди, аммо бундан афсус чекмайман. Чунки ҳозир ҳам қаерга борсам, Сайёра Назирова деб иззат-икром қилишади. Қўшиқларим билан мухлислар кўнглига, оз бўлса-да, йўл топа олганимдан бахтиёрман.

Жамиятда, одамлар орасида яшаяпсизми, албатта, унинг талаблари билан ҳисоблашасиз. Кўнглингизга келган ишни қилишингиз аҳмоқлик бўлгани каби, ҳаммага ёқишни исташ ҳам ақлдан эмас. Аммо шу чексизликлар, нисбийликлар орасида меъёр топа билсангиз, демак, сиз тўғри яшаяпсиз, дўстим...

Бугун молу давлатни ҳамма нарсадан устун қўядиган одамлар кўпайиб кетди. Шундайлар даврасига тушиб қолсам, ич-ичимдан зил кетаман. Пул керак, мамлакат учун ҳам бой-бадавлат кишилар керак. Аммо бу жамиятнинг фаровонлиги, унинг маданий тараққиёти учун хизмат қилиши лозим, инсонийликни йўқотиш учун эмас! Аччиқ бўлса ҳам айтаман, уни алдаб, буни алдаб бойлик орттираётганларни уздабурон дегувчилар, бундайларга ҳавас қилгувчилар кўпайди. Бу фарзандларимиз тарбиясига қанчалик таъсир этишини биласизми! Катталар шундайларни намуна қилиб кўрсатгач, болалар нима қилсин! Ахир, тарбиянинг асоси болани нима яхшию нима ёмонлигига ишонтира билиш-ку! Қадрли ота-оналар, опа-сингилларим, келажагимизга болта урманг... Бизга, жамиятимизга энг аввало НАЗАРИ ТЎҚ, ҚАЛБИ БОЙ инсонлар керак. Миллатни, мамлакатни мана шундай инсонлар асрайди, юксалтиради.

Хаёт қизиг-а... Яхши-ёмонни англаган, инсон қадрини билган пайтингизда, мурувват кўрсатиш даражасида қўлингиз узайган паллада ота-онангиз, меҳрибонларингиз йўқ. Улар тилаган меҳрни бера олдиммикан, деган саволдан ўртаниб кетасан... Дилдаги гап: инсон ёлғиз қолиши керак эмас. Инсонга дарддош керак. Шукр, яқинларим, ҳаддим сифадиган самимий дўстларим бор...

Инсон борки, хато қилади. Гап йўл қўйилган хатода эмас, унинг хатолигини тушуниб етишда, нажот йўлини излашда. Очиги, бу жиҳатдан ўзимдан хафа бўлган жойларим ҳам бор, лекин хато қилмасликка ҳаракат қиламан. Бошқаларнинг хатосини санаб, саннаб юрмайман, унутаман, вассалом. Гина-кудурат менга хос эмас. Яхшиси, юзига шартта айтаман-да, орани очиқ қилиб оламан. Инсон кечиримли бўлиши керак. Худо кечиради, биз ахир бандамиз-ку!

Бировнинг дилини овритиб қўйишдан қўрқаман. Бир инсоннинг қўнглини шод этиш Каъбани обод этиш билан баробар, дейишади-ку. Эътибор қилинг-а, инсон бу дунёдан ўтгач, унинг мол-давлати, «иномарка»си ёки унвони ёдга олинмайди. Яхшиликлари эсланади. Бу эса ҳар бандага ҳам насиб этавермайди...


Хаётда мен учун энг муҳими – хотиржамлик, тоза виждон билан яшаш. Чунки хаёт – олий неъмат. Оллоҳ бир юмуш, вазифани муносиб қўргани учун ҳам бизни бу бахтдан бахраманд этади. Болалик – подшолик, ота-она меҳри, беғубор орзулар... Ёшлик – муҳаббат, гўзаллик, куч-қувватга тўла бахтиёр дамлар... Ёр васли, оналик бахти, фарзанд камолини кўриш, набираларнинг ширин сўзини эшитиш... Қай бир хислатингиз билан инсонларга қувонч улашиш... Бундан ортиқ яна нима керак инсон учун! Йўл ора-лаб учрайдиган ташвишлар табиий бир сабоқ. Бехисоб неъматларни улардан устун қўя олиш эса катта бахт. Бахтни ҳис эта олиш, қўра олиш, умрнинг ҳар бир дақиқасига нафосат ва мазмун бахш эта олиш – шукроналик.

Хаётда мен кашф этган фалсафа жуда оддий: ўзинг ўзингни бахтли қила ол. Биз кўпинча ўзгалардан меҳр-мурувват кутамиз. Гўёки ташқаридан кимдир келиб бизга қувонч ҳада этади. Йўқ, бундай бўлмайди. Қувончни ўзимиз яратишимиз зарур. Устозларимдан бири бахт – баркаш тўла тилло дегани эмас, баркашни тиллоларга ўзинг тўлдирасан, қизим, деган эди. Ўшанда жуда ёш эдим, бу гапдан хайратланганман. Энди эса устозимнинг сўзлари хаёт ҳақиқати эканига иқрорман. Баъзан кўча-кўйда арзимаган нарсалардан фожиа ясаб, хуноб бўлиб юрган одамларни кўрасиз. Ахир, бемахал ўлим, бедаво дарддан бўлак ҳамма нарсанинг чораси бор-ку.

Дунёни ўзгартириб бўлмайди. Аммо инсонни ўзгартириш мумкин, агар буни ўзи истаса. Хаётга гоҳида чуқур фалсафа билан, гоҳида эса мураккаблаштирмасдан қараш лозим. Бир таниш синглимиз бор эди. Нега дунё бунақа, нега одамлар шунақа, мен бундай муҳитда яшай олмайман, деб хаётидан жуда кўп нолир, атрофидаги одамларни, хаёт оқимини ўзгартираман деб асабини, кучини беҳуда сарф этарди. Охиросқибат, соғлиғини йўқотди. Энг ёмони, турмушида ҳеч нима ўзгаргани йўқ. Психологлар бежиз айтмайди: инсон хаётга мослашувчан бўлиши керак. Мослашувчан бўл, дегани ҳамма нарсдан кўз юмиб ўт, дегани эмас; балки вазиятга, атрофингдагиларнинг феълига қараб қадам ташла, муомала қил, аммо ўзингнинг асл мақсадларингдан чекинма, дегани.

Ҳар бир ишни яхшиликка йўй, болам, дердилар бувим. Ростдан ҳам, ҳақдан изласангиз ҳақмат, иллат изласангиз иллат топасиз. Мен бугун хаётимдан шукр қиламан. Шукр қилмасам, гуноҳ бўлар. Чунки оилам – ўлим ва келиним, иккита набирам бор – қувончим, бахтим бор. Оилам мен учун ҳаммасидан муҳим. Лекин севган касбимдан ҳам кечолмайман...»

2009



ЗАФАР ҚУРБОНБОЕВ

Қирқ ёш қабариклари

Қирқида қуриган, қирқида қутурган дарёлар...
Қирқида қўриган, қирқида қулаган чўққилар...
Қирқида қайнаган, қирқида қуюлган кўнгиллар...
Қирқида қоқилган, қирқида отилган қадамлар...
Қирқида қирқилган, қирқида қизиган кўшиқлар...
Қирқида қариган, қирқида қайралган умрлар...
Ҳаёт ҳам бамисли бир кўшиқ, қирқ ёш унинг
авж пардасидир.
Кўшиқ авжини ола билиш ёки ололмаслик эса
ҳофизга тан.

Зафар Қурбонбоев, Хоразмда овозаси кетган хонанда, созанда, республика миқёсидаги мусиқий танловлар лауреати. 1970 йили Урганчда туғилган.

Айни вақтда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Хоразм вилоят бўлимнинг яккахони. Оилали, беш фарзанднинг отаси.

– Профессионал муסיқачилар яхши билади; республика миқёсидаги муסיқий танловларда «Харратовни боллари» (Матюсуф Харратов номидаги Урганч санъат билим юрти ўқувчилари) доим кучли чиқиш қилишарди. Сиз ҳам ўша билим юридан чиққанмисиз?

– Ҳовва. Урганчда аввал Комилжон Отаниёзов номидаги болалар муסיқа мактабида ўқидим, фортепиано синфида. Кўрсаткичларим яхши бўлгани учун етти йиллик ўқишни олти йилда битирдим. Синфдан синфга «сақрадим»-да. Кейин Харратов номидаги санъат билим юртига ўқишга кирдим. Бу ерда ҳам фортепиано чалдим.

– Лекин консерваторияга анъанавий ижрочилик йўналишида кирдингиз?..

– Шундай бўлди. Ҳамма хайрон, нега бу бола фортепианоси бу ёқда қолиб, мақомга ўқишга кирди, деб.

– Мақом айтиб юрармидингиз ўша пайтлари?

– Унча-мунча... Тўйларда аккордеон чалиб ашула айтардим.

– Консерватория – жиддий даргоҳ, хужжат топширганингизда муаммо бўлмадими, ҳар қалай пианистнинг ашулачиликка (академик вокал бўлса ҳам майли эди!) даъво қилиши галати-да...

– Бўлди. Имтиҳон вақтида. Ҳайъат аъзолари орасида Саодат Қобулова ҳам бор эди; қаттиқ эътироз қилди: «Нима учун фортепианони шундай вазитжалар билан битирган бола анъанавий ижрочилиқда ўқиши керак, пианист қандай қилиб ашулачи бўлсин, таянч маълумоти вокалдан эмас, постановкаси йўқ, бошқаси йўқ...»

– Кейин-чи?

– Кейин эса ашула айттириб кўрдилар...

– Қайси ашулани айтгансиз?

– «Гулузорим»ни (*куйлай бошлайди*): «Эй, гулузо-орим, вой-ей, раҳм айла нигор-орим, эй гулузо-орим, вой-ей, бергил жавоби-им... Кўй-ўйма мени-и-и зор йиғлатиб, нигорим...» Хуллас, имтиҳон қилинган ишғирма олти нафар талабгордан иккитаси ўтди. У ҳам бўлса, Сойиб Ўзбекистон халқ ҳофизи Сойибжон Ниёзов – *муал.*) билан мен.

– Қандай қилиб Фаттоҳхон ҳофизнинг шогирди бўлиб қолдингиз?

– Бу ҳам толе-да... Катта танаффус вақти коридорда турувдик. «Ие, Фаттоҳхон ака келяпти, қара, ана-ана, Фаттоҳхон Мамадалиев!» деб қолди ёнимдаги дўстим. Мен ҳофизга зимдан мухлис эдим, ҳаётда у кишини кўрмагандим. Во-ей, шундоқ санъаткор-а! Юрагим дукурлаб кетди. Не кўз билан кўрайки, Фаттоҳхон ака биз томонга қараб келяпти. «Улуғ, у сенга қараяптими, менгами?» деб сўрайман дўстимдан (хонанда ва созанда Улуғбек Отажоновдан – муал.). «Билмасам, – дейди Улуғ, – кел, икки тарафга қараб юрайлик, маълум бўлади». Шундай қилдик. Қарасам, уста ҳофиз тўғри мен томонга келяпти. Ҳеч кўз узмайди. Нафасим тикилиб қолди. Фаттоҳхон ака бир-бир босиб ёнимдан ўтди. Ҳаяжон ичи салом бериб, орқасидан қараб қолдим. Дарсхонага қирай деганида қайрилиб яна бир қаради. Юрагим шиф-ф этиб кетди. Дўстимга айтаман, «Нима учун менга қаради у?» «Ким билсин, кўзига иссиқ кўрингандирсан», дейди Улуғ...

Кейин Фаттоҳхон домла бизни – Шарқ муסיқаси факультетининг анъанавий ижрочилик йўналиши талабаларини кафедрага йиғди. Беш-ўн талабгорга ашула айттириб кўриб, мана шу кичкина (жуссам ихчам эди-да) билан Азаматни (у ҳам Хоразмдан) ўзим ўқитаман, деди. Ҳайрон қолдик. Орамизда овози бақувват водийлик болалар ҳам бор, лекин уста негадир икки хоразмликни танлади.

– **Сабабини билдингизми, ахир?**

– Билдим... Фаттоҳхон ака камдан-кам ҳолларда синфда ўтарди дарсни. Ўғлим, уйга бор, дер эди. Биринчи кун уйига борсам, дарров аёлини чақириб, аяси, буни қара, деди. Ая ҳам менга тикилганча қотиб қолди. Кейин «Во-ей, ростдан ҳам ўхшар экан!» деди кўзига ёш олиб. Билсам, мен уларнинг ўғлига ўхшар эканман. У бечора эса автохалокатга учраб, оламдан ўтган экан...

– **Шунинг учун ҳам устанинг арзанда шогирди бўлган экансиз-да... Консерваторияни ташлаб кетишингизга шу эркалик сабаб бўлмадимикан?**

– Энди... Вазият шундай бўлиб қолди-да. Бош фарзанд бўлганим учунми, ҳуллас, мени эрта уйлантириб қўйдилар – III курсда ўқиётган вақтим. Оилам билан Тошкентда яшашга шароитим йўқ, шунинг учун икки йўлда сарсон қолдим. Бошқа томондан, ўша пайтлари тўйларга чиқиб анча танилиб қолган эдим. «Хизмат»лар асосан Хоразмда бўлгани учун Тошкентдан узила бордим-да...

– **Сиз консерваториянинг талабчанлиги билан донғи чиққан домласидан баҳо ололмай ўқишдан кетган эдингиз, адашмасам. Ҳар қалай, биз сиздан бир курс қуйида ўқирдик, «можаро»ларингиз қулоғимизга чалинган.**

– Ўзиям... (*кулади*) отнинг қашқаси бўлган эканмиз-да! (*жиддий тортиб*) «Мақом асослари», «Ўзбек мусикаси тарихи» деган фанларни ўқитадиган домламиз бор эди. «Сезон» (тўйлар мавсуми – *муал.*) эди, бунинг устига уйланганман, оилам Урганчда. Хуллас, дарсга қатнолмадим. Курсдошларим айтди, эй, Зафар, домла имтихонни жуда каттиқ олади, Исҳоқ Ражабовнинг «Мақомлар масаласига доир» деган китобини ёд биледи, ўша китоб қачон чиққан, адади қанчаю баҳоси неча пул эканигача сўрайди, ҳазиллашма, деди. Дарсга қатнамаган талабаларга шафқат қилиб ўтирмайди, қара, деди. Бу гапларни эшитиб, ўзимга ўхшаган интизомсиз шеригим – Улуғбек билан юрак ҳовучлаб дарсга бордик. Кеч қолган эканмиз, тақиллатиб бош сукувдик, эшикни орқасидан ёпинг, деди домла қатъий овозда. Ўтирозга ўрин йўқ эди. Янаги ҳафта дарсга ҳаммадан аввал келиб ўтирдик. Домла дафтарини очиб бирма-бир йўқлама қилгач, кимнинг фамилияси чиқмади, деди. Улуғбек иккимиз секин ўрнимиздан турдик.

– Ким?

– Қурбонбоев.

– Ким?

– Отажонов.

Аудиторияга қараб, шу талабалар сизлар билан ўқийдими, деб сўради. Бутун курс қулиб юборди. Мен сизларни танимайман, эшик бу томонда, деди. Узр, домла... деб чайналишни бошловдик, эшик бу ёқда, деди чўрт кесиб. Ортиқча гапни ўтказмайдиган одам экан. Ноилож чиқиб кетдик...

– **Фаттоҳхон ака индамадиларми?**

– Индади. Ўғлим, ундай қилмагин, ўқишни битириб ол, бу ёғини менга қўйиб бер, деди. Келдим олдига. Бор, менга кафедра мудирини чақир, деди. Рифъатулла акани бошлаб келдим. Менга Юнусовни чақир, кирсин олдимга, деди. Юнусов домла келувди, «зачётка»ми узатди. Бунинг баҳосини қўйиб бер, деди қошининг тагидан қараб. Юнусов домла ҳам устознинг ҳурмати юзасидан бир баҳо чизиб берди...

Сессияни ёпиб, яна дарсга кирмай тўйма-тўй ялло қилиб юравердим, овозим бор, ашулачиман деб... Фаттоҳхон акага орқа қилдим, ўхшайди-да. Бир зумда кейинги имтихонлар сессияси бошланди. Яна ўша ҳолат такрорланди. «Мақом асослари»дан баҳо ололмадим. Бу сафар Фаттоҳхон акани аралаштиришга бетим чидамади. Ташласам ташлабман-да, деб III курснинг охирида ўқишдан кетдим. Гўр бўлганман-да... Лекин... консерватория яхши эди...

– **Ачинасизми?**

– (*хўрсинади*) Билмадим... Нима қилай, оиламни олиб келай десам, Тошкентда уйим йўқ, Хоразмда эса «Зафар Қурбонбоев»ман, тўйларим эвж олиб кетди... Ҳақиқий ҳаёт бу ёқда, деб ўйладим-да...

– **Ўзи сизни мусиқага ким берган?**

– Отам. Отам Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини битирган, яхшигина хониши ҳам бор, Хоразм телевидениесининг бош режиссёри бўлиб ишлайди.

Мен боғчада пайтим... эсимда қолгани-да... Успенкадан (Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи – муал.) ўқитувчилар келган, иқтидорли болаларни излаб. Ухлаб ётган пайтимда мени чиқазиб... ҳалиги, боғчада эрталиклар ўтказиладиган жой бўлади-ку – пианиноси бор, ўша ерда синаб кўрганлар. Орқага ўгирилиб тур, деб клавишларни босганлар, топиб айтиб берганман ҳаммасини. Кимнинг боласи бу, деб сўраганлар. Режиссёрнинг, отаси телевидениеда ишлайди, деганлар. Кейин уйимизга келиб, отамдан рухсат олиб, Успенский мактабига ўқишга олиб кетмоқчи бўлганлар. Лекин отам негадир кўнмаган. Ишонсангиз, газетага ҳам уриб чиққанлар, ўзи ижодкор бўлатуриб, ўғлининг қобилиятини кадрламади, мусиқага бермади, деб.

– **Кўзи қиймаган-да норасида боласини Тошкентга ёлғиз жўна-тишга... Оилада сиздан бошқа мусиқачи борми?**

– Бор. Укам, мендан кичиги, Феруз Қурбонбоев. У ҳам ашулачи. Мустақиллик байрамида қўшиқ айтганимизда «ака-ука Қурбонбоевлар» бўлиб чиққанмиз.

– **Биринчи марта ашула айтган жойингизни эслайсизми?**

– Эслайман. Тўйда эди. Қалтираб-қалтираб айтганман. Шу... микрофонни тезроқ эгасига берсам, деб турганман-да. Ортик Отажоновнинг «Сан унда доғ бўлдинг...» деб айтиладиган ашуласи эди.

– **Неча ёшда эдингиз?**

– Мактабда ўқирдим-да... 14–15 ёшларда бўлсам керак. Шуни биламанки, торни қўлимга беришганда, катталиқ қилган...

– **Бешта фарзандингиз бор экан, бирортасини мусиқага бермадингизми?**

– Йўқ. Фарзандларим санъаткор бўлишини истамайман. Чунки истеъдодни худо беради. Худо бермаган мусиқачиларни ҳам биламан-да. Ўзининг устида тинмай ишлайди, лекин барибир ҳеч нима чикмайди. Ўзининг устида ишламаса ҳам натижаси зўр мусиқачилар бор. Ана ўшаларни ҳақиқий санъаткор деб биламан. Кейин... бу осон касб эмас. Айниқса, ҳозир. Пул шунда экан, деб ҳамма шоу-бизнесга уриб юборди ўзини. Сунъийлик кўпайиб кетди санъатда. Бугун ижрочи «фальш» айтса, компьютерда текислаб берадилар, «р»ни айтолмаса, «р» ҳам ясаб берадилар...

– **«Р»ни айттириб берсалар майли, баъзан клипда эшилиб куйлаётган «артист»нинг ўша қўшиқни ўзи айтганига кафолат йўқ!**

– Рост. Бир гал шундай воқеа бўлганди. Бир бола олдимга келди, овозимни эшитиб кўринг, шогирдликка олинг, деб. Клипни кўряпман, ашула чиройли айтиляпти, лекин бу овоз шу йигитга ҳеч тўғри келмаяпти-да. Гапираётган овоз билан қуйлаётган овоз сал бўлса ҳам ўхшаши керак-ку, ахир! Қўшиқни ўзинг айтганмисан, десам, нафаси ичига тушиб кетди. Тўғриси айт, бола, билиб қолсалар ёмон қиладилар, деганимдан кейин тан олди – дўсти айтиб берган экан...

– **Шогирдликка талабгорларингиз кўп экан Хоразмда...**

– Талабгорлар ҳам ҳар хил. Устоздек ашула айтсам, устозникидек маҳоратим бўлса, деса қани... Устозникидек уйим, устозникидек машинам, обрўйим бўлсин, дейди. Охири пайтлар кўпайиб кетди шундайлари...

– **Боя консерваторияга ашула йўналишида киришимга Раҳматжон Қурбоновнинг ҳам таъсири бўлган, девдингиз...**

– Раҳматжон Қурбонов ҳам устозим. Анъанавий ижрочилик йўналишида ўқишимга у киши ҳам сабабчи бўлган. Кичиклигимда Раҳматжон Қурбоновнинг ашуласига қўшилишиб айтаверардим (мактабда фортепианода жаҳон классикасини чалардим, уйда эса отам миллий мусиқани ҳам ўрганишимни талаб қиларди). Бир куни чийиллаб ашула айтиб турсам, отам секин тўхтатди: «Ўғлим, Раҳматжон яхши хофиз, лекин унинг диапазони жуда катта, сенинг овозингга зўрлик қилади (мен Раҳматжон қайси авжга чиқса, шуни оламан деб қичқираварардим-да). Сенга Ортиқ Отажонов яхши, шунинг қўшиқларини айтавер». Мен ҳали ёш бола, қайси томонга бурсалар, шу томонга кетавераман-да. Отамнинг йўл-йўриғи билан Ортиқ Отажоновни устоз тутиб, ихлос билан ижодини ўргана бордим. Ўзим билиб-билмай унинг овозига тақлид қилиб айта бошладим. Бориб-бориб, овозим ҳам Ортиқ аканикига ўхшаб қолди. Бир гал овозимни студияда ёздирдим-да, Улуғ, манавини эшит, дедим дўстим – устознинг ўғлига. Ие, отам қаерда айтибди бу қўшиқни, деди Улуғ. Отангмас бу, ма-а-ан, дедим. Э-э-э, опқоч-эй, деди. Ишонмади. Кейин кассетани олиб, мени уйига бошлаб кетди. Қўшиғимни отасига қўйиб берди. «Ўх-хў-ў, – деди устоз, – олибсан-ку! Яхши. Лекин сен бу билан Зафар Қурбонбоев бўлолмайсан, ўғлим, Ортиқ Отажоновнинг овози билан айтадиган хонанда бўласан, тамом. Ўзингнинг овозингни топ». Бу гап менга жуда таъсир қилди. Ўша пайтлар кенжа авлод мусиқачиларнинг ҳам ижодга муносабати жуда баланд эди. Мен Зафар Қурбонбоев бўлиб чиқишим учун қаттиқ ишлашим керак, деб изланиб кетдим. Бошқа томондан... консерваторияда ўқиб юрибмиз, Хоразмга келсак, ҳеч қаерда ўқимаган хонандалар ном чиқариб қўйибди. Ўқишдан қолишимга шу ҳам сабаб бўлди, тўғриси...

— Яъни, Тошкентни ташлаб, Хоразмнинг рақобатчи ижодий муҳитида дим тобланингиз...

— Шундай бўлди.

— Уч-тўрт йиллар аввал Зафар оққон бўлибди, Зафар ўлибди, деган миш-миш тарқалганди...


— Бўлувди шунақа гаплар... Телефонга қўнғироқ келади, алло, десам, э, ўлмабди-ку, деб қўйиб қўйишади... Ўша пайтлар оёғим зирқираб, кечалари ухлолмай... қаттиқ дард чекдим... Сахнада ҳам юролмай қолдим. Сахна одамимиз-ку, ахир. Охири операция қилдирадиган бўлиб Украинага кетдим. Қиш эди. Операциядан чиқиб, минг азобда Хоразмга етганимда... Эртаси укам қазо қилди. Йигирма етти ёшида... Азобда қолдим... Э-э-эй... Қийин даврлар бўлди...

— Тибетга ҳам борибсиз...

— Бордим, даволандим. Қизиқ юрт экан... Кейинги сафар оиламни ҳам олиб бордим.

— Ҳаётингиз мобайнида қурбонликлар ҳам, зафарлар ҳам бўлди... Бугун, қирқ ёшингизда сиз учун энг муҳими нима?

— Соғлиқ. Ўзимнинг, ота-онамнинг, фарзандларимнинг соғлиги. Тинчлик, хотиржамлик... Ҳаётим давомида бемаврид ўлимни кўп кўрдим. Йўқотишлардан юрак олдириб қўйганман... Шунинг учун ҳам ўзимга, яқинларимга аввало соғлиқ тилайман. Чунки ҳали ҳаётда кўп нарсани ўрни-ўрнига қўйиб улгурмадим. Уч қизим, икки ўғлим бор, уларни ҳаётга келтирганимдан кейин бахтини ҳам таъминлашим керак... Қирқ ёш... Ҳаётимнинг энг муҳим даврига энди кириб келаётганимни сезяпман...



ОЧИЛБЕК МАТЧОНОВ: «Сувора — сўз эшитмак»

Машхур венгер сайёҳи Ҳерман Вамбери Ўрта Осиёнинг бошқа худудларига қараганда Хоразмда муסיқага муносабат айрича эканини холис эътироф этади.

Галдаги суҳбатдошимиз — «муסיқага муносабати айрича бетакаллуф хивалик», амалия ва назарияда пухта ижодкор, хос доираларда тан олинган навозанда Очилбек Матчонов.

Баски, матлуб ҳофиз билан Хоразмнинг хос муסיқий анъаналари ҳақидаги марғуб суҳбатимизга кўнгил бергайсиз.

– «Асрлар садоси»да сизни дафъатан учратиб қолиб, қувониб кетдим... Икки йил бурун Хивага келиб Очилбек Матчоновни тополмай кетгандим...

– Авваламбор, хуш келибсиз Хоразмга! Ҳақиқатан, зўр байрам бўлди – китобларда таърифи келтирилгандек халқчил, рухиятли сайил! Одамлар орасида юрдим, ўзимизнинг халқ, юриш-туришини биламиз – бошқача бир иштиёқи сезилди-да. Ёшларнинг анъаналарга қизиқиши жонланиб қолди: фестиваль дастурини ўқиб, хали у, хали бу тадбирда қатнашиб юришибди. Анъаналар шундоққина кўз олдига олиб чиқиб қўйилди-да, бўлмаса қаердан ҳам билсин, қаердан ҳам қизиксин. «Асрлар садоси» ҳар йил Хивада бўлса эди... Мен асли хиваликман, ота ҳовлим мана шу Ичонқалъадан 200 метр нарида. Шу атрофда ўйнаб, қалъа деворларини пайпаслаб катта бўлганман. Бу ерни беш қўлдек биламан деб юрардим. Энди сезяпманки, билганларим ҳеч экан... Вақт ўтгани сайин Ичонқалъанинг улугворлиги тасаввурга сифмаслиги аён бўляпти.

– Мен Хоразмни соғиниб келгандим, бу ерда мегаполисда меъдага урган «попса»дан нари бўламан, суворалар, мухаммаслар, эшвойлар, найларманларни эшитаман деб энтиккандим. Нетайки, Дишонқалъадаги тамаддихоналардан бирида «Манави қасир-қусурлар ўрнига суворалардан эшитайлик», десам, «Ўзингиздан бошқа одам эшитмайдиган нарсани сўраб нима қиласиз?» деган терс жавобни олдим. Хиппа бўғилдим... Хивада ҳам ахвол шу бўлса, деб астойдил ўксидим...

– Фақат Хивада эмас, ҳамма жойда ҳам шундай...

– Охири бахайр бўлсин. Майли, келинг, сиз ҳақингизда гаплашайлик... Қачондан юзага чиқа бошлади мусиқий иқтидорингиз?

– Билмасам... Туғилганимдан, бу бола санъаткор бўлади, дейишган экан... Эсласам, менинг ўйинчоқларим ҳам ҳар хил чолғулар эди. Дойра, рубоб... Соз ўйнаб катта бўлганман. Ўн ёшимда биринчи марта тўйда ашула айтганман. 1989 йил 28 март, чоршанба куни эди. Аник эсимда. Дойрада Махтумқули сўзи билан «Қунларим» ашуласини ижро қилганман. У вақтда кўпроқ дойрага қизикардим, дойрачи бўламан, десам, йўқ, ашулачи бўласан, дейишган. Мана, ашулачи бўласан, деганларнинг дуоси, эл-улуснинг нияти билан ашулачи бўлдим...

– Наслу насабингизда санъаткорлар борми?

– Бор. Бобокалонларим – Мулла Юсуф ота ва Матчон оталар санъаткор ўтишган. Фамилиям ҳам Матчон отанинг исмидан-да. Мулла Юсуф ота – катта бобомнинг укалари – Шерозий уста (Мадрахим Ёқубов, 1890–1973 йиллар яшаб ўтган хоразмлик хофиз ва созанда – муал.) билан ҳамнафас, унга дойрадаст бўлган. Отаназар ва Зокиржон

Мадрахимовнинг китобларида улар ҳақида маълумот бор. Қай бир музейда сурати ҳам бор экан. Дадам раҳматли шуни излаб топинглар, дерди...

Бир даврада Зокиржон Мадрахимов (Шерозий устанинг набираси) бобоси ҳақида, унинг созандаси Мулла Юсуф ҳақида гапириб қолди. У менинг таг-зотимни билмасди. Мавриди келгани учун секин ўзимни танитдим: Матчон отанинг эвараси эканимни, Мулла Юсуф ота ажодим эканини билдирдим. Э-ха-а, деб қолдилар... Кейин Шерозий устанинг бир жуфт ашуласини айтиб бердим. Давра жуда таъсирланди.

– **Ворисийлик келажакингизни санъатга боғлаган экан-да?**

– Шундай бўлса керак... Оилада тўрт фарзанднинг учинчисиман; икки акам ва бир синглим бор. Отам – қурувчи, онам илгари гилам комбинатида ишлаган, мен туғилгач эса уйда, тарбиям билан машғул бўлган.

5 ёшимдан Хивадаги кўзи ожизлар мактабига бордим, тайёрлов синфига. 11 ёшимдан бошлаб параллель равишда Хивадаги Абдушариф Отажонов номидаги болалар санъат мактабида ўқий бошладим. Бу ўша – 1923 йили очилган мусиқа ўқув юрти, Раҳматжон Қурбонов, Фарход Давлатов, Равшан Матёқубовларни ўқитган машҳур мактаб. Бу ерда бахшичилик бўйича устоз Матёқуб Абдуллаевдан дарс олдим. 1995 йили ҳар икки мактабни тугатиб, Матюсуф Харратов (биз билган Чокар – *муал.*) номидаги Урганч санъат билим юртига ўқишга кирдим. Бу ерда Анъанавий ижрочилик бўлимида таҳсил ола бошладим. Мадрахим Ёқубов устозим бўлди.

Билим юртини тугатгач, аввал ўзим ўқиган болалар мусиқа мактабига келиб, 2002 йилгача дарс бердим. Кейин эса Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси бўлдим. Катта даргоҳда анъанавий ижрочилик йўналиши бўйича устоз Қувондиқ Искандаровга шогирд тушдим. Устознинг вафотидан кейин Ўзбекистон халқ хофизи Маҳмуджон Тожибоевдан сабоқ олдим. Шу қаторда Ўзбекистон ва Тожикистон халқ артисти Жўрабек Набиев, мохир суворашунос Озод Иброҳимов, ёш мақомчи Азамат Отажоновдан ҳам кўп нарса ўргандим.

Консерваториянинг магистратурасини хатм қилиб, 2009 йилдан бери Урганч санъат коллежида анъанавий ижрочилик бўйича дарс бераман.

– **Юнус Ражабий номидаги республика мақомчилар танловида қатнашганингиз эсимда.**

– Танловларда жуда кўп қатнашганман. Биринчиси «Хушовоз-90» деган танлов эди, Хивада ўтказилган. Биринчи ўринни олганман ўшанда, ўн бир ёш эдим. 1991 йил баҳорида Украинанинг Хмелински шаҳрида Бутуниттифок болалар санъат байрамининг *гран-приси* насиб қолди. Ўша йили август ойида Сурхондарёда ўтказилган бахши-шоирлар

кўрик-танловида голиб чикдим. 1999 йили Юнус Ражабий номидаги V республика мақомчилар кўрик-танловида «Умид» совринини олдим, 2003 йили шу танловнинг голиби бўлдим.

– **Фарғона, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё...** Ҳар қайси вилоятимиз ўзига хос маданият, амалий санъат йўналишига эга. Хоразм санъатини қаранг: халфалар, бахшилар, талқинчию гўяндалар, мақом усталари... Профессional мусиқачи, хос маданият вакили сифатида Хоразм мусиқий анъаналари ҳақида нима дея оласиз?

– Ҳар жойнинг мусиқаси ўша ернинг табиати, иқлими, одамларининг тили, феъл-атвори, турмуши, урф-одати ва ҳоказо жиҳатларга боғлиқ бўлади. Бизнинг Хоразм Жайхундан илҳом олган, Жайхундек жўшқин, асов, айни пайтда чўлу биёбонларидек тўзимли, вазмин. Мусиқада ҳам аниқликни, пухталиқни хуш кўради. Бухоронинг мусиқий шеvasи серҳашам, Фарғонаники ҳам табиатига яраша – навозишли, сернола бўлса, Хоразмники ўзимизга ўхшаш – дангал, бетакаллуф (*жилмаяди*).

– **1863 йили Хоразмга саёҳат қилган машҳур венгер сайёҳи Ҳерман Вамбери «Хива ўзбеклари кўринишидан кўпол бўлса-да, Ўрта Осиёдаги энг яхши одамлардир», деб ёзган. Шу билан бирга, Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларидан кўра бу ерда мусиқага муносабат айрича эканини холис эътироф этган...**

– Бу гапда жон бор. Эллиққалъа, Қўйқирилганқалъа, Тупроққалъа, Қирққизқалъа каби истехкомлардан топилган аёл ва эркак мусиқачиларнинг тасвирлари туширилган ашёлар воҳа мусиқасининг илдиэлари жуда қадимий эканидан далолат беради. Аҳолиси тарихан ўтроқ яшагани учун бу ҳудудда ҳунар ҳам, санъат ҳам ривожланиб бораверган. Манбаларда ёзилишича, X асрда Гурганжда чолғу асбоблари ясовчи усталар маҳалласи бўлган экан.

– **Сиз мусиқанинг амалия ва назариясини чоғиштириб келаётган «нодир» навозандалардансиз. Бухоро Шашмақомидан ҳам, Хоразмнинг Олти ярим мақомидан ҳам ижроларингизни эшитганмиз. Айниқса, сувораларнинг устозона талқинидан кўп хузурланганмиз. Хоразмда машҳур бўлган мақом ашула йўллари ва мумтоз ашулалар туркуми – суворалар ҳақида сўзлашсак.**

– Суворалар хоразмликларнинг қон-қонига сингиб кетган. Шу даражадаки, бугун оғир ашулаларнинг ҳаммасини умумлаштириб «сувора» дейдиган бўлишган. Халқ орасида кенг тарқалган суворалар етита йирик ашула туркумларига бирлашган: «Сувора» («Тани Сувора» ёки «Она Сувора» дейишсади), «Чапандози Сувора», «Якпарда Сувора», «Хушпарда Сувора», «Кажҳанг Сувора», Комилжон Отаниёзов яратган «Олтинчи Сувора» ва Ҳожихон Болтаев ижодига мансуб «Қорчмоний Сувора».

– Суворода кўпроқ сўз аҳамиятли бўлади, шундайми?

– Шундай. «Мақом – соз эшитмак, сувора – сўз эшитмак» дейдилар. Сувораларнинг шеърий матнида кўпроқ Машраб, Сўфи Оллоёр, Махтумқули каби шоирларнинг тасаввуфий, насихат мазмунидаги мухаммаслари қўлланилган.

– Биламизки, Хоразмда айтишувлар – хонандаларнинг ижодий мусобақалари ҳам сувора ижросига асосланган.

– Бу умуман бошқача ижро-да... Сувора – қатъий қонун-қоидалар асосида яшайдиган мумтоз санъат. Уни меъёрига етказиб ижро этиш учун хофизда пухта билим ва тажриба, етарли ижодий савия ва маҳорат бўлиши керак. Қаландар Ёкубов билан Ҳожихон Болтаевнинг 1964 йили тўғридан-тўғри тасмага ёзиб олинган айтишуви бор экан. Уч ярим соат давом этган, менда шундан бир ярим соати бор – ашаддий шинавандалардан топдим. «Она Сувора»ни айтишган... Қаранг, айтишув бундай бўлади-да... Мен «Она Сувора»ни Партавнинг мухаммаси билан билан бошлайман, сиз эса Навоий ғазалига Огаҳий мухаммаси билан давом эттирасиз. Агар сиз (*куйлай бошлайди*): «Фалакким яхшилар базмида қадримни баланд этмас...» билан бошлаб қолсангиз, мен билишим керак, шеърнинг давомийлиги қанча бўлишини. Жуда катта ҳушёрликни талаб қилади бу ижро. Сўзга қанчалик бой бўлсангиз, шунчалик зўр бўласиз. Агар мен хоҳласам, ижрони узайтиришим, яъни давомига сиз айтаётган мухаммасдан каттароғини ўқишим мумкин. Сиз билан ишим йўқ – айтимни қандай давом эттирасиз, қандай тугатасиз – маҳоратингизга ҳавола. Сўз тополмай қолсангиз банд қайтарасиз, лекин у ҳисобга ўтмайди. Шу йўсинда ашуланинг авжи ўсиб бораверади. Орада усул ўйини, сўз ўйини, оҳанг ўйини...

– Хуллас, бу ижро ҳам сўз, ҳам соз, ҳам овоз усталигини талаб қилади. Одатда суворалар Савт ва Уфар қисмлари билан айтилади, уларнинг сўзи нима бўлади?

– Савтларда агар ғазал бўлса, иккинчи ҳофиз ҳам ғазал билан, мухаммас бўлса – мухаммас, мусаддас бўлса – мусаддас билан жавоб бериши керак. Агар эпласангиз, буткул янги сўз билан айтишингиз мумкин...

– ...шеърий жанрдан оғмасангиз бас. Хўп, санъат мактабида бахшичилик йўналиши бўйича ўқидим, дедингиз. Маълумки, Хоразм дostonчилик санъати Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё бахшичилик мактабларидан фарқ қилади. Жанубда якка ижрочи томонидан ички бўғиз овозда, дўмбира жўрлигида ижро қилинса, шимолда дostonлар дойра, буламон, қўшна, тор каби чолғулар жўрлигида, очик овозда айтилади. Сиз қайси соз билан ижро қиласиз?

– Тор билан. Аслида, Хоразм бахшичилик анъаналарида дostonлар дотор ва иккита буламон жўрлигида ижро этилган, дойра ишлатилмаган. Чунки доторда оханг ҳам, усул ҳам ўзи билан. Кейинчалик, 1930-йиллардан бошлаб тор сози қўлланилган. Уни Хоразм дostonчилигининг пири устозларидан Бола бахши – Қурбонназар Абдуллаев бошлаган, кейинчалик Комилжон Отаниезов ижоди туфайли тор жуда оммалашиб кетган.

– **Тор мавзусига ҳали алоҳида тўхталамиз... Бошқа ҳудудлар дostonчилигида бадихағўйлик кучли; бахшининг кайфиятига қараб дostonга янги лавҳалар қўшилади ёки қайсидир лавҳалар қисқартирилади. Хоразм дostonлари эса ҳамнафасликда ижро этилади ва уларнинг матни асосан халқ китобларига таянади. Хоразм дostonлари «сервариант» эмаслигининг сабаби шу эмасми?**

– Хоразм бахшичилигида ҳам импровизация бор, аммо жуда борса, битта ғазал ёки уч-тўрт жумла сўз қўшиш мумкин – сюжетни бойитиш, таъсирчанлигини ошириш учун. Кейин сўзда жанр қонун-қоидаларига қаттиқ риоя этилади: бармоқ вази бўлса, бармоқдагидек, аруз бўлса, росмана аруз бўлиши керак. «Мухаммаси бахши» деган нома бор (*куйлай бошлайди*): «*Дўстлар, бир дилбари жону жаҳоним бор мани...*» деб бошланади; бунга фақат мухаммас ўқиш керак. Манбага эътибор, сўзга эътиборни айтаман-да. Шу ўтирган жойимиз – Оқ Масжидда илгари китоб дўкони бўларди. Онам яхши китоблар бор экан, деб бизни шу ерга етаклаб келарди. Кечалари биз фарзандларини атрофига йиғиб, кўзи чарчагунча китоб ўқиб берарди. Дадам «Гўрўғли»ни кидириб-кидириб, анча пулга сотиб олгани эсимда. 150 сўмга олган, 1988 йили бу катта пул эди. Тўлови камлик қилиб, яна мактаб синфхонасини ҳам таъмирлаб берганди. Хуллас, 1957 йили Ашхободда чикқан ўша ноёб китоб ҳозир уйимизда турибди. Ундан кўп баҳраманд бўлганман...

– **Ёшуллилардан эшитишимча, ўзига тўқ хонадонлар тўй қилса, бир неча бахши таклиф этилиб, ҳар бирига алоҳида гулхан ёқилар экан. Тўйга келган меҳмонлар бахшиларни маҳорат мезонларига кўра «тасниф»лаб, ҳар ким ўзига маъқул ижрочи даврасини танлар экан... Пировардида, «бундайроқ» бахши мухлиссиз қолиб, «дийралишма»да енгилар экан...**

– Буларнинг ҳаммаси Хоразм мусиқий анъаналарининг аёвсиз, мурасасиз бўлганини кўрсатади. Мухлисларнинг талаби, жонли рақобатнинг кучлилиги туфайли ҳам санъаткорлар ўз устида қаттиқ ишлаган. Ўша сиз айтаётган вазиятда тўй эгаси иккита ё учта бахши айтган бўлса, буни ҳеч бирига билдирмайди. Ҳар қайси бахши тўйни бир ўзим ўтказаман деб ўйлайди. Тўй бошланганда эса, қани бахшилар, дoston бошланглар, дейлади. Кейин кимнинг ижроси таъсирли,

характерли чикса, халк шунисига оғиб бораверади. Бахши – бир спектакль ижрочиси дегани-да. У сюжетни кўз олдингизга келтира билиши, сизни ўша давр, ўша воқеликка олиб кириб кетиши керак. Тохир сандиқда оқиб бораётгани, уни Хоразмшоҳнинг қизи Моҳим сувдан тутиб олгани кўз ўнгингизда гавдаланиши керак...

– **Бола бахшини Хоразм дostonчилигининг пири дедингиз, ҳаётда у кишини кўрганмисиз?**

– Кўрганман. Матёқуб уста (Болалар санъат мактабидаги устози Матёқуб Абдуллаев назарда тутиланти – *муал.*) Бахши отанинг уйига бир неча марта олиб борганлар. У киши хонадонларидаги издиҳомларда мени халқнинг ўртасига олиб чиқиб дуо қилганлар... Бола бахши сайиллар, концертлар, тўйларга борса, кетидан эргашиб юраверардик. 1991 йили Тошховузда, Ошиқ Ойдин пир қадамжосида катта халқаро сайил бўлган, 150 минг одам келган. Эрон, Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон томонлардан бахши, дostonчи, шоир, ошиқ, оқинлар катнашган. Биз Бахши ота ва ўғиллари билан бирга борганмиз. Санъаткорнинг юраги ҳақида гапирмокчиман-да... Шундай қилиб, сайилдамиз. Окшом чодиримиз олдига сахна қуришди: 53-русумли машинанинг кузови. Бахши ота дуо қилди, чиқиб бошланглар, деди. Норбек бахши, Матёқуб бахши, Етмишвой бахши (бу ўғли Бахши ота етмиш ёшлигида туғилган) Абдуллаевлар ва мен сахнага чиқдик. Бир ярим соатча «Бозиргон»ни айтдик. Дoston ярмига яқинлашиб қолганда, Бахши ота ўрнидан турди – сахнага чиқадиган пайти келган эди.

– **Сахнага чиқадиган пайти фақат унинг ўзига аён, шундайми?**

– Шундай, ҳолат ёқмаса чиқмай ҳам кўяверади. Энди, сахна – 53-русумли машинанинг ўғрачаси, баланд-да! Тепадан биров кўл узатганди (Раҳимбой Жуманиёзов эди, яна Ошиқ Эркин, Сафо Очил деган шоирлар ҳам ўша ерда эди), Бахши ота «Кўлингни торт!» деди-ю, бир сакраб сахнага чиқди.

– **Ўшанда неча ёшда эди?**

– Тўксон учда! Қаранг, шу ёшда ҳам отда юрарди-да! Кейин, табиийки, биз ижрони тўхтатдик. Бахши ота микрофонга келиб халқ билан сўрашди, кейин у ёқ-бу ёққа қараб бирпас турди. Биз, «Бозиргон»ни давом эттирса керак десак, бирдан «Ошиқ ғариб ва Шохсанам»ни бошлаб қолди. Ўша ёшда ҳам Бола бахшининг ижроси аниқ-равон эди (мен, нимага энди буни айтиб қолди, деб ҳайрон қолганман. Ўн икки ёшдаман, ҳали кўп нарсани тушунмасдим-да. Анча вақтдан кейин Матёқуб устадан сўрадим, ўша пайтда нима учун шунақа бўлган, деб. Уста тушунтирди. Бахши ота жуда хушёр эди; қачон нимани айтиш кераклигини яхши биларди.

Ўша оқшом бизнинг сахна олдида аёллар, ёш-яланг кўп экан. Бу ерга «Бозиргон» оғирлик қилади, «Ошиқ ғариб ва Шохсанам» бу аудитория учун кўпроқ мос келишини билган). Бола бахши: «*Бир ёр савдосина тушдим-да галдим...*» деб Шохсанамнинг тўйи бўлаётган жойидан айтиб кетди. Туркманча ибораларни туркман лаҳжасида (у киши туркман, қорақалпоқ тилларини ҳам яхши билган) айтди: мухлислар орасида туркманлар кўп эди. Одамларнинг сахнага қараб талпинишини кўрсангиз! Бола бахши бир соат ашула айтди, одамлар кўймади, яна айтди... Тўксон уч ёшида-я! Бу одамнинг юрагида бошқача бир хуружи бор эди-да... Бўлди, мен қаридим, энди ашула айтмайман, демасди. Қачон уйига борсангиз, ё соз чалиб, ё китоб ўқиб ўтирган бўларди.

Сайилнинг эртаси куни чодиримизга Отажон уста (Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Отажон Худойшукуров – *муал.*) кириб келди. Санъаткорларда ҳозир унақа хурмат, унақа одоб қолмаган... Даврадошлар уста чодирга 10–15 метр наридан букилиб келаётганини айтдилар. Ҳаммамиз турдик. Отажон уста кирди, чўккалаб Бахши ота билан кўришди. Бахши ота бу – менинг набира шоғирдим, деб мени таништирди. Отажон уста, э-э-э кичкина, омонмисан, деб кўришди. Ўша сайил баҳона биринчи марта Отажон устанинг қўлини олгандим...

– **Ижодда, ижрода алоҳида ихлос қўйган кишингиз борми?**

– Албатта. Бир инсон бор, Отабой Холлиев – у кишини ўзим учун идеал деб биламан. Ёшлигимдан у кишининг этагидан тутганман, ҳозир коллежда елкама-елка ишлаймиз. Ижоду ижронинг ҳамма жиҳатини шу кишидан ўрганганман. Бошқаларникига ўхшамайдиган томонларим, хос нола-қочиримлар кўриниб қолса, билингки, ўша кишидан «юқтирганман». Отабой Холлиевнинг худо берган хотираси бор: Бухоро Шашмақомию Олти ярим мақомни, Фарғона–Тошкент мақом йўлларини, номақом классикани ҳам ёд билади. Билганда ҳам ҳофизларнинг ижро услуби, ижрочилик мактабларининг ўзига хос тарафлари билан, қиёси билан билади. Масалан, «Мўғулчаи Сегоҳ»ни Акбар Ҳайдаров йўли, Леви Бобохонов йўли ёки сувораларни Ҳожихон Болтаев йўли, Шерозий йўли ёки Комил Отаниёзов йўлида айтиб беради. Мен ҳам устоздан кўриб, битта ашулани айтишдан олдин иложи бўлса ўн хил вариантини қидираман. Ҳамма нусхаларни эшитиб ўрганганимдан кейин ўзимнинг йўлим чиқади.

– **Тор мавзусига қайтсак. Бу чолғу Хоразмга Озарбайжондан келиб қолган, деган гап бор.**

– Ўйлашимча, тор сози Хоразмда жуда қадимдан мавжуд бўлган (археологик қазилмалар пайти айнан шу шаклга яқин чолғулар топилган). Агар тор бизда илгаридан бўлмаганида, санъатимизга бу

кадар ҳамоҳанг бўлмасди, сингиб кетмасди. Четдан озмунча созлар кириб келдим! Масалан, турк сози – овози ҳам чиройли, чалиниши ҳам рубоб, танбуримизниқига яқин, аммо нега ижрочилигимизга бу кадар ёпишиб кетмади?

– **Билишимча, тор карвон билан Озарбайжондан келади. Хослар мажлисида торнинг овози янграгач, Ферузшоҳ Қаландар Дўнмасга шундан андоза олиб бир чолғу ясашни, саройдаги мақом дастасига жорий қилишни амр этади.**

– Қаландар Дўнмас мохир созанда ва созгар уста ўтган. Ўз даврида маълум бўлган барча чолғуларда ижро эта билган. Танбур, дутор, ғижжак, буламон, сантур, рубоб, скрипка, гармонь, хаттоки фортепианода ҳам чала олган...

– **Фортепианони Хивага Феруз Петербурдан набираларини ўқитиш учун келтирган экан-а?**

– Шундай. Бу соз ҳозир Комил Хоразмий музейида сақланади. Хуллас, Ферузнинг топшириғи билан Қаландар Дўнмас тор ишлаб, унинг пардаларини танбур-дуторниқига мослаб боғлайди. Шу тариқа тор сарой созандалари, кейинчалик халқ созандалари, бахши ва ғўяндлар орасига кириб борган. Бахши ота ҳам тор чалган, театрда ишлаб юрган пайтлари. Менда Шерозий уста 1936 йили торда айтган бир жуфт ашуласининг («Саломнома» ва «Санамо») тасмаси ҳам бор. Ҳожихон Болтаев ҳам мақомларни тор жўрлигида айта бошлаган. Комилжон Отаниёзов ижоди туфайли эса бу чолғу халқ орасида жуда оммалашиб кетган. Фикримча, Биринчи жаҳон уруши ва Қатагон даври, кейин Иккинчи жаҳон уруши халқнинг силласини қуритган, унинг дардига янги соз, янги овоз керак эди. Ўша даврларда тор одамларни руҳлантирган янгилик бўлди, шу боис ҳам оммалашиб кетди, деб ўйлайман.

– **Сиз торли чолғуларнинг қарийб ҳаммасида чалиб биласиз. Дутор, танбур, уд, тор... Қўнғилга энг яқини қайси?**

– Ҳаммасининг ҳам ўз ўрни бор. Лекин торни кичиклигимдан чалганим учун, юрагимга яқинроқ. Танбур – бемисл чолғу, лекин мураккаб, уни торчалик эгалламаганман.

– **Катта усталар тан олган навқирон ҳофизсиз, Тошкентнинг профессионал давраларида қадрингиз баланд. Нима учун пойтахтда қолмадингиз?**

– Тошкентнинг ижодий муҳити зўр. Мен у ерда ўқидим, ижодий ўсдим... Лекин барибир Хива мени тортиб туради-да. Ота-онамнинг ризолиги учун ҳам Хивага келдим...

– **Оила қурганмисиз?**

– Ҳа, рафикамнинг исми Ойшахон, 2007 йилнинг 6 апрелида тўйимиз бўлди. Ўғлимиз бор, исми Сардорбек.

– **У ҳам ашула айтадими?**

– (кулади) Хали билмадим... Хар қалай, қизикса керак...

– **Қобилияти борми?**

– Овози ёмон эмас (кулади). Яхши бақиради...

– **Ижодий ҳаётингизда нималар билан яшаяпсиз?**

– 2002 йили консерватория янги биносининг очилиши маросимида Президентимиз бир китоб совға қилди – Хоразм танбур чизигида ёзилган мақомлар, буни амалиётга жорий қилиш тўғрисида қарор ҳам эълон қилинди. Шундан буён Отаназар Матёқубов, Ботир Матёқубов, Рустам Болтаев каби мусиқашунос усталар етагида нодир мусиқий меросимизни ўрганиш, тиклаш, халққа етказиш ҳаракатидамиз. Шу аснода Голландия (2006), Швейцария (2008) каби мамлакатларга бориб, мақомларимизни намойиш этиб келдик.


– **Тўйларнинг охирида ҳофиз, дуо қилинг, дейишади...**

– Ҳофиз дуо қилмагунича ҳеч ким кўзгалмайди Хоразмда. Дуо қиламиз: юрт тинч, мамлакат обод бўлсин-у, ҳамманинг санъаткорга иши тушаверсин...

2010

ОВОЗА





ОТАНАЗАР МАТЁҚУБОВ

Олимнинг аъмоли

«Билиб қўйинг: ўзбек муסיқаси сиздан ҳам, мендан ҳам устун туради!»
Бу хитоби уҳдамга катта бир нима ортгандек, ваҳмсираб унга қарадим.
Ақлимда бир нима «йилт» этди: ваниҳоят, булжажаб бу инсонни англай
бошлаган эдим. Бунга қадар «айри кенгликларда фикрляяпмиз»
қабилдаги бегонасирашлар, «ҳар қанча талаб қилсангиз қилинг, аммо
босим ўтказманг!» мазмунидаги силтанишлардан ҳам ўтилди.
Лекин барибир кечилмади: «бир нимаси бор» эди-да бу кишининг!
Ким ўзи у, бунча ўзига ишонади, бунча тиними йўқ, нега ҳеч
нолимайди, ҳеч оғримайди, жилла қурса, ёшини пеш қилиб,
чарчадим демайди?.. Нега унинг номини эшитганлар
бирдан сергак тортади? Принципиаллиги, чўрткесарлигиданми?
Ахир Тошкент давлат консерваториясию Санъатшунослик институти
қошидаги Ихтисослашган илмий кенгашни – ўзи фаолият юритиб
келаётган даргоҳларни намойишкорона тарк этишга кимнинг ҳадди
сифарди! 45 ёшда – илмий-ижодий карьеранинг авж палласида-я!
Ваҳоланки, олимнинг САНЪАТ атрофидаги «санъат»га (бу ерда:
сунъийликка) қарши исёни асоссиз эмасди. Зеро, ўзбек мусиқасида
илмий изланишлар парадигмасини ўзгартириш заруратини
ҳаммадан олдин сезди у. Таҳсинки, ўзини беҳуда курашлар йўлида
парчаламади, муҳит зиддиятларига қурбон қилмади.
АҚЛ билан, ИЛМ билан, АМАЛ билан ҳақлигини исботлади-қўйди.
Алқисса, атоқли мақомшунос Отаназар Матёқубов сўхбатига
ихтиёр бергайсиз.

Отаназар Матёкубов – мусикашунос олим. 1946 йили Хоразмда туғилган.

1970 йили Тошкент давлат консерваториясини тамомлаган.

1962 йилдан (Бухоро санъат билим юртининг III курс талабаси вақтидаёқ) мусикий-назарий фанлар ўқитувчиси сифатида иш бошлаган.

1968 йилдан (Тошкент давлат консерваториясининг IV курс талабаси вақтида) мусикашуносларга ихтисослик фанларидан дарс бера бошлаган.

1977 йили «Хоразм мақомлари» мавзuidaги номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1979–1991 йиллар Тошкент давлат консерваторияси «Шарқ мусикаси» кафедраси мудири.

1991 йили кафедрани тарқ этди, айни пайтда Хамза номидаги Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти Ихтисослашган илмий кенгаш таркибидан ҳам чиқиб, эркин ижод билан шуғулланди.

1996–1997 йиллар Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг Маданият, илм, спорт ва туризм бошқармаси бошлиқ ўринбосари.

1997–2000 йиллар Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари.

2000–2002 йиллар Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг бош консультанти.

2002 йилдан Ўзбекистон давлат консерваторияси Ихтисослашган илмий-тадқиқот маркази раҳбари.

«Озак анъанадаги профессионал мусика асосларига кириш» (1983),

«Фараби об основах музыки Востока» (1986), «Мақомот» (2004),

«Додекаграмма» (2005), «Ўзбек нотаси» (2007), «Беседы с Ильясом»

(2009), «Хоразм танбур чизиғи» (2010), «Бухарский Шашмаком»

(2011) каби ўзбек мусика тарихи ва назарий масалаларига доир йирик тадқиқотлар муаллифи.

– Ҳали мактабга ҳам бормасдим, «Барҳаёт наволар» кўрсатувини оиламиз жам бўлиб, алоҳида эътибор билан томоша қилардик. «Сен ҳам мана шу Отаназар Матёкубовга ўхшаб мақомшунос бўлишингни жуда хоҳлайман, – дердилар дадам. – Худо хоҳласа, «Глиэр»да ўқийсан, кейин консерваторияда, ўзбек мусикасини тадқиқ этасан». Хуллас, мусикашунос бўлиб кетишимда сизнинг ҳам «айб»ингиз бор, билсангиз... Демокчиманки, мутахассислар тугул, шинавандалар орасида ҳам машхурсиз. Халқаро мусикий конференцияларга чиққанимда, ўзбекистонлик мусикашуносларни биласизми, десам, хорижлик соҳадолар номингизни тилга олишади... Охириги пайтлар, айниқса, жуда унумли ишладингиз:

«Мақомот», «Додекаграмма», «Ўзбек нотаси», «Беседы с Ильясом», «Хоразм танбур чизиги», «Бухарский Шашмаком» каби монографияларингиз, қатор мақолаларингиз эълон қилинди. Иш столингизда бўлса, яна таҳ-батаҳ қўлэзмалар, таржималар... Тадқиқотларнинг кети кўринмайди, чоғи?

– Бу шундай муқаддас мероски, уни фақат таъби солим (соф ният) ва идроки мустақийм (тўғри ақл) билангина ўрганиш, ўзлаштириш мумкин. Муסיқа олами ичра ҳар қандай олим бир заррага айланиб қолади. Зероки, ўзбек муסיкаси – оламшумул илм, маърифат ва маънавият уммонларидан бири. Аммо бу муаззам мерос фақат фахрланиш билангина обод бўлмайди. Ворислик қанчалар ифтихор бўлса, шунчалар масъулият ҳамдир. Мен ота-боболардан қолган улкан хазина олдида ўзимни умрбод қарздор деб биламан. Бир донишманд чувалчанг ҳаракатини кузата туриб, шундай деган экан: «Чувалчанг қандай узун, умр эса қисқа». Дарҳақиқат, ёзган уч-тўрт китобим ўзбек муסיқа кошонаси олдида майда супачалар. Неча даҳолар бино қилган бу кошонани. Илм, санъат, маҳорат, ижро ва ижод – қай бир жабҳага қараманг, шундай чўққилар забт этилганки, ақлга сиғмайди. Масалан, Абу Наср Форобийнинг «Муסיқа ҳақидаги катта китоб»ини олинг. Тенгсиз манба! Бунда муסיқа илми ва фалсафаси ҳақида айтилмаган гап қолмаган. Форобийнинг кимлигини исботлашга эса ҳожат йўқ...

– Унинг «Муаллими соний» экани аллақачонлар аксиомага айланиб улгурган...

– Ҳа, ўлма-анг! Аристотель мантиқ илмини яратгани учун «биринчи», Форобий эса муסיқа илмига асос солгани боис «иккинчи муаллим» унвонига сазовор бўлган. Дарҳақиқат, Платонда муסיқа – давлат ҳақидаги таълимотнинг таркибий бўлаги, Аристотелда эса поэтиканинг бир қисми... Форобийга қайтсак, гап у кимнинг бобокалони эканида эмас, балки аллома фикрлари қайси муסיқий анъаналарга яқинроқлигида. Бугун Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон заминидаги маданият ўчоқлари – Бухоро, Самарқанд, Хоразм заминида яшаб келаётган мумтоз муסיканинг илмий асослари-ю, шу муסיқа ижро этиладиган чолғулар (хусусан дутор-танбур) Форобий кўзлаган назарий ва амалий асосларнинг нақ ўзи-ку! Мерос талашиш, улуглар қолдирган нишонларни тож қилиб олиб юривериш олимнинг иши эмас. Олимнинг иши – қайси замонда, қайси маконда бўлмасин – ҳаётни кузатиш, унинг қонуниятларини очиш, ақл ва хис-туйғуларда пишиб етилган фикр-ни умумлаштириш ва хатга туширишдир. Ваҳоланки, Форобий билан орамиздаги вақт масофаси узайиб борапти...

– Ўша «Китоб ал-мусиқа ал-кабир»да Хуросон танбури ўз замонасининг энг мукамал чолғуси сифатида қайд этилган...

– Баракалла! Унинг товушқатори эса бугунги ўн уч пардабандлик доторимиздагининг ўзгинаси! Бу шунчаки олди-қочди гап эмас, замонавий товушшуносларнинг хулосаси. Товушшунослик (акустика) илми эндиликда физиканинг энг тараққий топган тармоқларидан бири, хурофий сўз айтмайди!

– **Исбот-далилсиз гапирмайди, демокчисиз. Афсуски, илми мусиқий атрофидаги хуруфот муаззам меросимизга оид тасаввурларни айнитяпти...**

– Юрак ёки мия жаррохлигини оммалаштириб бўлмайди-ку! Илми мусиқий ҳам шу даражада нозик соҳа. Бунга авом даражасида ёндашиб бўлмайди. Айтишларича, Ибн Сино Бухородан Урганчга келганда, уни «Байт ул-ҳикма»нинг раиси қилиб тайинламоқчи бўлганлар. Аллома эса, бу лавозимга муносиб эмасман, зероки илми мусиқийни мукамал билганимча йўқ, дея рад жавобини беради.

– **Айтмоқчи, Ибн Синонинг «Жавоми илми мусиқий» асари Урганчда ёзилган-ку!..**

– Шундай. Мени маъзур тутсинлар-у, ҳозир кимга қараманг, мусиқашунос бўлиб кетган. У шундай деди, бу бундай деди... деди, деди ва яна деди! На исбот бор, на далил. Афсонани ҳам эви билан тўқиш керак-да! Негизида озгина бўлса-да ҳақиқат ётиши керак! Яқинда бир анжуманда «Чўли Ироқ» тўғрисида гап чиқиб кетди. Мусиқий истилоҳда «чўл», «дашт», «ёввойи» сўзлари маънодош келиб, муайян парда ва усул бирлигининг эркин талқинини ифодалайди. Масалан, «Ёввойи Ушшок», «Ёввойи Чоргоҳ» сингари мумтоз куйларимиз бор. «Ёввойи Ушшок» бу – «Ушшок»нинг бузилгани эмас, балки забардаст бастакорларимиз услубига хос йўналишидир. «Ироқ» атамаси ҳам шундай, мумтоз мақом номи ва маълум парда тизими – куй доирасини англатади. «Ироқ» – «Ироқи Бухоро» – бунда «ироқи» нақш ва услуб номи. «Ироқи Бухоро»нинг «Бухоро услуби» деган маъноси ҳам бор. Ироқ – мамлакат номи. Куй билан жой номлари орасида боғланиш бўлса бўлади, бўлмаса – йўқ. «Ироқ» мақоми ичида яна шундай аталадиган еттита нисбатан мустақил куй йўли бор. Булардан ташқари Бухоро Шашмақомида «Бухоро ироғи» байроғи остида алоҳида туркум ҳам мавжуд.

– **«Тошкент ироғи» ҳам бор: «Манам Мажнуни ишқ, дўстлар, ки бир Лайлони...**

– ...изларман!» Ҳа, яша-анг! Ироқни мамлакат деб тушунсалар, демак, Бухоро ёки Тошкентда Ироқ бор эканми?! Мана, қаёқларга олиб кетади қуруқ сафсата! Бундай валдирвоқи гапларнинг қўпайиши мустика маданиятимизнинг саёзлашувига, МАДАНИЯТСИЗЛИКка олиб келади.

– **Олим бузилди – олам бузилди...**

– Бу – дахшат! Масъулиятсизлик асли кичик ёлғондан бошланади. Бугун бир сўз гапириб юборди, эртага иккита ва ҳоказо. Кейин ёлғонни дадил, уялмасдан сўзлайдиган бўлиб қолади. Илмда ёлғонга, сохталикка ўрин йўқ. Ёшлигимдан шу ақида билан яшашга ҳаракат қиламан. Ҳаётда кўп адашдим, билиб-билмай нотўғри ишлар қилдим. Лекин риёкорлик, иккиюзламачиликка ён босмадим, ўзим ва ўзгаларга талабчанликка интилдим. Шукрки, кам бўлмадим, аччиқ бўлса-да, ҳақиқат азоби ва хузурини кўрдим...

– **Муסיқа соҳасидан боришга аввалда унча хушингиз бўлмаган экан?..**

– Рост. Аммо бахтим чошиб, яхши устозларга дуч келдим. Бухоро санъат билим юртида Лев Глебович Коваль деган домлам бўларди, консерваторияни янги битириб келган эди. Зиёли, олижаноб, сўзи ўзидан ширин. Ҳали уйланмаган ҳам эди. Икки хонали уй беришди унга, битта хонасида мен яшадим. Якин дўст бўлиб колдик. Ёзги таътилда бирга Хоразмга борамиз, қишлоқма-қишлоқ кезамиз, балик овлаймиз. Қишки таътилда Тошкентга – Лев Глебовичникига кетамиз. Отаси Глеб Иванович доим дўппи кийиб юрарди, ўзбекчада равон гапирарди. Домлам ўзбекча гапирмаса ҳам, найда миллий куйларимизни бемалол чаларди. Тўғри сўз унинг учун ҳамма нарсадан устун эди. Биринчи устозим ҳар жиҳатдан менга бир умрлик ибрат бўлди...

– **Билим юртини «аъло»га битирсангиз ҳам, сизни консерваториянинг асосий курсига қабул қилишмади. Нега?**

– Фортепианодан тайёргарлигим етарли эмас, деб топилди. Қабул комиссиясининг раиси профессор Холмирза Азимов эди – ўта талабчан ва ўжар одам. Бўлмаса, ўша пайтда Бетховеннинг 5-сонатасини чалганман (ҳозир бу асар билан пианиночилар консерваторияни тугаллайди)! Азимов домла, албатта, ноҳақ эди. Мен зарда қилиб Москвага, Кинематография институтига кетмоқчи бўлдим. Аммо «артист» бўлишимга ич-ичидан қарши дадам – Ўзбекистон халқ артисти Матёқуб Раҳимов ўша кечасиёқ Тошкентга учиб келдилар. Комилжон Отаниёзовнинг (мен у кишини «ота» дердим) уйига бордик. Ота консерватория ректори Ҳамид Раҳимовга телефон қилдилар. «Ҳамиджон, у пианинони сендан ҳам яхши чалади», деганлари кулоғимда қолган. Барибир бўлмади. Консерваторияга борсам, Холмирза Азимов сени ўзим ўқитаман, деб туриб олди. Мен сизда ўқимайман, лекин пианинони сиздан яхши чаладиган бўламан, дедим қатъият билан. Галина Борисовна Калмикова синфида фортепианодан бир йил қаттиқ тайёрландим. У киши ҳозир ҳам ҳаёт, алоқаларимиз бардавом. Умуман, устозларимнинг барчаси билан, жумладан Холмирза

Файзуллаевич билан ҳам муносабатларим дўстона бўлган... Янгиобод маҳалласидаги «Композиторлар шахарчаси»да кўшни бўлиб яшадик, бетоб пайтлари баъзан ўзим укол қилардим – аёл ҳамшираларни яқинлаштирмасди.

– **Лекин... Илмий раҳбарингиздан воз кечгансиз-ку!..**

– Бу энди алоҳида масала. 1972 йили Тошкент давлат консерваториясида «Шарқ мусикаси» кафедраси ташкил этилди. Арзи додимга қарамай, мени шу кафедрага «Халқ мусикаси кабинети»нинг мудирини қилиб ўтказдилар. Аспирантура бўйича илмий раҳбарим Саволина Паисиевна Галицкая эса «Мусика назарияси» кафедрасида ишлади. Бутун бошли консерватория янги очилган кафедрага зимдан душман. Бир тарафдан, Файзулла Кароматов (кафедра мудирини) ва Исҳоқ Ражабовдек зотларга яқин бўлганимдан хурсандман. Иккинчи томондан, «мухолифатчилар» тазйиқидан жуда эзилиб кетдим. Лекин барибир ўзбек мусикасига бўлган меҳру мухаббатим устун чиқди. Саволина Паисиевнадан, яқин кўрган устозимдан воз кечиб мажбур бўлдим. Олим сифатида у кишига тенг келадигани йўқ, аммо ўта кўроқ ва эҳтиёткор эди. Менга бошқача гапиради, орқамдан бошқача. Кароматовга шу аспирантнинг илмий раҳбарлигини ўзингиз олинг, дейди, менга эса сендан кечмайман, деб аҳд қилади. Бир куни фойеда Кароматов, Галицкая ва мен юзма-юз келиб қолдик. Атроф тўла талабаю ўқитувчилар. Пайтдан фойдаланиб, баланд овозда, ҳаммага эшитарли қилиб: «Менинг илмий раҳбарим ким, ўзи?» деб сўрадим. Саволина Паисиевна ховлиқиб: «Файзулла Музаффарович!» деганини ўзи ҳам билмай қолди. Миямга қон гупиллаб урилди. «Сиз менга эмас, *мен* сизга керакман, бир куни афсусланасиз ҳали, Саволина Паисиевна!» дедим силтаниб. Ҳеч кимдан бундай гап эшитмаган ҳалол ва обрўли профессор дув-в қизариб, ўзини йўқотиб қўйди...

Кечкурун соат ўнларда Галицкаянинг эри – поқдомон инсон Юрий Николаевич Плахов уйимга келди. «Отаназар, Саволинанинг аҳволи жуда ёмон, талвасага тушиб қолди», деди. Дарҳол машинага ўтириб, Чилонзорга ҳайдадик. Борсам, домлам ўзини йиғидан тўхтатолмаяпти. Мени маҳкам қучоқлаб, кечирим сўрай кетди: «Отаназар, сиз бахтлисиз, ўз Ватанингизда яшайсиз, томирингизда кезаётган мусикани ўрганишга муяссарсиз. Бизлар эса беватан ғариблармиз... Дилимиздаги сўзларини айтишга ҳам кўпда журъат этолмаймиз». Бу гапларнинг маънисига кейинроқ етдим...

– **«Шарқ мусикаси» кафедрасининг тақдирига оид масала Москвагача кўтарилганди...**

– Ҳа, Москвага, Маданият вазирлигига хат ёзиш лозим бўлди, бу иш менга юклатилди. Ректор Мухтор Ашрафийга неча қоғоз қоралаб қираман, у киши эса «бўлмайди»га чиқаради. Хатни кўлига олиб ўқимайди ҳам, ўзимга ўқитади. Эшитиб кўриб, яна ишлаш керак,

дейди. Ашрафий – катта шахс, унинг гапини ҳеч ким икки қилолмайди, очик фикр айтишга ҳам бировнинг журъати йўқ... Баъзан қабулхонада эргалабдан кечгача навбат кутаман. Охири жонимдан тўйдим. Бу гал ҳам иш вақти тугашига яқин қабул қилди. Авзойимни кўриб (жуда зийрак киши эди): «Сизни кийнаб қўйдим, узр», деди охиста. Ашрафийдан ҳеч ким узр эшитмаган бўлса керак... Ғалати бўлиб кетдим. Тил остига валидол ташлаб, ўтиринг, деди шикаста оҳангда. Раҳмим яна ошди. Биласизми, мен кимман, деди (рус тилида гапирарди). Бошимни кўтариб қарадим. Мен – Ашрафийман, деди. Хохласангиз, ҳозир сизни Рашидов билан боғлаб бераман, бу қўлимдан келади, аммо хат ёзишни удалай олмайман – мактабда ҳам, мадрасада ҳам, институтда ҳам ўқимаганман, деди таассуф билан. Қолаверса, «Шарқ мусиқаси» кафедраси менга эмас, сизга керак. Мен фақат буни қонунлаштиришга ёрдам беришим мумкин, деб мени бир зумда эгди-қўйди. Домла зўр рухшунос эди, хокисорлик билан асов тойчоқни жиловлаб олди. Ўрнидан туриб қўлимдан тутди, консерваториядан чиқиб, уйлари томон (шу атрофда турарди) пиёда йўл солдик...

– **Кимсан – Ашрафий Отаназарни қўлтиқлаб бораётганини одамлар кўрди. Ёш бир йигит учун бу катта илтифот эди...**

– Ў-ў-ў!.. Манзилга етганимизда: «Зайдите, пожалуйста», деди домла. Мен: «Спасибо, уже поздно, живу далеко» дея бошлашим билан хужумга ўтди. «Қанақа одамсиз, ким тарбиялаган сизни! Ёшим отангизникидан ҳам улуг, айтмоқчи, мен у кишини жуда яхши биламан, ажойиб овози бор, лекин сиздақа беадаб эмас!..» Хижолатдан нима қиларимни билмай, ичкари кирдим. Аёли очик чехра билан кутиб олди. Домла даҳлизга кириб, ойна олдида тўхтади. Аёли секин орқасидан келиб, плашчини ечди. Бу ҳолатни кўриб ичимда яна газаб уйғона бошлади: «Одамлар бекорга айтмайди, Ашрафий жуда худбин, деб» (кейин билсам, ўша пайт қўли лат еган экан).

Домла қўлини ювиб чиқди, дастурхон ёзилди. Уйда тожикча сўзлашар экан, мен ҳам тожикчалай бошладим. «Эй, тожикия аз кужо медонет?» – сўради Ашрафий. Олифтагарчилик билан: «Медонам, арабий ҳам медонам», дедим. Домла виқор билан токчадан араб ёзувидаги бир китобни олиб, «Ўқинг!» дегандай қўлимга тутди. «Абу Мансур ибн Зайла. «Китаб ул-муסיкий ал-кафий» – баралла ўқидим. «Зайла эмас, Зила», деди домла. Мен дадиллик билан: «Йўқ, бу Зайла ўқилади», дедим. «Кўрдингизми, бу жихатдан ҳам бизда савод йўқ», деди кулимсиб. Чой ичилгунча машинасини чақиртирди. «Номимдан келинга узр айтинг, фикрдувонлик экан, опангиз ҳам фикрдувонлик, энди иккаламиз божа бўлдик», деб бир тугун совға-салом билан уйга жўнатди.

– **Кафедра масаласи нима бўлди?**

– Москвада бир ойча юриб, зарур ҳужжатларни тасдиқлатиб келдим. Бу орада Ашрафий билан муносабатларимиз жуда қовушиб кетди. Бир куни домланинг «Моя жизнь в музыке» деган китобидан гап чиқиб кетди (уни домланинг ўзи ёзмаганини кўпчилик биларди). «Очигини айтсам, консерваторияда китобингизни «Моя жизнь в музыке, қавс ичида ослиные тропы» деб латифа қиладилар», дейишга журъат этдим. Домланинг ранги оқариб кетди. «Китобни ўзингиз ёзмайсизми, ахир, кўрган-билганларингиз бир эмас, ўнта китобга етади-ку», дедим. «Сиз Ашрафийсиз, буюк Ашрафийсиз, сизни жаҳон танийди», деган гапларни қилдим. «Эй, худойи меҳрибон!..» деб хомуш қолди. «Ёзинг, домла, қайси тилда ёсангиз ҳам, ўзингиз ёзинг. Чиройли гап қиламан деб ўйламанг, борини айтинг», дедим. Шунда домла секингина: «Чи ҳожат рўйи зеборо!..» деди хўрсиниб. Ҳофиз, Навоий, Бедил ёки бошқа улуғларнинг сўзларидан лавҳа кўшиб гапириш Бухорога, бухороликларга хос. Иккаламиз хотиримизни жамлаб Ҳофиз Шерозийнинг мисрасини тўлдирдик: «Ба обу холу хат, чи ҳожат рўйи зеборо». Маъноси: «Табиатан гўзал нарсага қўшимча зеб беришнинг ҳожати йўқ».

– **Надоматдан бошланган муносабатлар нафосат кўчасига бурилди...**

– Шундай... Олдинлари Ашрафий ҳақида одамлардан суриштириб хулоса ясаб юрган одам, яқинроқ таниганимдан кейин бу зот ҳақиқий арбоб, чин миллатпарварлигига ишонч ҳосил қилдим. Ўзбек мусиқаси тарихининг кўп қоронғу саҳифалари у кишига ойдин эди. Бу ҳаёт китобида ёзилгандек гулдан пойандоз тўшалган йўл эмас, кўп фожиаларга гирифтор этган сўкмоқлар эди. Ашрафийнинг охириги нафасигача ёнида бўлдим, сўнгги юрак хуружи вақтида ҳам ҳузурда эдим. Домланинг вафотидан кейин ўғли Фируз ака Ашрафий (худо раҳмат қилсин) билан ижодий тасарруфини саранжомлаганимизда эллик бетча кўлёзма чиқиб қолди. Мухтор Ашрафий асл таржимаи ҳолини ёза бошлаган экан. Бухорода «Шарқ мусиқа мактаби» ташкил қилинишининг дастлабки қадамлари, Абдурауф Фитрат ва Файзулла Хўжаевнинг мусиқага алоҳида эътибори, миллий кадриятларни умумбашарий кадриятлар билан уйғунлаштириш тўғрисидаги қимматли фикрлар очиқ айтилган. Бу – Ашрафий шахсини аслиятда намойиш этувчи ҳужжат эди...

– **Мухтор Ашрафийдан ташқари, Юнус Ражабий, Мутаваккил Бурҳонов, Турғун Алиматов сингари буюк зотларнинг ўғитларидан кўп баҳраманд инсонсиз. Ўзаро ижодий «қайнов»ларингиз ҳақида эшитганим бор...**

– Устоз-шогирд орасида «қайнов»лар бўлиши табиий. Айниқса, Мутал ака билан жиғибийрон бўлиб кетардик. Бир-икки ойлаб гаплашмай кўярдилар хатто! Донишмандлар донишманди, нуктадон Турғун Алиматов, авлиёсифат Юнус Ражабий билан ҳам тоза бахслашардик. Бу муносабатларнинг бари жонли бир китоб... Дони Зокиров, Саодат Қобулова, Ботир Зокиров, мусикадан ташқарида Матёқуб Қўшчонов, Алибек Рустамов, Эргаш Фозилов... Булар – ўзбек маданияти тарихига номи катта харфлар билан ёзилган шахслар. Улардан кўп нарсга ўргандим. Амин бўлганим – чинакам ижод аҳлининг қалби ўта нозик бўлар экан. Бир сўз билан осмонга учади, бир сўз билан ерга киради. Самимият билан нафас олади. Самимиятдан ташқарида ижод йўқ, асли. Ўзи йиғламаган одам бировни йиғлатолмайди. Ўзи ҳузур қилмаган одам, бошқага ҳузур беролмайди. Санъат дегани эса тингловчи ёки томошабинни ишонтириш, иқроор қилиш, дилнинг кемтик жойини тўлдириш. Шунинг учун санъатга таслиммиз. Асл санъаткорлар олдида доим қарздормиз. Камина Юнус Ражабий, Мухтор Ашрафий, Дони Зокиров, Мутаваккил Бурхонов, Саодат Қобулова, Исҳоқ Ражабов, Комилжон Отаниёзов, Хожихон Болтаев, дўстларим Отажон Худдойшукуров, Мирсодик Тожиев, Улуғбек Мусаев, падари бузрукворим Матёқуб Рахимов хотираси олдида қарздорман. Улар ҳақида бошлаб қўйган чизгиларимни ниҳозсига етказишим учун умр ва имконини худодан тилайман.

– **Ишга ружу қўйиш бамисли кўпбошли аждарҳо билан олишиш...**

– Худди шундай! Биттасини бир ёқли қилсанг, яна учта бош ўсиб чиқади... Бир кадам олдинга юриш учун баъзан икки кадам орқага ташлашга тўғри келади. «Мақомот» китобининг ўзбек ва рус тилидаги муқобил вариантларини битказганимга ўн йилдан ошди. Ўзбекчаси 2004 йили чоп этилди. Кенгроқ аудиторияга мўлжалланган русчасидан эса ҳеч кўнглим тўлмаяпти.

– **Форобий, Ибн Сино, Мароғий, Жомийнинг мусиқий қарашлари ҳақида Европа ва рус олимлари анча гап айтиб қўйишган-да!**

– Шуниси ҳам бор... Эски чопонни кийгим йўқ, замон талабига мос фикр айтгим келяпти. Хуллас, улуғлар меросини ўрганишга яна тўрт-беш йилимни сарфладим. Шу баҳона Форобий, Хоразмий, Ибн Сино, Мароғий ва Жомий мусиқий рисоаларининг изоҳли таржималари ҳам қоғозга тушди. Энди фаранги мусикашуносларнинг айрим олди-қочди мулоҳазаларини рад этиш вақти келди.

– **Биргина «Хоразм танбур чизиги» масаласини олайлик...**

– Бу ҳақда жуда кўп бўлар-бўлмас гаплар айтилган: айрим сиёсатдонларга итоаткорликдан тортиб, шунчаки ўйин қизиги учун қилинган тадбир, дейишга қадар. Ваҳоланки, бу нота ёзуви Хоразмийнинг «Ал-жабр»и ёки Форобийнинг «Китоб ал-мусиқа ал-кабир»ига тенг

кашфиёт. Шогирдларим Рустам Болтаев ва Ҳамидулла Аминов билан роса ўн йил ишлаб, муҳим манбанинг ҳақиқий кадр-қимматини тиклашга муяссар бўлдик. Эндиликда бу китобга қараб хорижий муסיқачилар маком чалишяпти. Ҳозир масала «Хоразм танбур чизифи» тадқиқотининг инглизча нашрини тайёрлашга тақалиб қолди. Энди аввал тайёрлаган икки вариантимиз ҳам кифоя қилмаяпти. Хуллас, соҳа мутахассислари билан ўтириб ишлаш керак. Мана сизга – орқага учинчи қадам!

– **Сўнгги йилларда ёзган китобларингиздан бирини «Светлана, Орзу, Яйра, Райҳон ва Анорга армуғон» деб бошлагансиз...**

– Дарвоқе, оила – инсоннинг энг азиз туйғулари туташган жойи. Рафиқам Светлана ҳам муסיқашунос, консерваторияда дарс беради. Оллоҳ таоло бизга тўрт нафар қиз фарзанд ато этди: Орзу, Яйра, Райҳон, Анор. Деярли эллик йил (!) ўқитувчилик қилган бўлсам ҳам, ақл ўргатишни хуш кўрмайман. Фарзандларга насихат эмас, ибрат кўрсатишни афзал биламан. Меҳнатдан қочмайман, муаммодан чўчимайман – шу жиҳатим болаларимга ҳам ўтган. Барчасини ўзбек мактабида ўқитдим, ҳозир ҳар бири 4–5 тилни билади, дунёнинг турли чеккасида яшайди. Бир-биридан зиёли, бир-биридан чиройли. Саккиз йил аввал набиралар мавсуми бошланди: ҳозирча икки қиз ва уч ўғил. Ҳар куни интернет орқали гаплашамиз, дийдорлашган пайтларимиз ўйнаймиз, куламмиз, баъзан чўгирма кийиб, «Олма пишганда галинг» деб лазгига тушамиз. Ўн соат ишлаб, бир соат набираларим билан гаплашсам, чарчоғим ёзилиб кетади. Яна қувват, илҳомга тўламан. Инсон учун бундан олий бахт борми!

2011



НАСИБА ҚАМБАРОВА: «Тақдир экан, бу дунёдан ўтдим ёлғиз...»

Ўтган асрнинг 60-йиллари.

Ўзбекистон телевидениесига техник воситалар ҳозиргидек тараққий этмаган бир палла. Мухлислар меҳру муҳаббатига сазовор бўлиш учун ҳусн ва истеъдоднинг ўзи кифоя эмасди. Бунинг учун меҳнат, машаққат, сабр-тоқат ва, албатта, алоҳида маҳорат керак. Ушбу сифатлар эса унда мужассам эди. Илло ўша кезлари туғилган қизалоқларнинг кўпчилигига Насиба деб исм қўйишлари бежиз эмас эди...

*Чин артист аёл ўзини санъатга қурбон қилиши лозим.
Роҳиба сингари, у ҳам кўпчилик аёллар истагандек
ҳаёт кечирishiга ҳақли эмас.*

Анна Павлова

Ўзбекистондаги энг нуфузли ўқув даргоҳи саналмиш ТошДУнинг 40 йиллик тўйи нишонланаётган эди. Экранда дутор кўтарган кўҳлик бир қиз пайдо бўлди. Эғнида атлас кўйлак, бошида ироқи дўппи, иккита қилиб ўрилган сочи тақимини ўпади. Қиз катта-катта кўзларини ерга тикиб таъзим қилгач, «Дутор баёти»ни бошлади. Навқирон созанданинг хаяжони куйга сингиб, ажиб бир нафосат бўй таратди...

Насиба болагиданок адабиётга, шеърятга иштиёқманд эди. У шоира бўлишни орзу қилар, унча-мунча машқлари ҳам бор эди. Ифодали ўқиш эса жону дили. Иштиёқи Насибани Тошкент давлат университетининг журналистика факультетига етаклаб келди. Бадииятга чанқок қиз дарслардан ортиб хаваскор дуторчилар дастасига қатнашишга ҳам вақт топарди. Аслида бу соз унга аввалдан «дугона»: уйларидаги дутор уч опа-сингил ўртасида талаш эди.

Концертдан сўнг Ўзбекистон телевидениесининг атоқли сухандони Ўктам Жобиров «Бизда диктор бўлиб ишлагингиз борми?» деб сўраганида Насиба тарадудланиб қолди. Бўлмасам-чи! У пайтлари телевизорга чиқиш – етиб бўлмас бахт, сухандонликка танлов жуда катта, 500–600 нафар талабгор орасидан биттагина номзод чертиб-чертиб олинарди.

«Сухандон сифатида иш бошлаган пайтимда университетнинг II курс талабаси эдим. Ўша пайтлари дикторларга қўйиладиган қатъий талаб – ё журналист, ё филолог бўлиши шарт эди. Жуда бўлмаганда, Театр ва рассомлик санъати институтини тамомлаган бўлсин. Кўпчилик билади, Раъно Жўраева, Раҳматулла Мирзаевлар «театральный»ни битириб келишган.

Дастлаб иккита Насиба ишлар эдик, кейин учта бўлдик: Иброҳимова, Қамбарова ва Мақсудова. Мақсудова филология факультетидан, Иброҳимова иккаламиз эса журналистикадан келган эдик.

Раҳматли Ўктам ака мени бир ой тайёрлаб, эфирга чиқарганлар. У пайтларда видеоёзув деган гаплар йўқ, фақат жонли эфир. Соат 6.00дан 13.00гача мен ишласам, кейин Насиба Иброҳимова навбатчилик қилади. Шу зайлда бир кунда тўрт-беш диктор галмагал ишлардик. Бир сменада бир нечта дастурни тўғридан-тўғри олиб борардик. Мусиқий дастурми, қишлоқ хўжалиги ҳақида кўрсатувми – ҳаммаси ўша навбатчи диктор зиммасида эди. Энди эса ёшларга қулайлик бор. Кўрсатувлар аввалдан ёзиб олинади, кўнгил тўлмаган

жойлари «қирқиб», «тозалаб» ташланади. Бизнинг пайтимизда эса эфирга чиқиш гўё урушга қуролсиз, совутсиз киргандек эди. Ҳаммаси «жонли», худо кўрсатмасин, агар бирор сўз нотўғри кетиб қолса борми, тун билан мижжа қоқмай чиқардик. Эрталабки «летучка»да гап эшитмасак бўлди деб юрак ҳовучлаб ўтирардик...»

Насибанинг ота-бувалари асли чуствлик бўлиб, Лабисой деган баҳаво, сўлим кишлокда ховлилари бўларди. Кўққисдан уруш бошланиб, отасини Тошкентга ишга чақириб олишади ва оила пойтахтга кўчиб келади. Бу пайтда онаси Насибага ҳомиладор эди.

«Мен Тошкентда туғилганман. Туғилган йилим дадамни урушга олиб кетишган. Хотинининг ой-куни яқин, боласини кўриб кетсин дея отамни бир ой урушдан олиб қолди, деб исмиمنى Насиба қўйишган... Отам Сталинград жангоҳларида бедарак кетдилар. Ота юзини кўрмай ўсдим. Онам эса бир умр отамнинг йўлига кўз тикиб яшадилар. Муштирадим жуда меҳнаткаш аёл эдилар. Уч қизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказдилар, турмушга бердилар. Ўзлари эса қайтиб турмуш қилмадилар...»

Армонлар дилни ўртаган кезлари онаизор мусикадан юпанч оларди. Еру кўкка ишонмай катта қилаётган қизларининг санъатга иштиёқманд эканидан қувонар, кўшни кизларни чақириб, дутор чертишни ўргатинлар, дер эди. Насибаси суҳандон бўлиб ишга кирган пайтлари эса, эфирни тугатиб чикқунича телевидениенинг эшигида пойлаб ўтирарди.

«Оила аъзоларим, яқинларим фаолиятимни доим қўллаб-қувватлашган. Негаки, телевидение дегани – кафтдек нарса, ҳамманинг кўз ўнгидасиз. Бу эса кишига алоҳида масъулият юклайди. Суҳандон телевидениенинг юзи эди-да. Ҳамманинг кўзи телевизорда: Марказқўмдан тортиб оддий томошабингача бизга тикилиб турарди. Москвадан Валентина Леонтьева деган диктор чиқарди – аёл суҳандонлар ўшанга тақлид қилардик. У олиб борадиган 2-3 соатлик «От всей души» кўрсатувини одамлар қимирламай томоша қиларди. У пайтлари астойдил меҳнат қилган одамгина юзага чиқарди. Санъаткорнинг ҳам «зуваласида бори» кўринарди... Жавобгарлик ҳисси кучли эди бизда. Шунинг учун бўлса керак, томошабиннинг нигоҳини ҳанузгача ҳис қилиб тураемиз. Тўй-ҳашам бўлсин, ижодий давра бўлсин, ён-атрофдагиларда, суҳбатдошларда яхши таассурот қолдиришга ҳаракат қилаемиз».

Тез орада у «Насиба Қамбарова» бўлиб оғизга тушди, мухлислар эътиборини қозонди. Энди уни лирик кўрсатувларга жалб қила бошлашди. Шоиртабиат эмасми, «Ғазал кечаси», «Назм ва наво», Алишер Навоий, Машраб, Фузулий лирикасига бағишланган адабий-

мусикий кўрсатувларни жону дили билан олиб борарди. Қодир Маҳсумов, Убай Бурхон каби сўз усталари билан елкама-елка, басма-басига ёниб ишларди.

«Дикторлик касби энди йўқ, ҳисоби. Аслини олганда, ўша биз ишлаган вақтларда ҳам, ўзи олиб чиқадиган кўрсатув матнини суҳандон ўзи ёзсин, деган талаб бор эди. Чунки ўз матнингизни яхшироқ ҳис қиласиз-да. Лекин мен буни унчалик қўлламайман, чунки дикторлар талаффуз, нутқ, оҳанг бўйича махсус таълим олар эди. Устозлар, мактаб бор эди. Ҳозир эса... Даврон Зуннунов ишлаётган пайтлари ҳам ижодий «цензура», ҳар ҳолда, сақланарди. Ҳозир у ҳам бетоб. Илгари мен агар газал ўқийдиган бўлсам, албатта, радиога борар эдим. Қодир Маҳсумов, Туйғуной Юнусхўжаева деган сўз усталари бор эди, улардан обдон сабоқ олиб, кейин эфирга чиқар эдим. Ҳозир бошловчилар хоҳлаганча эфир олиб боришяпти, шева бор, гализликлар кўп. Бу, албатта, ҳар қандай одамнинг гашига тегади. Ахир, дикторлик касби бир пайтлар санъат даражасига кўтарилган эди! Яна бир муҳим жиҳат – ташқи кўринишимизга ҳам ниҳоятда эътибор берар эдик. Миллионлаб томошабин кўрганидан кейин, тақлид қилганидан кейин, албатта ҳаммаси «рисоладагидек» бўлиши керак-да! У пайтлари имижмейкер, стилист деган гаплар йўқ, фақат йилда икки марта либос тиктириб беришарди, унинг ҳам матосини ўзимиз сотиб олардик...

Назаримда, яна дикторларга эҳтиёж пайдо бўлди. Чунки диктор хато қилмасликка ҳаракат қилади, талаффуз, ургу, интонацияга алоҳида эътибор беради. Ҳар қалай, сизни не-не зиёли инсонлар тинглайди... Аслида кўрсатувнинг жилови суҳандоннинг қўлида.

Томошабинлардан кўпинча таъна эшитиб қоламиз: «Ҳозирги дикторларни танимаймиз, сизларнинг пайтингизда учала Насибани ҳамма билар эди...» Шунда, булар диктор эмас, бошловчилар, деб мухлисларни юпатишга ҳаракат қиламан».

Ижодкор инсоннинг ҳаётида албатта «юлдузли» йиллар бўлади. 1964 йил Насиба учун ана шундай ёрқин ва сермахсул келди. Шу йили у университетни муваффақиятли битирди, оналик бахтига ҳам мушарраф бўлди. Яккаю ягона фарзанди Аброржон дунёга келди. Ўша йили режиссёр Латиф Файзиев унга «Улуғбек юлдузи» бадиий фильмида суратга тушишни таклиф этди. Сирасини айтганда, ўн ой давомида семимли ишини кўйиб, Бухорою Самарқандда съёмкаларда юриш осон эмас эди. Лекин танганинг иккинчи томони ҳам бор: Насибага 21-22 ёшида Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев каби етук санъаткорлар билан ишлаш бахти насиб бўлган эди. Не бахтки, у яратган образ Чингиз Аҳмаровдек атоқли мусаввир учун Ферузабону қиёфасини яратишда манба бўлди...

Фильм экранга чиккач, Насибага ижодий таклифлар ёғила бошлади. Айниқса, «Тожикфильм» студияси унга кўп харидор бўлди. Режиссёр Тоҳир Собиров уни Садриддин Айнийнинг «Қуллар» романи асосида суратга олинаётган фильмга таклиф қилди. Аммо Насиба рози бўлмади. Биринчидан, фарзанди ҳали гўдак, кўзи қиймади, қолаверса, ишини қизганди. Ҳатто ўзи ўйнаган қахрамонига овоз бериш учун ҳам, вақтинча бўлса-да, дикторликдан воз кеча олмади.

Тақдир уни истеъдод ва меҳнатсеварлик фазилати билан сийлаганди. Омад ҳам унга кулиб боқди. Энг «рейтингли» кўрсатувларга, нуфузли концертлар, тантаналарга уни жалб қилишарди. Лекин «лашкар бехатар бўлмас»...

«Ҳавасни ҳам, ҳасадни ҳам кўрдим. Ҳатто ўқишим керак бўлган дастурни қўлимдан алам билан юлқиб олганлари ҳам эсимда... Умуман, машҳурликнинг юки осон эмас экан. «Юлдуз»ларнинг шахсий ҳаёти ҳамманинг диққат марказида, турли овозаларга албатта нишон бўласиз. Ачинарлиси, кўпчилик бунга ишониб ҳам кетаверади. Аброржоннинг дадаси, раҳматли, яхши одам эди-ю, ичкиликка муккасидан кетган эди. Шу туфайли ажралишдик. Шундан кейин мен тўғримида куракда турмайдиган миш-мишлар тарқалди. Ўша пайт меҳнат таътилида эдим. Аҳвол шу даражага бориб етдики, раҳбарлар бу гап-сўзларнинг рост-ёлгонлигини билиш учун ортимдан одам ҳам қўйишди. Аммо гийбатлар тасдиқланмади. Гап-сўзларга барҳам бериш учун мени зудлик билан таътидан чақириб олишди. Ўшанда «Қани эди шу гаплар рост бўлса!» дегувчилар ҳам бор эди... Қаттиқ эзилдим, аммо кейинчалик тушундимки, мевали дарахтга тош отар эканлар.

Кейин Ёқуб ака билан турмуш қурдик. Ўн тўрт йил бирга яшадик. Аммо орада фарзанд бўлмагани туфайли узилишдик. Тақдир экан, бу дунёдан ўтдим ёлғиз...»

У ҳақида нималар дейишмади!.. Ер кимирлаган пайти, дарахт остида қолиб ўлибди, дейишди. Шохимардондаги тошқинда сув олиб кетибди ҳам дейишди. Ўғлининг гамида савдойи бўлиб қолибди, дейишди...

Ҳаётнинг катта-кичик мусибатларига бардошини синаш учун ҳам унга метин ирода ато этилган эди. 2000 йилнинг совуқ қишида унинг бошига тоғлар қулади. Кўзининг оқу қораси – Аброржони айни қирчиллама ёшида фожиали ҳалок бўлди...

«Халигача ақлим бовар қилмайди, наҳот шу воқеа менинг ҳаётимда содир бўлди?! Бахтим шунчалар қаро эканми, шу мусибатни ҳам кўрган бўлсам! Бу даҳшатни бошига тушган одам билади, илойим, ҳеч кимнинг бошига солмасин... Ҳеч ким фарзанд доғини кўрмасин...»

Икки-уч йил одам қаторидан чиқиб қолдим. Хатто атрофимда ҳамдардлик билдириб насихат қилганларни ҳам ёмон кўрдим. Аммо ҳаёт экан, яшашга мажбурсиз... Ўзимни ўзим тиклашга ҳаракат қилдим. Бу дунё ўткинчи-ку, ҳадемай Аброржонимнинг олдига мен ҳам бораман-ку, деб юпандим. Ақлга суюниб, дардимни ичимга ютишга ҳаракат қилдим, тўзим тиладим. Оллоҳ сабр билан бирга шуқр ҳам берди. Ёлғизимдан қолган қоракўзларим бор, улар ҳали ёш, энди ҳаётимни шуларга бағишлашим керак. Азаматжон ҳозир иқтисодиёт университетида ўқияпти, Ҳилолаҳон ҳам коллеж талабаси. Ҳаётимнинг мазмуни шулар... Шуларнинг камолини кўрсам дейман».

Сухандон бўлиб ишлаб юрган кезлари ҳавасманд йигит-қизлар уни излаб Тошкентга келишар, шогирдликка қабул қилишини сўрашарди. Насиба Қамбарова номига узоқ-яқин қишлоқлардан даста-даста дил номалари келарди. Мана бугун ҳам, телевидениедан кетганига қарийб ўн йил бўлган бўлса-да, шогирдлар уни ҳали-ҳануз тинч кўйишмайди. Насиба опа улардан эътиборини аямайди.

«Ёш дикторлар бизни устоз деб ҳисоблашади, сизга тақлид қилганмиз, сиздан ўрганганмиз дейишади. Мавлуда Сафарова газал ўқишга иштиёқи борлигини айтиб, бир-икки келиб сабоқ олди. Аслида биз ҳаммамиз Ўктам акани устоз биламиз. Баҳоси йўқ одам эди, худо раҳмат қилсин. Қодир Маҳсумов, Гуйгуной опалар, эҳ-ҳе... Қодир ака раҳматли бир куни, мен шу қиз билан Маширабни ўқийман, деб қолдилар. Телевизорда иккаламиз басма-басига машрабхонлик қилганмиз. Икки соат жонли эфир! Мухлислар хўп яйраган эди...»

У шоирнинг дардини «ўзлаштириб» олади, ўзидан ўтказиб ўқийди шеърни. Нодира, Увайсий, Анбар отин... Уларнинг кўплаб сатрлари унга ёд бўлиб қолган.

Вақти келиб мени хотунлик гуноҳим кечилгай,
Дегайлар ўша вақт мард аёл қўйдуқ отингни...

Бу мисраларни у ишга терилган инжу деб билади. Зеро, бу байтлар қай бир маънода унинг тақдирига ҳамоҳанг.

«Турмуш ташвишларидан безган кезларим мутолаа билан овунаман. Эски шаҳарда кутубхона бўларди, ҳар ҳафта уч-тўртта китоб олиб келардим. Кутубхоначилар кулишади, ҳамма китобимизни ўқиб бўлдингиз-ку, деб. «Анна Каренина»ни ўқиб жуда таъсирланганман. Ҳар бир аёл бу асардан ўзига керакли нимадир топади. Ойбекнинг «Кутлуғ қон»идаги Гулнор эса менинг севимли образим. Телевидениега келганимда бу асарнинг сўемкаси тугаган экан, шунда ўша образни яратган Раъно Мадраҳимова: «Мана, аслида ким ўйнаши керак эди Гулнорни!» деганди...»

У истеъдоди, салоҳияти, малоҳати билан меҳр-муҳаббатга сазовор бўлди, шу туфайли азиятлар чекди. Аммо ҳаётий тутумларига содиқ қолди. Ёлғон гапирган, ёлғонлар билан яшаган одамни ёмон кўрди. Унингча, инсон ҳамиша ўз ҳақиқатларига содиқ қолиши керак.

«Ҳаёт асли жом тўла заҳар экан: оз-оздан ҳўплаб дунёдан ўтаркансиз... Қувончли кунлардан ғамли кунларим кўп бўлган. Лекин худо инсонга мусибатларни енгиб ўтиши учун ақл-фаросат, ирода берган. «Қисмат экан, бу дунёдан ўтдим мен ёлғиз», дейди Нодира. Шундай йирик шахс ҳам ёлғизликдан эзилиб ўтган экан. Шулар ҳақида ўйлаб туриб, бу буюк ожизалар чеккан ғам-андуҳ олдида менинг кечинмаларим нима бўпти, дейман... Умримнинг қарийб 40 йили телевидениеда ўтди. Сон-саноксиз мухлислар орттирдим. Унвону мукофотлар билан тақдирландим. Аммо ёлғиз армоним бор... Фалакнинг гардиши билан ҳаётим янгидан бошланса, кўпроқ фарзанд кўрган бўлар эдим...»

2006



АФЗАЛ РАФИҚОВ

Монолог

«Дунёнинг ҳаёти кимнингдир иродаси билан содир бўлади — мана шу дунёнинг ҳаёти ва бизнинг ҳаётимиз орқали кимдир ўзининг аллақандай ишини рўёбга чиқаради. Бу ироданинг маъносини англашга умидвор бўлмоқ учун даставвал Уни бажармоқ керак, яъни биздан истаётган ишларини қилмоғимиз керак. Агар мен мендан истаётган ишларини қилмасам, мендан нима ишташларини ҳам ҳеч қачон билолмайман, бизнинг ҳаммамиздан ва бутун дунёдан нима ишташларини эса инчунун билолмайман».

Лев Толстойнинг руҳи, Афзал Рафиқовнинг овози бу.

Ички овози.

Алқисса, Ўзбекистон халқ артисти
Афзал Рафиқовнинг иқрорномасига ихтиёр беринг.

Афзалхон

«Болалигимда мени ҳамма Афзалхон деб чакирар эди. Ота уруғим «хўжа»лардан – дин пешволари, илмли кишилар эди. Кўп жихатлар менга отамдан ўтган. Оллох умр берсин, дуоғўйим ҳаётлар...

Мактабда ҳеч муаммосиз ўқиганман. Тенгқурларим кўчада тўп тепиб юрганда, мен масала ечиб ўтирардим – менга шу қизикроқ эди. Мусика мактабида рубобдан ҳам сабоқ олганман. Ютуқларим чакки эмасди, ҳатто, консерваторияга киргин дейишган. Очиғи, ҳар борада етакчилардан эдим. (Ҳатто ланка тепишда ҳам менга етадигани топилмасди!) Фақат... соғлиғимнинг мазаси йўқ эди. Овқатни ёлчитиб емасдим. Онам раҳматли укаларимдан, сингилларимдан беркитиб, менга тухум пишириб берардилар. Болам нимжон, иштаҳаси йўқ, оғзига ёқадигани шу, ичига кирсин, десалар керак-да. Имо-ишора билан чакириб: «Афзалхон, болам, ол, тез-тез еволақол», деб ўзлари ташқарида пойлоқчилик қилардилар...

Мақсад

Инсон умри давомида хатоларга йўл қўяди ва фарзандлари уларни такрорламаслигини истайди. Лекин, афсуски, болаларинг ҳам билиб-билмай хатоларингни такрорлар экан. Шундай кезлари хафа бўлиб кетаркансан, ахир, айтиб турибман-ку, бундай қилмагин деб... Аммо бир нарсани аниқ айта оламан: танлаган йўлимда янглишмадим. Гарчи ўспирилик давримда бошқа касблар ҳақида орзулаган бўлсам-да, айнан актёрлик йўлини танлаганимдан мутлақо афсусланмайман.

□ Ҳаётим мақсади нима? Бу саволни ўзимга керагидан кўпроқ берган бўлсам керак. Муболағага йўйилмаса, деярли ҳар дақиқа бу савол миямда айланиб юради, тинчлик бермайди, қийнаб юборади... Ҳаётда аниқ мақсад билан яшаш, бир нимага эришиш ўйи бутун умрим давомида менга соядек эргашиб келди.

...Театр ва рассомлик санъати институтига кириш учун иккинчи уринишим эди. Эркин мавзуда иншо ёзганмиз. Мен нима учун актёр бўлмоқчи эканимни очиқ-ойдин баён қилдим. «Мақсадим – ўзбек санъатида ўз ўрнимни топиш, театр санъати ривожига ҳисса қўшиш, кейинги авлодларга нимадир қолдириш...» каби гаплар билан икки бет қоғозни қораладим. Ва айнан ўша фикрларим учун «икки» олдим! У даврлар бошқа эди – бундай қарашлар мафқурага хуш келмасди. Шу сабабли иккинчи дафъа ҳам институтга киролмадим...

Роль

Роль ўйнаш, образ яратиш – ўта содда қилиб айтсак – «аммангиз эмас». Таниқли театр арбоби Анатолий Эфрос ўз китобини «Репетиция – муҳаббатимсан» деб номлаган эди. Дарҳақиқат, ушбу жараён

ниҳоятда қизиқарли, қандайдир сеҳрли ва машаққатли. Баъзан нафақат тер тўкиш, балки қон қусишга мажбур бўласан. Ана шу жараёни ўтай олсанггина роль ижро этасан, омадинг келиб қолса, образ ҳам яратарсан.

Роль устида ишлай бошлаганимда, ўша қахрамон ҳаётини ўзим учун «тўқиб оламан». Чунки сахнага унинг кечирган ҳаёти билан чиқишим керак. Айни вақтда, ўша ролнинг мағзини очиб беришим лозим. Мен учун негадир феъл-атворимга, дунёқарашимга зид бўлган образларни ижро этиш қизиқроқ. Аммо ҳаммасидан қийинроғи – сахнада севиш... Бунда сизга қачонлардир қалбингиз кўчаларида кечган – агар ҳамон кечаётган бўлса нур устига нур! – хиссиётлар ёрдам беради. Ҳозир ҳаётда эр-хотин актёрларнинг аксарияти бир вақтлар сахнада севишганларни ўйнаган... Талабалик даврим эди, диплом спектаклимизда севгилимни ўйнаётган кизни ростакамига яхши кўриб қолганман. Чунки ҳар бир репетицияда «Севасан, севасан, севасан!» деявериш шу аҳволга олиб келишганди-да! «Қизил майдон»нинг қоқ ўртасида туриб унга севги изҳор қилишгача борганман. Чунки ўша ҳолат менга керак эди, спектаклдаги ролни ўхшатиш учун керак эди... Ҳа, сиз батамом ҳақсиз, роль яхши чиқиши учун актёр ҳамма нарсадан фойдаланади.

Инқироздан «иккинчи нафас»га

Менинг бир жихатим бор, балки у камчилигимдир, балки шу туфайли кўп нарсага эришолмагандирман, лекин айни вақтда бу жихат бошқалардан ажралиб туришимга сабаб бўлган. Гап шундаки, болалиқдан рус мактабида таълим олганман, русча китобларни кўп ўқиганман – дунёқарашим ўша маданият орқали шаклланган. Бу ҳолат ҳаёт ва фаолиятимда албатта из қолдирган. Аммо ўзбекман, касби-корим ўзбек театри, ўзбек сахнаси билан боғлиқ-ку! Она тилимни, кеч бўлса-да, ўргандим, ўзбек адабиётини янгидан кашф эта бошладим... Тасаввур қилинг, Навоий ижоди билан бевосита тўқнашган пайтимда 43 ёшда эдим (бу 1991 йилга тўғри келади)! Нақадар кеч... «Ичу тошим» рус маданиятига мойил бўлгани сабабли театрда менга тегадиган роллар Долгов, Плужников, Александровлар эди. Тўғри-да, кўринишим мутлақо шарқона эмас, шунинг учун Бобур ёки Йўлчини ўйнаганим йўқ, фақат рус образларида чикдим, шу туфайли ҳам бир ёқлама кета бошладим... Аммо тақдир мени Навоий даҳоси билан юзлаштирди.

Ҳозир Улугбек ҳақида телевизион спектакль суратга олинапти. Орқаваротдан эшитдим, Афзал қандай қилиб Улугбекни ўйнар экан, деган гапларни... Навоийни ўйнаганимда ҳам шундай дейишганди – «Алишер Навоий эмас, Алишер Иванович бўлади-ку бу!». Шу маънода 1990-йиллар мен учун чуқур инқироз даври эди. Театрдаги тақдиримни ўйлаб, агар шу йўлдан кетаверсам, халқим кўнглидан жой топа олмаслигимни тушундим.

Театрдан кетмоқчи ҳам бўлдим, лекин туз-насибам қўшилган экан... Навоий роли ҳаётимда, фаолиятимда бурилиш содир этди. «Иккинчи нафас»им очилдими... Қатор роллар ўйнай бошладим театр, кино, телевидение, радиода. Харқалай, сархисоб қилишга арзигулик «мулк»им бор.

Рус театрида сахнага чиқишим эса табиий ҳол бўлса керак. Қўп чап бериб юрдим Шапиорога (Рус академик драма театри режиссёри – *муал.*), лекин пешонада ёзилганидан қочиб қутулолмадим. Ўтган йили театрда «Когда лошадь теряет сознание» («От хушины йўқотса») номли спектакль қўйилди, унда оилани мустаҳкам ушлаб турадиган нарса муҳаббат эканлиги (мажбуриятлар эмас!) хусусида гап кетади. Айнан шу туйғунинг йўқлиги қўп оилаларда муаммо келтириб чиқаради. Хуллас, ижром театр актёрларига манзур бўлди, жамоа мени қабул қилди. Ҳамкасбларим ҳурматини қозониш учун биргина роль етарли бўлди. Бу спектакль менинг «нафис рус тили»ми ҳам кашф этди – «Бунча чиройли сўзлайсиз!» деган эъгирофларни эшитдим...

Актёр ва муҳлис

Актёр сахнада турганида охириги қатордаги томошабин томоғини секингина кириб қўйса ҳам эшитади. Эшитмай иложи йўқ ва бу унинг авзойига албатта таъсир қилади. Йўқ, мен ҳамма нарсани унутаман, фақат ролни ўйлайман, деган актёрга ишонманг. Актёрнинг қулоғи доимо динг. Лекин ролдан чиқиб кетмасликка ҳаракат қилади. Масалан, мен учун энг лаззатли дамлар – залда сукунат турган пайт. Сув қуйилгандек жимжитлик шундай роҳат бағишлайдики! Касбнинг авж пардалари бу! Афсуски, бу ҳолат ҳамма спектаклда ҳам бўлавермайди, онда-сонда бўлгани ҳам сонияларда яшайди... Баъзан сахнадаги партнёрларингиз билан мулоқот гўё реал ҳаётда содир бўлаётгандек туюлади. Бу ҳам жуда қизиқ кайфият. Ана шу дамлар соҳани танлаганингизга ачинмаслик учун кифоя.

Актёр муҳлисларни игна билан кудук қазигандек машаққат билан топади, аммо улардан бир баҳяда, арзимаган сабаб туфайли маҳрум бўлиши ҳеч гапмас...

Мен учун энг қулай ва маъқули – қани эди, одамлар кўзига фақат сахна ва экранда (роль ижро этаётган ҳоллардагина!) кўринсам...

Касбнинг «шира»си

Касб борки, эгасига таъсир қилмай қолмайди. Кичик бир мисол. «Лев Толстой» фильмини дубляж қиляпмиз, Толстой роли менга топширилган. Ўшанда ҳали қиркка ҳам тўлмаганман, лекин ўзимдан деярли икки барабар катта одамга овоз беришим керак. Қийналдим.

Аммо вақт ўтиши билан худо кўнглимга солдими, билмадим, бир услуб топдим: микрофон олдида тиззаларимни букиб овоз бера бошладим. Шунда ўзи-ўзидан овозимда қарилик аломатлари пайдо бўла бошлади. Кейин фильмни шу аснода бошидан дубляж қилдик. Ишдан сўнг уйга қайтпман-у, автобусда тиззаларим букилиб кетяпти. Уйга келганда эса фарзандларимга қарилик салобати билан гапира бошлаяпман. Ўзимни ўзим шу ҳолатда «тутиб олган» кезларим, хой, нима қиляяпман ўзи, деб тонг қолардим... Касбимизнинг «шира»си ҳам шундадир, балки. Ҳаётда ҳам ролингизда яшайсиз, гоҳида ўз-ўзингиз билан гаплашиб, манзилингиздан ўтиб кетганингизни ҳам сезмай қоласиз. Атрофдаги ажабсинган нигоҳларга эса кўникиб ҳам кетасиз...

Ўзни қадрламоқ

Назаримда, бу менинг камчилигим бўлса керак. Ўзимга нисбатан ўта танқидий муносабатдаман. Ойнага қараб, кўринишимдан қоникмайман, матн ўқисам, овозим ёқмайди. Нега шундайман? Билмадим. Шу нарса менга бутун умр халал бериб келди. Бу камтаринлик эмас, қандайдир бошқа нарса. «Скромность украшает, но не красит» дейишади. Баъзи актёрлар талабалик чоғларидан бошлаб ўйнаган ролларининг суратларини, ўзи тўғрисидаги мақолаларни йиғиб боради. Бу, албатта, ўзини қадрлаганидан. Менга шу нарса юкмаганда. Қанча ишлар қилинди, аммо ҳеч қайсисини йиғмаганман. Ўзимга нисбатан танқидий ёндашув ҳам ижтимоий, ҳам рухий ҳолатимга таъсир қилади...

Инсон — Замон — Ижод

Инсонни замон шакллантиради, ижод эса, ўз навбатида, инсоннинг махсули. Менингча, бу учликда инсон ҳал қилувчи ўрин тутади. Агар ижодкорни инсон эмас, ижод тушунчаси замирида оладиган бўлсак, у ўз замонаси билан биргаликда мозийга ўтади ва... эҳтиёж туғилсагина авлодлар томонидан эсга олинади.

Бу учликдан ўзгаришга энг кам мойил бўлгани, албатта, инсон. Тушунчалар, қадриятлар, ақидалар ўзгариши мумкин, аммо инсон моҳияти, назаримда, яралганидан бери ўзгарган эмас, у ҳамон «ҳом сут эмган банда»дир.

Театр

Юртимизда катта ўзгаришлар бўлди. Афсуски, театрда бу жараён жуда секин кечмоқда. Фарбда тараккиёт бошқача бўлган. Бир қонуният бор уларда — спектакль томошабинга ёқиши керак.

Борди-ю ёқмаса, у ўйналмаслиги лозим. Совет даврида театрларнинг катта репертуари бўларди. Унда, масалан, жаҳон классикаси, миллий драматургия, ёшларга аталган спектакль бўлиши шарт эди. Репертуар маънавий сиёсат талабига асосан қурилар эди – совет театрининг ютуғи шу эди. Янги шароитда эса кўп нарсани иқтисод хал қияпти...

Жамиятда доим табакалар бўлган, бўлади. Менимча, театр шу йўналишда кетади – табакаларга хизмат қилади. Шу маънода бу хос санъатдир. Зиёли, фикр доираси кенг мухлис маънавиятини камолга етказиш учун бир театрга боради, энгилроқ томоша ишқибозлари эса кўнглини хушлаш учун бошқа театрга боради. Бу – театр тараққиётининг қонуни.

Театр нима? Театр тарбиячи бўлиши керакми ёки томошагоҳми? Бу ҳам катта муаммо. Тарбиячи бўламан деган театр иқтисодий томондан синиши мумкин. Илгари ҳам ғоявий спектакллarga томошабин ўз-ўзидан келмасди. Ҳамза театрида 18 йил ишлаган бўлсам, шу даврда фақатгина иккита спектаклга томошабин ўзи келди – «Келинлар кўзғолони» ва «Кўрмайин босдим тиканни». Бу спектакллarga чипта тарқатишнинг ҳожати йўқ эди, шундоқ ҳам харидоргир эди улар. Ўзбек театрининг энг буюк асарларига ҳам томошабин уюштирилди. Бу – азалий муаммо...

Умр мазмуни

Инсон ўз тақдирини ўзи яратади. Албатта, тақдири азални Оллох битган. Лекин инсон ҳаммасига ўзи сабабчи. Умрни турли босқичларга бўлиш мумкин ва улар орасида ҳал қилувчиси бўлади. Ўша вазиятда тўғри йўл танлаганингизда эди, мутлақо бошқача яшаган бўлардингиз. Шу маънода ўз-ўзини назорат этиш туйғуси менда жуда ҳам кучли. Ҳамманинг ўз қисмати, ўз йўлаги бор. Баъзилар фақат ҳиссиёт билан, баъзилар фақат ақл билан, баъзилар ҳар иккисининг мувозанатида яшайди. Мен учун фақат ҳиссиётлар билан яшашнинг қизиғи йўқ. Онг бирламчи.

Бу дунёда ким нимага эришса, ўз меҳнати орқали эришади. Албатта, бу ўринда ота-онадан юққан тарбия, устозлардан ўзлаштирилган билим ва муҳит муҳим роль ўйнайди, лекин барибир, ҳал қилувчи – шахснинг ўзидир. «Барча нарса инсонларга қолади» деган фильм бўлар эди. Ундаги бош қахрамон (ижрочи – буюк рус актёри Н. Черкасов) шундай дейди: «Мен инсоннинг руҳи илохийлигига ишонаман». Қачонлардир Одам Ато қалбига сепилган зиё уруғлари қай биримизда униб чикса, ўшамизгина камолотга, гўзалликка, юксак мақомга ошно бўламиз. Бошқамиз эса бу дунёга келамиз-у, ўзимизга ўхшаганларни қолдириб кетамиз.

Ўқинч

Замонамизнинг буюк режиссёри Баходир Йўлдошев билан ўттиз беш йил ишладим. У мени ҳам режиссёрликка тортмоқчи бўлган. Агар бунга иштиёқим бўлганда, аллақачонлар режиссёр бўлиб кетардим! Лекин ўзимда шунга эҳтиёж сезмаганман. Маъмурий ишга ҳам жалб этишмоқчи бўлишди: театр директори лавозимига. Аммо бу ҳам «меники» эмасди. Мени сахна кизиқтирарди. Фақат сахна. Мен ўзимни театр актёри деб биламан. Шунинг учун томошабин овозим ҳақида гапирганда, ичимдан зил кетаман. Бундан кўра сахнадаги ролим ҳақида айтса эди, дейман... Тушунаман, радио ва телевидениенинг аудиторияси кенгроқ, театрга эса ҳамма ҳам тушавермайди. Лекин менинг тилагим бугина эмас-да...

Сахнадан кетиш – мен учун ўлим. Биласизми, актёрнинг саноқлигина роли бўлади. Ўша роли орқали уни танишади, билишади. Зайнаб Садриева Фармонбиби бўлиб кетдилар, Олим Хўжаев – Алишер Навоий, Аброр Ҳидоятлов эса Отелло билан... Обид Юнусов Ўткурый билан қолди. Менинг эса шунақа ролим йўқ. Яго? Ҳа, Яго ижодий ҳаётимдаги бир босқич. Лекин... мени эсласалар, овозим туфайли эслашса керак.

Олтмиш

Одамлар бежиз шу ёшда Ҳаж сафарига интилмайди. Охиратга тадорик даври бу. Олтмишга кирганимни яққол ҳис қиляпман... Тафсилотлари билан бўлмаса ҳам, ўтган кунларимни яхши эслайман. Олтмиш ёш, бу – қандайдир довонми, чўққими... Элликда буни сезмаган эдим. Энди эса ўз-ўзимни сарҳисоб қиляпман...

Инсон нега ҳаёт? Чунки у истак билан яшайди, орзу қилади. Нимагадир эришишга интилади, ҳаётимда нимадир содир бўлар, деган илинж билан кун кўради. Ноумид – шайтон. Умид сўнса, демек, инсоннинг ҳаёти ҳам тугайди. Менинг эса ҳаётдан ҳали умидим кўп...»

2008



ЎТКИР СИДДИҚОВ Конферансье

У галдаги ижрони эълон қилиб,
тавозе билан саҳна ортига ўтар экан,
кўққисдан электр қуввати зарбига йўлиқади.
Кучланиш шиддатидан конферансье хушини
йўқотиб, йиқилади. Ёритқич ускуналаридаги
носозлик оқибатида рўй берган
бу фалокатдан ҳамма саросимада.
Саҳнада концерт, парда ортида эса
югура-югур, чопачоп... «Тез ёрдам»
муолажаларидан кейин базўр кўзини очган
Ўткир Сиддиқовнинг илк саволи шу бўлди:
– Концерт кетяптими?

«Хамманинг наздида таниқли бошловчи, бадий сўз устаси Ўткир Сиддиқовман. Лекин ўзим учун қандайдир «бошқа»ман... Ҳеч ким билмайдиган, ҳеч кимни йўлатмайдиган, гоҳида ўзим ҳам тушунолмайдиган ўз оламим бор. Баъзан шунда ёлғиз яшагим келади. Оддий инсон сифатида менинг ҳам яхши ва ёмон хислатларим бўлса керак. Аслида шу хислатларнинг ўзаро зиддияти инсоннинг мураккаблигини белгилайди.

Оилада тўнғичу арзанда фарзанд эдим, синглим 15 йилдан кейин дунёга келган. Шунинг учунми, болаликдан алоҳида эътибор билан сийланганман. Отам жуда санъатсевар киши эдилар: концерт ва спектаклларни қолдирмас, мени ҳам эсимни таниган пайтимдан бошлаб ҳар хил томошаларга етаклаб юрардилар.

Отамнинг отасини Раҳмат полвон дейишар, бу ёғи Тошкенту Сирдарё, у ёғи Чимкент тарафларда бўладиган катта йиғинлар арафаси «Раҳмат полвон ҳам келибди» деган гап чиқса, бундайроқ курашчилар, бизга нон йўқ экан-да, деб ҳафсаласи пир қайтар экан. Бувамдаги орият, ғурур, чўрткесарлик феъли отамга ҳам ўтган; йиллар мобайнида жамоа хўжалигига раислик қилиб, кексайган чоғи нафақа тайинлашса, «Мен хамиша ишлаб топганимни еб тирикчилик қилиб келганман, бу ёғига ҳам худо ризкимни берар», деб бош тортадилар.

Онамнинг исмлари Назминисо, сағбонлик заводчи бойларнинг авлоди бўлганлар. У киши ўз қасбини суйган, ҳамқасблари орасида иззат-хурматга эга мураббия – бошланғич синф муаллимаси эдилар. Табиийки, нутқ, СЎЗга муносабатни менда аввало волидам шакллантирганлар.

Маҳалламизда номи чиққан ижодкорлар кўп эди: созанда ва бастакор Имомжон Икромов, актёр Соат Толипов, шоир Ёнғин Мирзо... Мактаб тўтаракларида фаоллигим, Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода, Қуддус Муҳаммадий, Иззат Султон каби машҳур адиблар иштирокидаги адабий кечалар ҳам изсиз қолмаган, албатта. Қолаверса, хонадонимизда таниқли санъаткорлар йиғилиб туришарди. Бир куни меҳмонларга пешвоз чиқиб салом берсам, Пўлат ака Раҳимов (Тамарахонимнинг турмуш ўртоғи): «Ҳай, ҳай, дўстим, ўғлингнинг овозини қара-ю, ўзини тутишини кўр! Бу йиғитча санъаткор бўлади, мени айтди дерсан!» деди отамга. Бу башоратга муҳиту болалик иштиёқи кўшилиб, мени санъат йўлига бошлаган бўлса, ажабмас.

Балки замонамизда ҳам комил инсонлар бордир, лекин мен ҳазрат Навоийни ўзимга идеал деб биламан. Хаётим давомида кўпгина санъаткорлар билан кўришдим, ҳамкорлик қилдим. Уларни ҳам «мукамал инсон» сифатига муносиб биламан: Тамарахоним,

Мукаррама Турғунбоева, Комилжон Отаниёзов, Сора Эшонтўраева, Лутфихоним Саримсоқова, Раззоқ Ҳамроев, Туроб Тўла, Пўлат Мўмин... Бир мисол. Тамарахоним ўзию ўзгаларга нисбатан жуда талабчан санъаткор эди. Концерт бошланмасдан илгари ўзи билан чиқадиған хар бир артистни бош-оёқ кўздан кечирарди (соч турмагидан тортиб либоси, бўйинбоғининг қандай тақилгани, туфлиси ва ҳоказо). «Санъаткорнинг ижро маҳорати ўз йўлига, унинг кифаси ҳам нуқсонсиз, мукамал бўлиши керак», дер эди буюк артист. Кўряписизми...

Касбимдан нолимайман. Шу туфайли эл ичида обрў-эътибор топдим, дунё кездим, нуфузли сахналарда чиқиш бахтига муяссар бўлдим. Қирқ йилдан зиёд «Шодлик» (ҳозирги «Ўзбекистон») давлат ашула ва ракс ансамблида ишлаб ижод қилдим. Бу даргоҳнинг қаттиқ нонни сувга ботириб еган, бир оғиз ширин сўзга, мададга муҳтож кунларини ҳам, шоду хандон кунларини ҳам бирга яшадим. Қаранг, юртимизнинг хар гўшасида – санъат саройлари, томошагоҳлар, қўйинг-чи, далалар, шийпонлар, ўтовларда умримизнинг парчалари қолган... Бутун МДХ, қолаверса, АҚШ, Куба, Исландия, Германия, Польша, Болгария, Венгрия, Сауд Арабистони, Афғонистон, Хитой каби мамлакатларда (маҳаллий тилларда!) концерт дастурларини олиб бордим. Кўп яхши инсонларга эш бўлдим, янгиликлар, яхшиликлар топдим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони билан тақдирландим. Чамалаб кўрсам, шу кунгача 7500дан зиёд концертга бошловчилик қилибман...

Аудиторияни доимо хис қилиб тураман, хатто томошабиннинг юрак уришини ҳам. Шундай кезлари сахна ва зал аро қандайдир энергетик мулокот пайдо бўлади. Санъаткор учун энг ёқимли, бахтиёр дақиқалар ҳам ана шу-да! Тасаввур қилинг, «Истиқлол» санъат саройида концерт бўляпти. Мен сахнада шеър ўқияпман. Залга шундай жимлик чўкканки, гўё ўзимдан бошқа ҳеч ким йўқдай. Ҳаяжон ичида мисраларни бир-бирига улайман-у, кўзларимда ёш қалкийди. Бутун борлигим оналарга муҳаббат, эхтиром туйғуларига чўмган... Онажоним кўз олдимда намоён бўладилар; ана, меҳр тўла нигоҳлари билан менга бокиб турибдилар. Бу лахзалар илҳоми билан шеърни ўқиб тугатганимни ҳам билмай қоламан. Қарсақлардан ўзимга келаман, кучоғим гулдасталарга тўлади...

Санъатда судралган оёқости бўлади, тўхтаган – чўқади, ортга кетган – унутилади. Шунинг учун ҳам бир кун, бир соат бўлсин изланишдан, интилишдан тўхтаганим йўқ. Сахнага кадам қўйган кунимдан бошлабқ бошқаларни такрорламасликка, ўз услубимни

яратишга ҳаракат қилганман. Ижодкор сифатида доимо табиат, дунё, одамларнинг кўнглида кечаётган нозик жараёнларни кузатиш, илғашга интиламан. Зеро, қалбим, онгу шуурим шу ходисотлар таъсирида янгилашиб боради, кеча қўрилмаган янги қирраларни пайдо қилади. Шунинг учун ҳам гоҳида томошабин, гоҳида ижрочиман...

Буюк санъаткорлар файзидан бахраманд бўлган бахтли инсонман. Не-не устозларни кўрмадим... 1970-йиллар эди. Кўз ўнгимизда атоқли санъаткор Комилжон Отаниёзовнинг умри сўниб боряпти, инсулт гавданинг ярмини ишдан чиқарган. Шунда ҳам хофиз, энди мени тек қўйинглар, дам олай, соғлиғимга қарай, демайди. Ўша ярим фалажлик ҳолатида ҳам санъатга садоқати бутун-да! Икки бўлимлик концерт намоиш этиляпти, мен бошловчиман. Комилжон Отаниёзовга гал келай деганда хофизни суяб курсига ўтказиб қўядилар... Парда очилиши билан санъаткор гўё дард билмаган кишидек хониш бошлайди... Мухлисларнинг ҳам санъатга муносабати ўзгача эди. Концертларда манавинақа оёқ дўпиллатишлар, хуштакбозликлар бўлмасди, нафас ютиб тингланарди ҳар ижро...

Қайсидир пайт қай бир ижром балки муваффақиятсиз бўлгандир, лекин буни ижодий инкироз деб атамаган бўлардим. Мухлис учун санъаткор гўё иккита қўшиқ ёки учта шеър билан этибор қозонгандек туюлади. Аммо у танилгунича йиллар захмат чекканини (машқлар, муваффақияли чиққан/чиқмаган роллер ёки қўшиқлар), неча марта лаб умидсизликка тушганини одамлар билармикан? Агар артист шу синов босқичларини енгиб ўтмаганида балки «ўша» қўшиқ ёки ролни бунчалик маҳорат билан ижро этолмаган бўларди. Ўзимни олсак, нимагаки эришган бўлсам, катта меҳнат, машаққатли изланишлар самараси бу. Кўнгилдагидек натижа, кўпчиликка манфаат келтирадиган мақсадни кўзласам, қанчалик қийин бўлмасин эришишга ҳаракат қиламан. Умуман олганда, касбимнинг яхши томонлари ҳам, ёмон томонлари ҳам бор. Лекин агар ҳижрон бунчалар аччиқ бўлмаса, висол шунчалар ширин бўлмасди.

Ўғлим Санжарни икки ойлик бўлганида кўрганман. Мен гастролма-гастроль юрибман, аёлим эса ой-куни етиб туғруқхонага ўзи бориб, яна чақалоғи билан ўзи чиқиб келибди. Уйга қайтсам, икки ойлик бола бешиқда ётибди! Икки – икки ярим ойлаб Россия, Украина, Молдова, Қозоғистон, Кавказ, Қрим, Болтикбўйи, Карпатолди ва Карпаторти ўлкалари бўйлаб гастролларда юрардик-да. Гоҳида нафас ростлаб олишга ҳам имконимиз бўлмасди: бугун Тошкентга келсак, эртага чемаданни янгилаб яна йўлга чиқиш керак эди...

Энди ишонгим келмайди. Ҳозир қайси артист шундай захматларга чидайди? Концертдан тўғри «тураржой»имиз – плацкарт вагонга (!) қайтиб ухлаймиз, тонгда эса бошқа шаҳарда уйғонамиз. (Биз кўним топган вагонни турли поездларга улаб навбатдаги манзилга жўнатишарди). Вагон олдига ўчоқ қуриб қозон осган пайтингиз поезд бирдан жилиб қолади. Чала пишган овқатни қозони билан кўтариб югур-а! Ҳали қор, ҳали ёмғир, изғирин, жазирама... Бу ҳам майли, Нахичевонда озар-арман ихтилофлари қурбонига айланишимизга сал қолган. Тош отаётган, калтак ўкталаётган, ўк узаётган мурасасиз оломон туфайли ўн олти кун қамалда қолиб кетганларимизни эсласам, юрагим орқага тортиб кетади... Хуллас, у вақтлар санъаткор солдатдек гап эди: фалон жойга бориш керак дейилдими, тамом! Биз чеккан машаққатларни ҳозирги ёшлар билмайди. Шунинг учун булар санъатга нописанд қараса, зарар етказса, жаҳлимиз чиқади, куйинамиз...

Нима учун «юлдуз»лар умумий тартиб-қоидалардан мустасно бўлишлари керак? Хўп, кимгадир ортиқроқ истеъдод, иқтидор ато этилибди. Лекин нима учун у ўзини бошқалардан баланд тутиши керак? Афсуски, афсуски... Шундайлар кўп учрайдиган бўлиб қолди. Ваҳоланки, ўша «баланд» кимсани ўша паст кўрилаяётган одамларнинг муҳаббати «юлдуз»га айлантирган... Айрим ёш артистларнинг димоғи, кибру хавосини кўриб ёқангизни ушлаб қоласиз. Санъаткор аввало ўзининг номига, шарафига муносиб бўлиши керак. Мен мана шу ақидага амал қилиб яшайман.


Бугун сахнада янги давр бошланди. Хонандалар концертларни ўзлари олиб боряпти. Лекин бошловчили издиҳом салобатлироқ бўлади, назаримда. Албатта, ҳаммаси концерт ташкилотчиларию режиссёрнинг таъбига боғлиқ. Томоша спецификасига қараб шакл танланади-да. Концерт бераётган хонанда шахс сифатида бой, дунёқараш кенг, сўзга чечан бўлса – марҳамат. Лекин сўз санъатининг метёрларини билмаса-ю, бошловчиликка даъво қилса, бу аввало санъатга, қолаверса, томошабинга нисбатан ҳам ҳурматсизлик бўлади.

Муқаррама Турғунбоевнинг галдаги концертларига тайёргарлик кўраётган эдик. Опанинг гримхонаси эшигини қоқдим: «Ассалому алайкум, узр, опа, бугун нечта рақс ўйнайсиз?» Опа ўзига хос шаддод оҳангда, ним табассум билан дедилар: «Бугун нечта рақс ўйнашим сизга боғлиқ, йигитча!» Катта санъаткорнинг бу тағдор хитоби хотирамда умрбод муҳрланиб қолди. Чиндан ҳам, концертнинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги кўп жиҳатдан бошловчига, унинг файзи ва маҳоратига боғлиқ.

«Эркак»нинг форсчаси «мард» бўлади. Мардга ёлгон ярашмайди. Афсуски, бугун эркаклар орасида ёлгон-яшиқ, лафзсизлик урчиб кетди. Замонавий эркакларнинг камчилиги мана шунда деб биламан. Ўзимнинг кучли томоним... саботимда бўлса керак. Хаётимда қора кунлар бўлган, аммо иродаимнинг кучи билан ўзимни сақлаб қолганман. Тўнғичим, ягона қизим Хилолаҳоннинг гулдек пайти оламдан кўз юмиши... Назаримда, инсон инсон бўлиб бу хил оғриқни кўрган эмасди. Бундай мусибатга чидаш мумкинлигига ақлим бовар қилмасди... Воҳки, кўз олдинда шамдек сўниб бораётган дилбандингга ҳам кези келганда ёрдам беришга ожизлик қилар экансан... Бу қажатқич зарбадан анча вақтгача ўзимга келолмай юрдим. Лекин тикландим. Марҳума қизимнинг гунчадек қизалоқлари учун ҳам яшаш кераклигини англаб, тақдирга тан бердим...

Хаёт зиддиятлардан иборат. Айниқса, санъаткорнинг хаёти нашъу намонинг ҳам, дарду армонинг ҳам чегарасини билмайди. Дунёга келибмизми, унинг шаробини ҳам, зардобини ҳам симираамиз-да. Аммо инсоният доимо дунёни ўзгартириш орзуси билан яшаган – у бугуни кечаги кунидан яхшироқ, мукамалроқ бўлишни истайди. Жумладан, мен ҳам. Атрофни ёруғроқ, чиройлироқ кўргим келади. Шу маънода одамлар ўртасидаги муносабатлар мени кўп ўйлантиради. Айниқса, айрим қон-қариндошларнинг ўзаро бемехрлиги, беоқибатлигидан ранжийман. Яна... ёлғизликдан кўрқаман. Дунёни ўзгартириш ихтиёримда бўлса эди, разолату қабохатни суғуриб олиб, одамларга бир олам меҳру эътибор, эзгуликлар улашардим.

Энди вақтимни кўпроқ оиламга бағишляпман. Билсангиз, яқинларини саломат ва бахтиёр кўриш одамзод учун асл қадриятдир. Фарзандларнинг дунёга келиши, вояга етиши, муваффақиятлари, оила қуриши, фарзандли бўлиши... Аслида буларни қандайдир даврларга ҳам ажратиб бўлмайди. Эрнест Хемингуэй Париж ҳақида бу шаҳарда муттасил байрамдир, деган эди. Оилани ҳам умр бўйи давом этадиган бахтга, байрамга ўхшатгим келади. Мана, ёнимда дардқашим – умр йўлдошим Дилбархон, ўфилларим ҳам елкадош. Набирам Масрур таэквондо бўйича қатор ютуқларга эришди, турли микёсда ўтказилган беллашувларда учта олтин медални қўлга киритди. Бу ҳам бахтнинг давоми. Самира, Сафина, Сабина, Самаржон, Самуржон, Шаҳлохон, Мадинахон, Шодияхон... Оптимиздан янги, баркамол авлод етишиб келяпти. Яшаш керак, шулар учун яшаш, интилиш керак...»



СВЕТЛАНА ОРТИҚОВА

Ўзбек қизи овози

«+» белгили Аёл!

Саломлашатуриб кўнглимдан шу гап ўтди.

Турган-битгани позитив унинг: мусбат
қувват юз-кўзидан ёғилиб туради.

Яшашу яратиш иштиёқи, ҳайрату ғайрат
чақнаб туради вужудидан.

«Мен аёл эмас, шахсман, – дейди. –
Гоҳи кучлигимда, гоҳи кучsizлигимда
менинг қудратим». Шунинг ўзидаёқ
АЁЛлигини тан олади.

Мана у: Светлана Ортиқова,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ
масалалари қўмитаси раиси. Полковник,
«Меҳнат шўҳрати» ордени соҳиби.
МАРДона АЁЛ.

Сен аёл эмас, истисносан.

(Владимир Маяковский Лиля Брик хақида)

– Светлана опа, кўпчиликнинг наздида сиз ҳаёти буткул жамоатчилик ишларию сиёсатдан иборат шахссиз. Аслида ҳам шундайми?

– Аввало, мен ўзимни Она юртини ҳадсиз суядиган инсон деб биламан. Ҳар қадамим, ҳар ишим – қоғоз қоралашми, фуқаролар билан мулоқотми, оммавий ахборот воситаларига интервью беришми ёки мана, сиз билан суҳбатлашишми – ҳар бирининг замирида Ватанга муҳаббат ётибди. Шу туйғу сўзимга, ҳаракатларимга ишонч берапти, далда берапти. Кўпчилик менга айтади, хорижий оммавий ахборот воситалари билан кўп ишлайсиз, нимага айнан сиз чиқасиз, кўркмайсизми, деб. Нимага, нимадан кўрқишим керак? Ахир, амалга оширган ишларимиз Ўзбекистон имижини ҳар қанча кўз-кўз қилишга арзийди-ку! Атиги йигирма йил ичида шунча нарсага эришдик, қаранг! Яқинда хизмат сафари билан Бельгияда бўлдик. Бельгия парламентарийси айтаяпти, сизлар ноябрда концепция эълон қилиб, апрелда қонун қабул қилибсизлар, у ишлашни ҳам бошлабди. Бизда эса бир қонунни қабул қилиб, то халққа тушунтириш учун анча йиллар керак... Сиз Бельгия аҳолиси билан Ўзбекистон халқининг фарқига боринг-да, дедим унга. Бизда шунақаки, масалан, мен тансиқроқ овқат қилсам, кўшнимга ҳам бир коса илинаман, шу аснода билганларимни ҳам билдираман, дедим. Бизда одамлар жипс, ўзаро меҳр-оқибат бошқача, дедим. Қолаверса, халқимиз англаб етди: бугун БИЗ ҳаракат қилиб қолмасак, эртага болаларимиз биз истаган жамиятда яшолмайди. Башарти, шундай давлат, шундай жамиятда яшаётган эканмиз, масалан мен ўзим, жилла курса, Она сифатида, фарзандим обод юртда яшаши учун жонимни тикмайманми!

– **1997 йил 29 августда Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури қабул қилинганди. Орадан ўн тўрт йил ўтди...**

– Бу дастур ўн тўрт йил олдин белгиланган вазифаларини жуда яхши адо этди. Лекин бугун жамият ўзгарди, инсонлар ўзгарди, демакки, дастур ҳам такомиллашиши керак. Илло, у энди бугун эмас, эртанги кун учун хизмат қилади.

– **Бугун сиз сенаторсиз. Қонун ижодкорлиги билан боғлиқ фаолиятда ўзингизни қандай сезаясиз? Прокурорликни, погонингизни кўмсамайсизми?**

– Кўмсайман (*жилмаяди*), прокуратура тушларимга ҳам кириб туради. Ҳар ҳолда, ўттиз йил прокурор формасида фаолият юритдим... Полковник поғони кишига фахр туйғусини бағишлайди, албатта. Лекин энди сенаторман. Менга билдирилган бу ишончининг алоҳида

масъулиятини хис қиламан. Давлат аҳамиятига молик масалаларга алоқадорлигингиз, сизнинг иштирокингизда қабул қилинаётган қонунлар эртага халққа фойда келтиришини билиб туриш... катта гап-да! Яна меҳнат, изланиш дегани бу. Расмий кийимни ечганимдан кейин аста-секин овоз оҳангим, қадам ташлашим ҳам «юмшади» (ахир, энди прокурор эмас, сиёсатдонман)...

– ...аммо қатъиятингиз ўзгармади! Сиёсат ичида юришнинг афзаллигини нимада кўрасиз?

– Америка Қўшма Штатларининг халқаро хотин-қизлар масаласи бўйича элчиси келди, Мелани Вервиер хоним. У ҳам худди шу саволни берди. Айтдимки, агарда прокуратурада ишлаган бўлганимда, мен сизни элчи жаноби олиялари сифатида қабул қила олмасдим ва Ўзбекистондаги ислохотлар ҳақида, айниқса, аёлларга алоҳида эътибор тўғрисида айтиб беролмасдим, дедим. Кулди. Прокурор билан сиёсатдоннинг фарқи шунда.

– Хотин-қизлар масаласи... Дарвоқе, феминизм ғояси айнан Америка ва Европада «юз очганди». Асримизда тоза авжига чиққан бу ҳаракатга сизнинг муносабатингиз?

– Ёмон. Нима бўлганда ҳам, аёлнинг АЁЛлиги ўзи билан. Негаки, аёлдан бошқаси – дейлик, эркак – бола туғолмайди. Табиатнинг, жамиятнинг айнан шу жинсга юклаган вазифалари бор, ҳар бир аёл буни англаб яшаши лозим. Афсуски, шўро даврида бизни бошқача тарбия қилишган: асосийси – карьера, жамоатчилик ишлари; оила, фарзанд эса кейинги ўринда...

– Бу нафақат аёлларга, эркакларга ҳам – бутун жамиятга тааллуқли идеология эди. Ҳалиги кўшиқда айтилганидек, *первым делом, первым делом самолёты, ну а девушки, а девушки – потом...*

– Шунақа эди... Лекин! Бошқа томондан олсак, аёл кишининг ижтимоий фаолияти яхши шаклланыптими, қандини урсин! Эркак овқатни ширинроқ қиляптими – худо хайрини берсин. Муҳими, ҳар ким қўлидан келганини қилсин. Наздимда, «эркакча» ё «хотинча» касбнинг ўзи йўқ. Прокуратура соҳасида шунча йил ишлаб, ҳеч қачон бу – эркакларнинг иши, деган хаёлга бормаганман.

– Аксинча, сиз аёл бўла туриб, соҳангизга кўп нарса олиб кирдингиз.

– Буни ёзмасангиз ҳам бўлади.

– Ахир, бу оддий ҳақиқат-ку: исталган соҳанинг тараққиёт ёхуд таназзули кўп жиҳатдан алоҳида шахсларнинг фаолиятига боғлиқ!

– Тўғри. Баъзан биргина шахс кўп нарсани ўзгартира олади. Бошқаларни ҳам ордидан эргаштиради шахсий ибрати билан. Ишхонаси, маҳалласи, атрофини обод қилиб яшайди бундай

инсонлар. Антуан де Сент Экзюпери айтганидек, «чистит свою планету». Қўшнилар менга айтади, уялмайсизми, шундай мансабдор одам, томорқа чопасиз, сув қуясиз, подъездни ювасиз, сизга ярашмайди, деб... Нега? Нега ярашмас экан? Ахир, шу замин фарзанди бўлганингиздан кейин юртни севиш, юрт учун нимадир қилиш сизга ярашсин-да!

– **Иш асносида АЁЛлигингиз панд берган пайтлар бўлганми?**

– Йўқ, мутлақо. Мен аёл ёки эркак эмасман, мен прокурорман, тамом. Ўзимни шундай хис қилганман. Ҳатто ҳозир ҳам аёл эмас, сенаторман. Жинс билан боғлиқ ролларингизни – *Аёл, Рафиқа, Она* – марҳамат қилиб уйда адо этасиз. Кўчага чиқдингизми – оддий фукарога айланасиз. Мен ишда касб эгасиман, вассалом.

– **Аёл ҳуқуқлари масаласи бугун дунёнинг тинчини олган. Ўзбекистон поп-маданияти контентида ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган «ўзбек қизи овози»ни сезасизми? Дейлик, репертуарлар, мавзулар, талқинлар эмансипацияси...**

– Чиндан ҳам, долзарб масала бу. Ўйлашимча, ушбу жараёнларнинг барча босқичларини табиий яшаб ўтишимиз керак. Поп-маданият билан ҳазиллашиб бўлмайди...

– **Бунинг ўзи ҳам катта мафкура, демоқчисиз. Айтмоқчи, Светлана опа, санъат даргоҳлари сизни «ўзиники» деб қабул қилиши нимадан?**

– (*кулади*) Эътиборингиз учун, мусика мактабининг аълочи битирувчисиман. Ўқитувчиларим, ҳатто, хужжатларимни олиб қолишган – консерваторияга борасан деб... Фортепиано синфида ўқиганман – Моцарт, Бах, Бетховен, Шопен, Чайковский... Хозир ҳам уйда гоҳо «Für Elise» ёки «Moonlight Sonata»ни чалиб қалбим роҳатланади, чарчовим ёзилади. Мени мусикага ўқитган ота-онамга раҳмат! Биласизми, санъат олами дунёқарашим, одамларга, ҳаётга муносабатим шаклланишида жуда катта роль ўйнаган. Ахир, қадимги юнонлар мусика ва рақсни мажбурий таълим дастурига бежиз киритмаган. Фикримча, комилликка интилган киши албатта нафис санъатлардан хабардор бўлиши керак. Америкага борган пайтим роялда асар ижро этсам, ҳамма ҳайрон қолганди (*жилмаяди*). Энди дутор чергишни ўрганмоқчиман. Консерваторияга тез-тез бориб тураман, классик концертлар, айниқса орган мусикаси жону дилим. Опера ва балетни ҳам қанда қилмайман. Миллий театр труппаси-ку мени ўз аъзосидай кўради. Сизга айтсам, санъатимиз ривожини кўриб ичимдан қувонаман. Ёшларни қаранг: қандай талантли мусиқачиларимиз бор! Жажжи дирижёримизни айтмайсизми! Бояги масалага қайтадиган бўлсак, поп-маданият саҳнида «ўзбек қизи овози»нинг баландлашуви ҳам юртимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган юқори муносабатнинг бир кўрсаткичидир.

– **Жинс масаласи, умуман, эркак ва аёлнинг ўзаро муносабати кўп замонлардан бери мутафаккирларни ўйлантириб келади. «Эркак ва аёл бу – икки зид негиздир: бири – асосий, ижобий, фаол; иккинчиси – ҳосила, мажҳул», деганди доно Афлотун...**

– Кун бор, тун бор. Усиз бу йўқ. Фақат эркаклар яшайдиган жамиятни тасаввур қилиб бўларканми? Ёки нуқул аёллардан иборат мухитни? Йўқ, албатта! Улар бир-бирини тўлдириб яшайди. Ҳа, зиддият бор. Диалектик материализмда бор-ку, қарама-қаршилиқлар бирлиги ва зиддияти деган тушунча. Эркакнинг тафаккури рационал, аёлники ҳиссий. Эркак дағал, аёл мулойим. Бу тафовут ҳар қанақа ҳолатда, дейлик, бирор қарорни қабул қилишда ҳам сезилади.

– **Ўзингиз фаолият нуқтаи назаридан эркак ва аёл категорияси билан ҳисоблашасизми?**

– Йўқ. Мен одамларга эркак ва аёллигидан қатъи назар муносабатдаман. Мен учун ПРОФЕССИОНАЛ деган тушунча бор, вассалом. Айни шу позициядан ёндашаман – эркакми, аёлми, оқми, қорами, ўзбекми, бошқами, маконю мансабидан қатъи назар. Агар фаррош бўлса-ю, ўз ишини қойил қилиб қўйса, ўша кишини севаман-қоламан! Чунки у ишини тоза қилади, демак, кимгадир фойда келтиради. Охир-оқибат, бундан давлат, мамлакат наф кўради.

– **Лекин минг шахс бўлсин, профессионал бўлсин, эркакнинг ЭРКАКка, аёлнинг АЁЛга хос эҳтиёжлари бор-ку!**

– Тўғри. Аёлга кўрғон керак, ҳимоя керак, суяниш учун кучли елкага муҳтож у. Эркакка эса уйнинг файзи керак, ширин таом, тоза кийим, парвариш... Бир мисол. Яқинда хориж сафарига бўлганимизда делегация аъзоларидан бирининг тоби қочиб қолди. Эркаклар буни пайқгани ҳам йўқ. Биз – икки аёл эса ҳамсафаримизнинг ранги ўчганини дарров билдик. Ҳапдори ҳам, сув ҳам ёнимизда топила қолди. Қўлидан нарсаларини олиб, ўтқизиб, елиб... ярим соатда ўзига келтирдик. Аёлмиз-да! Эркаклар бунинг урдасидан чиқолмайди, лекин бизга оғирлик қиладиган юкларни бемалол кўтаради (*кулади*).

– **Демак, эркакдан илтифот кутмаслик керак?**

– Ҳеч кимдан! Одамларни борича қабул қилиш керак, ўзгартиришга уриниш беҳуда. Чунки ҳар бир инсон ўз ҳолича ноёб, Оллоҳ яратган мўъжиза. Масалан, шунақа Ирода дунёда бошқа йўқ. Балки кўз кийиғи, сочининг ранги бировга ўхшаши мумкин, лекин айнан шундай Ирода Абдулғазиз фақат битта!

– **Лекин... ҳамманинг ҳам мағзи тўқ эмас-ку! Улар ҳатто ўзининг пучлигини ҳам билмайди, бунинг учун савияси етмайди. Умрини сериал кўриб ўтказаётганларни ҳам ўзгартирмаслик керакми?**

– Бу уларнинг танлови ва улар шу билан қаноатланади. Асосийси, танлаган ҳаёт тарзининг ўзига қулай экани. Уй бекаси бўлса ҳам, агар бу унга ёкса, шундан роҳат олса, майли, шундай яшай қолсин. Ҳаёти бола туғишу эрини ишдан кутиб олишдан ташкил топган аёллар кўп. Уларга бошқа нарсанинг кераги ҳам йўқ. Ишга бориб-келса, маош олса, кифоя бўлган эркаклар ҳам етарли.

– **Буни рисоладагидек, тўғри ҳаёт тарзи деб баҳолайсизми?**

– Қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини билмайман. Аммо менинг ўз танловим бор, сизнинг ўз тўхтамингиз. Лекин мен сизнинг танловингизни ҳурмат қиламан, қандай бўлишидан қатъи назар. Инсон танлаган машғулотидан завқ олсагина, тайёрлаётган таоми ҳам, кўраётган сериали ҳам, ўқиётган ё ёзаётган журнали ҳам ҳаётига маъно бағишлайди. Худди шунингдек, сиёсат борасида фаолият юритаётган инсон ҳам ўз ишидан баҳра ола билиши керак. Қолаверса, ҳар ким ўз қарори учун ўзи жавоб беради. Мен қизимга ҳам доим мустақил қарор қабул қилишни ўргатаман, токи кейин мендан ўпкалаб юрмасин.

– **Ўсмир қизнинг кўнглини топиш осон гапмас, айниқса, Ишчан Онага. Зиддиятларни қандай ҳал қиласиз?**

– Тоқат билан. Тарбияда кучли бардош билан бирга мантиқ илми ҳам муҳим. Ҳаётда оқ ва қорадан бошқа ранглар ҳам мавжуд, ўсмирлар эса буни ҳали англамайди. Улар учун бу – яхши, бу – ёмон. Буни қабул қиламан, буни эса – йўқ. Кўпроқ холалари (синглим ва дугонам) орқали таъсир ўтказишга ҳаракат қиламан, болам уларга кўпроқ қулоқ солади, четдаги одам-да улар. Дейлик, дугонам ҳақиқатни унинг юзига шартта айта олади. Қани, ўша гапни мен айтиб кўрай-чи! Унга кам вақт ажратишим, ёнида кам бўлишим етмаганидек, қойинишим ортиқчалигини юзимга солади.

– **Тарбияда либералман, денг?**

– Шубҳасиз. Либерал бўлганда ҳам... Қизимнинг сочлари узун эди, хозир қалта қилиб кестириб олди. Мен бунга қаршилиқ кўрсатмадим. Қарасам, энди тирноғини қошиқдай қилиб, қоп-қора лак суртиб ўтирибди. Келиб индамай ёнига ўтирдим-да, мен ҳам тирноғимни қорага бўяй бошладим. Қизим, суртманг, ойи, сизга бўлмайди, деди. Сеники чиройли деб ўйлайсанми, дедим, худди меникидака хунук кўриняпти, дедим. Кейин ўзининг кийимларидан кийиб (размеримиз бир), «дефиле» кўрсатдим. Бўлмайди, ойи, ечинг, деди... Лекин бу – менинг тарбия усулим, бошқаники эмас. Ҳаётда ҳар ким ўзининг амалдаги тажрибасига эга бўлиши лозим.

– **Ўзингизнинг тарбиянгиз «авторитар тузум»да кечган бўлса керак...**

– Биласизми, Иродахон, мен рус мактабида ўқиган бўлишимга қарамай, катталарнинг кўзига тик қаролмасдим. Сочим жуда узун, қирқишга рухсат йўқ эди. Аммо 7-синфдан кейин пешонагажак кесганман, бесабаб эмас, пешонамда чизиқлар пайдо бўла бошлагани учун. Отам бир ой мен билан гаплашмаган, ваҳоланки, суюкли қизи эдим. Кейинчалик бу мутелик мухитидан чиқиб кетишим учун узок вақт психология билан шуғулланишимга тўғри келди. Тақимимни ўпадиган сочларни қирқишга кўп куч керак бўлди...

– **Болаликдан нималарни қўмсайсиз?**

– Қўйлак-лозимда ховли супурардик. Сигир соғардик, курут қилардик... Барини соғинаман. Хозир ҳам уйда кўрпачада ўтираман. Болалигимдан қалбимга муҳрлангани – ота-онамнинг чексиз меҳр-муҳабати. Уйимиздаги ўзаро ҳурмат ва адолат, оқибатни қўмсайман. Эсимда, отам бизни ноҳақ уришса, онам кечирим сўрашини талаб қиларди. Отамнинг эса ўз боласидан кечирим сўрашга бўйни ёр бермасди. Онам эса, фарзанд бўлса ҳам, у – эркин шахс, дерди. Уйимизда шунақа кучли демократия ҳукм сураб эди.

– **Онангиздаги қатъият...**

– Онамнинг миллати украин, отам билан у ҳарбий хизматда юрган пайтлари танишган. 18 ёшида Ўзбекистонга келган, отамга турмушга чиққан... Мана, тўрт фарзандни тарбиялаб, қирқ беш йил тотув умр кечиришди. Оиладаги соғлом мухит, илм-маърифатга эътибор – буларнинг барчаси келажагимиз учун пойдевор бўлди. Муштумдек боланинг ҳам фикри инobatга олинар, шахс сифатида эъзозланар эди.

– **Юридик соҳани танлашингизга ҳам оила мухити сабаб бўлган экан-да?**

– Оилада тўнғич фарзандлигим учунми, ваколатларим кўпроқ эди. Масалан, укаларим уришиб-талашиб қолса, уларни ажратиш ва тўғри қарор қабул қилиш менинг зиммамга тушарди (ота-онамиз рўзгор ташвиши билан овора), бу эса мендан ҳаққонийликни талаб этарди. На укамга, на синглимга ён босмай, адолатли ҳукм чиқарардим. Бора-бора, қариндош-уруғ, қўни-қўшни орасида низо чиқса ҳам, Светлана ҳал қилсин, одилона ёндашади, дейдиган бўлишди. Қарабсизки, қайси соҳадан боришим тайин бўлиб қолди...

– **Қасбингиз сизга нима берди? Ниманинг эвазига?**

– Ўз-ўзимни танитди. Ишингни мукамал билсанг, жамоа сени профессионал сифатида тан олса, ҳаракатларингни тўғри баҳоласа... Янада ишлагинг, олға интилгинг келади. Карьера қилиш, айниқса, прокуратура соҳасида, яна кишлоқдан чиққан ўзбек қизи учун... осонмас. Лекин мен бу жабҳада кўп нарсага эришдим. Бунинг учун тақдиримдан миннатдорман.

– Кучни қаердан оласиз? Шундай пайтлар бўлади-ку, тушкунлик холатлари...

– Ие!.. Психология нима учун, ракс нима учун, аэробика, аутотренинг!.. Ёки мана, гуллар парвариши, китоб мутолааси, диссертация, инглиз тили... Ёқтирган машғулотингиз сизни тушкунлик холатидан олиб чиқиб кетади. Дейлик, иш столида уч-тўрт соат мук тушиб ишладингиз, толиқдингиз. Шундоқ деразани очсангиз, фавворалардан отилаётган биллур томчилар рухингизни ёриштиради. Гуллар билан хаёлан сухбатлашасиз, уларнинг миннатдорона боқишидан яшнайсиз... Яна ишлагингиз келади.

– Кучли Аёл. Ким У? Аниқ мақсадга, ҳаётий позициясига эга, интилувчан, бугун шахс. Ёки ўзининг ожизлигини кўрсатмайдиган нозик қалб соҳибасими? Балки кучлилиқ аёлнинг фазилати эмас, нуқсонидир?

– Бундай деб ўйламайман.

– Ўзингизнинг кучли томонингиз?

– Билим, билим ва яна бир бор билимда! Мен бир умр ўқиб-изланишдан тўхтаган эмасман. Билимнинг ортиқчаси бўлмайди. Ҳар қандай билим кун келиб, албатта асқотади.

– Кучли шахс, инчунин, кучли аёл ёлғизликка маҳкум. Балки ёлғизлик эмас, ҲУРЛИКдир бу...

– Албатта, хурлик! Асло ёлғизлик эмас. Инсон жамиятда яшар экан, бажариши лозим бўлган вазифалари, имкониятлари, ҳуқуқлари бор. Шу вазиятда у қандай ёлғиз бўлиши мумкин?! Инсон ўз қобилигига ўралиб, жамиятдан холи яшай олмайди. Уй бекаларига доим айтаман, турмуш ўртоғингизни табассум билан қузатинг, бу унга ижобий таъсир кўрсатади. Эрингиз ишхонадагиларга илиқ муносабатни улашади, хонадошлари эса буни хонадонларига олиб боришади. Тасаввур қилаяпсизми, атрофимизга қанчалик позитив қувват таралади. Ҳозир сизни хомуш кутиб олсайдим, мақолангиз чиройли чиқармиди?..

– Замоनावий аёлнинг камчиликлари нимада деб биласиз?

– Карьера йўлидан бораётган аёллар эркакшода бўлиб кетишади. Аёл, аввало, АЁЛ эканини ҳис қилиб туриши керак, айниқса, Шарк аёли.

– Ҳаётда жавобини топа олмаган саволларингиз борми? Нимадан кўрқасиз?

– Адолатсизликдан...



«БУЛБУЛЧА»: парвоз истаги

Маънавий келажак қайғуси билан яшаган инсонларнинг сайъ-ҳаракати туфайли Ўзбекистонда илк болалар хор жамоаси ташкил топди. Вақт ўтиб, хайрли мақсадда қадалган уруғдан хайрли ҳосил унди.

«Булбулча»нинг эзгуликни тарғиб этувчи қўшиқлари ўғил-қизлар тилига кўчди, дилига жо бўлди. Бу юрт фарзандлари «Болалигим гулбаҳор, унда баҳор ҳусни бор...» оҳанги билан улғая бошлади. Ўзбек болалар санъати довуғини дунёга таратган «Булбулча» юрт боласининг идеалига айланди.

1962 йил. Тошкент давлат консерваторияси талабаси Шермат Ёрматов куюнчак устозларининг йўл-йўриги билан Ўзбекистонда илк болалар хор студиясини ташкил этади. Тошкентдаги 99-мактаб қошида «туп қўйган» жамоа кейинроқ Глиэр номидаги республика мусиқа мактабида «палак ёзади». Ижро маҳорати билан назарга тушган коллектив 1970 йили «Ўзбекистон телерадиокўмитаси қошидаги болалар Катта хори» мақомига муяссар бўлади. Бу ҳазил гап эмасди, зеро Ўзтелерадионинг хори намуна бўлгулик шакл ва мазмун касб этиши лозим эди. Бу чандон масъулиятни уйдлаш учун Шермат Ёрматовга муносиб елкадош керак эди. Ниятига тортиб, болалар жамоасига боладек беғубор ва самимий, серғайрат яна бир мутахассис насиб этди. Кўзлари чакноқ Сожида қиз консерваториянинг хор дирижёрлиги факультетида таҳсил олар эди. Хулласи калом, икков бир бўлиб ишга киришди, истеъдодлар-у-у, қанисиз, дея шаҳри азимни кезишга тушди. Эски Жўва, Бирлик, Қора-Қамиш каби аҳоли зич яшайдиган даҳаларда ташвиқот юритиб, мусиқага уқуви бор, хушовоз болаларни хорга жалб қила бошладилар. Жараён қизгин ва долзарб тус олди.

Шермат Ёрматов,

«Булбулча» ашула ва рақс ансамблининг бадий раҳбари,

Ўзбекистон халқ артисти, «Соғлом авлод учун» ордени совриндори:

– 1982 йили илк марта Москвага бордик. Машҳур «Пионерия» болалар хор студиясининг бадий раҳбари, композитор Георгий Струве бизни суйиб қаршилади. Бир ҳафта болаларимни етаклаб юрди, булар ҳам худди жўжалардай унга эргашишади. Автобусни тўлдириб концертга бораётсак, Струве болалардан сўраяпти:

– Ребята, как по-узбекски называется птица, которая очень красиво поёт?

– Бул-бу-у-л!

– Ой, как краси-иво звучит! А как называется его ребёнок, маленький соловушка?

– Булбулча-а-а!!!

– Ай, молодцы!

Манзилга етдик, концерт бошланай деяпти. Болалар саҳнада тизилиб туришибди. Шу пайт Георгий Струве саҳнага чиқиб: «Выступает Большой Детский хор Гостелерадио Узбекистана «Бул-бул-ча!!!» деб юборса бўладими! Зал тугул, саҳнадаги болалар ҳам қийқиришиб, бир-бирини қучоқлай кетишди... Тўлқинланиб куйладик. Концерт ниҳоясида Струве хорнинг бадий раҳбарини эълон қила туриб, «Лауреат Премии Ленинского Комсомола Узбекистана, Заслуженный артист Республики, ой, простите, будущий Заслуженный артист Узбекистана Шермат Ярматов!» десади! Уялганимдан ўзимни қаёққа қўйишни билмай қолдим, қарсақлар эса тина қолмайди...

Ўша пайтда Ўзбекистон телерадиоқўмитаси раисининг биринчи муовини Александр Берлянд малака ошириш учун Москвага уч ойлик ўқшига борган экан. «Булбулча»нинг гастролли ҳақида у ердаги махсус мухбиримиздан хабар топиб, концертга келибди. Ижро ниҳоясига етгач, кўзида ёш саҳнага чиқди: «Я просто не верю глазам и ушам своим... Слушай, Шермат, скажи честно, ты нанял какой-то московский хор, да?»

Шу тариха Москва саҳнасида «Булбулча» номини олган хор ижодий сафарни муваффақиятли ниҳоялаб, Тошкентга қайтади. Ижод ўз йўлига, расмиятчилик ўз йўлига, деганларидек, Шермат Ёрматов бир жилд қоғоз тўплаб, юрак ҳовучлаганча Ўзтелерадио раисининг ҳузурига киради. Сафар мобайнида самолёт, автобус, трамвай чипталаридан тортиб, хўрак тўловномаларигача йиққан хормейстер ҳисоботим ўтармикан, деган хавотирда. Ҳарқалай, 87 минг рубль чакана харажат эмас. Хайриятки, ҳисобот маъқулланди. Раҳбар Ўзтелерадио хорининг Москвадаги профессионал натижаларидан мамнун бўлди.

– Ҳисоботим ўтганидан енгил тортиб кабинетдан чиқиб кетаётсам, Москвада учратганим зампред билан тўқнаш келиб қолдик. Александр Петрович тўлиб-тошиб: «Ой, Убайдулла Якубович, знаете, он меня просто убил! Его на московской сцене объявили Заслуженным артистом!..» деб қолди-да. Мен ўнгайсизланиб эшикка йўналсам, раис, «Ўғлим, тўхтанг, – деди, – агар тўрт кун ичида шу унвонни олиб бермасам, бу ерда ишламайман». Тугмачани босиб бош муҳаррирни чақиртирди. «Бизда шундай заҳматкаш инсонлар ишлар экан, нега мен билмайман?! Тезда зарур ҳужжатларни тайёрланг!»

Ротпа-роса тўрт кун деганда газетанинг биринчи саҳифасида фармон турибди-да! Кўзларимга ишонмадим. «Ахборот»да фармонни такрор эшитгач, кўзимга ёш келди. Ҳалол меҳнат ерда қолмас экан...

Тинимсиз меҳнати билан кадр топган Шермат Ёрматов Бутуниттифок Хор жамятининг «Камертон» мунозара клубига аъзо бўлди. «Булбулча» ушбу клубнинг бир неча тадбирларида маҳоратини кўз-кўз қилди, Москванинг нуфузли саҳналарида ҳар сафар янги ва ёрқин репертуар билан чиқди. Чайковский залида икки бўлимли катта концерт намоийш этиш унча-мунча жамоага насиб этмаган эди. Ўша куни залда бўш ўриндиқлар колмагани учун йўлақлар ҳам томошабин билан тўла эди. Хормейстернинг кўнглида ғулғула: «Бу табаррук саҳнада чиқиш бахт, ammo руслар ўзбек мусиқасини қабул қилармикан...»

– *Кўшиқнинг ўзи ҳам, ижроси ҳам чиройли бўлса, тингловчи, миллатидан қатъи назар жон қулоғи билан қабул қилар экан. Мухлислар ўзбек композиторларининг асарларидан тортиб мумтоз наволаргача олқишлаб тинглашидигина эмас, баъзи кўшиқларни «бис»га қайталаб айттиришиди ҳам...*

Сожида Алимова,

«Булбулча» Катта болалар хорининг бош дирижёри,
Ўзбекистон Ёшлар мукофоти совриндори:

– Москвага қилган илк гастролимиз ҳеч эсимдан чиқмайди. 1980-йиллар эди. Кўпчилик Ўзбекистон қолоқ бир республика, у ернинг одамлари ҳали-ҳамон эшак миниб юради, деб ўйлашар экан. Кўришсаки, профессионал бир жамоа; қўғирчоқдек ясанган болалар русчада ҳам, ўзбекчада ҳам бийрон сўзлашяпти, қардош халқлар тилларида қойил қилиб куйлашяпти. Ўзбекистон ҳақида биринчи марта эшитиб турган кишилар «Булбулча» тимсолида халқимиз, юртимиз, санъатимизга тан бердилар: «Қандай иқтидорли болалар, қандай маданияти юксак халқ, қандай гўзал санъат!»

Кейинроқ Болтиқбўйи мамлакатларида бўлдик. Дунёнинг ҳар тарафидан келган катта-катта дирижёрлар, хормейстерлар қўшиқларимизни тинглаб, ўзбек оҳанглари қандайдир қуёшли, нурли, дейишарди. Бировга айтсангиз ишонмаслиги мумкин, лекин бор гап: Минск, Таллинда «Булбулча» қўшиқ бошлаган вақти осмонда қуёш чарақлаб кетарди. Публика бизни «Узбекистан – солнечный край! Ташкент – город дружбы!» дея олқишларди...

«Булбулча» Туркияга сафар қилган пайти Ўзбекистонни ҳали ҳамма давлатлар ҳам таниб улгурмаган эди. «Ўзбекистон? Ўзбеклар??» Бу ҳол «Булбулча»ни ўкситган бўлса-да, сир бой бермадилар. Фестиваль бошланди. Шу аснода *гран-прини* Озарбайжон ансамбли олади, деган гап-сўз оралаб колди. «Булбулча»нинг навбати етиб, хоразмча қўшиқни рақси билан ижро этганида бутун стадион оёққа қалқди. «Nisan» болалар фестивалининг олий мукофоти ўзбекистонлик ёш санъаткорларга насиб этди! «Булбулча»нинг маҳорати 67 юрт вакиллари орасида «кўзлари ёниб, ватани, халқи ҳақида ўзига сифмай куйлайдиган ажойиб болалар ва болаларини яйратган меҳрли ўлкага офарин!», деган ҳақли эътирофга, меҳру муҳаббатга сабаб бўлди.

– Соз орқали айтилган сўз кўнгулни ёритади. Болаларимизнинг ўзи қўшиқ орқали эл-юрт учун ёниб яшашни ўрганиб, буни бошқаларга ҳам намоёниш этади. «Қуёш бўлсин, ой бўлсин, Ўзбекистон бой бўлсин»ни 5–6 ёшидан куйлаган бола умрининг охиригача бу сатрларни эсидан чиқармайди. Бора-бора у қўшиқни ҳаётга татбиқ эта бошлайди. Мурғак пайтидан ватанини севиш, ота-онани эъзозлаш, табиат, жонзотларга меҳрли бўлиш ҳақида куйлаган боладан ёмонлик чиқиши мумкинми? Аксинча, у кўчада қушларга озор бераётган ёки дарахт шохини синдираётган «шоввоз»лар олдидан безътибор ўтиб кетмайди. Яхши болалар кўпайгани сайин маънавий тарбиянинг ривожланишига йўл очилаверади. Мана сизга қўшиқнинг аҳамияти...

Кичик, ўрта ва ўсмирлар гуруҳидан иборат «Булбулча» хори кейинроқ созандалар, фольклор ҳамда рақс дасталари билан кенгайиб, катта ашула ва рақс ансамблига айланди. Рақс гуруҳларига Мукаррама Турғунбоева мактабини ўтаган хореограф Дилбар Абдуллаева ҳамда Юлдуз Исмаатованинг тўнғич шогирдларидан бири, «Шухрат» медали нишондори Ноила Ортикова бошчилик қилди. Йил сайин давраси кенгайиб, санъати юксалган жамоа номи тилларда дoston бўлди.

1992 йили «Булбулча» катта ижодий сафар билан Омскка ташириф буюради. Ўн икки кун давом этган концерт давомида залнинг орқа эшиги ҳам ширинликлар, совға-салом тугган мухлислар билан тирбанд бўлди...

Шермат Ёрматов:

– Омскка 127 нафар бола билан бордик. Самолёт «Булбулча» билан тўлди. Қаторасига концерт бердик. Бу ерда ҳарбий хизматни ўтаётган ўзбек йигитлари талайгина экан. Шунинчун олиб, филармония бир сафар 850 та жойни қоракўз аскарларга ажратди. Биз қўшиқ куйлаёмиз-у, зал йиглаб ўтирибди...

Жамоага тайинлаб қўйгандим, жон болаларим, патир, майиз-туршақларни эҳтиёт қилинглр, ҳали керак бўлади, деб. Ўзбекистондан келтирилган ноз-неъматлар билан йигитларни меҳмон қилдик; улар ўзида йўқ хурсанд, болаларимни бири опичлаб, бири елкасига миндириб юришибди...

Киев (Украина), Минск (Белоруссия), Таллин ва Тарту (Эстония)-даги қўшиқ байрамлари ҳам ҳеч эсимдан чиқмайди. Нега бу ерда бутун халқ бирга куйлайди-ю бизники куйламайди, айбимиз нима, дердим. Тартуда катта майдондан чиқиб кетаётиб кўзларимга ишонмадим: йигирма минг одам кириб чиққан ҳайҳотдай стадионда битта чўп ёки конфет қозонини топмайсиз. Ана тозалик, ана тарбия, ана маданият! Биз маънавият-маънавият деб бонг уряпмиз-у, болаларимизга зарур тарбияни беролмаяпмиз... Нимага стадионларимизда сон-саноксиз ёшлар бор овозида сўкиниб хуштакбозлик қилишни билади-ю, битта қўшиқни баралла куйлолмайди? Нима учун жўр бўлиб «Пахтакор»га офарин айтишни эплолмаймиз?..

Сожида Алимова:

– Ҳаммаёқ компьютерлашган, таҳдид, зўравонлик авжига чиққан бир даврда яшаяпмиз. Болаларимизнинг дунёқараши асосан интернет, телевидение-радио орқали шаклланыпти. Асосий тарбия воситаларининг аҳволи эса ўзингизга маълум... Дунёга ўт кетса, ҳўл-қуруқ баравар ёнади, деганларидек, рўзгор таъвишларидан ортмаётган биз катталарнинг фарзандларимизни ноқоийиз ахборотлардан асрашига имконимиз йўқ.

Аминманки, инсониятни ваҳшийликдан асрайдиган бирдан-бир восита – санъат. Болаларга айнан санъат орқали ахлоқий қадриятларни сингдиришимиз керак. Бу даврлар ҳам ўтиб кетар, деймиз. Аммо унгача болаларимиз улғайиб қолади-ку! Улар келажакка қандай «сеп» билан боради? Мана шуниси одамни ташвишга солади. Сўнги йилларда фарзандларимизнинг жисмоний ва маънавий тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиб, ҳукуматимиз томонидан бу масалага доир махсус Миллий дастур қабул қилинди. Бу қувончли жараёнлар амалга оширилаётган бир вақтда юзлаб болаларни ўз қанотиغا олган «Булбулча» жамоасининг кўпмиллионли телетомошабинлар билан ижодий мулоқоти узилиб қолгани кишини афсуслантиради.

Иқтисодиёт тақозоси билан етгита бадий жамоа, жумладан «Булбулча» ҳам икки йил аввал Ўзтелерадио таркибидан чиқариб юборилди. Ваҳоланки, бутун Марказий Осиёда ягона, Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги Катта болалар хорига ҳамма ҳавас қиларди. «Булбулча»нинг кўчирилиши республика маънавий-маданий ҳаётида дархол акс-садо берди. 30 йил давомида миллионлаб болалар ва катталарнинг кўнглидан жой олган «Кўшиғим, жон кўшиғим» ва «Биргаликда кўйлаймиз» мусикий дастурлари эфирга узатилмай қолди. Вилоятларда мусикий-маънавий таълим оқсаб турган бир пайтда бу жиддий йўқотиш бўлди. Зеро мазкур кўрсатувлардан мақсад «Булбулча»ни кўз-кўз қилиш эмас, юрт болаларининг маънавий тарбиясига ҳисса кўшиш эди.

Шермат Ёрматов:

– Кўча-кўйда бош кўтаролмай қолдим. Қаерга борсам, худди ҳаммасига мен айбдордек таъналар эшитаман: «Нимага кўрсатувлар чиқмаяпти? Нега болалар қўшиғи йўқ?»

Болалар қўшиғининг мавқеи, афсуски, тушиб борапти. Бунинг сабаби енгил-елпи муסיқа ривожланиб кетди. «Булбулча» сингари катта жамоаларни бирор ҳомий кўтариши қийин масала, бу давлат миқёсида ҳал бўлиши керак. Мисол. Туркия сафаридан кейин Франция, Хитой, Германиядан нуфузли танлов ва фестивалларда қатнашиши учун таклифномалар олдик. Аммо қўлимиз қисқалик қилиб боролмадик... Халқаро миқёсда кўринмай қолган жамоани ким ҳам эсларди?..

Биз ҳар томонлама ютқизаямиз... Ашула дарсликлари ўртамиёна савияда, мактабларда чолгулар йўқ, бори ҳам йиллаб созланмаган. Ўқитувчининг қўлида на бирор қўлланма, на аудиотасма, на компакт-диск, на магнитофон бор. Туманларда «хўжакўрсин»га бир-икки намунали мактаб очиб қўйишган. Текширувчи келса, шу «кўрғазма»ни кўриб, ҳаммаси яхши экан деб кетаверади. Аслида эса аҳвол чатоқ...

«Булбулча» ватан, табиат, ота-она, дўстлик, тинчлик, меҳнат, яхшилик ҳақида профессионалларча куйлади. Эскирмайдиган мавзуларда битилган қўшиқларни магнит тасмасига муҳрлади. Аммо афсуски, йиллаб чекилган заҳматлар самараси бўлган юзлаб айтимлар бугун фонотекада унсиз ётибди.

– 11 миллион бола телевидение-радиода нимани кўриб, нимани эшитяпти, нимани ўрганияпти? Аслида, телерадиоканалларимиз масъулларидан дозим эмасми, Шермат ака, «Ўзбекистон» каналида «Биргаликда куйлаймиз»ни тиклаб, юрт, халқ, миллий қадриятлар ҳақидаги қўшиқларингизни ўргатиб боринг, «Ёшлар» каналида Ўсмирлар хорининг қўшиқларини, «Спорт» каналида мавзуга доир қўшиқларингизни узатайлик, дейиш? Оқибатини эса кўриб турибмиз. «Булбулча»га қатнашаман деб келган болага, қани ўғлим, бирорта қўшиқ биласанми, десангиз, бепарда сўзлар, беҳаё қилиқлар билан «рэп» айта бошлайди. У-ку бола, ота-онаси ҳам хурсанд, «қўшиқ»қа «сел бўлиб», чапак чалиб ўтирибди! Ичимдан зил кетаман, ахир, бунинг охири нима бўлади?! Болалар айтадиган қўшиқлар ҳам ишрат мавзусига ўтиб кетди-ку! Қани болаларга аталган мусиқий кўрсатувлар? Сериаллар тиқилиб кетган, битта клип, агар пули тўланса, ўн марта бўлса ҳам айланаверади. Бир қўшиқни кунига ўн мартадан эшитган бола хоҳласа-хоҳламаса ёдлайди-да!

Бир қўшиқни ўрганиб, магнит тасмасига ёзиб, видеотасмага тушириб экранга чиқазиш учун «Булбулча» ойлаб тайёрланар эди. Тайёр «махсулот» бир неча босқичда бадий кенгаш деган «тегирмон»дан ўтиши шарт эди. Қўшиқнинг матни ҳам, оҳанги ҳам синчковлик билан таҳлил этилар, овозга кўчганида эса тағин элакдан ўтказиларди. «Фалон сўзнинг талаффузига эътибор қилинг, бу жуда муҳим болалар нотўғри тушунмасин». Эфирга юқори масъулият билан қараларди.

Аваз Мансуров,

болалар композитори:

– Эфир қониқарсиз эканига яраша, болалар қўшиғи саҳнада сақланиб турибди, дейдиган бўлсак, Ўзбекистондаги энг катта «Халқлар дўстлиги» саройи ҳам 4000 томошабинни баҳраманд эта олади, холос. Аҳоли сони 26 миллиондан ошган юрт маданияти учун бу – хамир учидан патир. Қолаверса, диёримизнинг кўп миллионли аҳолиси муҳаббатини қозониб, унинг сарҳадларида ҳам санъатимизни кўз-кўз қила оладиган жамоаларимиз бор.

Очиқ айтиш керак, илгари телевидение ва радиода болаларга аталган мусиқий эфир жуда яхши йўлга қўйилган эди. Ҳозир болалар мусиқаси ҳафтада бир чиқадими-йўқми, у ҳам бўлса

ҳаваскорлик даражасида. Энг алам қиладиган томони, болаларнинг ҳам тижоратга аралаштириши – минг афсуски, ҳатто болалар ҳам «йўлини қилиб» эфирга чиқариляпти. Бунга масъул одамлар, кўп ҳолларда муҳаррирлар, ўзлари билиб-билмай маънавий-маърифий тарбияга путур етказяптилар.

«Булбулча» республика миқёсида профессионал санъатни тарғиб қилиш учун тўла ҳақли жамоа. Бунга шароит яратиш керак, зеро «Булбулча» фаолиятида болалар қўшиқчилигининг тарихи мужассам. Бу жамоа болалар қўшиқчилигининг бугуни, эртаси учун ҳам мустаҳкам пойдевор ясаган. Буни ҳеч ким инкор қилолмайди. Шундай экан, наҳотки биттагина «Булбулча» яйраб куйлаши учун Ўзбекистондаги боғу роғларнинг эшикларини очиб қўёлмасак?

Сожида Алимова:

– Болаларга ўз тенгдошлари эфир орқали айтган фикри кўпроқ сингийди. «Қуш тилини қуш билади» деган гап бор-ку. Болалар тилидан ёзилган болалар қўшиғи экран қаршисидаги миллионлаб болаларни ҳалолликка, эзгуликка ўргатади.

Меҳрибонлик уйлари, боғчалар, лагерларга бориб концертлар берамиз. Буни шарафли вазифа деб биламиз. Аммо учта жойга борсак, ўнтаси қолиб кетяпти. Телерадиокомпания қошида бўлиш эса имкониятларимизни бир неча баравар кенгайтирарди. Концертларимиздан кейин мухлис болалар, устозлар, ота-оналар сўраб қолишади: «Яна қаерда сизларни эшитсак бўлади, ёзувларингиз борми?» Илгари, газетадан телекўрсатувлар тартибини кузатиб боринг, «Қўшигим, жон қўшигим», «Биргаликда куйлаймиз» дастурларида чиқамиз, дердик. Хозир эса...

Телевидение ва радио қошида бўлиш ижодий маҳсулдорлик учун ҳам катта омил эди. Фикрим болаларга етсин деб шоиру бастакорлар қўшиқларини олиб келарди, ижодкор кўпаярди...

«Булбулча»нинг телерадиодаги фаолияти чекланиши унинг таркибига ҳам таъсир қилди. 700 кишилик жамоадан 250–300 нафар бола қолди. На маънавий, на моддий рағбат йўқлиги боис бастакорлар ҳам ёзмай қўйишди. Яқин 5–6 йил мобайнида болалар учун бирор қўшиқ тўплами нашр этилгани йўқ. Охир-оқибат, болалар қўшиқчилиги муаммо даражасига етиб келди.

Аваз Мансуров:

– Болалар қўшиқчилигининг истиқболи учун ижодкорлар ҳам, мутасаддилар ҳам масъул. Хозирги кунда нимага айнан болалар учун профессионал етук асарлар иккинчи планга чиқиб қолди?

Чунки катталарни ўз комига тортган шоу-бизнес талвасаси, хоҳлаймизми-йўқми, болалар муסיқасига ҳам «юқяпти». Буни юртга келган «тўй» деб баҳолаш мумкин. Саёз аранжировкалар ёки четдан кириб келаётган қайсидир ижро йўналиши «шарофат»и билан бир-биридан деярли фарқ қилмайдиган қўшиқларга кўмилиб қолдик. Афсуски, бу савияга ижрочилар ҳам, мухлислар ҳам мослашиб боряпти.

Ижодкорнинг, ёшидан қатъи назар, юракдан айта оладиган гапи бўлиши керак. Тарихга назар солсак, халқнинг дилию тилидаги гапни санъатига кўчириб изланган санъаткорлар узоқ вақт аренадан кетмаган. Халқнинг кўз ўнгиди бўлиб туриш ижодкор учун катта гап. Хар қалай, қўшиқни эшитиб кўриб: «Қойил, қўшиқ сўзию оҳанги билан ижрочининг ёшига, қиёфасига ярашибди, замонавий аранжировкадами, оркестр жўрлигидами, патнис чертиб айтганми, яраштириб айтибди», дейдиган мухлислар бор. Болалар муסיқасини ҳам нозик фаҳмлайдиган дидли тингловчи, шукрки, топилади. Кўпроқ таълим-тарбия билан боғлиқ бўлгани боис бу жанрда яратилаётган, ижро этилаётган асарлар шу талаб-эҳтиёжларга жавоб бериши керак...

Сўнгги йилларда болалар учун қўшиқ ёзадиган композитор анқонинг уруғи бўлиб колди. С. Юдаков, Ф. Қодиров, Ф. Назаров, Н. Норхўжаев, Ф. Алимов, Р. Абдуллаев, Д. Омонуллаева, А. Мансуров каби атоқли ижодкорларнинг силсиласи М. Отажоновга келиб тўхтаб колди. Охирги ўн йил ичида янги болалар композитори кашф этилмади. Ўзбекистон давлат консерваториясида композиторлик бўлими бор, аммо аксарият талабалар асосан йирик жанрлар – сюита, оратория, кантаталар ёзиб ўқишни битирияпти. Холбуки, Н. Норхўжаев, А. Мансуров, Д. Омонуллаевалар ҳам талаба вақтидаёқ ном чиқариб, айнан болалар учун ёзган қўшиқлари орқали халққа танилган эдилар.

– Ижод денгизинг бир тўлқинига ўхшаган нарса. Тўлқин шиддат билан қиргоққа урилиб, шовиллаб қайтиб кетганидай, муסיқий жанрлар ва ижодкорларда ҳам тўлқинланиш палласи бор. Кейинги йилларда болалар ижодкорлиги соҳасида «қайтиш» бўлиб турибди. Ҳозирги кунда Бастакорлар уюшмаси билан ҳамжиҳатликда янги авлод болалар композиторларини тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратялмиз. Бу борада Надим Норхўжаев билан биргалликда Ўзбекистон давлат консерваториясининг Бастакорлик ва чолгулаштириш кафедрасида иш олиб борялмиз. Ўйлайманки, яқин йилларда янги авлод композиторлари XXI асрнинг ёш тингловчилари талабида ижод қилади. Ишончим комилки, янги тўлқин ижодкорга ҳам, ижодиётга ҳам, тингловчига ҳам таъсир қилади, болалар муסיқасида янги йўсинлар пайдо бўлиб, муайян композиторлар янги йўналишлар асосчиси сифатида тарих саҳифаларига киради...

«Булбулча» – ўзбек мусиқа маданияти тарихидаги «тирик афсона». Шоира Жабборова, Фатхулла Расулмухамедов, Наргиза Мирзаева, Саодат Рустамова, Бурхон Бўриев, Шухрат Ҳакимов, Мўсин Низомов, Файзулла Қўлдошев, Дилфуза Юсупова, Феруза Алимова, Мухтарам ва Дилнавоз Аминжоновалар, Фотима-Зухра Зиёмухамедовалар, Дилшод Мансуров, Мухтор Маҳмадалиев... Бу фахрий «булбулча»ларни асил мухлислар унутгани йўқ. Улар хор жўрлигида ижро этган «Болалигим – гулбаҳор», «Қўғирчоғим», «Ой ватаним, бой ватаним», «Қуёшжон», «Сумалак», «Кулча нон», «Даканг хўроз», «Типратикон» каби қўшиқлар юртимизнинг чекка қишлоқларида ҳамон севиб хиргойи қилинади. «Булбулча» мактабини ўтаган санъатсеварлар бугун Ўзбекистоннинг маданий ҳаётида муносиб ўринга эга. Улар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари, етакчи устоз ва мураббийлар, фан номзодлари ҳам бор. Илҳом Фармонов, Севара Назархон, Дилфуза Раҳимова, Анвар Санаев, Исроил Саидумаров, «Шахзод» гуруҳининг созандаси, бастакор Шухрат Зокиров, «Сарбон» гуруҳидан Фарход Саидов ва Қахрамон Бўтаев каби таниқли ижодкорлар айни шу бағрикенг жамоада вояга етган.

Шермат Ёрматов:

– Наргиза Мирзаева «Камалак», Саодат Рустамова «Севинч», Фотима-Зухра Зиёмухамедовалар «Тантана» деган бири-бирдан чиройли ансамбллар очишган. Доим келиб маслаҳат олиб туришади. Нуқул уқтираман: «Жон болаларим, миллий санъатимизни йўқотманглар, талаффузни бузманглар, болаларни саҳнада ортиқча ҳаракатлардан, беҳаёликдан асранглар. Миллат – миллат бўлиши керак-ку ахир! Эстрада экан деб ярим яланғоч чиқазманг, саҳна маданиятини унутманг...

Консерваториянинг 30–40 фоизи, Санъат институтининг 15–20 фоизини «Булбулча»нинг «ветеран»лари ташкил этади. Уч ёшдан келган болаларни тўрт йил тарбиялайман-да, ота-онасига боланинг алоҳида қобилияти борлигини тушунтириб, Успенский номидаги республика махсус мусиқа мактабига жойлайман. 4-синфдан келган бўлса, дарров Глиэр номидаги республика мусиқа академик лицейига жўнатаман. Талабгорнинг ёши жуда «ўтиб қолган» бўлса, Эстрада-цирк коллежи ёки мусиқа билим юртига олиб бораман. Болаларнинг келажаги бўлсин, дейман-да. Ахир ишимизни давом эттирадиган шулар-ку! Қарийб қирқ йил ичида минг-минглаб бола қўлимдан учирма бўлди, аммо ҳали ҳеч қайсиси мени қайси йўлга етакладингиз, деб нолиб келгани йўқ. «Булбулча»да улғайган боладан ўғри ёки безори чиқибди, деган гапни ҳам эшитганим йўқ. Бу ҳам бахт-ку. Ҳаммамиз ҳам ўткинчимиз, аммо тарбия давом этаверади. Келажакка замин ҳозирлаб бораверсак, ҳар ҳолда дунёдан хотиржам кўз юмамиз-да...

2007



ЖЕНГИСБЕК ПИЯЗОВ Басга «бис!»

Женгисбек Пиязов – опера хонандаси,
Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси,
Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта
театри стажёри.

1988 йили Нукусда туғилган.

2007 – Ёш опера ижрочилари республика танлови
ғолиби.

2007 – «Ниҳол» мукофоти соҳиби.

2008 – «Казахская романсиада» ёш ижрочилар
халқаро танлови (Қозоғистон) совриндори.

2009 – «Романсиада» ёш ижрочилар халқаро
танловининг (Россия) олтин медали соҳиби.

2008, 2009, 2010 – «Тасанно» сертификати соҳиби.

*Бугун опера ундоқ эмас, деган фикр хато.
У худди бурунгидек, мана шуниси чатоқ.*

Ноуэл Ковард

Санъаткорлар оиласида туғилганман. Бобом Ўзбекистон халқ артисти Зийнел Пиязов Бердақ номидаги қорақалпоқ мусикали драма театрида кўп йиллар ишлаган. Отам Нукусдаги 1-сонли болалар мусика мактабида дутор билан дўмбирадан дарс беради. Онам, опаларим ҳам дутор чертиб қўшиқ куйлашади. Хуллас, тайёр оилавий ансамблмиз-да!

Болалигимда композитор бўлишни орзу қилардим. Ўзимча Ватан, Она хақида қўшиқлар ҳам ёзганман... Мактабни битириб, Нукусдаги Жапақ бахши Шомуротов номидаги маданият ва санъат коллежининг *театр* бўлимига ўқишга кирдим – бобомнинг изидан бораё дедим-да. Коллежда вокал ҳам ўқитилар экан; шунга қизиқиб кетиб, II курсдан тахсилни *опера вокали* ихтисослиги бўйича давом эттирдим. Устозлар ҳам қароримни маъқуллашди. Сеникидақа овоз мингтадан биттага берилади, Женгисбек, қобилиятингни увол қилма, дейишди. Бу гаплардан илҳомланиб кетиб, овозим устида астойдил ишлай бошладим. Танловингиз тўғри бўлса, йўл-йўриқ кўрсатадиган устозларингиз бўлса, ва, албатта, меҳнатдан қочмасангиз, дарров ҳосилга ҳам кираркансиз: 2007 йили ўтказилган Республика опера ижрочилари танловида биринчи ўринни олдим. Қарабсизки, консерваторияга имтиҳонларсиз қабул қилиндим. Ўша йили «Нихол» мукофотининг ҳам совриндори бўлдим.

Коллеждаги устозим Абат Қалиев қаттиққўл эди. Бошқаларни билмадим-у, аммо менинг феъл-атворимга шуниси тузук. Арияларни ёдлашим учун (яна италян тилида!) синфда соатлаб қулфлоглик қолдирилган вақтларим ҳам бўлган. Ўзим тўрт-беш дақиқалик арияни ойлаб ўрганасиз-да!.. Консерваторияда профессор Софья Анатольевна Цой синфида тахсил ола бошладим. У киши – коллеждаги устозимнинг устози. Шунинг учун бўлса керак, ўқитиш услуби ҳам бир хил. Ўта талабчан. Мабодо дарсга тайёрланмай келсангиз, нотангиз нақ улоқтирилади-да! Индамай чиқиб кетишдан бошқа иложингиз қолмайди (ҳозир ҳам нотани ёдламай борганим учун «бадарға» этилдим, шунинг учун интервьюга эртaroқ келиб қолдим). Аммо тўғриси айтсам, устозлардан омадим чошган. Навоий театрида десангиз, Қорақалпоғистон халқ артисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Кенгесбай Сержановнинг этагини маҳкам тутганман.

II курсда ўқиётганимда Перголезининг «Оқсоч ва Бека» операсини бошдан-оёқ ёдлаганман. 130 бетлик нота, итальян тилида! Тўрт ой кетган... Умуман, рус, француз, немис тилларида ҳам ижро этаман. Репертуарим анча бойиб қолди. Ҳа, Вердидан ҳам айта бошладим – «Дон Карлос»дан Филипп арияси. «Севилья сартароши» операсидан (Россини) Дон Базилио ариясини ҳам ўрганишман. Қийин асар. Узлуксизми?.. Бир ярим – икки соатча тинмай куйлай оламан. Лекин бу репертуарга ҳам боғлиқ. Асарларнинг авжи баланд, оҳанг йўли мураккаб бўлса, кучингизни олиб қўяди...

Овозни қиздиришга вақт сарфлаб ўтирмайман, юрган йўлимда ҳам машқ қилиб кетавераман. Айтимни бошлаганимдан кейин овоз ўз-ўзидан «юриб кетади».

Қорақалпоқ опера ижрочилиги борасида мақтансам бўлади. Қаранг, фольклоримиз ҳам асли ке-енг нафас билан айтилади. Дашт худудининг, кенгликнинг таъсири бўлса керак-да!.. Паст овоз кимга ҳам эшитиларди бу ерларда... Консерваториядаги устозлар Қорақалпоғистондан доим кучли овозлар келади, ижодий баллини юқори қўйиб, олиб қолишга ҳаракат қиламиз, дейишади. Лекин талантларнинг кўпчилиги тестдан йиқилиб қайтиб кетади...

Биласизми, ўзи... операнинг нони шўр. Нафақат опера, балки санъатнинг классик тури борки, ортидан нон ейиш осонмас. Бунинг устига, топган нонингизни ҳам вақтида еёлмайсиз – ё концерт, ё репетицияларга чопиш керак. Гоҳида нонуштаю тушлигим битта бўлиб кетади. Бу, албатта, ёмон, айниқса, вокалист учун, лекин на илож! Консерваториядан чиқиб Навоий театрига югураман, орада яна танловлар, концертлар... Артистнинг ҳаёти бир маромда кечмайди. Лекин... бошқача ҳаёт тарзига ўзи кўнмайдиам-да!..

Яна 50 йилдан кейинми... Ўх-хў-ў!.. Бу ҳақда ўйлаб қўрмаганман. Устозлик қилсам керак. Ҳар ҳолда, санъат ичида, санъат учун яшаётган бўламан. Тўғри, ХХI аср одамларини хайратга солиш осон эмас, айниқса, опера билан. Ҳозир йигирма бир ёшдаман. Балки қирк ёшимда Европа сахналарида дутор ёки дўмбира чертиб, ўзбекчаю қорақалпоқча романслар айтарман, ким билсин!..

Кумирларим... Фёдор Шаляпин, Борис Христов, Георгий Лондон, Чезаре Сьепи, Александр Ведерников, Леонид Болдин... Муслим Магомаевнинг ижодини алоҳида эъзозлайман – ўзига хос ижро йўли

бор. Озар операларини ҳам, Европа классикасини ҳам зўр айтиб қўйган. Санъаткор асли шундай кенг амплуали бўлиши керак. Хуллас, опера усталарини кўп тинглайман, улардан ўрганаман, керакли жойларини «оқтириб оламан».

Агар имконият берилсами... Дунё опера юлдузларидан Дмитрий Хворостовский ва Пласидо Доминго билан дуэт айтган бўлардим. Яхши ният-да, опа... Бугунгача таниқли опера хонандаларидан Навоий театри солисти, Ўзбекистон халқ артисти Аваз Ражабов, СССР халқ артистлари, Давлат мукофоти совриндорлари Александр Ведерников ва Леонид Болдинлар билан катта сахналарда ҳамнафас қуйладик.

Танловлар, концертлардан кейин: «Бу йигитнинг овози олмос, буни эҳтиёт қилиш керак», деган гапларни айтишади. Буни эшитиб, ўзимни ҳам ваҳм босади, тўғриси. Яқинда Москвада ўтказилган «Романсиада» ёш ижрочилар халқаро танловида биринчи ўринни олдим – олтин медаль тақиб қўйишди. Энг кизиғи, якунловчи концертдан сўнг одамлар ёнимга келиб: «Ёш ва хипча бўлатуриб, шундоқ кучли овозингиз борми?» деб, хатто текшириб ҳам кўришди, денг (овозим – бас, икки – икки ярим октава диапазонни оламан). Товуш ростдан меникилигига, жонли ижро этганимга ишонмаганлар ҳам бўпти-да...

Аудитория савияси десангиз... Хм... Ҳали кўп сафар қилганим йўғ-у, аммо кўрган-билганларимдан операга ишқибозликда испаниялик ва россияликларнинг олдига тушадигани бўлмаса керак, деб ўйладим. Мана, яқинда ўтган Москванинг Колонналар залидаги гала-концертни олинг. Сахнага чикмаёқ зиёли томошабиннинг аурасини сезиб турасиз-да! Ижро тугагунча қарсақлар тинмади – «бис»га қайта-қайта айттиришди.

Малайзияга фестивалга бордик, «Ўзбегим ёшлари» билан (ансамбль раҳбари – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Лутфия Рўзибоева). Икки ҳафтача юрдик. Овозим мутасаддиларга манзур бўлиб, Қироллик мусиқачилари ансамблида хонанда сифатида фаолият юритиш учун шартнома таклиф қилишди. Рози бўлмадим. Нега десангиз, аввало, ҳавоси ёқмади. Кейин у ерда биз ўрганадиган опера йўқ, фақат бир қолипда, қиролга хуш келадиган йўналишда айтасиз, холос. Москвадан, бошқа жойлардан ҳам таклифлар бўляпти, лекин учганим йўқ – аввал ўқишимни битириб олай.

Опера бирламчими, театрни... М-м-м... Қизиқ савол. Менимча, опера театрида биринчи навбатда овоз ва мусиқа, кейин эса артистизм туради. Аввало опера, кейин театр. Менинг жавобим шу. Операнинг муваффақияти аввало дирижёрга боғлиқ. Режиссёрнинг роли эса иккиламчи. Умуман, ҳар қайси санъатнинг ўз жозибаси бор... Телевидение, радио, газета-журнал, Интернетга қаранг, ҳаммасида классикага эътибор кучайган. Ҳаттоки, ўзбекона тўй-тантаналарга ҳам камер оркестрлар, вокалистларни таклиф қилиш урф бўляпти. Демакки, Ўзбекистонда классик санъат мухлисларининг аудиторияси кенгайиб борапти. Браво!

Ҳаётимдаги аёллар... Аввало онам... Кейин эса... Бир кун келиб мен ҳам оила қураман. Умр йўлдошим санъаткор шахснинг бор инжиқликларини кўтариб яшашга тайёр инсон бўлишини орзу қиламан. Масалан, операда муҳаббат сахналарини ижро этишга тўғри келади. Бунга ҳам чидаши керак-да! Яна, феълим ҳам ҳазил эмас... Саҳройи бўлганим учунми, сал тўрсроқман (тағин ҳам, Тошкентда яшаб мулозаматга анча ўргандим). Балки исмиمنىнг ҳам табиатимга таъсири бордир; *Женгис* – қорақалпоқчасига «енгиш», «ғалаба қозониш» дегани.

Серенадалар... айтганман. Фақат дераза тагида эмас, уяли телефонда, Нукус билан боғланган пайтларим... «О нет, молю, не уходи!..» деган сатрлар билан... Биласизми, ҳаётдаги реал ҳиссиётлар санъатда ҳам ёрдам беради; сахнада изтиробли романслар ижро этадиган пайтим, ўзимда кечган ҳолатларни кўз олдимга келтираман. Мана сизга табиийлик!.. Севгига эса ишонаман. Муҳаббатимни қозонган кизни бахтиёр қила олишимга ҳам...

2010




УЛУҒБЕК ҚОДИРОВ: «Ҳаётда актёрлик қилолмайман»

Аслида, «санъаткор», «ёрқин юлдуз» каби баландпарвоз сифатларга тоқатим йўқ. Аммо унинг актёрлик маҳоратини тан олганимни яширмайман. Очиғи, суҳбатга киришаётиб, ундан жимжимадор фалсафа, ҳиссиётга тўла олифта фикрлар кутмагандим. Ўйлаганимдек бўлди: бу йигитнинг харизмаси самимияти ва чапанилигида эди.

Улуғбек Қодиров. Илк бор Мурод Ражабовнинг «Академия» сериалида суратга тушган, сўнгра «Сарвиноз» картинасидаги Одил образи билан эътибор қозонган. Бугун мухлислар уни «Ўйин», «Паноҳ», «Жазо», «Телба», «Шабнам», «Севгинатор», «Ошиқлар» каби фильмлар орқали яхши билади, яхши кўради.

Хуллас, замонавий ўзбек киносининг росмана юлдузи Улуғбек Қодиров билан дангал суҳбатимиз ҳукмингизга ҳавола.



Улугбек Кодиров, таникли ёш актёр. 1983 йили Тошкентда туғилган. 1998–99 йиллари Тошкентдаги харбий билим юртида, 2000–2004 йиллари Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида тахсил олган.

– **Улугбек, ўзингизда актёрни кашф этганингиздан бери ҳаётингизда нимадир ўзгардими?**

– Ўзгарди. Кўп нарса ўзгарди... Дўст-биродарлар кўпайди, эътибор орти. Ўзим ўзгардим, ички дунём ўзгарди.

– **Қачондан ўзингизни актёр деб ҳис қила бошладингиз?**

– Беш йилча бўлиб қолди. Мурод Ражабовнинг фильмида суратга тушганимдан кейин бўлса керак. Ўшанда ҳали талаба эдим. Мурод аканинг танбехлари («Сан бола нима қилаётганингни тушуняпсанми, ўзи? Кинода ўйнаяпсан, билдингми!») билан кимлигимни, нима қилаётганимни сеза бошлаганман. Лекин ҳозир ҳам ўзимни жуда бир актё-ё-ёр деб ўйламайман.

– **Ўзига ўзи тоқат қилолмаганларнинг кўпчилиги актёр бўлади», деганди Бетт Дэвис. Бу ҳақда нима дейсиз?**

– Тўғри айтган экан... Ўзимни ёмон кўриб кетадиган пайтларим кўп бўлади. Ҳалиги... ўзига сиғмай кетади-ю одам, бақиргиси келади. Ўшанақа пайтлар аламимни ё футболдан оламан, ё спортзалга бориб хумордан чиқаман. Лўндасини айтганда, ўзига тоқат қилолмаганлар ўзини минг кўйга салади ва бу билан актёрлик маҳоратини намоён қилаётганини билмай ҳам қолади...

– **Агар киношунослар сизни истеъдодини ўсмирларбоп фильмларга созуришда, жиддий фильмларда кам ўйнашда айблашса, бўйингизга оласизми?**

– Йўқ. Бўйнимга олмайман. Негаки, ҳозир мен ўз ёшимдаги қахрамонларни ўйнаяпман ва улар орқали кези келганда катталарга ҳам ўрнатилган бўладиган образларни яратишга ҳаракат қиляпман.

– **«Ўзига бино кўйиш – ҳаётда фойдали хислат, актёр учун эса мутлақо зарур», деганди Роберт Морли. Сиз томошабинда ўзига ишонган, ҳатто ўзига бино кўйган эркак тасаввурини уйғотасиз. Режиссёрлар ҳам сизнинг «қийин актёр» эканингизни очиқ эътироф этишяпти. Талантларнинг инжиқликларини кўтариш керак, деган фикрдамисиз?**

– Аксинча, мени мухлислар халқчил образларни талқин этадиган актёр деб қабул қилишади, деган фикрдаман. Мен сиз айтгандай ўзига бино кўйишдан кўра қахрамонларимнинг ички туйғуларини томошабинга етказишга ҳаракат қиламан. «Қийин актёр»лик масаласига келсак, ҳар қандай ижодкорнинг ўзига яраша талаблари бўлади. Бунини эса атрофдагилар инжиқлик деб қабул қилади. Кўзингизга қараб туриб айтишим мумкинки, ҳар қанақа ҳолатда ҳам ўзимга топширилган вазифани сидқидилдан бажараман.

– **Режиссёр сиз учун ким? Уларнинг фикрига доим қўшиласизми?**

– Қўшиламан, бўлмаса иш кетмайди. Сабаби, режиссёр фикрлаётган нарса бошқа бўлади, актёр зоти эса ўзидан қўшгиси ва ўзига қулайини ўйнагиси келади. Режиссёр ўша хохишни синдира билиши керак, чунки тайёр махсулотни у кўра билади, актёр эмас. Бундай-да: сценарийни ўқиганда бошқа нарсани тасаввур қиласиз, суратга тушаётганингизда бошқача нарса чиқади, фильм тайёр бўлгач эса бошқа натижани кўрасиз. Кино ишлаш ўзи шунака жараён. Билиб бўлмайди. Ҳаммаси режиссёрнинг қўлида.

– **Натижаси ёқмаган фильм ҳам бўлганми ижодий тарихингизда?**

– Бўлган. «Шабнам»нинг хотимаси кутганимдек чиқмади.

– **Кино бу – экран ва тўлдириш керак бўлган ўриндиқлар, деган гапга нима дейсиз?**

– Менинг назаримда кино бу – ҳаётни акс эттирувчи катта экран. Томошабин экранда кўрган воқеаларни ўз тақдири билан солиштиради, кинодан нимадир олади, нимадир ўрганади.

– **Роль танлашда қандайдир мезонларга риоя қиласизми?**

– Албатта. Авваламбор, сценарий менга маъкул келиши керак. Ўйнайдиган қахрамонининг нафақат ташқи кўриниши, балки ички кечинмалари ҳам кучли бўлиши лозим.

– **«Ўта ҳиссиётлилик ўртамиёна актёрларни яратади; ўртача ҳиссиётлилик бир талай ёмон актёрларни беради ва фақат унинг йўқлиги буюк актёрларни беради», ёзганди Дени Дидро. Роль ижросида ҳиссиётларга кўпам берилмайсиз. Бу – табиатингизданми?**

– Дидронинг бу гапини биринчи эшитишим. Лекин... билмадим. Менимча, ҳеч бир актёр ҳис-туйғусиз қахрамонлари қиёфасига киролмаса керак. Ўзимга келсак, ҳиссиётларни очиқ кўрсатавермаслигим табиатимдандир балки. Агар мен фильмда севсам, туйғуларимни хатти-ҳаракатларим билан кўрсатгим келади, оҳ-воҳ билан эмас. Ҳаётда ҳам «Мен сени севаман!» деб ҳеч қачон айтолмасам керак.

– **Ҳаётда сизга роль ўйнаяпсан деб таъна қилишганми?**

– Таънамас-у... артистлик қиялпсан-а, деганга ўхшаш гапларни эшитиб тураман. Баъзида бу одамга оғир ботади. Чунки ҳаётда актёрлик қилолмайман. Мутлақо.

– **Сиз қахрамонларингиз феъл-атвори, хатти-ҳаракатлари сабабларини очишга интиладиган актёрсиз. Яъни, салбийми, ижобийми, ҳар қайси образингизни тушунишга, оқлашга уринасиз, шундайми? Қайси образнинг «ичига кириш» қийинроқ бўлган?**

– Шундай. «Севгинатор» фильмидаги Акмал образига киришим қийинроқ бўлган. Чунки бу аввалги қахрамонларимдан бошқачароқ, тўғрироғи, табиатимга зид образ эди. Лекин... аввал унинг ташқи қиёфасини топиб олиб, кейин ички оламига киришга ҳаракат қилдим.

– Ҳаётда худди шу қаҳрамонингизга ўхшаган одамни учратсангиз, унга нима деган бўлардингиз?

– Агар ҳаётда Акмални учратсам, ҳеч нима демасдим-у, лекин қўлига юшоқ нон берардим. Чунки ҳар дублда тешиқкулча еявериб бўларим бўлган (*кулади*).

– Ҳамма фильмларда қаҳрамонларингизга ўзингиз овоз берасиз. Бошқача бўлиши мумкинми?

– Ҳар қалай, ўзимга ўзим овоз беришга ҳаракат қиламан. Акс ҳолда ўйнаган ролимни томошабин қабул қилолмайди, деб ўйлайман. Кези келганда, манаман деган дубляж устаси ҳам ҳолатни актёрчалик етказиб беролмаслиги мумкин-да.

– Бирор фильмни суратга олиниш асносида ташлаб кетганмисиз?

– Бўлган. Айрим сабабларга кўра. Аммо кино гуруҳи бундан зарар кўрмаган.

– «Эй Худо, менга яхши актёрлардан ато эт, арзонидан ато эт!» деганди инглиз театр арбоби Лилиан Бейлис. Улуғбек Қодировнинг баҳоси қандай?

– Ўзига яраша. Келишса бўлади (*кулади*). Жиддий айтадиган бўлсам, шундай ҳолатлар бўладики, актёрни пул мутлақо қизиктирмай қўяди. Сценарий зўр бўлса, режиссура зўр бўлса, гонорарнинг қиймати у қадар аҳамиятли эмас.

– Катта авлод санъаткорлари талқинидаги қайси образлар сизга яқин? Қайси киноасар ёки сахна асарини мукамал деб биласиз?

– Устоз санъаткор Ёдгор Саъдиев талқинидаги образлар менга яқин. «Сен етим эмассан» картинасини мукамал деб биламан. Режиссёр Валижон Умаров сахналашгирган «Аёлғу»ни ҳар гал хузур билан томоша қиламан.

– Жерар Депардьени Франция рамзи дейишади. Сизнингча, Ўзбекистон рамзи бўла оладиган актёр борми?

– Бор. Маҳорати билан французларни ҳам йўлда қолдириб кетадиган ўзбек актёрлари кўп. Аммо уларнинг санъатига номма-ном баҳо бериш – менга эмас.

– Театр сахнасида ҳам роль ўйнаганмисиз? Вақти келиб актёр сифатидаги амплуангиз ўзгариши мумкинми? Ўзингизни академик образларда, дейлик, Мирзо Улуғбек қиёфасида тасаввур қила оласизми?

– Отахон театримиз – Миллий академик драма театрида қисқа муддат ишлаганман. «Адибнинг умри» спектаклида Ойбекнинг шогирди Ботир образини ўйнаганман. Актёр сифатидаги амплуам... Буни вақт кўрсатади. Академик образларда ўзимни ҳозирча тасаввур қилолмаяпман. Лекин кейинчалик файласуфга айлансам, зора...

– Театрда қолмадингизми?

– ...Лекин бир куни театрға қайтиш ниятим бор. Театр – катта мактаб, ижодкорни чарқлайди.

– Тенг-тенги билан. Истеъдод ва ҳоказо жиҳатлардан кимни ўзингизга ёки ўзингизни кимга тенг биласиз?

– Қизик саволлар беряпсиз-да... Ўзимга тенг деб... бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эканман.

– «Маҳаллий стигматик» фильми бош қаҳрамони – актёр (Аль Пачино талқинида): «Шон-шухрат – орсизлик томон илк қадамдир», дейди... Шон-шухрат, пул учун ўз «мен»ингиздан кеча олармидингиз?

– Ҳеч қачон.

– Актёрларнинг юзида уларнинг ўйналмаган ролларини ўқиш мумкин. Менга шундай туюлади...

– ...Агар актёр ўша роль дарди билан яшаса. Гамлетга етишолмаган актёр унинг армони билан яшайди. Қаҳрамони ҳақида «хаммасини билгани», у ҳақда жуда кўп орзу қилгани учун охири Гамлетга ўхшаб ҳам қолади.

– Ўзбек оиласининг тарбия тутумлари ҳақида нима дейсиз? Ўзингизни оилабоши сифатида қандай тасаввур қиласиз?

– Асл ўзбек оиласидаги қонун-қоидалар, айниқса, таълим-тарбия масалалари ҳар томонлама мукамал деб биламан. Ўзимни оила бошлиғи сифатида тасаввур қилиб кўрсам... Энди... кўп жиҳати замонга ҳам боғлиқ-да. Менинг болалигим бошқа даврда кечган, келгуси авлодниги яна ҳам бошқачароқ кечиши мумкин. Орада йигирма беш-ўттиз йиллик масофа бор... Умуман олганда эса, тарбияда анъана ва замонавийликнинг ўртасини қўлласам керак. Менимча, жуда меҳрибон ота бўламан...

– Ҳозир неча ёшдасиз?

– Йигирма олтида.

– Шу паллада энди етукман, туртиниб-суртинмай, хато қилмай яшай оламан деб ўйлайсизми?

– Қанийди!..

– Алданганмисиз?

– Ҳа.

– Яқин кишиларингиз алдаганми?

– Алдаган... Яқин кишиларим.

– Яна алданишингиз мумкинми?

– Хохламасдим-у-у-у... Лекин кафолат йўқ.

– Яшаш қийинми сиз учун?

– Ёлғондан чарчаганимни ҳисобга олмаса... яшаса бўлади. Самимият, ишонувчанлигим туфайли панд еган пайтларим кўп бўлган-да. Лекин одамзод ҳар қанақа шароитга қўника билиши керак.

– Умрбод актёр бўлиб қоламан деб ўйлайсизми?

– Ким билади... Менга қанча умр берилган бўлса, шунча яшайман, қанча актёрлик маҳорати ва истаги берилган бўлса шунча ўйнайман...



Ирода Абдульазиз (1973),

санъатшунос олима, мунаққид, муҳаррир,
продюсер, публицист.

Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент
давлат консерваторияси (1996),
Ўзбекистон Бадиий академияси
санъатшунослик илмий-тадқиқот
институти аспирантура (2000) ва
докторантурасини (2008) тамомлаган.
Айни вақтда Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
доценти, «JannatMakon» журнали
бош муҳаррири.

Қатор халқаро симпозиум ва
конференциялар иштирокчиси, юздан
зиёд илмий, илмий-оммабоп ва бадиий-
публицистик мақолалари илмий
рисолалар, журналлар, матбуот ва
Интернет саҳифаларида эълон қилинган.
Шунингдек, FM-радионинг асл ўзбекона
андозасини бичган продюсер
(«ORIAT-Dono», 2001–2006).

«Аржуманд», «Фонус», «Рамазон фонуси»,
«Шеър суруд», «Назм жавоҳирлари»,
«Кўнгил хилвати» сингари радиодастурлар
ҳамда сахна томошалари ижодкори.
IOV (International Organization of Folk Art –
Халқ санъати халқаро ташкilotи) аъзоси,
«Олтин Қалам» мукофоти соҳибаси.

Бадий-публицистик нашр

ИРОДА АБДУЛЪАЗИЗ

АРЖУМАНД

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош тахририяти
Тошкент – 2012

Муҳаррир: Б. Эшпўлатов
Бадий муҳаррир: А. Раҳматуллаев
Техник муҳаррир: Л. Хинова
Дизайнер-саҳифаловчи: Р. Юнусов
Мусаҳҳиҳлар: Ю. Бизаатова, Н. Охунжонова




Ирода Абулмуза (1973),
«ШАРҚ» АЖДАТ ДИДАКТИКА, «УЗДОР»
ЭКОНОМИКА, П.О.И.И.И.
Мухтор Абдурашид номидagi Тошкент
ахборот технологиялари университети (1994),
«ШАРҚ» АЖДАТ ДИДАКТИКА, «УЗДОР»
ЭКОНОМИКА, П.О.И.И.И.
санъатшунослик мамлакатлик
институтининг аспирантура (2000) ва
докторантурасини (2008) тавоммаган.
Айни вақтда Мирзо Улубек номидagi
Ўзбекистон Миллий университети
доцентлик, «ШАРҚ» АЖДАТ ДИДАКТИКА,
«УЗДОР» ЭКОНОМИКА, П.О.И.И.И.
Катор хабарот ва
конференциялар иштирокчиси, келадан
экид илмий, илмий-оммабош ва бадий
публикациялар муаллими.
«ШАРҚ» АЖДАТ ДИДАКТИКА, «УЗДОР»
ЭКОНОМИКА, П.О.И.И.И.
Инварим тасаввурларимизнинг киланган,
«ШАРҚ» АЖДАТ ДИДАКТИКА, «УЗДОР»
ЭКОНОМИКА, П.О.И.И.И.
«ORIENT-DOXA», 2001-2006).

Нашр лицензияси АИ № 201, 28.08.2011 й.

Тайёр файлдан босишга рухсат этилди 28.03.2012. Бичими 70x90 ¹/₁₆.
Офсет босма. Шартли босма табоғи 19,89. Нашриёт-хисоб табоғи 20,62.
Адади 2000 нусха. Буюртма № 2029. Баҳоси келишилган нархда.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахононаси,
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

25000.



ISBN 978-9943-00-803-8



9 789943 008038